

О. Қ. АБДУРАХМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

7-14

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА
АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ВАЗИРЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, МЕҲНАТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

О. Қ. АБДУРАҲМОНОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
2010**


331
А-15

Монографияда меҳнат муҳфазаси тизимини бошқариш муаммолари комплекс тарзда ўрганилиб, унда масаланинг назарий асослари, меҳнат шароитининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, меҳнат муҳофазаси тизимини бошқариш бўйича давлат сиёсатининг корхона ва ташкилотларда амал қилиши ҳамда ушбу масала юзасидан чет эл тажрибаси очиб берилган.

Мазкур монография меҳнат муҳофазаси тизимини бошқариш муаммолари билан шуғулланувчи талабалар, илмий ходимлар ва кенг доирадаги мутахассис-кадрлар учун мўлжалланган.

РТФА академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор
Баходир Ходиевнинг умумий таҳрири остида

Такризчилар:
иқтисод фанлари докторлари, профессорлар
Ш.Н.Зайнутдинов, М.Л. Турсунхўжаев



ISBN 978-9943-09-914-2

©Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти, 2010 йил.

КИРИШ

Давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири фукароларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳисобланади. Тараккий этган кўпгина давлатларнинг тажрибаси меҳнатни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш ходимлар учун ҳам, иш берувчилар ва давлат учун ҳам манфаатли эканлигидан далолат беради. Меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этмаслик меҳнат унумдорлиги ва сифатини пасайтиради. Айниқса, ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитларида ҳўжалик юритувчи субъектларда меҳнатни муҳофаза қилиш даражаси жаҳон стандартларига мос бўлиши катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мамлакатда жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг энг устувор вазифаси сифатида **“Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармок дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмокда”**¹, деб уқтирди. Бу меҳнат муҳофазасига ҳам тааллуқли эканлиги шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг энг асосий принципи – миллий қонунчиликда қафолатлаб қўйилганидек, ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишнинг устуворлигидир. Шу билан бир қаторда меҳнатни муҳофаза қилиш фаолияти давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб борилади. Бу йўналишдаги ишларда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсияларига ҳам амал этилади.

Кейинги йилларда мамлакатда давлат органлари, иш берувчилар ҳамда қасаба уюшмалари томонидан меҳнат муҳофазаси соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар иш-

¹Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 32-33-бетлар.

лаб чиқаришда рўйхатга олинадиган бахтсиз ҳодисалар сонини камайитириш имконини бермокда.

Шу билан бир қаторда мамлакат иктисодиётининг турли тармоқларида меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасининг аҳволи бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Бунинг оқибатида республикада ишлаб чиқаришда шикастланиш, касб касалликларига чалиниш даражаси иктисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларга нисбатан бирмунча юқорилигича қолмокда.

Меҳнат муҳофазасини давлат томонидан бошқаришга янги-ча ёндашувларни излаш мамлакат иктисодиёти ва ижтимоий соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар билан изоҳланади. Босқичма-босқич изчил амалга оширилаётган иктисодий ислохотлар ҳўжалик юритувчи субъектларга катта мустақиллик берди. Шу билан бир қаторда ҳозирги пайтда меҳнат муносабатлари субъектлари сифатида давлат билан бир қаторда мулкчиликнинг ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли шаклларига тааллуқли бўлган иш берувчилар майдонга чиққанлар.

Қорхоналарга тўлиқ иктисодий мустақиллик берилган шароитларда давлат ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларида ўзига хос воситачи вазифасини бажариб, қонунлар ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар орқали томонлар манфаатларини тартибга солади, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни қафолатловчи ижтимоий сўғурта қилиш тизим ва механизмларини шакллантиради.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари барча иштирокчилари – иш берувчилар, ходимлар, қасаба уюшмалари ва давлат функцияларининг ўзгариши, тартибга солишнинг бозор механизмлари тобора кўпроқ қўлланилаётганлиги Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий сўғурта қилишни бошқариш комплекс тизимини шакллантириш тажрибасини таҳлил этиш, бу масалаларга янги-ча ёндашув йўллариини ишлаб чиқишни ҳаётий заруратга айлантирган. Бу бозор иктисодиёти шароитида мазкур соҳада давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш ижтимоий-иктисодий механизмларини ҳамда ижтимоий сўғурта тизимини шакллантириш муаммоларига доир илмий-назарий масалалар кўпгина тадқиқотчилар диққат марказидадир. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазаси муаммолари бўйича назарияни ривожлантиришга иктисодчи олимлардан

В.В. Адамчук, А.Н. Ананьев, Е.Г. Антосенков, В.С. Буланов, Т.З. Балковский, Н.А. Волгин, Н.А. Гарелов, П.В. Журавлев, И.Е. Заславский, С.А. Карташов, А.А. Никифорова, Ю.Г. Одегов, М.Ю. Остапенко, Т.В. Пангрятенко, Л.С. Чигова ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Шу билан бир қаторда меҳнат шароитларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, меҳнат шароитларининг ходимларнинг меҳнат қобилияти ва меҳнат унвондорлиги билан ўзаро боғлиқликдаги муаммолари М.Р. Абрамов, А.Н. Гржегоржевский, Р.К. Иванова, Д.Н. Карпунин, Р.П. Колосова, В.Г. Макушин, В.С. Пригарин, В.С. Рубин, П.В. Савченко, Г.Э. Слезингер, Г.Н. Черкасов ва бошқалар илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Корхоналарда меҳнат муҳофазасини ташкил этишнинг иқтисодий муаммолари иқтисодчи олимлар Б.Г. Збишко, Н.К. Кульбовская, П. Дорман ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Меҳнат муҳофазаси назариясини ривожлантиришга мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар. Меҳнат соҳасини тартибга солишнинг минтақавий хусусиятлари Ўзбекистон олимлари Қ.Х. Абдурахмонов, Ё.А. Абдуллаев, Ю.В. Вороновский, С.С. Ғуломов, Ш.Н. Зайнутдинов, Н.Қ. Зокирова, И.И. Искандаров, Д.Н. Раҳимова, А.А. Сотволдиев, М.Л. Турсунхўжаев, Р.А. Убайдуллаева, Б.Ю. Ходиев, М.Ш. Шарифхўжаев ва бошқалар асарларида ёритилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича кўпгина илмий ишлар мавжудлигига қарамасдан, фикримизча, меҳнат муҳофазаси назариясида айрим асосий категорияларга таъриф беришда ноаниқликлар учраб туради. Шу билан бир қаторда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини тадқиқ этишга комплекс ёндашув ҳам етишмайди. Иқтисодий ривожланишнинг бозор моделига ўтиш шароитларида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш ва ижтимоий суғурта қилиш комплекс тизимини илмий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этилиши ҳам талаб этилмоқда.

Мазкур муаммоларнинг баҳсалаблиги, масалага концептуал ва услубий ёндашувларнинг етарлича ишланмаганлиги, шунингдек ушбу соҳанинг илмий-амалий ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамияти мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш комплекс тизими самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этиш аҳамиятини белгилайди.

I БОБ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида ижтимоий-меҳнат муносабатлари

Макроиктисодий ва микроиктисодий тизимларни тадқиқ этишнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири меҳнат муносабатлари ҳисобланади. Меҳнатни тўғри ташкил этиш, мамлакат ва жамиятни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган ислохотлар илмий асосланган, пухта ўйланган бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов шу муносабат билан **“Биз қўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир муҳим омили – Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз ҳеч кимдан нусха олмасдан, жаҳонда ўзини оқлаган тажрибани инкор этмасдан туриб, “ўзбек модели” деб ном олган ва машҳур беш принципга асосланган ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий таракқиёт йўлини ҳаётимизга жорий этиб келаётганимиз ва айни шу модель бугунги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг тўғрилигини ва ҳаётбахш кучини исботлаб бераётганида десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз”²**, деб уқтирди.

Меҳнатнинг инсон ривожланишининг барча босқичларидаги роли ва ўрни бениҳоя каттадир.

Биринчидан, меҳнат инсонларнинг муайян ижтимоий фойдали неъматларни яратиш, одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини кондиришга қаратилган собиткадам фаолияти ҳисобланиб, жамият ривожланишининг асосий шартидир.

Иккинчидан, меҳнат ер билан капитал каби ижтимоий истеъмол учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг омилларидан биридир.


Учинчидан, инсоният минглаб авлодларининг меҳнати туфайли бекиёс ишлаб чиқариш кучлари салоҳияти, битмас-туганмас ижтимоий бойликлар яратилган.

² Каримов И. А. Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар// “Халқ сўзи”. 2009 йил 2 сентябрь.

Ўзбекистон Республикасида асосий макрониктисодий кўрсаткичлар динамикаси (аввалги йилдагига
нисбатан % ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2008 йилда 2000 йилга нисбатан
Ялпи ички маҳсулот	103,8	104,2	104,0	104,2	107,4	107,0	107,5	109,5	109,0	166,5
Саноат маҳсулоти	105,9	107,6	108,3	106,0	106,4	107,2	110,8	112,1	112,7	197,2
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	103,1	104,2	106,01	107,3	108,9	105,4	106,1	106,1	104,5	160,0
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	106,2	107,6	108,4	108,5	113,5	116,6	120,7	118,8	117,7	282,7
Қурилиш ишлари	103,0	103,4	103,4	103,7	104,3	110,7	115,0	115,7	108,3	184,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	101,0	104,0	103,6	104,8	107,3	105,7	109,3	122,9	128,3	220,7
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	115,7	114,7	108,6	109,5	113,8	116,3	120,1	120,6	120,6	315,3
Ташқи савдо айланмаси	97,9	101,5	90,4	117,3	129,6	108,8	118,5	127,4	121,4	278,0
Экспорт	100,9	97,1	94,3	124,6	130,3	111,5	118,1	140,7	128,7	354,5
Импорт	94,8	106,4	86,5	109,3	128,7	105,3	119,0	109,5	111,5	198,1
Истеъмол товарлари индекси	128,2	126,6	121,6	103,8	103,7	107,8	106,8	106,8	107,8	219,6
Аҳоли сони	101,5	101,3	101,2	101,2	101,1	101,2	101,1	101,3	101,8	110,7
Иш билан банд бўлганлар сони	101,1	101,7	102,2	102,7	103,4	102,9	102,7	102,6	102,8	123,0
Аҳоли пул даромадлари	157,9	151,7	144,1	124,9	118,7	126,3	132,0	130,2	134,1	943,4

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда, айниқса кейинги йилларда, иктисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилишга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Бу макроиктисодий барқарорлик ва жадал ўсиш суръатларига эришишнинг асоси бўляпти. 1997 йилда ислохотлар амалга оширила бошлагандан бери дастлабки марта ялпи ички маҳсулот(ЯИМ) ҳажмининг ўсиши (105,2%) мамлакат аҳолиси сони ўсиши(101,8%)дан юкори бўлди. Бу ижобий тенденциялар 1997-2003 йилларда мустаҳкамланди, Натижада 2001 йил якунлари бўйича ЯИМ даражаси ислохотлар бошлангандан аввалги даврдаги даражадан ортди. Бундан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида макроиктисодий барқарорлик тенденциялари давом этди.



1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида иктисодий ўсиш индикаторлари динамикаси³.

Сўнгги олти йилда (2003-2008 йиллар) мамлакат иктисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Бу йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши 4,2 % дан 9,0 % гача етди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми, аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши эса тегишли равишда 3,0% дан 7,8% га кўтарилди. Ялпи ички маҳсулотнинг қиймати (амалдаги нархларда) 2003 йилдаги 9837,8 млрд.сўмдан 2008 йилда 36839,4 млрд. сўмга етди.

³ Статистическое обозрение Узбекистана. www.stat.uz.

2004-2008 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг АҚШ доллари ҳисобида ўсиш суръатлари 2,6 баробар, мамлакат аҳолиси жон бошига эса 2 маротабани ташкил этди. Ана шу даврда аҳоли реал даромалари 4 баробарга кўпайди.

Глобал молиявий-иктисодий инкироз бўлишига қарамадан мамлакатда 2009 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,2 %, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми – 9,1 %, товарлар экспорти ҳажми – 13,4 % га ортди, инфляция даражаси эса 3,5 % дан ортмади⁴.

Макроиктисодий самарадорликни баҳолашда иктисодий ўсишнинг сифат индикаторлари алоҳида эътиборга молик. Ялпи ички маҳсулот таркибидаги ва ўсиш омилларидаги тенденциялар 1997-2000 йилларда энг аввало хизмат кўрсатиш соҳаси(савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизматлар)даги юқори суръатлар ҳамда соф соликлар ҳисобига таъминланган бўлса, 2003-2008 йилларда эса бу моддий ишлаб чиқариш соҳалари ҳисобига рўй берди. Бу, бир томондан, саноатнинг базавий ва қайта ишлаш тармоқларидан ишдан бўшаган меҳнат ресурсларининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига келиб қўшилганлигидан далолат беради. Мазкур ёндошиш чуқур таркибий ўзгартиришлар амалга оширилаётган ҳамда янги бозор инфратузилмалари ташкил этилаётган шароитларда табиий ҳисобланади. Иккинчи томондан, ЯИМ ўсишида соф соликлар улушининг, айниқса 2003-2008 йилларда юқори бўлганлиги иктисодиёт реал секторидаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг солиқ юки камайганлигини кўрсатади.

Иктисодий ўсишнинг юқори суръатлари ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ таркибида ижобий ўзгаришлар ҳисобига таъминланди, жумладан товарлар ишлаб чиқаришнинг ЯИМдаги улуши 1997 йилдаги 15,6 % дан 2008 йилда 45,4 % га етди. Хизматлар кўрсатиш ялпи ички маҳсулот ҳажмида 39,5 %, 2007 йилда – 42,5, 2008 йилда эса 45,3 % га етди. Айни пайтда соликлар ялпи ички маҳсулот ҳажмида 2006 йилда 9,2 %, 2007 йилда 9,5 %, 2008 йилда 9,3 % ни ташкил этди.

Мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда юқори ўсиш суръатларига эришишда меҳнатни ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. *Меҳнат* иктисодий категория ҳисобланиб, бир

⁴ “Халқ сўзи”. 2009 йил 2 сентябрь.



**1.2-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо сальдоси
(млн. АҚШ доллари).**

гуруҳ олимлар нуктаи назарига кўра, “ҳар бир шахс ва умуман жамият эҳтиёжларини кондиритиш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратиш бўйича собиткадам фаолиятдир”⁵.

Бироқ, фикримизча, меҳнатнинг бундай анъанавий таърифи тадқиқотимиз моҳияти муаммоларини тўла акс эттирмайди. Чунки инсон меҳнат жараёнида меҳнат воситаларидан ҳам фойдаланади. Шу сабабли биз П. Шлендер ва Ю. Кокин томонидан берилган таъриф муайян қизиқишга эга деб ҳисоблаймиз: “Меҳнат – инсонларнинг онгли, собиткадам фаолияти жараёни бўлиб, унинг ёрдамида табиат моддалари ва кучи ўз эҳтиёжларини кондиритиш учун ўзгартирилади”⁶.

Айни пайтда яна бир иқтисодчи олим Б.М. Генкин “Меҳнат табиат ресурсларини моддий, интеллектуал ва маънавий неъматларга айлантириш бўйича инсон томонидан ёки мажбурлаш (маъмурий, иқтисодий) ёхуд ички талаб ёки ҳам у, ҳам бу сабаб билан амалга оширадиган ва (ёки) бошқариладиган жараёндир”⁷, деган хулоса чиқаради.

В.А. Павленков меҳнат инсонни ривожлантиришда ва такомиллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш билан бир каторда ходим жамиятнинг асосий бунёдкор, яратувчан кучи эканлигига эътиборни қаратади. Шу жиҳатдан:

– меҳнатнинг биринчи хусусияти – унинг собиткадам фаоли-

⁵ Экономическая энциклопедия / Под ред. Абалкина Л.И. М.: Экономика, 1999. С.179.

⁶ Экономика труда: Учебник/ Под ред. Шлендера П.Э. и Кокина Ю.П. М.: Магистр, 2008. С.18.

⁷ Генкин Б. М. Экономика и социология труда. М.: Экономика, 1998. С.7.

ят эканлиги, яъни меҳнат жараёнида инсон белгилаб олинган мақсадга эришишга интилиши;

– иккинчи хусусияти – меҳнатнинг иш кучини муттасил тақомиллаштиришга хизмат қиладиган меҳнат воситаларини яратишдек ноёб имконияти, яъни инсон меҳнати чегара билмайдиган ташаббускор, бунёдкор кучга эга эканлиги;

– ва ниҳоят, учинчи хусусияти – меҳнат инсоният ҳамда жамият тарихий тараққиётининг энг муҳим омили эканлигидир⁸.

Профессор Қ.Х. Абдурахмонов фикрича, “Меҳнат инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматлардан иборат буюм, товар, хизмат, фан, маданият, санъат асарлари ва ҳоказоларнинг ишлаб чиқариш бўйича онгли, мақсадли ва таъқиқланмаган фаолиятидир”⁹.

Меҳнатнинг қомусий таърифи ҳам мавжуд: “Меҳнат – инсоннинг мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолияти; энг аввало табиат предметларини ўзгартириб, эҳтиёж ва мослаштиришни билдиради. Меҳнат кишилик жамияти ҳаётининг асосий шарти, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади”¹⁰.

Бевосита ана шундай жараён натижасида инсон табиий ва ишлаб чиқариш омилларига дуч келади. Бу омиллар унинг соғлиғи ва меҳнат салоҳиятига ё ижобий, ё кўпроқ салбий таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг таъсири меҳнат шароитлари тушунчаси асосини ташкил этади. Ана шу шароитларни мақбуллаштириш учун эса меҳнатни муҳофаза қилиш тизими яратилади.

Меҳнат фаолияти алоҳида тизим ҳисобланиб, уч қисмдан: меҳнат предметлари, меҳнат воситалари ҳамда меҳнат жараёнида меҳнат воситалари ёрдамида предметларни маҳсулотларга айлантирадиган меҳнат субъектлари сифатидаги инсонлардан иборатдир.

Меҳнат предметлари -- инсон меҳнати сарфланадиган объект¹¹ бўлиб, унга табиий моддалар қиради.

⁸ Павленков В. А. Рынок труда. Занятость. Безработица: Учебник. М.: МГУ, 2004. С.14.

⁹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент: Меҳнат, 2009. 54-бет.

¹⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 630-бет.

¹¹ Ўша жойда. 631-бет.

Меҳнат воситалари – ишлаб чиқаришда меҳнат предметларига таъсир кўрсатишда инсон фойдаланадиган воситалардир. Меҳнат воситаларига ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган ҳамма моддий шароитлар: машина ва ускуналар, асбоб ва мосламалар, корхона биноси, шу бино жойлашган ер, алоқа, юк ташиш воситалари ва ҳоказолар киради¹². Одамлар уларга меҳнат воситалари ёрдамида таъсир кўрсатиб, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланадилар.

Меҳнат предметларига кам сарф билан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган талаблар қўйилади. Бундан ташқари меҳнат предметлари ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши, инсон ҳаётига салбий экологик таъсир кўрсатилишини истисно этиши керак.

Меҳнат воситалари меҳнат жараёнини енгиллаштиришни таъминлаши, меҳнат унумдор бўлишига, яъни меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилиши керак. Шу билан бир қаторда меҳнат курулларининг жамланма хусусиятлари инсонга мос бўлиши, яъни меҳнат жараёни оғир кечмаслиги, ходимлар чарчаб қолмаслиги, уларга жароҳат етказмаслиги ва ҳоказоларни таъминлаши керак.

Бундан ташқари меҳнат жараёнида ходимга унинг иш қобилияти ва соғлиғига таъсир кўрсатувчи кўп миқдорда ташқи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш омиллари таъсир кўрсатади. Бу омиллар *меҳнат шароитлари* деб аталади. Демак, меҳнат фаолияти давомида ходимга унинг самарали меҳнат қилишига ҳалакит берадиган, соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Улар ходимга ўзининг қобилиятини ва билимларини тўла намоён этиш, бу билан жамият бойлигини кўпайтиришга кўпроқ ҳисса қўшишига тўсқинлик қилади.

Меҳнат иқтисодий мазмунга эга бўлиши билан бир қаторда *ижтимоий ҳодиса* ҳам ҳисобланади. Бунга шахснинг эҳтиёжлари, мотивлари, кадриятлари, касбий тайёргарлиги, жамоадаги психологик муносабатлар киради. Ушбу омиллар орасида шахсий манфаатдорлик, меҳнат фаолиятини рағбатлантирувчи мотивация, ходимнинг ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимидаги мақоми алоҳида ўрин тутadi.

Шундай экан, *меҳнат фақат иқтисодий эмас, балки ижти-*

¹² Ўша жойда.

мой категория ҳам ҳисобланади. Меҳнат жараёнида муайян ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизими шаклланади. Бу тизим ижтимоий муносабатлар негизи ҳисобланади ҳамда умуман иктисодиёт, шунингдек минтақа, корхона ва алоҳида шахс даражасида намоён бўлади. Шу билан бирга меҳнат негизида психологик ва физиологик жараёнлар ҳам ётади. Шунинг учун инсон меҳнати самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш мақсадида одамнинг меҳнат фаолияти ва бу меҳнат фаолияти жараёнидаги функциясини ўрганиш зарур.

Бир гуруҳ олимлар меҳнат таърифини умумлаштирган ҳолда “Меҳнат бир йўла ҳам инсоннинг табиат билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида турли неъматлар яратилади ва инсоннинг ташқи муҳитга мослашиши рўй беради; ҳам унинг қатнашчилари ўртасидаги муайян муносабатлар бўлиб, бунинг натижасида ҳам ташқи муҳитга, ҳам бевосита инсон табиатига таъсир кўрсатилади”¹³, деган хулоса чиқарадилар.

Улар, шунингдек, ҳозирги кунда олимлар эътироф этишаётганидек, меҳнат ишлаб чиқариш омили сифатида ноёб ҳодиса бўлиб, уни тадқиқ этиш учун алоҳида ёндашув талаб этилади. Бироқ меҳнатнинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги сабабли уни инсон фаолиятининг бутун кирраларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил этиш керак.

Бу қоидадан келиб чиққан ҳолда меҳнатнинг қувват сарфлаш билан боғлиқ бошқа бир хусусиятини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Лекин бу ҳамиша ҳам иктисодиёт фани диққат марказида турмаслигини кўрсатиш лозим. Меҳнат жараёнида инсоннинг асаб, ақлий ва жисмоний қуввати сарф бўлади. Бу қувват сарфи турли ишлаб чиқариш ва шахсий омилларга боғлиқдир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига қанчалик кам қувват сарф этилса, бу шунчалик меҳнат самарадорлигини оширишга, айти пайтда инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Шундай экан, биз меҳнат фаолияти билан машғул инсонни ташқи муҳит салбий таъсиридан сақлаш, ҳимоя қилиш, унинг ҳаёти ва соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур деган хулосага келамиз. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги давр-

¹³ О д е г о в Ю.Г., Р у д е н к о Г.Г., Б а б и н и н а Л.С. Экономика труда: Учебник. Том 1. М.: Альфа-Пресс, 2007. С. 81.

да “*Меҳнатни муҳофаза қилиш*” атамаси билан номланади. “Меҳнат муҳофазаси – инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сакланишига қаратилган тадбирлардир”¹⁴.

Ижтимоий-иктисодий умумий тизимида, жумладан меҳнат муносабатларида меҳнат муҳофазаси алоҳида ўрин тутати. Меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнатнинг турли хусусиятлари билан узвий боғликлиги билан изоҳланади. Жумладан, улар қуйидагилардан иборатдир:

- *иктисодий*: аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, меҳнат унумдорлиги, меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш ва ҳоказолар;

- *техник-технологик*: техник жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнларининг технологияси, энергия билан таъминлаш, техника хавфсизлиги ва ҳоказолар;

- *ижтимоий*: меҳнатнинг мазмуни, жозибадорлиги ва мотивацияси, меҳнат жамоаси аъзоларининг ўзаро муносабатлари, манфаатларнинг мувофиқлиги ва ҳоказолар;

- *психофизиологик*: меҳнатнинг оғирлиги, тигизлиги, санитария-гигиена шароитлари ва ҳоказолар;

- *ҳуқуқий*: меҳнат муносабатларининг, жумладан меҳнатни муҳофаза қилишни ҳам қонун йўли билан тартибга солиниши ва ҳоказолар;

- *ташкилий-бошқарув*: меҳнатни бошқариш органларини шакллантириш, субъектлар: ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш.

Бу шартли ва тўла бўлмаган муаммолар рўйхати меҳнатни муҳофаза қилиш жуда мураккаб соҳа бўлиб, илм-фаннинг қўпгина тармоқлари билан ўзаро боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шу сабабли меҳнатни муҳофаза қилишнинг илмий фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши доимо турли фанлар: иктисодиёт, ҳуқуқ, математика, социология, психология ва бошқалар ютуқларига таянган. Фаннинг бу соҳалари ривожланиб боргани сари тадқиқотчилар, шунингдек амалиётчилар инсон меҳнат фаолияти учун хавфсиз шароитлар яратишда тобора қўпроқ янги имкониятларга эга бўлмоқдалар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш инсон организмга ишлаб

¹⁴Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 631-бет.

чиқариш муҳити салбий таъсирининг олдини олишга, шунингдек ноқулай шароитларда меҳнат билан банд бўлган ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни шакллантиришга даъват этилган ташкилий, техник ва моддий воситаларни яратиш бўйича фан соҳаси ҳамда амалий фаолиятдир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фан сифатида социология, айниқса унинг тармоғи ҳисобланган меҳнат социологияси билан ҳамбарчас боғлиқдир. Меҳнат социологияси меҳнат фаолиятини, бир томондан, инсоннинг ижтимоий турмушга таъсирини, иккинчи томондан, ижтимоий муносабатларнинг меҳнат фаолиятига таъсирини ижтимоий воқеа сифатида ўрганади. У меҳнат фаолиятининг умумий моҳияти, ижтимоий ўрни ва ижтимоий ролига аниқлик киритади, инсонларнинг ўзаро меҳнат фаолияти жараёнида таркиб топадиган муносабатларини ўрганади. Ана шундай муносабатлар жараёнида ходим ҳам муайян иқтисодий муносабатлар маҳсули, ҳам умуман жамиятда таркиб топган муносабатлар таъсирида шаклланадиган муайян эҳтиёжларни кўрсатувчи фаолият субъектини ўрганади.

Социологиянинг меҳнатни муҳофаза қилишга бевосита алоқадорлиги меҳнат муҳофазасига тааллуқли барча муаммоларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик ва норматив ҳуқуқий асос, имтиёзлар ва компенсациялар тизими, касбий хавфларни суғурталаш тизимини шакллантириш, шунингдек меҳнат муҳофазасига тааллуқли қонунлар, нормалар ва қоидаларга риоя этмаслик учун жавобгарлик чораларини ишлаб чиқишда намоён бўлади.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг психология фани, жумладан меҳнат психологияси билан ўзаро боғлиқлиги инсон психикаси ва унинг меҳнатга муносабати талабларини тадқиқ этилишида кўринади. Меҳнат психологияси инсоннинг қобилияти, иродаси, бошқа психик хусусиятларини ўрганар экан, бу билан унинг амалий фазилатлари, қийинчиликларни енга олиши, мақсадга эришишда қатъияти ва ҳоказоларни ҳам аниқлайди. Психология ходимнинг меҳнат жамоасида ўзаро ҳамкорликда ишлашга қобилиятини аниқлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Меҳнат физиологияси фани ҳам меҳнат муҳофазаси билан узвий боғлиқ. Меҳнат физиологияси физиологик жараёнлар кечиши қонуниятини ҳамда инсоннинг меҳнат фаолиятида улар-

ни тартибга солиш хусусиятларини ўрганади. Меҳнатнинг инсон организми асаб, мушак, юрак- томир ва бошқа қисмларига таъсири ҳамда бу таъсирнинг меҳнат жараёни ва натижасига тескари таъсирини ўрганади.

Навбатдаги фан – *меҳнат гигиенаси ҳам меҳнат муҳофаза-сига бевосита алоқадор*, чунки бу фан меҳнат жараёнлари ва ишлаб чиқариш муҳитининг инсон организмига таъсирини ўрганади. У, шунингдек, қулай меҳнат шароитларини таъминлаш нормативлари ва тадбирлар тизимини ҳамда касб касалликларини олдини олиш йўллари ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Меҳнат муҳофазаси билан бу соҳа учун яна бир жуда муҳим фан – меҳнатни ташкил этиш бевосита алоқадордир (нима учундир ҳозирги пайтда унинг аввалги номи – “меҳнатни ил-мий ташкил этиш” ёддан кўтарилган).

Меҳнатни ташкил этиш – назария ва амалиётга асосланган ҳамда корхонада иш жараёни унсурлари тартиби ва принциплари-дир. Меҳнатни ташкил этишнинг қуйидаги вазифалари фарқланади:

иқтисодий вазифалар – миллий иқтисодиётда инсон ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни ва унинг сифатини ошириш;

– *санитария-гигиена ва психологик-физиологик вазифалар* – ходимларнинг соғлиғини муҳофаза этиш, меҳнат шароитларининг белгиланган стандарт ва нормативларга мослиғини таъминлаш;

– *ижтимоий вазифалар* – меҳнатнинг мазмуни, унинг ижодийлиги, ходимларнинг маънавий камол топишини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини ташкил этиш;

– *ташкилий вазифалар* – ҳар бир ишни ташкил этишда эргономик талабларга мувофиқликни таъминлаш¹⁵.

Бу фан меҳнатнинг энг муҳим хусусиятлари – кадрларни танлаш ва уларни касбий тайёрлаш, меҳнат тақсимооти ва кооперацияси, иш жойларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, меҳнатни нормалаш, меҳнатни рағбатлантириш муаммолари билан шуғулланади.

Кейинги йилларда “*Персонални бошқариш*” фани оммалашмоқда. Бу фан ҳам инсоннинг, ҳам умуман корхонанинг ман-


¹⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 637-бет.

фаатларини кўзлаган ҳолда ходим имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ҳукукий муносабатлар тизимини тадқиқ этади. Персонални бошқариш фани кадрлар сиёсати усуллари ва жараёнларидан фойдаланиш ҳамда уларни такомиллаштириш орқали персонални танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш, баҳолаш ва рағбатлантириш муаммолари билан шуғулланади.

Ҳуқуқшунослик фани тармоқларидан бири – меҳнат ҳуқуқи меҳнатни муҳофаза қилиш кўпгина масалаларни ҳал этишга қаратилган. Меҳнат ҳуқуқи ходимлар, иш берувчилар, касаба уюшмалари ва давлатнинг умуман меҳнат соҳасида, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам меҳнат муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган ҳукукий нормаларни тайёрлаш, нашр этиш ва улар ижросини назорат этишга даъват этилган. Корхоналар ходимларининг ижтимоий ва меҳнат муносабатлари: фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа-шартнома муносабатлари масалалари, иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни нормалаш, ходимларнинг асосий кафолатлари ва уларга компенсациялар бериш, меҳнат интизоми, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари меҳнат ҳуқуқининг предмети ҳисобланади. Меҳнат ҳуқуқи, шунингдек, ишлаб чиқариш, меҳнат ва иш шароити, ижтимоий сугурталаш, етказилган моддий зарарни қоплаш, меҳнат низолари ва баҳслари масалаларини ҳал этиш бўйича ходимлар билан касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фани юкорида қайд этилган илм-фан соҳалари билан бир каторда яна бошқа кўпгина фанлар: математика, ахборот технологиялари, табиий, муҳандислик, техника ва ҳоказо фанлар билан ўзаро боғлиқ (1.3-расм).

Ушбу фанлар меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимига мазкур соҳадаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича параметрлар ва нормативлар хусусиятларини белгилаш, уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш, бу тадбирлар самарадорлигини таъминлайдиган ҳисоб-китобларни амалга ошириш, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни



1.3-расм. Мехнатни муҳофаза қилиш фанининг илм-фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқлиги.

янада такомиллаштириш бўйича истикболли йўналишларни белгилаш ва прогнозлашда ёрдам беради.

Илм-фан соҳасидаги қўлгина ютуқлар инсонларнинг, шу жумладан, меҳнат фаолияти билан машғул кишиларнинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилиш ишига улкан ҳисса қўшмоқда. Шу билан бир қаторда ҳали илм-фан соҳасида эришилган натижаларнинг ҳаммаси юқорида қайд этилган жуда муҳим мақсад йўлида амалиётга тўлиқ жорий этилаётгани йўқ. Лекин илм-фаннинг турли соҳасидаги олимларнинг меҳнат муҳофазаси масалалари


билан шуғулланадиган мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик
килишлари бу камчиликларга барҳам бериш ҳамда меҳнат ҳаф-
сизлигини таъминлашда илм-фан соҳасидаги энг сўнгги янги-
ликларни амалиётга собитқадамлик ва тезкорлик билан жорий
килишга хизмат қилаётганлиги эътиборга моликдир.

Шундай қилиб, меҳнатги ижтимоий-меҳнат килиш муаммолари
жуда хилма-хил бўлиб, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг
иктисодий, техник-технологик, шахсий, ижтимоий-психо-
логик элементлари жамланган бўлиб, улар меҳнат жа-
раёнида иштирок этаётган масъул субъектларнинг ўзаро боғликлиги ва
ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва жихатдан акс эттиради. Меҳнат
жараёни иштирокчилари субъектларнинг туфайли меҳнат муно-
сабатлари ходимлар меҳнат фаолияти хусусиятлари таъси-
рлари, кадрларнинг меҳнат фаолияти хусусиятлари таъси-
рлари, кадрларнинг меҳнат фаолияти хусусиятлари таъси-
рлари (меҳнат, миграция, меҳнат фаолияти хусусиятлари таъси-
рлари) меҳнат, миграция, меҳнат фаолияти хусусиятлари таъси-
хисобланади.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари - ходим-
лар, иш берувчилар ва орадаги меҳнат фаолияти хусусиятлари таъси-
рон Республикасининг Меҳнат Кодексида (1.4-расм). Ўзбекис-
сабатларнинг субъектлари (II боб) ҳамда ходимлар ва иш берув-
чиларнинг вақиллиги (III боб) қонуний тарзда мустаҳкамланиб
қўйилган¹⁶.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари ўртасида
биринчи ўринга меҳнат жараёни билан бевосита машғул бўл-
ган ёлланма ходимлар қўйилган (1.4-расм). Ўзбекис-
(Меҳнат Кодексининг 77-моддасига асосан) меҳнат шартномаси
ҳамда иш берувчи билан қўйилган меҳнат шартномаси
ва фукаролиги бўлмаган меҳнат шартномаси
нинг субъектлари бўлиши ва қўйилган меҳнат шартномаси
атларини ифода этишда қўйилган меҳнат шартномаси
қилишни қўйилган меҳнат шартномаси
қўйилган меҳнат шартномаси
бошқа органлар а...

¹⁶ Ўзбекистон Ре...



1.3-расм. Мехнатни муҳофаза қилиш фанининг илм-фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқлиги.

янада такомиллаштириш бўйича истикболли йўналишларни белгилаш ва прогнозлашда ёрдам беради.

Илм-фан соҳасидаги кўпгина ютуқлар инсонларнинг, шу жумладан, меҳнат фаолияти билан машғул кишиларнинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилиш ишига улкан ҳисса қўшмоқда. Шу билан бир қаторда ҳали илм-фан соҳасида эришилган натижаларнинг ҳаммаси юқорида қайд этилган жуда муҳим мақсад йўлида амалиётга тўлиқ жорий этилаётгани йўқ. Лекин илм-фаннинг турли соҳасидаги олимларнинг меҳнат муҳофазаси масалалари

билан шуғулланадиган мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари бу камчиликларга барҳам бериш ҳамда меҳнат ҳафсизлигини таъминлашда илм- фан соҳасидаги энг сўнгги янгиликларни амалиётга собиткадамлик ва тезкорлик билан жорий қилишга хизмат қилаётганлиги эътиборга моликдир.

Шундай қилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари жуда хилма-хил бўлиб, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг иқтисодий, техник-технологик, ташкилий, ижтимоий-психологик элементлари жамланмаси ҳисобланади. Улар меҳнат жараёнида иштирок этаётган субъектларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро ҳамкорлигини объектив жиҳатдан акс эттиради. Меҳнат жараёни иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ходимлар меҳнат фаолияти туфайли ташкил топади. Уларнинг бу саъй-ҳаракатлари ходимлар эҳтиёжлари, манфаатлари, кадриятлари, меҳнат фаолияти хусусиятлари таъсири асосида шаклланади. Ижтимоий-меҳнат муносабатларини шакллантиришда ижтимоий-иқтисодий фаолият барча турлари (меҳнат, миграция, истеъмол, тақсимот ва айрибошлаш) ўртасида ходимларнинг меҳнат ва касб фаолияти энг муҳими ҳисобланади.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари - ходимлар, иш берувчилар ва давлат ҳисобланади (1.4-расм). Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари (II боб) ҳамда ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллиги (III боб) қонуний тарзда мустаҳкамланиб қўйилган¹⁶.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари ўртасида биринчи ўринга меҳнат жараёни билан бевосита машғул бўлган *ёлланма ходимни* қўйиш керак. Белгиланган ёшга етган (Меҳнат Кодексининг 77-моддасига мувофиқ 16 ёшга тўлган) ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин. Ёлланма ходимлари манфаатларини ифода этишда *вакил бўлиш ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни корхонадаги касаба уюшмалари* ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган *бошқа органлар* амалга ошириши мумкин.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. [http/ www.lex.uz](http://www.lex.uz).



1.4-расм. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари ва уларнинг вакиллиги.

Меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти – *иш берувчи* сифатида корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида; мулкдорнинг ўзи айтиб бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар; 18 ёшга тулган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бўлишлари мумкин. Корхонада иш берувчи номидан *вакилликни маъмуриятнинг мансабдор шахслари* меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, уларнинг уставлари ёки низомлари асосида берилган ваколатлар доирасида амалга оширадilar. *Иш берувчилар уюшмаларга, ассоциацияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашишга ҳақлидirlар.* Иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради. Уларнинг мақсади иктисодиётни ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба

уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Давлатнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларидаги роли қонун чиқариш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, бошқарувчи, иш берувчи функцияларини бажаришдан иборатдир. Давлат манфаати вакиллиги сифатида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ваколатли, ижроия ва суд тармоқлари майдонга чиқади.

Лекин Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида нима учундир махсус “Давлат – меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти” моддаси мавжуд эмас. Ҳолбуки, Меҳнат Кодексида “Ходим меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида” (14-модда), “Иш берувчи меҳнатга оид муносабатларининг субъекти сифатида” (15-модда) кайд қилинган. Айни пайтда 19-модданинг “Меҳнат жамоаси меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида” деб номланиши унчалик тушунарли эмас. Чунки, корхона меҳнат жамоасини меҳнат муносабатларининг субъекти бўлган ходимлар ташкил этиши яхши маълум.

Айни пайтда Меҳнат Кодексида меҳнат соҳасини бошқаришда давлатнинг роли кўп марта таъкидланади. Жумладан, 2-моддада “Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади”, деб кўрсатилган.

Иктисодий адабиётда ва расмий ҳужжатларда “*меҳнат муносабатлари*” категорияси дейилганда ёлланма ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг меҳнат муаммоларига тааллуқли барча масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлиги англанади. Бирок айрим тадқиқотчилар меҳнат муносабатларини жуда тор доира билан чегараламоқчи бўладилар. Хусусан, Д. Норд меҳнат муносабатларини фақат “*жонли меҳнатда бевосита алоқада бўлган одамлар ўзаро муносабатлари*”¹⁷, деб ҳисоблайди.

¹⁷ Н о р д Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М.: Начало, 1997. С.168.

Шунингдек, меҳнат муносабатларига факат “иш берувчилар ва ёлланма ходимлар ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича муносабатлар”¹⁸ деб қараш ҳам масалани жўнлаштиришдан бошқа нарсас эмас.

Бизнингча, меҳнат муносабатларига Г.Я. Ракитская томонидан анча муфассалроқ таъриф берилган. У меҳнат муносабатлари дейилганда “ижтимоий амалиёт (бунёдкорлик фаолияти) иштирокчилари ўртасида меҳнат фаолиятининг ижтимоий-мақсадли йўналиши, ижтимоий натижалар ҳамда бу фаолиятни шакллантириш, шарт-шароитларини ва воситаларини ўзгартириш бўйича муносабатлари”¹⁹ англаш кераклигини уқтиради.

Мамлакатимиз олимаси Н.Қ. Зокирова эса “Меҳнат муносабатлари – унинг иштирокчилари ўртасида бу муносабатларни меҳнат жараёнига жалб этиш, меҳнат фаолиятининг мақсади йўналишини, уни ташкил этиш, амалга ошириш воситаларини аниқлаш, меҳнат натижаларини тақсимлаш ва истеъмол қилиш бўйича ўзаро муносабатлар”²⁰, деган хулоса чиқарган.

Шу билан бирга айрим муаллифлар давлатни меҳнат муносабатлари субъекти каторига қўшмайдилар, улар “Меҳнат муносабатлари – иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасида меҳнат шароитлари бўйича муносабатлардир”²¹, деб уқтиришади. Эҳтимол, бу ижтимоий-меҳнат муносабатларига бозор тамойиллари: меҳнат бозорининг ташкил топиши, иш билан бандлик муаммолари чуқур кириб борганлиги, иш берувчилар асосан хусусий мулкдорлар мақомига эга бўлганликлари, давлатнинг эса ижтимоий соҳани молиялаштириш имкониятлари чекланганлиги ва ҳоказолар туфайли шундай фикр шакллانган бўлиши мумкин.

Давлат – меҳнат муносабатлари субъектидир, чунки у иш берувчи сифатида ҳам майдонга чиқади. Бундан ташқари давлат иш кучини қайта тақрор ҳосил қилиш жараёнлари билан

¹⁸ Социальное государство: Краткий словарь-справочник. М.: Академия труда и социальных отношений, 2002. С.233-234.

¹⁹ Р а к и т с к а я Г.Я. Социально-трудовые отношения (Общая теория и проблемы становления их демократического регулирования в современной России). М.: ИППС. 2003. С.70.

²⁰ З о к и р о в а Н.Қ. . Социально-трудовые отношения: международные и национальные аспекты. Ташкент: Фан, 2008. С.8.

²¹ Экономика: Учебник / Изд. 2-е перераб. и доп. М.: БСК. 1997. С.781.

боғлиқ умуммиллий иқтисодий манфаатларнинг ифодачиси ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширади”²², деб белгилаб қўйилган. Бу конституциявий қоида ни фаол ва бунёдкорлик сифатини, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига тааллуқли меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам ўтказмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Ходимда меҳнат фаолиятининг муайян даврларида ижтимоий-меҳнат муносабатларида турли элементлар: касбга йўналтириш, касбий таълим, меҳнатни баҳолаш ва рағбатлантириш, меҳнат фаоллиги даражаси пайдо бўлади. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари жараёнида ходимлар билан иш берувчилар ўртасида кадрлар сифати ва унинг айрим муаммолари: меҳнат фаолиятини назорат ва таҳлил этиш, кадрлар аттестацияси, меҳнат самарадорлигини баҳолаш, меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш, меҳнат мотивацияси ва бошқалар юзага чиқади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шакллантирилиши ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектларининг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолатини ўзгартирибгина қолмай, янада муҳими ходимлар ва иш берувчилар мақомида ўзгаришларни ҳам юзага чиқарди, уларнинг янги ижтимоий-иқтисодий функциялари, янги ижтимоий-меҳнат фаолияти, янги ўзаро талаблар, манфаатлари мувофиқлаштирилишнинг янги йўллари ва шакллари шакллантирди.

Жамиятда ижтимоий-меҳнат муносабатларини шакллантириш кўпгина омиллар таъсири остида рўй беради. Улар орасида ижтимоий-меҳнат ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Бу меҳнатни тақсимлаш ва кооперация қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, меҳнатни капитал билан алмаштириш ва ҳоказолар шаклида рўй беради.

Инсон ресурсларини ривожлантириш ижтимоий-меҳнат муносабатларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу эса, энг аввало, *меҳнат сифати*да ўз ифодасини топади. Меҳнат сифати инсоннинг корхонадаги меҳнат фаолияти маҳсули бўлган фаровонлик даражаси, ижтимоий ва маънавий ривожланиши хусусиятларининг жамланмасидир. Меҳнат сифати

²² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 5-бет.

ижтимоий-меҳнат муносабатларини баҳолашнинг асосий мезонидир.

Меҳнат сифати концепцияси инсоннинг меҳнат салоҳиятидан энг самарали фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга асосланади. Меҳнат сифатини яхшилаш меҳнатнинг ижтимоий-иктисодий мазмунини ўзгартириш, иш берувчига ходимнинг интеллектуал, ижодий, ташкилий, ахлокий салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш имконини берадиган меҳнат салоҳияти хусусиятларини ривожлантиришни кўзда тутadi. Меҳнат сифати қуйидаги қоидаларга асосланади:

– *иш жозибador бўлиши керак*, яъни уни ташкил этиш ва мазмунини энг юқори даражада бўлиб, ходимга ўз хизмат вазифасига ижобий ёндашиш имконини бериши лозим;

– *ходимлар ўз меҳнатлари натижалари ҳамда бу натижалар эътироф этилиши учун адолатли рағбатлантирилиши керак*;

– *меҳнат фаолияти хавфсиз ва соғлом шароитларда амалга оширилиши зарур*;

– *раҳбарият томонидан назорат* иложи борича энг кам даражада, лекин зарурат туғилганда доимо амалга оширилиши лозим;

– *ходимлар учун корхона ижтимоий-маиший инфратузилмасидан фойдаланиш* имконияти таъминланиши керак;

– *ходимлар ўз меҳнат фаолиятлари ва манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилинишида иштирок этишлари даркор*;

– *ходимлар ҳуқуқий ҳимояланиш, касбий ўсиш учун имкониятлар яратилиши орқали ўз меҳнат фаолиятлари кафолатланишига эга бўлишлари лозим*.

Юқорида қайд этилганлардан ижтимоий-меҳнат муносабатлари кўп қиррали мазмун касб этиши англанади. Бу *меҳнат шароитлари* ва *меҳнат муҳофазаси* масалаларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Меҳнат муносабатларида эҳтиёж ва манфаатлар муаммолари муҳим ўрин тутadi. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида уларнинг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган ўз манфаатлари мавжуд.

Меҳнат муҳофазаси пировард натижада жамиятнинг энг фаол ва ижтимоий жиҳатдан катта аҳамият касб этадиган меҳнат қишилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бу ходимлар, шунингдек, бошқа ижтимоий субъектлар эҳтиёжларининг

кондирилиши тўлалигича бевосита ана шу меҳнат кишилари-га боғлиқ. Шу муносабат билан “манфаатлар” категорияси моҳиятини кўриб чиқиш, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг бир-бирига зидлиги табиатини аниқлаш, ана шу зиддиятларни бартараф этиш ёки юмшатиш йўллари ва усулларини белгилаб олиш ниҳоятда муҳимдир.

Объектив жихатдан иктисодий ривожланиш, бир томондан, бевосита иктисодий тизим эҳтиёж ва манфаатларни ривожлантириш моҳиятини белгилайди, иккинчи томондан, ана шу эҳтиёж ва манфаатлар кондирилиши ишлаб чиқаришнинг объектив шарт-шароитларига мувофиқ ўзгариб туриши натижасида амалга оширилади, яъни эҳтиёж ва манфаатлар муайян вазиятларда кондирила олинмаса, улар юқорида кўрсатиб ўтилган объектив шарт-шароитларга мувофиқ ўзгариши мумкин. Бу, айниқса, *меҳнат хавфсизлигини таъминлаш* соҳасида яққол намоён бўлади. Яъни, касбий хавфни бартараф этиш имкониёти бўлмаганда, бу ходимларга шахсий ҳимоя воситалари ёки бошқа устуворликлар берилиши йўли билан қопланади.

Эҳтиёжлар иктисодий ва ноиктисодий бўлиши мумкин. *Иктисодий эҳтиёжлар* бевосита иктисодий фаолият ёки унинг натижалари, яъни моддий неъматлар билан бевосита боғлиқ. *Ноиктисодий эҳтиёжлар* бевосита моддий неъматларни истеъмол қилиш билан кондирилмайди. Бошқача қилиб айтганда, масалан бу маданий, таълим ва ҳоказо эҳтиёжлардир. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш эҳтиёжлари эса *шахсий истеъмол* билан боғлиқ. Бу муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамдир. Чунки, у меҳнат жараёни катнашчиси бўлган ёлланма ходимни муҳофаза этиш билан бевосита боғлиқдир.

Эҳтиёжларни кондириш хоҳиши инсонларда муайян манфаатларни шакллантиради. Манфаатлар муаммоси хилма-хил ва серкирра бўлиб, фалсафий, психологик, ижтимоий ва иктисодий ҳодисалар ҳамда қонуниятлар билан ўзаро боғлиқ. Биз учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги иктисодий ва ижтимоий манфаатлар муҳим.

Иктисодий манфаатлар ҳамиша мазкур муайян ижтимоий гуруҳ, алоҳида инсон манфаатлари сифатида майдонга чиқади. Бу манфаатлар муштарак эмас, улар ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд.

Ижтимоий жиҳатдан бир хил бўлмаган ижтимоий гуруҳларнинг муштарак иқтисодий манфаатларини мулкчиликнинг бир хил шакллари, бир хил ҳўжалик юритиш фаолияти, бир хил меҳнатдан фойдаланиш соҳасида абстракт тарздаги на кўриб чиқиш мумкин. Жамиятнинг барча аъзолари ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатиши, уни кенгайтириш ва фан-техника ютуқлари асосида такомиллаштиришдан манфаатдордирлар. Бирок, ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш ва истеъмол қилишга келганда иқтисодиёт, шу жумладан, меҳнат муносабатлари субъектлари ўртасида зиддият пайдо бўлади.

Масалан, иш берувчилар объектив жиҳатдан иш кучи такрор ҳосил қилиниши жараёнини нормаллаштиришдан манфаатдордирлар. Аммо иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларининг бутун тарихи доимий равишда улар ўртасидаги меҳнат низоларидан, меҳнат кишиларининг ўзларига муносиб меҳнат ва турмуш шароитлари яратиш бўйича иқтисодий талаблар билан иш ташлашлари, стачкалардан иборат бўлганлигидан далолат беради.

Иқтисодий манфаатларни қондириш зиддиятли шаклда, ижтимоий жамият ва алоҳида шахсларнинг манфаатларининг бир-бирига қарши туриши шароитида рўй беради. Манфаатларнинг бундай зиддиятлилиги айрим ижтимоий гуруҳлар, умуман давлатнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги сиёсатини шакллантиришга ҳам сўзсиз таъсир кўрсатади. Бу зиддиятлар мазкур соҳадаги бошқарув тизимлари ва жараёнларига, айниқса кучли таъсир ўтказади. Шунинг учун ижтимоий меҳнат муносабатларида муҳим аҳамиятга эга бўлган субъектлар манфаатларининг бир-бирига зидлигини ҳар тарафлама тартибга солиш талаб этилади.

Меҳнат муносабатлари субъектларининг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти ва саъй-ҳаракатлари қуйидаги институтлар мавжудлигида намоён бўлади:

– меҳнат муносабатлари субъектларининг расмий, ҳуқуқий жиҳатдан тенг ҳуқуқлилиги. Бу ходимлар томонидан меҳнат фаолияти ва касбни танлаш эркинлиги, уларга меҳнат шартномаси тузиш ҳамда уни бекор қилиш ҳуқуқи берилишини назарда тутати;

– ёлланма ходимлар томонидан ўз бирлашмалари, жамиятла-

ри, касаба уюшмаларини шакллантириш, иш берувчилар томонидан ўзларининг тегишли бирлашмаларини ташкил этиш эркинлиги. Улар мазкур субъектлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида ташкил этилади;

– меҳнат муносабатлари жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикчилик. Бу музокаралар ўтказиш эркинлиги ва томонларнинг тенг ҳуқуқлигини назарда тутди;

– меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома йўли билан тартибга солиш институти;

– давлатнинг ишлаб чиқариш фаолияти соҳасида субъектлар ўзаро муносабатларини тартибга солувчи сифатидаги ҳуқуқий ваколатлари²³.

Юқорида қайд этилган институтлар меҳнат муносабатлари тизимида ишончли мувофиқлаштиришни шакллантириб, аниқ ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда у ёки бу институтнинг ривожланиши даражаси ва меҳнат муносабатлари субъектларининг етуклигига қараб амал қилади. Бу меҳнат муносабатлари муаммоларини ҳал этишга комплекс ёндашув талаб қилинишининг яна бир далолатидир. Шу билан бирга муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида институтлар ва усулларга устуворлик беришни истисно қилиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳамда иш кучига талаб ва таклиф механизми амал қиладиган меҳнат бозорини шакллантиришда меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг тегишли усулларини қўллаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг иш кучи таклифи унга талабдан анча юқори бўлган ҳозирги шароитида муайян кишилар меҳнат фаолияти билан шуғулланишда муаммоларга дуч келадилар. Бу меҳнат бозорида ёлланма ходимлар ўртасида рақобатни кучайтиришга олиб келади. Оқибатда улар маълум даражада иш берувчиларга нисбатан ноқулай ҳолатга тушиб қоладилар. Меҳнат бозорида иш берувчилар устуворликка эга бўлгач, иш кучини харид қилиш-сотиш жараёнида ёлланма ходимлар томонидан уларнинг шартларини қабул қилинишга мажбурлик

²³Игнатов Н.Г. Социально-экономические основы совершенствования системы охраны труда в Российской Федерации / Докторская диссертация. М., 2006. С.28.

ҳолати туғилади. Меҳнат бозорида иш кучининг бошқа бозорлардаги оддий товарлардан фаркланиши сабабли бу ҳолатда ёлланма ходимларнинг аҳволи янада мураккаблашади. Агар бозорда товарни кўзланган нархда сотиш имконияти бўлмаса, уни кейинроқ сотиш учун сақлаб қўйиш мумкин. Меҳнат бозорида эса ходим ўз жисмоний ва интеллектуал кучини ҳар куни, яъни доим сотишга мажбур. Акс ҳолда у ўз эҳтиёжлари ҳамда оиласи эҳтиёжларини кондиритиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига ўтилиши билан меҳнат фаолиятидан манфаатдорлик ва рағбатдаги устуворликлар тубдан ўзгарди. Бу меҳнат муҳофазасига ҳам бевосита тааллуқлидир. Маъмурий-бўйруқбозлик тизимида халқ хўжалиги, умумхалқ манфаатлари энг устувор деб эълон қилинар эди. Шундан сўнггина жамоа манфаатлари ва охириги ўринда алоҳида шахс манфаати тўғрисида гап бўлиши мумкин эди.

Бозор муносабатлари бу манфаатлар устуворлигини тубдан ўзгартирди. Эндиликда биринчи ўринга шахсий манфаат қўйилмоқда. Бу манфаат таъминланган ҳолдагина жамоа манфаатлари ҳамда умуммиллий манфаатлар ҳал этилади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ходимни ноқулай меҳнат шароитидан муҳофаза этиш, ҳар бир иш жойини унинг меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хавфсиз эканлиги нуқтаи назаридан аттестациядан ўтказиш муҳимдир. Бугунги кунда аввалги пайтлардагидек умуман меҳнат муҳофазасига бутун мамлакат ёки тармок, корхона бўйича сарф қилинган сарф-харажатларни эмас, балки ҳар бир ходимга унинг меҳнат муҳофазаси учун сарф этилган маблағни ҳисобга олиш, унинг ишлаб чиқаришда майиб бўлган ҳамда меҳнат қобилятини йўқотган ҳолатларида суғурта миқдорини кўпайтириш талаб этилмоқда.

Ҳозирги шароитда шахсий манфаат устуворлигини эътироф этиш – ходимнинг меҳнатга муносабати, унинг самарали меҳнат қилиши учун мотивациясини таъминлашнинг муҳимлиги ва аҳамиятлилигини эътироф этишдир. Шу билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида ходим макomini ҳам ошириш зарур.

Инсоннинг меҳнатга муносабати ички ва ташқи омиллар таъсири остида таркиб топади. Ана шу омиллар энг юксак самара келтириши учун ходимнинг юкори унумли меҳнат қилишига

барча шарт-шароитларни яратиш керак. Жумладан, ички оми-лар асосида инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, кадриятлари, мотивацияси ётади. Улар ходимни самарали меҳнат килишга ундайди.

Мазкур муаммолар меҳнат бозорини шакллантиришда меҳнат муносабатларини ҳукукий тартибга солишни кучайтириш зарур-лигидан далолат бермоқда. Меҳнат муносабатларини ҳукукий тартибга солиш кенг қамровли масалалар: меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти, ходимнинг касбий маҳоратини баҳолаш, ишга қабул килиш ва ишдан бўшатиш, шунингдек, меҳнат муҳофазаси шарт-шароитлари бўйича тегишли нормативларни ўрнатиш ва ҳоказолардан иборатдир. Меҳнат ҳуқукида иш кучини такрор ҳосил килиш ҳамда ходим хавфсиз меҳнат шароитларини яра-тиш бўйича давлат қафолатлари алоҳида ўрин тутайди.

Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга со-лиш, энг аввало, бу муносабатлар субъектлари – ёлланма хо-димлар, жисмоний ва юридик шахс бўлган иш берувчилар, дав-латнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунда мустаҳкамлаб қўйишдан иборатдир. Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тар-тибга солиш меҳнат муносабатлари субъектларининг қонун томонидан белгилаб қўйилган қоида ва нормалари давлат ҳокимияти томонидан қафолатланганлигини, уларнинг ижро-си эса давлат тузилмалари ва институтлари томонидан маъму-рий воситалар орқали таъминланишини аңлатади. Шу тарзда меҳнат қонунчилиги меҳнат муносабатлари субъектларининг ўзаро муносабатларда эркинлигини таъминлайди, шу билан бир қаторда ҳар бир субъект манфаатларини белгиланган дои-рада ҳимоя килишни қафолатлаган ҳолда бу эркинликни маж-бурий тарзда чегаралаб қўяди.

Ишлаб чиқариш муҳитининг аҳволи, меҳнат жараёни, меҳнат шарт-шароитлари ва меҳнатни муҳофаза килиш ижтимоий-меҳнат муносабатларининг муҳим унсурлари ҳисобланади. Бе-восита ана шу унсурлар иш кучини такрор ҳосил килиш, меҳнат фаолияти жараёнида ходим хавфсизлигини таъминлашнинг асо-сий омиллари сифатида намоён бўладилар. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимининг асосий таркибий қисми бўлган хо-димларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти бевосита ана шу унсурлар ҳолатига боғлиқдир. Меҳнат кишисининг хавфсиз-лиги меҳнат сифати, ижтимоий меҳнат фаолияти ҳолатининг,

ходимлар эҳтиёжлари ва манфаатлари кондирилишининг энг муҳим мезони ҳисобланади.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим шарт-шароити ходимлар меҳнат фаолияти самарали бўлишини таъминловчи ижтимоий ҳимоя ва кафолатлар ҳисобланади (1.5-расм).

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари таркибида меҳнатни муҳофаза қилишнинг ўрнини таҳлил этиш меҳнат фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш, ходимнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳуқуқини муҳофаза этиш ижтимоий-меҳнат муносабатларининг марказий муаммоларидан бири эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари меҳнат жамоалари ҳаёти ва фаолиятининг кўпгина томонларини, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишни қамраб олиб, хилма-хил ва кўп қиррали хусусиятга эгадир. Бу муаммоларни ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, ҳар бир иш жойида ҳал этиш зарурати мазкур масала мураккаблигини кўрсатиб турибди. Шу сабабли инсон учун хавфсиз ва зарарсиз бўлган, сифат жиҳатдан янги техника ва технологияларни яратиш зарурати меҳнат муҳофазаси муаммоларини ҳал этишга комплекс ёндашишни талаб қилади.

Меҳнат муҳофазаси муаммоларини ҳал этишга комплекс, тизимли ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, ахборот таъминотининг паст даражада эканлиги илмий асосланган режалаштиришни амалга ошириш, профилактика ишларининг энг муҳим ва биринчи даражали йўналишларини аниқлашга тўсқинлик қилади. Оқибатда кўпдан-кўп самарасиз тadbирлар қабул қилиниб, меҳнат муҳофазаси учун ажратилган маблағлар нооқилона тақсимланади ва сарф қилинади.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг анъанавий усуллари ишлаб чиқариш ривожланишининг ҳозирги даражасига мос келмай қолаётганлиги, камсамаралилиги аён бўлиб қолмоқда. Ана шундай энг жиддий камчиликлар каторида ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишга тизимли ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаларини ахборот билан таъминланиши даражаси пастлиги, меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини назорат қилиш, таҳлил этиш ва

комплекс баҳолашнинг илмий асосланган усуллари йўқлиги, меҳнат муҳофазаси соҳасида қўлланилаётган моддий ва маънавий рағбатлантириш мезонлари ва усуллари мукаммал эмаслиги, профилактика тадбирлари камсамаралилиги, меҳнат муҳофазаси учун маблағ ажратишни нооқилона режалаштириш ва тақсимлаш давом этаётганлиги каби ҳолатларни келтириш мумкин.



1.5-расм.Ходимларни меҳнат жараёнида ижтимоий муҳофаза қилиш механизмлари²⁴.

1.2. “Меҳнат муҳофазаси” ва “меҳнат шароитлари” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уларнинг амалиётда қўлланиши генезиси

Меҳнат фаолияти жараёнида инсонга кўпгина ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Энг аввало, бу ишлаб чиқариш–техника омиллари: меҳнат жараёни амалга ошириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш операцияларини бажаришда қўлланиладиган техника ва технологиялардир. Улар, бир томондан, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, меҳнат жараёнларини бажаришни енгиллаштиради. Шу билан

²⁴ Р о и к В.Д. Управление условиями и охраной труда: Учебное пособие. М.: РАГС, 2004. С.14-15.

бирга улар ходим ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган ортикча шовқин, вибрацияни келтириб чиқаради, турли шикастланишлар етказиш хавфини туғдиради.

Омилларнинг бошқа бир турлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё, материаллар, ёнилғи, ярим тайёр маҳсулотлардир. Улар чанг чиқариши, турли нурланишлар, захарли газлар, радиация ва ҳоказолар орқали ходим соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришдаги микроиклим: ҳарорат, ҳаво оқими, унинг намлиги ҳам персонал меҳнат қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари инсон организмга салбий таъсир кўрсатадиган яна кўплаб унсурлар: иш жойининг яхши ёритилмаганлиги, бактерия ва вируслар тарқалиши, иш жараёнида жисмоний, руҳий зўриқиш ва ҳоказолар ҳам мавжуд.

Бу барча омиллар инсоннинг меҳнат фаолиятига, шунингдек ҳаётига салбий таъсир кўрсатади, унинг касалланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан мазкур салбий омилларнинг инсон соғлиғига таъсирини бартараф этиш ёки камайитириш йўллари ва воситаларини излаш, яъни инсон меҳнат қилаётган жойда хавфсиз муҳит яратиш зарур. Шунинг учун ҳам “меҳнат шароити” ва “меҳнат муҳофазаси” атамалари ижтимоий-иқтисодий, техник, илмий, норматив-ҳуқуқий тушунча сифатида пайдо бўлган.


Меҳнатни муҳофаза қилиш инсон учун хавфсиз бўлган ҳамда унинг самарали меҳнат қилиши учун керак бўлган шарт-шароитларни яратиш ва чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди. Бундан меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнат шароитига қараганда кўламлироқ ва юқорироқ категория эканлиги англанади.

Собитқадам фаолият кўп минг йиллар давом этиб келар экан, ана шу давр мобайнида бу фаолиятни хавфсиз ташкил этиш, яъни меҳнат кишисини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўриб келинган.

Ҳозирги пайтда меҳнатни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ижтимоий ривожланиш жараёнида жиддий ўзгаришлар бўй берди, яъни унинг генезиси кузатилди (1.6-расм).

Ўзбек мутафаккирлари қадим-қадимдан меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига катта эътибор бериб

келганлар. Абу Наср Форобий ўзининг “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”сида: “Фозил жамият ва фозил шаҳар (мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолиси бўлган ҳар бир одам касб-ҳунар билан шуғулланади...



1.6-расм. Хавфли омиллар таъсири ва улардан химояланиш воситаларининг генезиси

Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”²⁵, – деб ёзади.

²⁵ Буюк сиймолар, алломалар. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 39-бет.

Алишер Навоий ўз китъаларида нақшбандийлик тариқати-нинг энг асосий ғояларидан бири – меҳнат килиш қоидаларини қуйидагича таърифлайди:

Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Назарни қадамдин йирок солмағил
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

Дамингдин йирок тутмағил хушки,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга²⁶.

Амир Темур салтанатида ҳам касб-хунар эгаларига, улар меҳнатини ташкил этишга алоҳида эътибор берилар эди. Буюк Соҳибқироннинг ўзи бу ҳақда шундай фикр билдирган: “*Ўн биринчи тоифа* – касбу хунар эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларни давлатхонамга олиб келиб ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва турғунликда сипоҳимга керак яроқлар ва бошқа жиҳозларни ҳозирладилар”²⁷.

Инсон жамияти пайдо бўлган даврдан бошлаб одамлар ҳаёти ва соғлигини сақлаш учун хавфсиз шарт-шароитларни яратиш зарурати турли воситалар, йўллар ва шакллар: энг оддийлардан энг мураккабларигача, илм-фан ютуқларига асосланган восита, йўл ва шакллардан фойдаланишни тақозо этиб келган. Бошқача килиб айтганда, инсонлар ўз фаолиятларига таъсир кўрсатувчи ташки муҳит омилларидан ўзларини сақлашга ёндашувларида генезис жараёни рўй берган. Бунда умуман инсонга, шу жумладан меҳнат фаолияти билан машғул бўлганларга таъсир кўрсатувчи омиллар ўзгариб борган.

Кўриниб турибдики, инсоният жамияти ва унинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланар экан, инсон ҳаёти ва соғлиғига таъсир кўрсатувчи омиллар босқичма-босқич мураккаблашиб, миқдори ортиб борган. Шу билан бирга бу омилларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланиш учун тобора мураккаб ва қимматбаҳо усул ва воситалар талаб этилмоқда. Бу эса ўз навбатида салбий

²⁶ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-жилд. Ҳайрат ул-аброр. Тошкент: Фан, 1991. 364-бет.

²⁷ Темур тузуклари. Тошкент: Шарк. 2005. 78-бет.

омилларнинг инсон соғлиғи ва меҳнат қобилиятига салбий таъсирининг олдини олиш ёки бу таъсирини камайтириш учун энг самарали воситаларни топишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини туғдирмоқда.

Замонавий ишлаб чиқаришларга бир корхонанинг ўзида физикавий-кимёвий хусусиятлари бўйича жуда мураккаб бўлган турли технологияларни қўллаш хосдир. Бугунги ишлаб чиқаришда технологиялар, жиҳозларни тез-тез алмаштириш, янги жараён ҳамда материалларни жорий этиш одатий ҳолга айланган. Аммо, кўпинча ишлаб чиқаришдаги ана шу ўзгаришларнинг ходимларга салбий таъсири етарли даражада ўрганилмаган бўлади. Қатор корхоналарда жуда заҳарли, тез ёнувчан моддалар, турли нурлар чиқарадиган материаллар ишлатилади, технологик жараёнлар шовқин даражасини нихоятда ошириб юборади, вибрация, ультра ва инфра товушлар, микроклимнинг ноқулайлиги, чанг ва газ меъёрдан ортиқча бўлиши ҳамда бошқа салбий ҳолатлар кузатилади. Бу эса ходимга жароҳат етказди, унинг турли касалликларга чалиниши эҳтимолини оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш билан кўпгина назарийётчилар ва амалиётчилар шуғулланганлар. Улар меҳнат муҳофазасига инсоннинг собитқадам, бунёдкорлик фаолияти ва мазкур фаолият билан боғлиқ барча жараёнларда унинг хавфсизлигини таъминлашнинг мураккаб ва комплекс тизими сифатида ёндашганлар. Меҳнатни муҳофаза қилиш объекти меҳнат ҳисобланиб, у ягона жараёнда инсонни меҳнат воситалари ва предметлари билан бирлаштиради. Меҳнатнинг бу уч таркибий элементини ўрганиш билан кўплаб фанлар: иктисодиёт, математика, психология, социология, муҳандислик ва бошқалар шуғулланади. Шундай экан, меҳнатни муҳофаза қилишни ўрганишдаги муваффақиятлар кўпгина бошқа турдош фанларда эришиладиган муваффақиятларга боғлиқдир. Мазкур фан соҳалари ривожланиб боргани сари тадқиқотчилар меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари тўғрисида кўпроқ нарсаларни била бошладилар, хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш масаласини ҳал этишга янгича ёндашувларни топдилар. Шу билан бир каторда “меҳнатни муҳофаза қилиш” ва “меҳнат шароити” тушунчаларида, уларни илмий жиҳатдан асослашда ҳамда уларнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларидаги ўрнини аниқлашда ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда. Меҳнатни муҳофаза

Меҳнат муҳофазасини англаш генезиси

2		1	№
Кўхна дунё		Ибтидоий дунё	Ривожланиш боскичлари
Кулчилик тузуми		Ибтидоий жамоа	Иқтисодий тузум
м.а. 300 йил	м.а. 3000 йил	м.а.40-30 минг йиллик	Сана
Кўхна Рим	Миср, Бобил, Ҳиндистон, Юнонистон, Хитой	Европа ва Урта Африка	Минтақалар
Эркин фуқаролар – куллар, деҳқонлар	Эркин фуқаролар – куллар, деҳқонлар	Ибтидоий онгли инсон-Homo sapiens (жамоалар)	Меҳнатни муҳофаза қилиш субъектлари таркиби
Жисмоний меҳнат билан куллар ва деҳқонлар машғул айрим оғир деҳқончилик ишларида эркин фуқаролар ҳам меҳнат қилади	Жисмоний меҳнат билан куллар машғул, “рағбат” – дангаса кулларни калтаклаш	Ўз-ўзини сақлаш инстинкти	Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси
Куллар ва деҳқонлар ҳаётини тартибга солиш, сақлаш ва турмушини яхшилаш умумий фаровонликнинг бир қисмидир	“Кул ҳаёти сарик чака ҳам эмас”	“Ўз ҳаётингни ўзинг сақла”	Меҳнатни муҳофаза қилиш “формуласи”

қилиш тушунчасига илмий ва амалий ёндашув генезисда, унинг моҳиятига қарашларнинг шаклланишида беш босқични ажратиш кўрсатиш мумкин (1.2-жадвал):

жадвалнинг давоми

4	3
Янги давр	Урта асрлар
Капитализм	Феодализм
XV асрдан	X-XV асрлар
Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка	Европа, Осиё, Араб Шарқи, Шимоли-Шарқий Африка
Капиталистлар – ёлланма ишчилар (буржуазия – меҳнаткашлар оммаси)	Феодаллар (ер эгалари) – крепостной деҳқонлар, куллар
“Кул” ва “ҳуқук” сўзлари – зиддиятли, улар бир-бирини истисно этади”, яъни меҳнатдан фойдаланиш таркибига, шу жумладан оғир меҳнатга ҳам одамлар ҳаёти ва соғлиғини сақлашни ҳуқуқий тартибга солиш киритилади	Ташкиллаштирилган қишлоқ хўжалигидаги оғир ишларга крепостной деҳқонлар ва кулларни жалб этиш, шу жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида
“Капиталист – ходим” муносабатлари асосан ходимлар ҳаёти ва соғлиғи омиллари ҳисобга олади, лекин ишлаб чиқариш натижаси бирламчидир	Деҳқонлар, куллар ва албатта эркин (ёлланма фуқаролар) меҳнат шароити ва турмушига янада кўпроқ эътибор

5	
Ҳозирги давр	
Замонавий бозор иктисодиёти	Социализм
XX асрдан бошлаб (Ўзбекистонда 1991 йилда)	1917 йилдан
Тараккий этган ва ривожланаётган мамлакатлар	СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар
Раҳбар – ходим (шериклар)	Раҳбар – меҳнатқашлар
Ишлаб чиқариш иктисодий самардорлиги мутаносиблигига эришиш ва хавфсиз меҳнат шартини шакллантириш	Зарarli ва хавfli омилларни истисно этадиган меҳнат шарoитларини яратишга интилиш
Ишлаб чиқариш натижаларига нисбатан йўл қўйиш мумкин бўлган хавфни бартараф этиш	Мутлак хавфсизликни таъминлашга интилиш, ammo қатор ҳолатларда меҳнатқашларнинг ҳаёти ва соғлиғи иккинчи даражаги ҳисобланарди

1. Биринчи босқич бошланиши сифатида инсониятнинг ибтидоий даврини келтириш мумкин. Бу вақтда одамлар табиат билан бевосита ўзаро алоқада бўлганлар. Ана шу даврда инсон учун ўзини-ўзи саклаш, совуқ, очлик, ваҳший ҳайвонлардан ҳимояланиш учун энг ибтидоий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш хос бўлган. Бунинг далили сифатида 1991 йилда Австрия-Италия ҳудудидagi Альп тоғлари музлигидан топилган ибтидоий одам қолдиқларини келтириш мумкин. Бу қолдиқлар билан бирга ана шу ерда ибтидоий шахсий ҳимоя воситалари: ўтлардан тўкилган сув ўтказмайдиган ёпинчик, эчки терисидан тайёрланган кийим, айик терисидан тикилган бош кийими, бугу терисидан тикилган этик ҳам топилган.

2. Иккинчи босқич кўҳна даврга тааллуқли бўлиб, бу пайтларда меҳнатни муҳофаза қилишни оддий воқелик эмас, балки у жараён хусусиятига эғалигини тушуниб етиш учун дастлабки

белгилар кўзга ташланиши билан эътиборга моликдир. Ўша даврда меҳнатни муҳофаза қилиш умумий концепцияси унинг бугунги тушунчасидек ҳолатда таркиб топмаган бўлса ҳам, у ижтимоий меҳнатнинг бошқарув элементига айлана бошлаган.

Маълумки, кўхна Мисрда аҳоли икки қатлам: эркин фуқаролар ва қулларга бўлинган. Меҳнатни муҳофаза қилиш оғир жисмоний меҳнат билан машғул бўлмаган эркин фуқаролар учунгина хос бўлган. Қуллар эса фақат ўз соғликлари эмас, балки ҳаётларини муҳофаза қилиш учун ҳам бирор оддий ҳимоя воситаларига эга бўлмаганлар.

Айрим тадқиқотчилар Аристотель (м.а. 384-322 йй.) меҳнатни муҳофаза қилишни унинг жамият иқтисодиёти ва ривожланиши қонуниятига таъсири нуқтаи назаридан ўрганган деган фикрдалар²⁸. Ҳақиқатан ҳам Аристотель ишлаб чиқариш чикимларида меҳнатга энг катта аҳамият берган. Шу билан бир қаторда у ижтимоий жиҳатдан тенг бўлмаган кишилар – қуллар ва эркин фуқаролар томонидан яратилаётган товарларга улар сарф қилган меҳнат тенглигини тан олмаган. Шунинг учун Аристотель эркин фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлашга устуворлик берган. Бу фуқаролар эса оғир меҳнатни бажаришга қулларни жалб этган ҳолда ўзларини муҳофаза этганлар.

Мазкур босқичда кўхна Римда иқтисодий муаммоларни тадқиқ этишга киришилганлигини кўрсатиш мумкин. Бу ерда биринчи навбатда қулдорликка асосланган йирик хўжаликни оқилона ташкил этиш билан боғлиқ амалий масалалар ҳал этилган. Бунда меҳнатни муҳофаза қилиш ишлаб чиқариш натижаларида ходимлар ҳаёти ва саломатлигининг омиллари қисман ҳисобга олинганлигида ўз ифодасини топган. Иқтисодиётдаги бу йўналиш М. Катон (м.а.234-149 йй.)га тегишлидир. У қарам меҳнатни ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқар экан ихтисослашаётган қулчилик хўжаликлари ишлаб чиқариши элементларининг мақбул нисбатларини белгилаб берган. Бунда у асосий роль мулк эгасига тегишли эканлигини, бевосита хўжайин назорати меҳнатни ташкил этишнинг энг муҳим омили эканлигини кўрсатган.

Гиппократ ҳам (м.а. 460-377 йй.) меҳнатни муҳофаза қилиш категориясини тадқиқ этар экан қон ишчилари касалликлари (териаларига зарар етиши, нафас олишнинг кийинлиги, улар ор-

²⁸ История экономических учений / Под ред. В. Автономова и др. М.: ИН-ФРА-М, 2002. С.784.

ганизмларида кўрғошин, рух, олтингугурт борлиги) тўғрисида ёзган. Шунингдек, Ю. Колумелл (м.а. I аср) биринчи бўлиб кулчилик хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив йўли муаммосини ўртага қўйган. Бунинг учун у хўжаликни интенсивлаштиришда куллар меҳнатини ташкил этишни ўзгартириш зарурлигини кўрсатган.

3. Учинчи боскич Ўрта асрларни камраб олган бўлиб, бу даврда иқтисодий масалаларни фалсафий ва этика нуқтаи назаридан ўрганиш кўзга ташланади. Ана шу даврнинг энг йирик олимларидан бири Фома Аквинский (1225-1274 йй.) Аристотель таълимотига амал қилган ҳолда меҳнатнинг барча турлари бир хил аҳамиятга эгалиги тўғрисидаги ғояни инкор этган, жисмоний меҳнат куллар машғул бўладиган иш сифатида баҳолаган.

4. Тўртинчи давр учун (XV-XVI асрлар) меҳнатни муҳофаза қилишга миллат фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган комплекс механизм сифатида қараш тушунчасининг янада ривожланиши ҳосилдир. Инглиз иқтисодчиси У. Петтини (1623-1687 йй.) ушбу боскич вакили деб ҳисоблаш мумкин. Унинг “Меҳнат – бойликнинг негизи”, “Меҳнат – бойликнинг отаси, ер эса унинг онаси” деган машҳур сўзлари маълум. У иш кучидан тўла фойдаланишни ҳамда унинг сифатини оширишни таъминлаш бўйича давлат муҳим функцияларни бажариши керак деб уқтирган. Бу иқтисодчи меҳнатни муҳофаза қилишга инсонпарварлик ҳамда иқтисодий нуқтаи назардан ёндашув тарафдори бўлган.

Таниқли инглиз иқтисодчиси А. Смит (1729-1790 йй.) меҳнатнинг бойликни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг омили сифатидаги ролини тадиқ этган. Смитнинг фикрича, меҳнат ва унинг хавфсизлиги нафақат бойлик манбаи, балки унинг қиймати ўлчови ҳамдир.

Машҳур рус олими М.В. Ломоносов меҳнатни муҳофаза қилишнинг жамият иқтисодий ривожланишига таъсири тўғрисидаги тасаввурларни янада ривожлантирган. У ўзининг “Металлургия ва кон ишларининг биринчи асослари” (1742 й.) асарида кон ишларида хавфсизлик ва санитария қоидаларига эътибор қаратган. У кончиларнинг меҳнатини ва дам олишини ташкил этиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, конлардаги хавони алмаштириб туриш, ер ости сувларини йўқотиш тўғрисида ёзган.

Россияда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан Петр I даврида ҳам шуғуллана бошлашган. Жумладан, 1725 йилдаги кон-металлургия ишлаб чиқаришида иш куни кўпи билан 11 соат, байрамлар арафасида ва тунги вақтда 10 соат қилиб белгиланган.

1734 йилда фабрикалардаги меҳнат шароити устидан назорат ўрнатиш учун битта обер-комиссар ва учта комиссар тайинланган. 1744 йилда эса фабрика ва заводларда ишни тартибга солиш ҳамда тунги иш вақтини чеклаш тўғрисида қонун чиқарилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни жорий этиш Россия саноат ишлаб чиқаришида Ғарбий Европа тажрибаси қўлланила бошланиши билан кучайган. 1845 йилда фабрикаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича биринчи қонун қабул қилинган. Айни пайтда корхоналардаги меҳнат шароитларини ўрганиш бўйича қатор комиссиялар ташкил этилган. 1882 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бажарилиши устида махсус назорат олиб бориш учун инспекция ташкил этилган. 1897 йилда “Фабрика-завод саноати муассасаларида иш вақти давомийлиги ва тақсимланиши тўғрисидаги қоидалар” нинг янги қонуни чиқарилди. Унда барча ишчилар учун иш вақти давомийлиги чегаралаб қўйилди. Қонун моддаларида белгиланган бу қоидаларни бузганлик учун қандай жазо чоралари қўлланиши ҳам кўрсатилган. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш билан савдо ва саноат вазирлиги ҳузуридаги фабрика ва кон заводлари ишлари бўйича бош бошқарма шуғулланган.

5. Бешинчи давр XX аср бошидан ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтишгача бўлган ораликни эгаллайди. Шўролар ҳукумати меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунлар, норматив ҳужжатлар қабул қилган. Ана шу даврда Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифокда амал қилиб келган меҳнатни муҳофаза қилиш умумий тизими мавжуд бўлган.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигига эришилгандан сўнг меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш муаммолари халқаро қоида ва тавсиялар ҳисобга олинган ҳолда ҳал этила бошланди. Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида истиклол йилларида фақат инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилган. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” Ўзбекистон Респуб-

ликаси мустакилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди²⁹.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўз қонунчилигини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўп сонли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни амалга ошириш, ходимлар меҳнат қилаётган шароитни назорат қилиш бўйича ташкилий тузилмалар шакллантирилган. Шу тарика неча асрлар давомида инсон меҳнат билан шуғулланар экан, бу фаолиятини енгиллаштириш, меҳнат жараёнлари самарадорлигини ошириш, зарарли омиллар таъсиридан ҳимояланиш воситалари ва йўллари топишга ҳаракат қилган. Ўтган даврда, умуман, меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчасига ёндашувларда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.

Давр ўтиши билан меҳнат муҳофазаси атамаси янги маъно касб эта бошлади. Жумладан, А.В. Луковников “Меҳнат муҳофазаси – меҳнат жараёнида инсоннинг соғлиғи ва иш қобилиятини сақлаш, хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик, техникавий, гигиеник ва ташкилий тадбирлар тизими”³⁰, деган хулоса чиқаради.

“Экономика труда” дарслигининг муаллифлари эса “Меҳнат муҳофазаси – меҳнат фаолияти жараёнида ходимлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш тизими бўлиб, у ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация ва бошқа тадбирларни қамраб олади”³¹, деб ҳисоблайдилар. Аммо бу ва баъзи бошқа тадқиқотчилар меҳнат муҳофазаси соҳасида меҳнат жараёнининг иқтисодий моҳиятини белгилайдиган инсоннинг меҳнат қобилияти масаласини ёддан чиқариб қолдирганлар.

Биз меҳнат муҳофазасига доир таърифларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосага келдик: *“Меҳнат муҳофазаси – иш бажаришда ходим ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизликни таъ-*

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz).

³⁰ Луковников А.В. Охрана труда. М.: Колос, 1984. С.288.

³¹ Экономика труда: Учебник. / Под ред. Шлендера П.Э. и Кокина Ю.П. М.: Магистр, 2008. С. 208.

минлайдиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, техникавий, санитария-гигиена нормалари тизимидир”.

Меҳнат (иш) қобилияти – бу инсон организми физиологик ва психик функцияларининг ҳолати бўлиб, муайян микдордаги ишни муайян сифатда вақт бирлиги давомида бажариш қобилиятини англатади. Меҳнат қобилияти ўз хусусиятларига мувофиқ:

– *умумий меҳнат қобилияти*, яъни одатдаги шароитда муайян ишни бажариш қобилияти;

– *касбга доир меҳнат қобилияти*, яъни муайян касб (ихтисос) бўйича ишни бажариш қобилияти; ҳамда

– *махсус меҳнат қобилияти*, яъни муайян ишлаб чиқариш ва оғир, ноқулай табиий иқлим шароитларида (ер ости ишлари, ноқулай меҳнат шароитидаги ишлар, меҳнат шароити ўта зарарли, ўта оғир ишлар ва ҳоказолар) ишни бажариш қобилиятига таснифланади³².

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунида иш қобилияти тушунчаси қайд этилган: “Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат”³³. Мамлакатимизнинг бу қонуни Россия Федерациясида 1999 йилда қабул қилинган “Меҳнат муҳофазасининг асослари тўғрисида”ги қонун билан такқосланадиган бўлса, юқорида қайд этилган қонунда “ҳаётни сақлаш” ва “реабилитация тадбирлари” тушунчалари мавжуд эмас.

Амалиётдан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча чоратадбирлар кўрилишига қарамаздан, ишлаб чиқаришда баъзан ўлим ҳолатлари ҳам рўй бериши яхши маълум. Шунинг учун мамлакатимиз Қонунига мазкур тушунчани киритиш мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан 2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни ва касб касал-

³² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 636-бет.

³³ “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. (1993 й. 6 майда қабул қилинган, 1998-2001 йиллардаги қўшимча ва ўзгартришлар билан).[http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

ликларини мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қатор моддаларида “саломатликка зарар етказилиши ёки ўлим”, “ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиш” сўзлари учрашини ижобий баҳолаш лозим.

Қонунга “реабилитация тадбирлари” атамасини киритиш меҳнатни муҳофаза қилишга бевосита тааллуқли бўлиб, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий ижтимоий суғурталашни молиялаштиришда устуворликни белгилашда жуда муҳимдир.

Меҳнат муҳофазасини ҳукукий жиҳатдан тартибга солишда меҳнат қонунчилигининг нормалари катта аҳамиятга эга. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш ҳукукий қоидаларини белгилайди. Бу қоидаларни битимлар, жамоа шартномалари, шунингдек, меҳнат шартномаларида акс эттириш тартибларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”³⁴, деб алоҳида уқтирилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг мазмуни ходимнинг қуйидаги ҳуқуқларини қамраб олади:

- меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос бўлган иш жойи;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурталаш;

- ҳаёти ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилиши оқибатида соғлиғи учун хавф туғилган ҳолатларда ишни бажаришдан бош тортиш;

- иш берувчи маблағлари ҳисобидан шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминланиш;

- иш берувчи маблағлари ҳисобидан хавфсиз меҳнат қилиш усулларига ўқитилиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилиши оқибатида иш жойи йўқотилган ҳолатларда иш берувчи маблағлари ҳисобидан касбий қайта тайёргарликдан ўтиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, иш берувчига, касаба уюшмаларига мурожаат этиш;

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 9-бет.

– иш жойида хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ёки касб касалликларини аниқлаш бўйича масалаларни кўриб чиқишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш;

– тиббий тавсиялар асосида иш жойи (хизмат вазифаси) ҳамда ўртача иш ҳақи саклаб қолинган ҳолда тиббий тавсияларга мувофиқ навбатдан ташқари тиббий кўрикдан (текширишдан) ўтиш;

– агар ходим оғир ишларда ҳамда зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида иш билан машғул бўлса қонун, жамоа шартномаси, битим, меҳнат шартномасига мувофиқ компенсациялар олиш.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш ходимлар учун нормал меҳнат шароитлари яратишни кўзда тутати. *Меҳнат шароитлари* ходимлар организмнинг функционал ҳолати, улар соғлиғи ва иш қобилиятига таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш муҳити омиллари жамланмасидир.


“Меҳнат шароитлари” атамаси кундалик ҳаётда жуда кўп ишлатилади. Бу ҳақда гап борганда ҳар бир одам мазкур атамга ўз нуқтаи назарини ифода этади. Бир тоифа одамлар учун меҳнат шароитлари иш ҳақи миқдори, бошқаларга – иш вақти давомийлиги, яна бир хил кишиларга меҳнатнинг оғир жисмоний куч талаб этиши ва ҳоказоларни англатади. Умуман олганда бу фикрларнинг ҳаммаси тўғри, аммо улар меҳнат шароитлари тушунчасини тўлиқ акс эттирмайди. Чунки инсон, унинг соғлиғи ва иш қобилиятига таъсир кўрсатувчи омиллар жуда кўпдир. Уларни тўлиқ тасаввур этиш учун бу омилларни таснифлаш талаб этилади.

Агар бу омилларни шартли равишда 1.7-расмда кўрсатилгандек ёпик эллипс ичига жойлаштириб, уни тўрт қисмга бўлсак, бу секторларнинг ҳар бири меҳнат шароитларини шакллантирадиган муайян омиллар жамланмасини ифода этади.

Омилларнинг келиб чиқиш жойи ва манбасига қараб уларни икки катта гуруҳга:

а) *ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ бўлмаган омиллар* (уларни горизонтал диаметр юкорисига жойлаштирамыз);

б) *ишлаб чиқаришнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган омиллар* (уларни горизонтал диаметрининг қуйи қисмида жойлаштирамыз).



1.7-расм. Корхонада меҳнат шароитларини шакллантирадиган омилларнинг тақсимланиши.

Юқорида қайд этилган омиллар ҳар бир гуруҳини ўз навбатида икки қисмга ажратиш мумкин. Ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ бўлмаган омиллар ўртасида, энг аввало, *табиий омиллар*ни ажратиб кўрсатсак бўлади. Улар корхона жойлашган жуғрофий ўрин билан белгиланади (1-сектор). Давлатда қабул қилинган меҳнат қонунчилиги, ижтимоий неъматлар ва кафолатлар жамланмаси тизими билан белгиланадиган *ижтимоий-иқтисодий омиллар* 2-сектордан жой олади.

Ҳар бир муайян ишлаб чиқариш ва унинг жамоасига боғлиқ бўлган омиллар ўз навбатида, бир томондан, мазкур *ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техника, технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш хусусиятлари* таъсири остида шаклланади (3-сектор). Иккинчи томондан, корхонадаги шарт-шароитлар, шунингдек персоналнинг ўзига хос хусусиятлари таъсири остида шаклланади. Бу омиллар гуруҳини *ижтимоий-психологик омиллар* (4-сектор) деб аташ мумкин.

Энди омиллар гуруҳларини батафсилроқ кўриб чиқайлик.

Табиий омиллар гуруҳи қуйидаги омилларни камраб олади:

- *жуғрофий-иқлим омиллари* – жуғрофий кенглик, денгиз сатҳидан баландлик, жой рельефи, иқлим, ҳаво ҳаракати, намлиги ва ҳоказолардир;

- *геологик* – фойдали казилмалар жойлашиши, иш зонасидаги тоғ босими, ҳарорат, намлик;

- *биологик* – мазкур жой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари, одамларнинг хавфли ҳайвонлар, қушлар, бошқа мавжудот, микроорганизмлар, ўсимликлар билан алоқаси.

Табиий омиллар, айниқса кишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, қон саноати ишлаб чиқаришида меҳнат шароитла-

рини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатиши билан бир каторда муайян машина-ускуналар, технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишга аниқ талаблар қўяди.

Инсоннинг табиий омилларга таъсир кўрсатиш имкониятлари чегараланган. Аммо уларни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Шунинг учун нормал меҳнат шароитлари яратишда табиий омиллар албатта ҳисобга олиниши керак. Корхоналарда табиий омилларнинг ходимларга ноқулай таъсирини бартараф этиш ёки камайтириш учун зарур чоралар: биноларда кондиционерлар ўрнатиш, хоналарни изоляция қилиш, йилнинг совук даврида иссиқлик таъминотини йўлга қўйиш ва ҳоказо чораларни кўриш керак.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар ходимларнинг умуман жамиятдаги ҳолатини белгилайди. Улар меҳнатга ҳақ тўлаш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тартибга соладиган меҳнат конунчилигида, ижтимоий неъматлар ва кафолатларда ўз ифодасини топади. Давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир сменадаги ва ҳафталик иш вақти давомийлигини, санитария норма ва қоидаларини, пенсияга чиқиш ёшини, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича имтиёзларни, кўп болали оилалар, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётганлар учун ва бошқа масалаларда тегишли меъёрларни белгилайди.

Муайян ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳамда ўзига хос меҳнат шароитларини шакллантирадиган ишлаб чиқариш омиллари энг кўп сонли омиллар гуруҳини ташкил этади. Улар ходим организмга бевосита таъсир кўрсатади (1.8-расм).


Корхона персонали таркиби ва хусусиятлари билан боғлиқ омиллар ижтимоий-психологик омиллар гуруҳини ташкил этади. Уларни бир неча кичик гуруҳларга таснифлаш мумкин:

а) персоналнинг ижтимоий ва демографик (жинси, ёши) таркиби;

б) ходимлар манфаатлари, улар кадриятлари жамланмаси;

в) корхона ва унинг бўлинмаларида раҳбарлик усули.

Ана шу омиллар таъсири остида корхонада маънавий-психологик иқлим шаклланади. Бу персоналнинг барқарорлиги, жипслиги, ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, кайфият, меҳнат интизоми, меҳнат фаоллиги ва ижодий ташаббускорликда ўз ифодасини топади.



1.8-расм. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг ходимларга таъсири.

Кўриниб турибдики, инсон ва унинг иш қобилиятига жуда кўп ва мураккаб омиллар таъсир кўрсатади. Улар, бир томондан, ҳисобга олиниши, иккинчи томондан, юксак унумли меҳнат қилиш учун энг қулай шарт-шароит яратиш мақсадида шакллантирилиши ёки ўзгартирилиши лозим. Бу меҳнатни муҳофаза қилишнинг энг асосий вазифаларидан биридир.


Бундан меҳнатни муҳофаза қилиш ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида уларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъмин-

лаш, соғлиғи ва иш қобилиятини сақлаш тизими деган хулоса чиқариш мумкин. Ана шу асосий мақсадга хавфли ва зарарли омилларни белгиланган норматив талабларга мувофиқ равишда бартараф этиш ёки улар таъсирини камайтиришга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа тадбирлар комплексини амалга ошириш орқали эришилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ўз махсус мақсад ва вазифалари, функциялари, принципларига эга (1.9-расм).

Меҳнатни муҳофаза қилишни унсурлари ўзаро боғлиқ бўлган тизимли-таркибий модель сифатида тасаввур этиш мумкин. Қисқача уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат:

Меҳнат гигиенаси – бу гигиена фанининг инсон меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш муҳитини ўрганадиган бўлими



1.9-расм. Меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадлари, омиллари ва тадбирлари.

ҳисобланади. Меҳнат гигиенаси ишлаб чиқариш муҳитининг инсон организмга таъсирини ўрганади ҳамда меҳнат шароитларини соғломлаштириш, касб касалликларини олдини олишга қаратилган гигиеник чора-тадбирлар ва нормативларни ишлаб чиқаради. *Ишлаб чиқариш санитарияси* – меҳнат гигиенасининг амалиёт қисми бўлиб, инсонга зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини бартараф этишга қаратилган ташкилий, гигиеник ва санитария, техникавий тадбирлар тизими ҳисобланади.

Меҳнат хавфсизлиги – бу ходимга хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини истисно этадиган меҳнат шарт-шароитларини яратишдир.

Хавфли ишлаб чиқариш омили – бу муайян шароитларда ишлаётган ходимга салбий таъсир натижасида унинг жароҳатланиши ёки кутилмаганда саломатлиги кескин ёмонлашишига олиб келадиган омиллардир.

Бахтсиз ҳодиса – ходимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодисадир;

Ишлаб чиқаришда шикастланиш (майиб бўлиш) – ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши;

касб касаллиги – ходимнинг унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги³⁵;

Ишлаб чиқариш предмети (жараёни) хавфсизлиги – бу предмет (жараён)нинг норматив-техникавий ҳужжатларда белгилаб қўйилган шароитларда топширилган ишни хавфсиз бажаришни таъминлашдир.

Меҳнат шароитлари – бу инсонга унинг меҳнат фаолияти жараёнида соғлиғига, хавфсизлиги, иш қобилиятига таъсир

³⁵“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-210-сон Қонуни.[http //: www.lex.uz](http://www.lex.uz).

кўрсатувчи ишлаб чиқариш муҳити омилларининг жамланмасидир.

Техника хавфсизлиги — бу ходимга хавфли ишлаб чиқариш омилларининг салбий таъсирини олдини олишга қаратилган ташкилий чоралар ва техника воситалари тизимидир.

Асосий тушунчалар ҳақида гап кетганда меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчасини техника хавфсизлиги ёки меҳнат гигиенаси билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки улар факатгина меҳнатни муҳофаза қилиш унсурлари ҳисобланади. Шунинг аниқ тасаввур қилиш керакки, меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тизимдир, меҳнат шароитлари, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси эса унинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганидек, меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини таъминлаб, саломатлигини сақлаши билан биргаликда унинг иш қобилияти сақланишини ҳам таъминлайди. *Иш қобилияти* инсон организмнинг муайян ишни бажариш учун зарур бўлган функциявий хусусиятидир. Бундан ташқари меҳнат қобилияти тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у ходимнинг иш вақти бирлигига муайян иш ҳажмини бажариш қобилиятини англатади.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти тизими-га ўтилиши меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Шу муносабат билан меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимидаги энг муҳим янгиликларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Аввалги маъмурий-буйруқбозлик тизимида Меҳнат вазирлигининг кўрсатма ва қарорлари тармок вазирликларига юборилар, улар эса ўз навбатида бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйи органлар ва корхоналарга жўнатар эди. Бу тизим амалда бекор қилинди.

Ҳозирги пайтда бошқарув қонунчилик занжирига асосланган: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мамлакат қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари — республика субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари — маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳужжатлари — корхоналарнинг норматив ҳужжатлари.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш соҳасида ваколатларни тақсимлашда ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу давлат ҳокимият органлари ташкилий тизимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

Бу янгиликларда энг муҳими меҳнатнинг хавфсиз шароитларини таъминлаш масъулиятини, аввал бўлганидек, маъмурият зиммасидан эндиликда иш берувчилар зиммасига юклашдир. Бу меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш харажатлари иш берувчилар маблағлари ҳисобига амалга оширилишини англатади. Давлат эса меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив талабларни белгилайди. Бунда ҳамиша ҳам иктисодий имкониятлар ва белгиланган тадбирлар бажарилишининг қиймати ҳисобга олинмаслигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

Шу билан бирга меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг айрим функцияларини давлат органларидан турли нодавлат ташкилотларига бериш ҳам рўй бермокда.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари, шунингдек чет эл мамлакатлари тажрибаси ҳам кенг қўлланила бошланди.

1.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ва унинг халқаро стандартларга мувофиқлиги

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати халқаро стандартларга мувофиқ инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида собиткадамлик билан амалга оширилмокда. Мамлакат жаҳон ҳамжамиятига қўшилгач, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган устуворлигини конституцион тарзда мустаҳкамлаб қўйди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳужжатларнинг универсал аҳамияти уларда мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар миллий қонунчиликка имплентация қилиниши лозимлигида намоён бўлади. Бу тўлалигича меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазкур соҳадаги асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш жараёнини тартибга солишда 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси³⁶ энг муҳим қонун ҳужжати бўлди. Унда бево-

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. <http://www.lex.uz>.

сита меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган 30 дан кўпроқ модда мавжуд. Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича йўриқнома ўтказиш ва таълим бериш, меҳнатнинг ноқулай шароитларида ишлаётган ходимлар ҳамда 18 ёшга тўлмаганлар учун иш вақти давомийлигини тартибга солиш, ходимларни сут, озиқ-овқат билан таъминлаш, даволаш-профилактика, бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш ва текшириш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан назорат олиб бориш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

1993 йил 6 майда қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни³⁷ мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарда меҳнат шароитларини яратиш ва яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика асослари ва нормативларига риоя этиш принципларининг ҳукукий асосини яратди.

2006 йил 25 августда қабул қилинган “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни³⁸ хавфли ишлаб чиқариш объектларини хавфсиз эксплуатация қилишни таъминлашнинг ҳукукий-иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб қўйди ҳамда мазкур объектларда аварияларни олдини олиш, улар рўй берган тақдирда оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган.

Ходимларнинг соғлиғини сақлаш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза этиш мақсадида 2008 йил 10 сентябрда “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни³⁹ қабул қилинди. Мазкур қонун фуқароларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш бўйича қонунда белгиланган ҳуқуқлари ижтимоий ҳимоя қилинишини ҳамда олин-

³⁷ “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

³⁸ “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http:// www.lex.uz>.

³⁹ “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http:// www.lex.uz>.

ган жароҳатлар ва касалликлар оқибатида ходим саломатлиги ва ҳаётига етказилган зарарни суғурталаш орқали коплашни таъминлайди. Меҳнат шароитларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини яхшилаш, ходимлар соғлиғини сақлаш – бу қонун мақсадларидан биридир.

Фуқаролар саломатлигини муҳофаза этиш, шу жумладан, улар меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ижтимоий ҳимоялаш, профилактика тадбирларининг устуворлигига доир асосий принциплар 1996 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунида⁴⁰ мустаҳкамлаб қўйилган.

“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-210-сон Қонуни ҳам фуқаролар саломатлигини муҳофаза этиш, шу жумладан, улар меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига йўналтирилган.

Ушбу ва бошқа асосий қонун ҳужжатларини ривожлантириш мақсадида қонуности норматив ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги қарорлари, уларнинг энг муҳимлари ҳисобланади:

– 1994 йил 7 ноябрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тўғрисида”;

– 1995 йил 16 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисида”;

– 1997 йил 6 июлдаги “Ишлаб чиқаришда ходимларнинг бахтсиз ҳодисалари ва бошқа жароҳатларини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом”;

– “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш бўйича намунавий Низом”;

– “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисидаги Низом”;

– “Меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш услубиёти”;

– 2009 йил 24 июндаги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон

⁴⁰“Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://www.lex.uz>.

Республикасининг Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқалардир.

Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси топшириғига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида қоидалар, нормалар, низомлар, йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Бундан ташқари давлат ҳокимиятининг ижроия органлари ҳам қарорлар, буйруқлар, низомлар, кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар қабул қиладилар.

Республикада асосий қонунчилик ҳужжатларидан ташқари ходимлар соғлиғи, уларни муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи умумдавлат норматив ҳужжатлари ҳам амал қилади. Санитария қоидалари ва нормалари, меҳнат хавфсизлиги тизимининг давлат стандартлари, қурилиш норма ва қоидалари, зарарли моддалар нормативлари, зарарли ва хавфли меҳнат шароитлари мавжуд бўлган ишлаб чиқаришларда меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича ҳамда у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ёки қўллашга доир аниқ талаблар кўрсатилган айрим масалалар бўйича норматив-услубий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳамда ходимлар ва иш берувчилар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида *меҳнат шартномалари* ва *меҳнат битимлари* тузиш кўзда тутилади. Улардан меҳнат шароитлари ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам ўрин олиши белгиланган. Меҳнатни муҳофаза қилиш норматив талаблари қуйидаги норматив ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

4. Вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинадиган меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатлар.

5. Ўзбекистон Республикаси субъектларининг меҳнат ша-

роитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатлари.

1.3-жадвал

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат норматив талаблари мавжуд бўлган норматив-ҳукукий ҳужжатлар

Ҳужжатлар номланиши	Ҳужжатни тасдиқлаган орган
Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқлараро қоидалар ва намунавий йўриқномалар	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқ қоидалари ва намунавий йўриқномалар	Ҳокимиятнинг ижроия органлари
Хавфсизликни таъминлаш бўйича қоида ва йўриқномалар	“Ўздавэнергоназорат”, “Санотконтехназорат” агентликлари
Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат стандартлари ва стандартлар тизими	“Ўзстандарт” агентлиги, “Давархитектқурилиш” кўмитаси
Лойиҳалаш ва қурилиш бўйича қурилиш нормалари ва қоидалари	“Давархитектқурилиш” кўмитаси
Санитария ва гигиена нормалари ва қоидалари	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Жаҳонда ўнлаб йиллар давомида ишлаб чиқаришда ходим хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва умуман меҳнатни муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш муаммолари билан шуғулланиб келинмоқда. Тараккий этган давлатлар тажрибаси бу соҳа давлат сиёсати даражасига кўтарилиши кераклигидан далолат бермоқда. Ривожланган хорижий мамлакатлар амалиёти меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий, услубий ва амалий фаолият қуйидаги асосий принципларга таянишини кўрсатади:

- қонунчиликда меҳнатни ташкил этишга инсонларварлик нуктаи назаридан комплекс ёндашиш ҳамда инсонни ишлаб чиқаришнинг хавфли таъсиридан муҳофаза этиш объекти сифатида ажратиб кўрсатиш;

- меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда улар ижросини назорат этишда ходимларнинг иштирокини кенгайтириш;

– кулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари даражасини камайитиришдан иктисодий манфаатдорлик механизмини жорий этиш;

– корхоналар ёки корхоналар гуруҳларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш.

Чет элларда меҳнат муҳофазаси масалаларида иктисодий механизмлардан фойдаланиш бу йўналишда давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади ва қуйидагиларни қамраб олади:

– сугурталаш тарифининг корхонадаги хавфсизлик даражасига боғлиқлиги;

– хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси талабларини бузганлик учун жарималар тизими;

– меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига йўналтирилган маблағларни солиқлардан озод қилиш;

– бахтсиз ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш учун иш берувчилар маблағлари ҳисобидан катта миқдорда ҳақ тўланишини таъминлаш⁴¹.

Хорижий мамлакатларда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг хусусияти шундан иборатки, давлат меҳнат шароитларини нормалаш ва назорат қилишни амалга оширса ҳам, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи учун бутун масъулият иш берувчи зиммасига юкланган. Айни пайтда технологиялар, машина-ускуналар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари, материаллар ва хом ашёларнинг инсон учун хавфсизлигини синаш устидан техника назоратини амалга оширишда нодавлат ташкилотларининг кенг иштирок этиши таъминланади.

Шу билан бир қаторда давлат ва давлатлараро миқёсда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ишлари олиб борилади. Бу дастурларга бахтсиз ҳодисаларни, ишлаб чиқариш муҳитининг хавфли омилларини баҳолаш, ифлосланишларни назорат қилиш, касб касалликларини аниқлаш, хавфларни баҳолаш, прогнозлаш ва идентификациялаш масалалари киритилади. Меҳнатни муҳофаза қилишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни кучайтириш воситаси сифатида жарималар

⁴¹ Х а н т е р В. Безопасность и гигиена. Люксембург, 1989. С.38.

ҳамда рағбатлантириш механизмларидан кенг қўлланилади. Бунда жарималар тизими меҳнатни муҳофаза қилиш қондалари бузилиши оқибатларининг огирлигига қараб белгиланади⁴².

Жаҳоннинг 178 мамлакати аъзо бўлган *Халқаро Меҳнат Ташкилоти* (ХМТ) меҳнат, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилишнинг халқаро меъёрларини белгилашда асосий роль ўйнайди. ХМТнинг конвенция ва тавсияларида ходимни меҳнат жараёнида ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим масалаларига доир халқаро ҳуқукий стандартлар белгилаб қўйилган. Умуман олганда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 300 тадан кўпроқ конвенция ва тавсияларининг учдан бир қисмидан кўпроғи меҳнат муҳофазаси ва меҳнат гигиенаси муаммолари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ, 40 тадан кўпроқ ҳужжат эса тўғридан-тўғри меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган. “Хавфсизлик, меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш муҳити тўғрисида”ги 155-сон Конвенция ва 164-сон Тавсиялар, “Ишлаб чиқариш жароҳати ҳолатларидаги воситалар тўғрисида”ги 150-сон Конвенция ва 121-сон Тавсиялар, “Меҳнаткашларни иш жойида ҳаво ифлосланиши, шовқин ва тебратиш оқибатида касбий хавфдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 148-сон Конвенция ва 156-сон Тавсиялар, “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш тўғрисида”ги 31-сон Тавсиялар, “Меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза этиш тўғрисида”ги 112-сон Тавсиялар шулар жумласидандир.

Мазкур конвенция ва тавсияларда акс этган асосий масалалар қуйидагилардан иборат:

- меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ваколатли органлар, шунингдек давлат ҳамда техника хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси устидан мустақил назорат ўрнатишнинг бошқа турлари фаолиятини тасдиқлаш ҳамда мувофиқлаштириш;

- хавфсиз меҳнат шароитларини шакллантириш ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсиз техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни рағбатлантиришга кўмаклашадиган самарали хўжалик механизмларини яратиш;

- меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ва амалга

⁴² <http://www/Tacis.ERDUS>. – p.940.

ошириш, ходимларни ўқитиш ва касбий тайёрлаш, уларни ахборотлар билан таъминлаш бўйича муассасалар тармоқларини яратиш;

– бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан суғурталаш тизимини, касалланишлар профилактикаси хизматлари ва марказларини яратиш⁴³.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ушбу соҳадаги фаолияти меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш умумий шароитларини, ишлаб чиқариш муҳитини, техника хавфсизлиги ва меҳнат гигиенасини яхшилаш, ишдан қониқиш ҳиссини ошириш, сўнгги йилларда эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилашга йўналтирилган.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти мазкур соҳадаги ўз фаолиятида ишлаб чиқаришга илмий-техника ютуқларини жорий этиш натижаларини ҳисобга олади. Ишлаб чиқаришда янги машина ва механизмлар, материал ва технологиялардан фойдаланилар экан, уларнинг етарли даражада хавфсиз бўлишини таъминлашга қаратилган самарали чора-тадбирлар ҳамиша ҳам тўлиқ амалга оширилмайди. Ҳолбуки, янги материаллар ва технологияларни яратиш билан бир вақтда ўзгараётган ишлаб чиқариш муҳитининг ноқулай таъсиридан ходимларни муҳофаза этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрилиши керак.

Шу муносабат билан Л.А. Костин фикрига кўра “Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўз фаолиятида, шу жумладан ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида амал қиладиган энг муҳим принцип уч тарафлама ҳамкорлик: давлат – тадбиркорлар – ходимлар ўртасида келишилган миллий ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш принциpidир. Мазкур ёндашув қарорлар қабул қилиш барча босқичлари ҳамда бошқарувнинг барча даражаларида келишувга эришишнинг энг муҳим шартидир. Ижтимоий шерикларнинг қарорлар қабул қилишда иштирок этишлари икки тарафлама: қарорлар асослангиллиги ҳамда ушбу қарорлар самарасини адолатлироқ тақсимлашни таъминлаш афзаллигини беради”⁴⁴.

Мазкур масалалар бўйича халқаро нормалар сони шу қадар кўпки, уларни нафақат кўриб чиқиш, ҳатто санаб чиқиш ҳам

⁴³ Р о и к В.Д. Управление условиями и охраной труда. Учебное пособие. М.: РАГИС, 2009. С.138.

⁴⁴ К о с т и н Л.А. Международная организация труда. М.: Экзамен, 2002. С. 334.

мураккабдир. Шунинг учун уларнинг энг умумийлари ва энг муҳимларини қайд этамиз.

1977 йилда қатор халқаро ва миллий касаба уюшмалари марказлари талаблари бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ишлаб чиқариш муҳити (ҳавонинг ифлосланиши, шовкин, тебратиш) тўғрисидаги 148-сон Конвенцияси қабул қилинди. Мазкур Конвенцияда ходимларни амалда барча ишлаб чиқариш тармоқларида қайд этилган хавфлардан ҳимоя қилиш ҳамда иш берувчиларнинг миллий қонунчиликда кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутлақ масъулиятлари кўрсатиб ўтилади.

Конвенция мамлакатлар ҳукуматларига қайд этилган бу касб хавфларини аниқлаш мезонларини ўрнатиш, ходимлар ва тадбиркорларни зарур муҳофаза чоралари тўғрисида хабардор қилиш, инспекциялар ўтказиш ҳамда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари бузилган ҳолатларда жазо чораларни қўллашни таклиф этади.

Мазкур ҳужжатда, шунингдек агар ташкилий-техникавий чоралар орқали ҳаво муҳити ифлосланиши, шовкин ва тебратиш даражасини талаб этилган миқдорга мос бўлишини таъминлашнинг имконияти бўлмаса, тадбиркорлар ходимларни зарур шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашлари шартлиги, шунингдек мавжуд хавф тўғрисида хабардор этишлари ҳамда уларни ўз-ўзларини ҳимоя қилишга тайёрлашлари кўрсатилган.

1981 йилда Меҳнат Бош конференцияси томонидан меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси тўғрисида 155-сон Конвенция ҳамда унга мувофиқ тегишли тавсия қабул қилинган эди. Бу ҳужжатларда биринчи марта халқаро даражада ушбу масалалар бўйча барча меҳнат жараёнларини ва фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб оладиган, максади иш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг ҳамда соғлиқ учун зарарли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган миллий сиёсат асослари кўрсатилди. Мазкур Конвенцияда ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳамда миллий даражада ва корхоналар миқёсида амалга ошириш керак бўлган тадбирлар қайд этилган⁴⁵.

Мазкур ҳужжатда машина-ускуналар ёки материал ва хом ашёларни фойдаланишдан аввал уларни текширишдан ўтказиш

⁴⁵ Междурудная Организация Труда. Конвенции и рекомендации. В 2-х томах. Женева: МБТ, 2001. С.45.

тизимини ташкил этиш бўйича конунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши лозимлиги кўрсатилади. Конвенция, шунингдек, тадбиркорлар иш жойлари, машина-ускуналар, материал ва хом ашёлар, меҳнат жараёнлари хавфсиз бўлишини таъминлашлари ҳамда ходимлар соғлиғига хавф солинмаслигини таъминлаш мақсадида уларга тегишли ҳимоя кийимлари ва воситалари берилишини белгилаб қўйган. Шу билан бирга ушбу ҳужжатда ходим агар у иш жойида ўз ҳаёти ёки соғлиғига бевосита ва жиддий хавф-хатар туғиладиган бўлса, ишини ташлаб кетиши мумкинлиги ҳамда бунинг учун у асоссиз таъкиблардан ҳимояланиши зарурлиги кўрсатилган.

1985 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилоти меҳнат гигиенаси хизматлари тўғрисида 161-сон Конвенцияни қабул қилди. Ушбу ҳужжатда мазкур хизматлар вазиятга қараб бир корхона учун ёки бир неча корхоналар учун ягона хизмат сифатида ташкил этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Гигиена хизматлари қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

- иш жойида пайдо бўладиган соғлиққа хавфли таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ҳамда бу хавфни баҳолаш;

- ходимлар соғлиғига ноқулай таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш муҳити омиллари ва ишлаб чиқариш операциялари устидан назоратни йўлга қўйиш.

Гигиена хизмати дастлабки ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини таҳлил этишда, шунингдек касбий реабилитация бўйича тадбирларни амалга оширишда иштирок этади. У корхона хизматлари ҳамда тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Меҳнат гигиенаси соҳасида хизмат кўрсатадиган, тегишли маълакага эга персонал тўла касбий мустақилликка эга. Меҳнат жараёни билан боғлиқ ҳолатларда ходимлар соғлиғининг ҳолати устидан назорат олиб бориш улар иш ҳақи ҳисобига бўлмайди, яъни бепул ва имконият даражасида иш вақтида амалга оширилади.

Меҳнат шароитлари ва ишлаб чиқариш муҳитини яхшилашга қаратилган конунчилик тобора кўпроқ инсон меҳнати қулай бўлишини кўзда тутувчи кенг профилактик тадбирларни амалга ошириш мақсадига йўналтирилмоқда. Бу ўринда, энг аввало, ходимларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларига им-

кон қадар тўлиқ жавоб берадиган шароитларни яратиш, хавфсиз ва соғлом ишлаб чиқариш муҳитига эришиш назарда тутилади. Бунинг учун машина-ускуналар ҳамда меҳнатни ташкил этишни лойиҳалашда эргономика принциплари қўлланилиши, ходимлар ортқча зўриқишининг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг март ойида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Мамлакатимиз ҳозирги вақтга қадар Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 11 та конвенциясини ратификация қилган. “Мажбурий меҳнат тўғрисида”, “Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисида”, “Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишлар тўғрисида”ги ва бошқа конвенциялар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Халқаро Меҳнат Ташкилотининг бошқа конвенцияларини ҳам ратификациялаш бўйича тайёргарлик ишларини олиб бормоқда⁴⁶.

Европада меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш ва уни бошқаришнинг асосий принципларини амалга ошириш бўйича катта тажриба тўпланган. Бу қатор халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади. Улар орасида Европа Иттифоқининг конунчилик ҳужжатлари, айниқса унинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжати – Европа Ижтимоий хартиясини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш соҳасида *Европа Иттифоқи томонидан 1961 йилда қабул қилинган ва 1965 йилда кучга кирган Ижтимоий хартия* жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Хартия гуманитар соҳада дастлабки асосий миллатлараро ҳужжат бўлиб, шахсни муайян давлат ва унинг органларидан эмас, балки халқаро ташкилотлар ва улар органларидан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Хартия Ўзбекистон Республикаси учун, энг аввало, фуқароларнинг умумий ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қила олади. Ундан, шунингдек, миллий конунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

1996 йилда қайта кўриб чиқилган Европа Ижтимоий хартияси (у илк бор қабул қилинган 1961 йилдан сўнг) меҳнат конунчилиги ва ижтимоий сиёсатда рўй берган ўзгаришларни

⁴⁶ И с а е в М. Халқаро меҳнат андозалари ХМТ Конвенцияларида // Қадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007 йил. 7-сон. 34-35-бетлар.

ҳисобга олади. Харгияда кайд этилган қоидалар меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси соҳасида ишлаб чиқариш муҳити ташқарисида бўлган вазиятга ҳам таъсир кўрсатади. Мазкур ҳужжат, шунингдек бутун аҳоли учун сифатли атроф-муҳитни таъминлашга кўмаклашиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳуқуқига риоя этилишига ўз ҳиссасини қўшади.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва саломатлиги масалалари ривожланган мамлакатларнинг меҳнат соҳасидаги стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу жиҳатдан бу соҳада Буюк Британия, АҚШ ва Финляндия тажрибаси диққатга сазовордир.

Буюк Британия 2004 йилда 2010 йил ва ундан кейинги даврда иш жойларида инсон соғлигининг хавфсизлиги стратегиясини қабул қилди. Мазкур ҳужжатда ходимларга хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш ва улар соғлигини сақлаш энг асосий вазифа эканлиги, 2010 йилга бориб ишлаб чиқаришда ўлим ва оғир жароҳатлар даражаси 10,0 % га, касб касалликлари даражаси 20,0 % га, касалланиш сабаби билан иш вақти йўқотилиши 30,0 % га камайтирилиши кўзда тутилади.

Стратегия мамлакатда 1974 йилда ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун қабул қилингандан сўнг жаҳонда жиддий ўзгаришлар рўй берганлиги: йирик фирмалар сони камайиб, кичик корхоналар сони ортганлиги, тўлиқсиз иш вақтида иш билан машғул ходимлар сони кўпайганлиги, аёллар иш кучининг ярмини ташкил этиши, хизмат соҳаси юксалганлиги, халқаро рақобат кучайганлигини ҳисобга олган. Мамлакатда амалга оширилган тадқиқотлар иқтисодиётда ва иш билан бандлик таркибида рўй берган ўзгаришлар сабабли меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига йўналтирилаётган маблағлар мўлжалланган самарага эришиш имконини бермай қўйганлигини кўрсатди. Чунки иш жойларида ходимлар саломатлигига эътибор сусайиши кузатилган.

Шу муносабат билан Буюк Британия ҳукумати ўзгараётган иқтисодиётда хавфсиз ва соғлом меҳнат маданиятига эришишнинг янги йўлларини ишлаб чиқиш бўйича стратегик вазифани олға сурди. Унда барча иш берувчилар бу соҳадаги ўз масъулиятларини чуқур ҳис этишлари ҳамда ходимларни ўз иш жойларида хавфни бошқаришга тўлиқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Стратегия ижросини таъминлаш мамлакатнинг Меҳнат ва пенсиялар вазирлигига карашли Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги комиссияси зиммасига юклатилган. Стратегияда ижтимоий мулоқот, ижтимоий шерикчиликни (касаба уюшмалари, ассоциациялар ва ҳоказолар) ривожлантиришга, шунингдек минтакалар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан калин ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларини ўрнатишга катта аҳамият берилган.

Юқорида қайд қилинган комиссиянинг ҳар бир иш берувчи ва ходим томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш жойида саломатликни сақлаш соҳасидаги билимларни эгаллашларини таъминлаш вазифаси қўйилганлиги, айниқса, диққатга моликдир. Шу мақсадда кўп нусхада ходимларнинг турли гуруҳларига мўлжалланган махсус материаллар чоп этилган. Уларда ҳамма учун тушунарли ва кўргазмали тарзда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича асосий талаблар қайд этилган. Стратегияда кўзланган тадбирлардан хавфсиз жамиятга эмас, балки хавфни тўғри баҳолайдиган, чуқур англайдиган ва бу жараёнларни бошқарадиган жамиятга эришиш кўзда тутилаётганлиги алоҳида уқтирилади.

Америка Қўшма Штатларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш жойларининг хавфсизлиги стратегияси Меҳнат вазирлиги стратегик режасининг таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур ҳужжатда ХХІ аср талабларига жавобан меҳнат соҳасидаги сиёсат учун масъул бўлган федерал идора фаолиятининг асосий йўналишлари акс этган. Мазкур режа стратегик менежмент классик қоидалари бўйича тузилган. Яъни унда белгиланган стратегиянинг мақсади, кўзланган тадбирларни амалга ошириш аниқ-равшан кўрсатиб қўйилган.

Хавфсиз, соғлом ва муҳофозаланган иш жойлари яратишга кўмаклашиш АҚШ ҳукуматининг меҳнат соҳасидаги тўғрота стратегик мақсадидан биридир. Бу ҳар бир мақсадга эришиш самарадорлигини баҳолайдиган асосий индикаторлар, мақсадли дастурларни баҳолаш принциплари қайд этилган. Мамлакат меҳнат вазирлиги ходимлар соғлигини ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунлар ва дастурлар ижросини таъминлашга қаратилган янги, инновация ёндашувларини ишлаб чиқиш ниятидадир.

Ўзбекистон Республикаси учун АҚШда тоғ-кон саноати-

да меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларининг ҳал этилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Америкаликларнинг прогнозларига кўра тоғ-кон саноати, унинг маҳсулотларига энергетика, металлургия, транспорт, қурилиш, кимё саноати томонидан талаблари тобора ўсиб бораётганлиги сабабли, жадал ривожланади. Шунинг учун АҚШ Меҳнат вазирлиги мазкур секторда иш билан банд бўлган 300 минг нафар ходим меҳнатини муҳофаза қилишга қаратилган узок муддатли стратегияни ишлаб чиқмоқда.

Шуни кайд этиш лозимки, АҚШда 1977 ва 1998 йилларда тоғ-кон саноатида меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар қабул қилинган. 2000-2005 йилларда америкаликлар ушбу тармоқда ишлаб чиқаришда шикастланиш даражасини 35,0 % га камайтиришга муваффақ бўлдилар. Ҳолбуки, умуман мамлакат саноати бўйича бу умумий кўрсаткич 23,0 % ни ташкил этди. АҚШда тоғ-кон саноатида касбий касалланишни тўла бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Бу мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунчиликни бузганлик учун жуда таъсирчан жазо чоралари белгиланган. Агар ана шундай биринчи қонунбузарлик учун 250,0 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўланса, иккинчи бор бу ҳол такрорланганда жарима миқдори 500,0 минг долларни ташкил этади. Мамлакатда ходимлар меҳнатини ва соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида махсус федерал дастурлар (хавфли секторларда тармоқ дастурлари, стратегик шериклик дастурлари, маслаҳатлар, таълим бериш, тренинглар ҳамда грант дастурлари ва ҳоказолар) амал этмоқда.

Финляндияда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида диққатга сазовор кўп йиллик тажриба тўпланган. Бугунги кунда Буюк Британия тажрибаси каби ана шу мамлакатда ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар Европа Иттифокига аъзо давлатлар учун намуна вазифасини ўтамоқда. Финляндияда қасаба уюшмалари ёрдамида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни ташкил этиш соҳасида ишлаб чиқаришда шикастланишни мутлақ бартараф этиш бўйича дастур ишлаб чиқилган ва у муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу мамлакатда ҳар бир иш жойида ходимлар соғлиги учун хавфли ҳисобланган барча омиллар (ҳам жисмоний, ҳам маънавий-психологик)ни қасаба уюшмалари томонидан ҳисобга олиш

йўлга қўйилган. Шунингдек, касб хавфлари, уларнинг ходимлар саломатлигига салбий таъсири эҳтимоллиги ва хусусиятларини махсус стандартлар асосида ҳисобга олиш тизими шакллантирилган. Шуниси айниқса муҳимки, бу ерда касбий хавфларни баҳолаш ҳамда хавфсиз меҳнат талабларига риоя этиш орқали бу хавфни камайтириш чораларини амалга оширишда касба уюшмалари билан биргаликда ходимлар ҳам фаоллик кўрсатадилар.

Финляндияда Ижтимоий ишлар ва соғлиқни саклаш вазирлиги буюртмаси асосида 2006 йилда “Меҳнат саломатлиги: иш жойида саломатликни таъминлашга меҳнат ҳаётини яхшилаш ва узайтириш воситаси сифатида қўмаклашиш” махсус тадқиқоти амалга оширилди. Мазкур тадқиқот якунлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар Европа Иттифоқининг норматив ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур ва бошқа давлатларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тажрибаси Ўзбекистон Республикасида ҳам чуқур таҳлил этилиши ва маҳаллий хусусиятлар, шунингдек мавжуд имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида Халқаро Меҳнат Ташкилоти коидаларига жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилган. Лекин амалиётда бу қонунчиликнинг баъзи коидаларига тўлиқ риоя этилмаяпти. Жумладан, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўрисида”ги Қонуннинг давлатнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда ишга туширилаётган объектларда хавфсизликни сертификация қилишга доир ҳамда баъзи бир бошқа коидаларига тўлиқ амал қилинмайди. Корхоналар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган ишларни молиялаштириш, хавфсиз техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни рағбатлантириш учун марказлаштирилган жамғармаларни ташкил этиш бўйича ҳамда корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан моддий манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган зарур қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган.

Юқорида қайд этилганлар меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш соҳасида чет эл тажрибасини ўрганиш ҳамда бу тажрибадан амалиётда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга экан-

лигидан далолат бермокда. Фикримизча, бу тажрибалардан куйидаги йўналишларда фойдаланиш мақсадга мувофикдир:

1. *Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган тадбирлар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.* Ана шу йўналишда Европа Иттифокига аъзо мамлакатларда баҳолашга икки хил услубий ёндашиш мавжуд:

а) ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар оқибатида етказилган зарар ҳамда бошқа ижтимоий зарарларни қоплаш учун тўланган компенсацияларга сарф-харажатлар миқдорини ҳисоб-китоб қилиш;

б) ишлаб чиқаришда шикастланиш оқибатида йўқотишларнинг жамият учун зарарини ҳисоб-китоб қилиш.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мутахассислари ялпи ички маҳсулотнинг 4,0 % меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касалланишлар учун компенсация тўловларига сарф бўлишини ҳисоблаб чиқдилар. Биргина Лотин Америкасида бунинг учун ҳар йили 76,0 млрд. АҚШ доллари сарф бўлаётганлиги аниқланди.

Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликлари оқибатидан жамият кўраётган зарарнинг иқтисодий қиймати ҳам ниҳоятда катта эканлиги маълум. Масалан, ишлаб чиқаришда майиб бўлиш ва касб касалликлари оқибатида Буюк Британияда ялпи ички маҳсулотнинг 1,2-1,4 %, Финляндияда – 3,6 %, Швецияда – 5,1 %, Норвегияда – 10,1% йўқотилмокда⁴⁷.

Япониядаги Саноатда меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш ассоциацияси томонидан 139 та компанияда ўтказилган сўровнома натижасида мамлакат иқтисодиёти ҳар йили 107,0 млрд. АҚШ долларини ёки ялпи ички маҳсулотнинг 2,2% ини тежаш имконига эга эканлиги аниқланди. Бунинг 62,0 млрд. долларини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар хавфини камайтириш ва факат 45,0 млрд. долларини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига тежаш мумкин экан⁴⁸.

2. *Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашни ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни ижтимоий сугурталаш тизими доирасида иқтисодий рағбатлантириш.* Европа мамлакатлари ва Халқаро Меҳнат Ташкилотида

⁴⁷ Американская точка зрения на экономику охраны труда // Охрана труда и социальное страхование. 2001. №8. С.74.

⁴⁸ Япония: Экономическая эффективность мероприятий по безопасности и охраны труда // Охрана труда и социальное страхование. 1998. №5. С. 37.

кабул қилинган атамашуносликка асосан *меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш ёки ишлаб чиқариш муҳитини яхшилаш, ёхуд ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни профилактика қилиш (олдини олиш) бўйича чоралардир*. Шуниси эътиборга молики, профилактика бўйича тадбирларни амалга ошириш зарурати ижтимоий адолат принципига назарий ёндашувлар асосида эмас, балки ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни ижтимоий суғурталаш тизимини шакллантириш амалиёти натижасида пайдо бўлди.

Германияда ишлаб чиқариш хавфларидан суғурталаш тизими шакллантирилгандан буён бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабр кўрганларга фақат компенсация тўлаш билан чегараланмасдан, шунингдек профилактика тадбирларини амалга ошириш чоралари ҳам кўрилади. Бу мамлакатда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун имконияти бор барча чораларни кўриш иктисодий жиҳатдан ниҳоятда мақсадга мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Чунки, иш берувчилар бахтсиз ҳодисалар муносабати билан компенсация тўлаш учун ниҳоятда катта миқдорда харажат қилишларига тўғри келаётганлиги аниқланди. Шунинг учун профилактика тадбирларини ўтказиш афзалроқ деган хулосага келинди.

Муайян компенсация тизимининг самарадорлиги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича кўзланган тадбирлар самарадорлигига боғлиқдир. Кўрилган зарарни қоплаш билан профилактика тадбирларини қўшиб олиб бориладиган тизим энг мақбул эканлиги амалиётда ўз тасдиғини топди⁴⁹. Компенсация тизими самарадорлигига фақат бахтсиз ҳодисаларни профилактика қилиш бўйича чоралар кўрилган ҳолдагина эришиш мумкин. Германияда ана шундай чоралар кўриладиган уч даража мавжуд:

-- биринчи даража — норматив ҳужжатларда кўзда тутилган мажбурий чоралар ҳамда рағбатлантириш тизими амал қиладиган чоралар;

-- иккинчи даража — ишлаб чиқаришда шикастланишга олиб келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш;

-- учинчи даража — у қўп жиҳатдан юқорида қайд қилинган

⁴⁹ Системы обязательного социального страхования от несчастных случаев на производстве и профессиональных заболеваний: Российский опыт сквозь призму зарубежного. М.: Просвещение, 2003. С.15.

икки даражага ўхшаш бўлиб, суғурталаш муҳити амал этишининг бозор принципларини кучайтиришга, жумладан, суғурталаш тарифларини хавф даражасига боғликлигини таъминлашни кучайтиришдан иборат.

3. *Ижтимоий шериклик тажрибасидан фойдаланиш.* Ғарбий Европа мамлакатларида меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси масалалари компания ва фирмалар доирасида тобора кўпроқ ижтимоий шериклар зиммасига юкланмоқда. Меҳнат шароитларига “масофадан туриб” таъсир кўрсатиш тенденцияси мавжуддир, яъни ҳукумат фақат умумий қоидаларни белгилайди, бу қоидаларни амалиётга тадбиқ этиш эса ижтимоий шериклар томонидан амалга оширилади. Бу барча томонлар (иш берувчилар, ходимлар, ҳукумат) янги қонунчиликни яратиш ва жорий этиш жараёнига жалб этилганлигини англатади. Бундан ташқари меҳнат шароитларини назорат қилишда иш берувчилар билан ишчилар кенгашлари ўртасидаги жамоа битимлари ва музокаралардан фойдаланилади. Бунда қарор қабул қилиш фақат ҳукумат ёки экспертлар ваколатига тегишли бўлмаслиги керак, деган фикр шаклланган. Ҳукумат ва экспертлар амалда чекланган роль ўйнайдилар: ҳукумат асосий қоидаларни таклиф этади, экспертлар эса иш берувчилар ва ходимларга улар томонидан қарор қабул қилиш учун зарур бўлган тавсиялар берадилар.

4. *Давлатларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш.* Европа Иттифокининг раҳбар органлари ушбу минтакавий ҳамжамиятга аъзо давлатларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш билан бандлик соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга интилади. Бунинг учун ишлаб чиқариш фаолиятининг турли соҳаларини камраб оладиган норматив ҳужжатлар чиқарилади, фақат корхоналар менежментига эмас, шунингдек барча ходимларга қаратилган кенг микёсдаги ташкилий ва тарғибот фаолияти амалга оширилади.

Европа комиссияси томонидан қабул қилинган “Европа ҳамжамиятининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида янги стратегияси” Европа Иттифокига аъзо мамлакатларга мўлжалланган дастур ҳисобланиб, у ишлаб чиқаришдаги шикастланиш билан боғлиқ хавфларнинг олдини олиш, стандартлар ва қоидаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, ходимларнинг касбий

таълими даражасини ошириш ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ютуқларга эришиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга йўналтирилган. Мазкур стратегия “жамиятнинг тубдан қайта қурилиши билан боғлиқ янги ижтимоий даъватларга жавоб беришни ҳамда Европа иқтисодиётини энг рақобатбардош, барқарор ривожланаётган, иш жойлари кўпаяётган, ижтимоий келишувга таянган иқтисодиётга айлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни”⁵⁰ назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам жамиятдаги ҳозирги давр ижтимоий-меҳнат муносабатлари хусусиятларига жавоб берадиган меҳнатни муҳофаза қилиш тизимининг асослари яратилганлигини қайд этиш мумкин. Шу билан бир қаторда мазкур соҳада илмий ва амалий фаолиятни янада такомиллаштириш, бунинг учун амалдаги қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича ҳали катта ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларига кўра, ҳозирги пайтда Россия Федерациясида меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат гигиенаси бўйича уч мингтага яқин қонунчилик ҳужжатлари амал этмоқда. Уларнинг аксарияти давлат ҳокимиятининг турли органлари томонидан собиқ Иттифок даврида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Ҳозирга қадар бу мамлакатда ўша даврда яратилган меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими амал этмоқда. Ҳолбуки, ўша пайтда амалда бўлган қондаларга кўра ушбу 400 тадан кўпроқ норматив ҳужжатлар ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқилиши талаб этиларди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам худди шундай вазият кўзга ташланади. Мамлакатимизда ҳозирга қадар собиқ Иттифок давридаги қатор норматив ҳужжатлардан қўлланилиб келинмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бу қадар кўплиги қатор объектив ва субъектив сабабларга эга:

– *биринчидан*, бу меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги ҳамда бошқарув қуйи бўғинларининг, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг бу соҳадаги мустақиллиги етарли даражада эмаслиги;

– *иккинчидан*, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун

⁵⁰ Кузнецов Е. Евросоюз: в фокусе внимания – охрана труда // Человек и труд. 2004. №12. С. 80-83.

иждокорлигида тармок даражасининг устуворлиги, бунинг окибатида норматив-хукукий хужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда турли вазирлик ва идоралар томонидан қонун хужжатларини ҳаддан ташқари кўп такрорлаш рўй берарди;

– *учинчидан*, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш вазифаларини ҳал этишда ижтимоий шерикчилик институтлари ривожлантирилмаганлиги, ноқулай меҳнат шароитларида иш билан банд ходимларга зарур компенсациялар берилиши йўлга қўйилмаганлиги;

– *тўртинчидан*, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат гигиенаси бўйича норматив-хукукий хужжатлар зарур даражада тизимли бўлмаганлиги ва кодификациялаштирилмаганлиги.

Ўзбекистон Республикасида ҳамда минтақаларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳукукий асосини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида олдинда катта ишлар турибди. Бу биринчи даражали ишлар қаторига киради, чунки меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мамлакат аҳолисининг энг фаол қисми бўлган ходимларни самарали ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим шарти.

Фикримизча, ҳозирги шароитларда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳукукий тизимини шакллантириш ва янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

– сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида қабул қилинган ҳамда ҳанузгача амал этаётган жуда кўп микдордаги турли қонунчилик хужжатларида муайян тартиб ўрнатиш керак. Энг аввало, эскириб қолган қонунчилик хужжатларини бекор қилиш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солиш учун зарур бўлган қонун хужжатларини янгилаш талаб этилмоқда. Улар қаторига собиқ Иттифок даврида ишлаб чиқилган давлат стандартлари, меҳнат хавфсизлиги стандартлари, шунингдек эргономика бўйича нормативлар ва бошқалар киради;

– қонунчилик хужжатлари бир-бирини такрорлашини баргараф этиш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни ҳукукий тартибга солиш бутун тизимини соддалаштириш мақсадида амалдаги қонунчиликни тизимли ҳолатга келтириш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик қоидаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ратификация қилинган конвенцияларга мувофиқ ҳолга келтириш. Чунки бу халқаро хужжатларда

меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тўпланган халқаро тажриба ўз ифодасини топган. Бунда ХМТ конвенцияларида қайд этилган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қўлланилиши лозим;

– иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган қоидаларни бузганлиги учун кўриладиган жазо чораларига тааллуқли меҳнатни муҳофаза қилишдаги ҳукукий нормаларни амалга ошириш бошқарув механизмини такомиллаштириш. Чунки, иш берувчилар ходимлар соғлиғи ва ҳаётига зарар келтириш хавфи мавжудлигини ҳисобга олмасдан кўпроқ фойда олиш мақсадида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд нормалар ва қоидаларга риоя этмасликлари сир эмас;

– меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни кучайтириш ва бу назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек иқтисодий механизмлардан самарали қўлланган ҳолда касб хавфларини камайтириш чораларини кўриш.

Ана шу чораларни амалга оширишда давлат ташаббускорлик кўрсатиши, бозор иқтисодиёти шароитларида самарали бўлган меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича самарали усул ва шакллардан тўлиқ фойдаланиши лозим. Бу билан меҳнат кишилари ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича ижтимоий ва шахсий манфаатлар муштарақлигига эришилади.

Давлат меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ меҳнат кишиларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, тегишли санитария-гигиена нормалари ва талабларига жавоб берадиган хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш бўйича ходимларнинг конституциявий ҳуқуқини амалга оширишдан манфаатдордир. Бунинг учун давлат иш берувчиларнинг хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини бартараф этишдан, қулай меҳнат шароитлари яратишдан манфаатдорликларини оширишга қаратилган иқтисодий механизмлардан самарали фойдаланиши керак.

II БОБ. МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИДАН ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ноқулай меҳнат шароитларининг ижтимоий- иқтисодий оқибатлари ва уларни яхшилаш бўйича чоралар

Меҳнат жараёни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар категорияси сифатида меҳнат шароитлари таъсири остида, яъни ишлаб чиқариш муҳитининг бевосита меҳнат воситаси жараёнида иш кучи таъсири остида бўлади. Меҳнат шароитларининг ҳолати иш кучи истеъмолига ва уни такрор ҳосил қилиш жараёнига, шунингдек меҳнат жараёнида касб хатари даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Ходимлар учун қулай меҳнат шароитларини яратишни таъминлаш муаммоси ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида энг муҳимларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов **“Инсон ҳаёти учун муҳим бўлган соҳалар – ҳаёт даражасини кўтариш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, одамларнинг кайфиятига таъсир кўрсатадиган ижтимоий масалаларни ечишга алоҳида аҳамият бериш керак”⁵¹**, деб таъкидлаган.

Меҳнат жараёнининг хусусияти шундан иборатки, у инсон организмнинг ўзига хос физиологик ва психологик функциялари билан узвий алоқадорликка эга. Иш давомида шахснинг жисмоний ва маънавий хусусиятлари, унинг табиат моддаларини истеъмол қийматига айлантириш қобилияти ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, меҳнат фаолияти иш кучини истеъмол қилиш (ундан фойдаланиш) жараёни бўлиб, бу вақтда инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик намоён бўлади. Жисмоний ва маънавий қувватни тиклаш меҳнат фаолияти давомида ҳам, бу жараён тугагандан сўнг ҳам бирон-бир чора (зўриқишни тушириш, меҳнат ва дам олишни бир-бири билан алмаштириб туриш ва ҳоказолар) кўришни талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш ва ташқи омилларнинг инсонга таъсирини камайтириш иш кучини так-

⁵¹ Каримов И.А. Мамлакатимиз таракқиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 27-бет.

рор ҳосил килишнинг барча боскичларида амалга оширилади. Яъни:

- иш кучини шакллантириш ва тиклаш боскичида ходимлар томонидан меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш билими ва кўникмалари эгалланади, зарурат бўлса реабилитация тадбирлари амалга оширилади;

- иш кучини тақсимлаш боскичида ходимни касбга йўналтириш, зарурат туғилганда меҳнат хавфсизлигини таъминлашга юқори талаблар қўйиладиган иш ва касблар учун касбий танловни амалга ошириш рўй беради;

- иш кучини айрибошлаш (сотиш-харид килиш) боскичида иш берувчи ёлланма ходимни иш жойида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза килишнинг ҳолатидан хабардор килиши, зарурат бўлса ноқулай меҳнат шароитларида ишлаш учун компенсация белгиланиши керак;

- иш кучини истеъмол килиш (ундан фойдаланиш) боскичида санитария-гигиена ва эргономика норма ва талабларига, меҳнатни муҳофаза килиш бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш жойида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча тадбирлар мажмуаси амалга оширилади.

Шундай қилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш иш кучини такрор ҳосил қилиш жараёнига таъсир кўрсатади, меҳнат салоҳиятини сақлаш ва ривожлантиришни, меҳнат кишиларини касб хавфидан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлайди.

Кўпгина иқтисодий адабиёт манбаларида ўз вақтида Меҳнат илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган, меҳнат шароитларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган омиллар таснифидан қўлланилади. Бундай таснифлашнинг услубий асоси ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида меҳнат шароитларининг ўрни, уларни шакллантиришга кўрсатиладиган бево-сита таъсир ҳамда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгаришига боғлиқлигига таянади. Шу услубий қоидадан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва ўзгартиришнинг сабабчилари бўлган омилларнинг тўртта катта гуруҳи ажратиб кўрсатилади:

1. Ижтимоий ва иқтисодий омиллар. Улар ҳам меҳнатнинг хусусиятини, ҳам жамиятда устувор бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ ҳолдаги меҳнат шароитларини белгилаб беради. Бу гуруҳ:

— меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан норматив-қонунчилик асосида тартибга солишдан (иш вақтининг давомийлиги ва иш тартиби, санитария нормалари ва талаблари, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалдаги қонунлар, нормалар, талаблар ва қондаларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати тизими ва ҳоказолар);

— ходимларнинг меҳнатга ва унинг шароитларига муносабатига таъсир кўрсатадиган ижтимоий омиллар, салбий таъсир кўрсатадиган шароитлар билан боғлиқ ишлар учун компенсация тўловларидан иборат.

Меҳнат шароитларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган омилларнинг бир гуруҳига, шунингдек соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш мақсадида жамоатчилик томонидан таъсир кўрсатишнинг турли шакллари (қасаба уюшмаларининг иштироки, меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида фан ва техника ютуқларини жорий этаётган новаторлар ташаббуси) тааллуқлидир.

2. *Техникий ва ташкилий омиллар.* Бу омиллар иш жойлари, участкалар, цехлар ва умуман корхонада меҳнат шароитларининг моддий ўнсурларини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Мазкур омилларнинг таъсири фан-техника тараққиётининг техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг шаклларига таъсири барча қирраларини ақс эттиради.

Бу гуруҳга меҳнат воситалари (ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари, шу жумладан турли санитария-техника ва санитария-маиший қурилмалари, технологик жиҳозлар, асбоблар, мосламалар, хусусан, меҳнат хавфсизлигини таъминловчи воситалар ва ҳоказолар), меҳнат предметлари ва унинг маҳсулотлари (ҳом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар), технологик жараёнлар (ишлов берилаётган меҳнат предметларига жисмоний, механик, кимёвий ва биологик таъсир кўрсатиш, уларни ташиш ва сақлаш воситалари ва ҳоказолар), ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувнинг ташкилий шакллари (ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви даражаси, унинг қўламлари ва оммавийлиги, корхона ишининг сменалилиги, ишлаб чиқаришнинг узлуклилиги ва узлуксизлиги), меҳнатни тақсимлаш ва кооперациялаш шакллари, унинг усул-

лари ва услублари, қўлланиладиган меҳнат ва дам олиш тартиби, иш жойига хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши, корхона бошқарувининг ташкилий таркиби ва бошқалар киради.


3. *Табиий – иқлим омиллари*. Улар кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, кон саноати, транспорт, қурилиш соҳаларида ҳамда қатор касблар: геологлар, денгизчилар, кутб тадқиқотчилари ва ҳоказолар меҳнат шароитларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу гуруҳга жуғрофий (иқлим зоналари, денгиз сатҳидан баландлик, об-ҳаво шароитлари), геологик (фойдали қазилмалар хусусиятлари ва уларни қазиб олиш усуллари), биологик (ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хусусиятлари, ходимларнинг турли ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар ва улар маҳсулотлари билан алоқада бўлиши) омиллари киради.

4. *Ижтимоий-психологик омиллар*. Улар инсонлар ва меҳнат жамоаларининг меҳнат фаолияти давомидаги ўзаро муносабатлари, меҳнат соҳасидаги шахсий ва гуруҳий кадриятлар, корхонадаги ахборот ва коммуникация тизими хусусиятлари билан боғлиқдир. Жамоадаги психологик муҳит, раҳбар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар, шахсни ривожлантириш, унинг хизмат вазифасида кўтарилиш имкониятлари, ходимларни рағбатлантириш ва мукофотлаш шакллари, ижтимоий шериклик, касбий ўсиш ва бошқалар шулар жумласидандир (2.1-расм).

Турли омиллар таъсирида шаклланган меҳнат шароитлари ўз навбатида ходимга таъсир кўрсатадиган унсурлар жамланмасидир. Мазкур атамага аниклик киритиш талаб этилади. “Омил” сўзи қайсидир бир жараён, ҳодисанинг сабаби, ҳаракатлантирувчи кучини англатиб, унинг хусусияти ёки айрим белгиларини намоён этади. Барча илмий тадқиқотлар ва адабиёт манбаларида меҳнат шароитларини ташкил этадиган унсурлар омиллар деб номланади. Агар “омил” сўзи умум эътироф этилган тушунчадан келиб чиқиладиган бўлса, унинг бу тарзда қўлланилиши жуда ҳам тўғри эмас. Чунки бу ерда гап меҳнат шароитларини шакллантириш сабаблари тўғрисида эмас, балки меҳнат шароитларининг таркибий қисмлари тўғрисида кетмоқда.

Шу билан бир қаторда меҳнат шароитлари унсурларининг инсонга, унинг иш қобиляти, соғлиғи, кайфияти ва умуман



2.1-расм. Меҳнат шароити омиллари.

шахснинг ривожланишига қулай ёки ноқулай таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган бўлса, бу унсурлар инсон шахси жисмоний ва маънавий хусусиятларининг жамланмаси бўлган иш кучини истеъмол қилиш (сарфлаш) ва тиклашга таъсир кўрсатувчи омиллари сифатида намоён бўлади. Худди шунинг учун адабиётда ва расмий ҳужжатларда меҳнат шароитлари унсурлари омиллар сифатида ишлатилади.

Юқорида кайд этилган омиллар гуруҳлари таъсири остида ишлаб чиқариш вазияти ёки меҳнат шароитлари жамланмаси шаклланади. Улар қуйидагилардан иборат:

– ташки муҳитни белгиловчи санитария-гигиена (микроиклим, ҳаво муҳитини тозаллиги, шовкин, ёритилиш, тебратиш ва ҳоказолар), шунингдек ишлаб чиқаришда санитария-маиший хизмат кўрсатиш (овқатланиш жойлари, ювиниш хоналари, дам олиш хоналари, хоналарнинг тозаланиши ва ҳоказолар) омиллари;

– меҳнат фаолиятининг муайян мазмуни, инсон танасига,

асаб тизими, психикасига таъсири микёслари билан белгиланадиган психофизиологик (меҳнатнинг оғирлиги, операцияларнинг бир хиллиги ва ҳоказолар) омиллар;

– техника хавфсизлиги ҳолати билан боғлиқ ҳамда жароҳат олиш хатарини кўрсатувчи меҳнат хавфсизлиги шароитлари;

– эстетик шароитлар. Улар атроф-муҳитни бадиий идрок этиш нуктаи назаридан ҳиссий кайфиятни ва меҳнатга муносабатни шакллантиришга таъсир кўрсатади;

– ижтимоий-психологик шарт-шароитлар. Улар меҳнат жамоасидаги ўзаро муносабатлар, жамоа аъзоларининг психологик жиҳатдан бир-бирларига мос тушиши, раҳбарлик усули ва бошқалар таъсирида шаклланади.

Одатда, у ёки бу ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиш ҳамда таҳлил этишда уларнинг ижобий ва салбий томонларини аниқлашга интилинади. Тадқиқотчилар бундай таҳлиллار натижаларига таянган ҳолда тегишли хулосалар чиқарадилар, у ёки бу жараёнларнинг салбий томонларининг сабаблари ва оқибатларини аниқлайдилар. Уларнинг жараёнга таъсирини бартараф этиш ёки камайтириш йўллари излайдилар, аниқ чоралар ишлаб чиқадилар. Аммо меҳнат шароитларини тадқиқ этишда кўпгина адабиёт манбаларида уларнинг ходимга салбий таъсир кўрсатадиган томонларига эътибор берилади. Масалан, ўз вақтида “Гигиена и санитария” журналыда инсонга таъсир кўрсатадиган меҳнат шароитларининг таснифи берилган бўлиб, меҳнат шароитларининг барча тўрт тоифаси “зарарлилар” қаторига қўшилган эди⁵².

Меҳнат шароитларини худди шундай таснифлаш бошқа бир монографияда ҳам учрайди: “Меҳнатга нисбатан унинг шароитлари кечиши ташқи ҳодисалар ҳисобланади, ички ҳодисалар инсон фаолияти билан боғлиқ бўлсада, унга хос эмас. Бу шароитлар меҳнат хусусиятини эмас, балки у амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муҳитини ифодалайди”⁵³.

Амалда эса меҳнат шароитларини зарарли, хавфли – зарарли, ноқулай ва қулай деб фарқлаш керак эмас. Бир хил меҳнат шароитлари инсон меҳнат фаолиятига салбий, бошқалари эса ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

⁵² “Гигиена и санитария”. 1964, № 11.

⁵³ Б е л ь к и н В.Н. Повышение экономической и социальной эффективности труда. М.: Экономика, 1980. С.187.

**Меҳнат шароитлари ҳолатининг инсон меҳнати фаолиятига
ва ижтимоий-иқтисодий соҳага иқтисодий ва ижтимоий
таъсири**

Меҳнат шароитлари	Ходимга ва иқтисодиётга таъсири	Меҳнат шароитлари	Ходимга ва иқтисодиётга таъсири
Нокулай шароитлар: -меҳнатнинг оғирлиги ва тифизлиги; - ёнғин хавфсизлиги; - бир хиллик; -шовкин, вибрация	-турли касалликларга чалиниш хавфи; - иш қобилиятининг пасайиши; - меҳнат унумдорлигининг пасайиши; -бахтсиз ҳодисалар сонининг ортиши; -асабий зўриқиш	Кулай шароитлар: -меҳнатнинг нормал интенсивлиги; -автомат қурилмалардан фойдаланиш	-саломатликнинг сакланиши; -кайфиятнинг яхшиланиши; -меҳнат қобилиятининг ортиши; - иш вақтидан фойдаланишнинг яхшиланиши
Зарарли ва хавфли шароитлар: - захарли, хавфли, портлайдиган моддаларнинг мавжудлиги; -микроорганизмлар, бактерияларнинг мавжудлиги; -радиация	- тўсатдан ва сурункали захарланиш; - юкумли, шишли касалланишлар; - шикастланишлар ва майиб бўлиш; - компенсация харажатларининг ортиши; - ходимлар қўнимсизлиги; -корхона фойда олишининг камайиши; -ялпи ички маҳсулотнинг камайиши	Энг кулай шароитлар: - тўла техника хавфсизлиги; - хавони кондционерлаш; - бинолар эстетикаси ва дизайн	- психологик вазиятнинг яхшиланиши; - ижодий имкониятларнинг ортиши; -ишлаб чиқаришнинг ва корхона даромадларининг ўсиши; - ялпи ички маҳсулотнинг ортиши; - меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш


Шундай қилиб, қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш, ходимларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқларини муҳофаза этиш ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида энг муҳим муаммолардан бирига айланган. Бу муаммони ҳал этиш билан доимо ва собитқадамлик билан шуғулланиш зарур. Чунки ҳеч бир жойда меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш муаммоси ҳозирги пайтда ниҳоятда муҳим. Айни пайтда Халқаро Меҳнат Ташкилоти экспертларининг фикрича, Россия ҳамда МДХнинг бошқа мамлакатларидаги вазиятни ста-

тистика маълумотлари аниқ бўлмаганлиги сабабли баҳолаш нисбатан мураккабдир. Масалан, Россияда ҳар йили ишлаб чиқаришда тахминан 12 мингта бахтсиз ҳодиса рўйхатга олинади. Бу ишлаб чиқаришда бандлар сони бўйича Россияга нисбатан жуда кичик ҳисобланган, меҳнат шароитлари эса сифат жиҳатдан бир неча поғона юқорида турадиган Финляндияда рўйхатга олинadиган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларга тенгдир. Мутахассислар бундан ишлаб чиқаришдаги кўпгина бахтсиз ҳодисалар умуман рўйхатга олинмаслиги тўғрисида хулоса чиқарадилар.

Россия статистика маҳкамаси маълумотларига кўра санитария-гигиена нормативларига жавоб бермайдиган меҳнат шароитларида иш билан бандлар 2001 йилда барча иш билан бандларнинг 19,0 % ини ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу 22,0 % дан кўпроққа тенг бўлди. 2003 йилдан 2005 йилгача оғир жисмоний меҳнат билан машғул ходимлар сони 4,6 % дан 5,9 % га ортди. Ана шу даврда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган машина-ускуналарни ишлатадиган ходимлар сони 4,0 % га ортди.

Касб касалликлари энг кўп миқдорда мулкчиликнинг хусусий шакллари тааллуқли корхоналарда рўйхатга олинади. Уларнинг 96,4 % сурункали касалликлар улушига тўғри келади. Бундай касалликларга чалинганларнинг эса касб лаёқати ва меҳнат қобилияти чекланади. Ҳар йили ногиронлар сифатида қайд этиладиганлар умумий сонининг бешдан бир қисми меҳнатга лаёқатли 45-50 ёшдагилардир⁵⁴.



2.2-расм. Жаҳонда ҳар йили ишлаб чиқаришда содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти маълумотларига кўра жаҳонда йилига 2,2 млн. киши ишлаб чиқаришда ҳалок бўлади, 270,0

⁵⁴ Экономика труда: Учебник/под ред.Кокина Ю.П. и Шлендера П.Э. М.: Магистр, 2008. С.186-187

млн. киши жароҳат олиб майиб бўлади, яна 160,0 млн. киши эса касб касаллигидан азоб чекади⁵⁵.

Ўзбекистонда эълон қилинган статистик маълумотларга мувофиқ 2002 йилда бахтсиз ҳодисалардан зарар кўрганлар сони 1352 нафар кишини, 2006 йилда эса 563 нафар кишини ташкил этди. Ҳар 1000 ишлаётган ходимга нисбатан бу тегишли равишда 2,8 ва 2,0 нафар кишига тенгдир.

Бу ва бошқа маълумотлар мамлакат иктисодиёти тармоқларида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича муайян ижобий силжишлар кузатилаётганлигига қарамасдан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишларнинг аҳволи бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслигидан далолат беради. Бунинг сабаблари кўп ва уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин:

- амал қилиб келган меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг барбод бўлиши, корхоналарда ислохотларнинг биринчи йилларида, айниқса хусусий сектор ва кичик бизнес соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг йўқотилиши ва қискартирилиши;

- ишлаб чиқариш хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашнинг камайиши, баъзи ҳолатларда эса бутунлай тўхталиши;

- хавфсиз технологик жараёнлар, машина-ускуналар, назорат ва муҳофаза воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллашга доир илмий тадқиқотлар ҳажмларининг қискартирилиши;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги масалалари билан машғул бўлишга даъват этилган муҳандислик ва менежерлик ихтисослиги бўйича янги авлод мутахассислари етарли даражада тайёрланмаётганлиги;

- кўпгина корхоналарда дастгоҳлар ва машина-ускуналарнинг ейилиб кетиши оқибатида уларни ишлатаётган ходимлар ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши;

- корхоналар раҳбарлари ва иш берувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат хавфсизлигини оширишдан етарлича манфаатдор эмаслиги;

- ишлаб чиқаришда ходимларнинг тиббий таъминоти, профилактика тиббий кўрикларнинг қисқариши ва сифати пастлиги;

⁵⁵ Кузнецов Г. 28 апреля – Всемирной день охраны труда // “Охрана труда и социальное страхование”. 2004. № 4. С.5.

– меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича эскириб қолган нормативларни қайта кўриб чиқиш жуда сушт кечаётганлиги ва бошқалардир.

Ўзбекистон Республикасида санитария-гигиена нормативларига жавоб бермайдиган шароитларда меҳнат қилаётганлар сонининг салмоғи 2006 йилда 27,8 % ни ташкил этди. Бу 2004 йилга нисбатан 5,6 % га кўп. Ана шу салмок ходимлар умумий сонини белгиланган санитария-гигиена нормаларидан ортиқ бўлган, ҳатто битта ишлаб чиқариш омили салбий таъсирида бўлган ходимларга бўлиш усулини қўллаш асосида аниқланади.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа муаммолари ҳам жуда ўткир. Масалан, саноатда оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлган ходимларнинг салмоғи 2006 йилда 2004 йилга нисбатан 0,5 % га ортди ҳамда 3,0 % ни ташкил этди (2.2-жадвал). Бу салмок ҳам саноатдаги умумий ходимлар сонини юқларни қўлда кўтариш ва ташишда нормативда йўл қўйилгандан ортиқ бўлган жисмоний зўриқишга дучор бўлаётган ходимлар сонига бўлиш орқали чиқарилади.

2.2-жадвал

Зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида иш билан банд ходимлар салмоғи (ходимлар умумий сонига нисбатан % ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Тармоқлар							
	Саноат		Қурилиш		Транспорт		Алоқа	
	2004 й	2008 й	2004 й	2008 й	2004 й	2008 й	2004 й	2008 й
Санитария-гигиена нормаларига жавоб бермайдиган шароитларда иш билан бандлар	22,2	23,9	9,6	14,6	13,8	14,7	4,8	5,6
Оғир жисмоний меҳнат билан бандлар	2,3	2,9	2,9	8,0	3,7	3,9	0,2	,03
Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган машина-ускуналарда иш билан бандлар	2,5	3,1	2,3	6,6	0,1	0,2	0,3	0,4

Зарарли меҳнат шароитлари омиллари каторига иш зонасида шовқин, тебраниш, чанг, газнинг даражаси юқори бўлиши, са-

нитария-гигиена коидаларида белгилаб қўйилган нормативдан юқори бўлган ҳаво ҳарорати ва намлиги даражаси каби омиллар киради. Ушбу омилларнинг ҳозирга пайтда ходимлар соглиги ва ҳаётига салбий таъсири даражаси мамлакат иқтисодиёти тармоқларида меҳнат муҳофазасини тубдан яхшилаш бўйича самарали чоралар қўришни талаб этади (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

2008 йилда меҳнат шароити омиллари турлари бўйича зарарли меҳнат шароитларида иш билан банд бўлган ходимлар салмоғи (ҳодимлар умумий сонига нисбатан % ҳисобида)

Тармоқлар	Ноқулай шароитларда иш билан банд жами ходимлар	Шу жумладан, қуйидаги зарарли меҳнат шароитларида иш билан банд бўлганлар			
		Шовкин	Вибрация	Ҳаводаги чанг ва газ даражасининг ортиқлиги	Ҳаво ҳарорати ва намлигининг ортиқлиги
Саноат	29,9	14,9	4,4	5,9	4,7
Қурилиш	29,2	10,9	4,3	8,7	5,8
Транспорт	14,7	5,8	6,6	1,5	0,7
Алоқа	5,6	0,8	0,3	2,6	1,9

Шу билан бир қаторда мамлакат кўпгина тармоқлари ва хўжалик юритувчи субъектларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини ҳам эътироф этиш мумкин. Бахтсиз ҳодисалар оқибатида ишлаб чиқаришда шикастланиш, саломатликни йўқотиш, ҳатто ўлим ҳолатлари учраб турса ҳам, улар йилдан-йилга камайиб бормоқда (2.3-расм).

Аммо шунга қарамасдан, ҳали ҳам ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида анчагина ходимлар саломатлигига зарар етказилмоқда, баъзан эса уларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам рўй бермоқда. Айниқса, бу иқтисодиётнинг сув хўжалиги, нефть-газ, энергетика, пахта тозалаш соҳаларига тааллуқлидир. Иш жойларида ноқулай меҳнат шароитлари сабаби билан мамлакатда ҳар йили 350 нафарга яқин ходим касб касалликлари оқибатида ногирон бўлмоқда. Ходимлар ўртасида сурункали захарланиш ҳолатлари ҳам ортиб бормоқда. Ишлаб чиқаришда орттирилган касб касалликлари умумий сони ҳам ташвиш уйғотади.





2.3-расм. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар динамикаси.

2000-2008 йилларда рўйхатга олинган ишлаб чиқаришдаги касб касалликлари таркибида физик омиллар таъсиридан касалланиш салмоғи айниқса юқори – 50,7 % ни ташкил этади. Шу жумладан, шовкин таъсиридан касб касалликларига чалиниш – 31,0 %, тебранишдан – 18,8 %, ионли нурланишдан – 0,4 % ни ташкил этади. Айни пайтда жисмоний зўриқиш асосида касб касалликларига чалиниш - 9,0 %, чангланишдан – 16,3 %, кимёвий заҳарланишдан – 22,5 %, биологик омиллардан – 1,5 % ни ташкил этади⁵⁶ (2.4-расм).

Бундай ҳол “Инсонни ривожлантириш тўғрисида”ги маърузада ҳам ўз аксини топган⁵⁷. Ушбу маърузада қайд этилишича, мамлакат иқтисодиёти кўпгина тармоқларида ноқулай меҳнат шароитлари сақланиб қолмоқда. Бу сурункали касб касалликлари сони ортаётганида ҳам ўз аксини топмоқда. Агар 2003 йилда сурункали касб касалликларига чалиниш бўйича 153 та ҳолат рўйхатга олинган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 156 тага етди. Иш билан банд ходимлар ўртасида сурункали касб касалликларига чалиниш ҳолати кўпайишининг асосий сабаблари – жисмоний зўриқиш ҳамда кимёвий ва биологик омиллардир. Маърузада сурункали касб касалликларга чалиниш таркиби ҳам қайд этилган.

⁵⁶ “Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш” миллий обзори маълумотлари. [http:// : www.mintrud.uz](http://www.mintrud.uz)

⁵⁷ Доклад о человеческом развитии. 2006. Узбекистан. www.undp.uz.



2.4-расм. Ишлаб чиқаришдаги касб касалликлари таркиби.

Шу билан бир каторда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар оқибатида майиб бўлганлар сонини ҳисоблаб чиқиш услубиётига муайян ўзгартишлар киритиш талаб этилаётганлигини ҳам кўрсатиш керак. Гап шундаки, мазкур масалага доир статистика маълумотларида ҳисоб-китоблар иш билан бандлар рўйхатидагиларнинг умумий ўртача сони асосида олиб борилади. Бу микдор эса иктисодиёт тармоқларида амалда иш билан банд бўлганлар сонидан фарқ қилади.

Ишлаб чиқаришда шикастланиш даражасини баҳолаш учун статистика ҳисоботларида қайд этилган меҳнат қобилиятини йўқотганлар ҳамда ҳалок бўлганлар сонини аниқлашда амалда иш билан бандлар рўйхати умумий ўртача сонидан келиб чиқиш керак. Бунга аниқлик киритиш коэффиценти 2004 йил учун: $K=264$;

2005 йил учун $K=346$;

2006 йил учун $K=363$ ни

ташқил этади. Бу ҳолда ишлаб чиқаришда шикастланиш қуйидагича баҳоланади:

а) жами шикастланганлар: 2004 йилда – 1885 киши;

2005 йилда – 2415 киши;

2006 йилда – 244 киши;

б) ишлаб чиқаришда ҳалок бўлганлар сони:

2004 йилда – 420 киши;

2005 йилда – 479 киши;

2006 йилда – 457 кишини ташқил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва ҳалок бўлишга доир статистика маълумотларидаги чалкашликлар бошқа мамлакатларда ҳам учрайди. Масалан, Россия Федерациясида 2005 йилда ишлаб чиқаришда ҳалок бўлиш сони Россия статистика маҳкамаси маълумотларига кўра 3041 кишини, ижтимоий суғурталаш жамғармаси маълумотларига кўра 4235 кишини, федерал меҳнат инспекцияси маълумотларига кўра эса


4604 кишини ташкил этган, яъни турли органлар маълумотлари ўртасидаги тафовут 1,5 баробарни ташкил этади.

Бу чалкашликлар ҳисобга олиш, текшириш ва ҳисобот тизимида ҳозирга қадар маълумотларни умумлаштиришга ягона ёндашув мавжуд эмаслиги, баъзи ҳолатларда эса иш берувчиларнинг масъулиятсизлигидан далолат беради. Буни Халқаро меҳнат бюроси ҳам кўрсатиб ўтган. Мазкур халқаро ташкилот экспертларининг фикрича, хавфли ишлаб чиқариш омиллари ҳамда ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини ҳисобга ва рўйхатга олиш тизими меҳнат фаолияти билан боғлиқ амалдаги мавжуд хатарларни аниқ акс эттирмайди.

Статистика маълумотларига кўра 2003-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони деярли 1,5 баробарга камайган. Аммо бу кўрсаткичлар ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди.

Бу, энг аввало, иш берувчилар томонидан мазкур ҳолатларни яширишга уринишлари билан изоҳланади⁵⁸. Бошқа бир манбада (“Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш, 2007 йил миллий обзори”) эса статистика маълумотларида келтирилган ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликлари тўғрисидаги маълумотлар амалдаги аҳволнинг фақат 15,0-20,0 % ни акс эттиради деб баҳоланади.

Ишлаб чиқаришдаги энг кўп бахтсиз ҳодисалар иқтисодиётнинг саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларига тўғри келади. Ишлаб чиқаришда оғир шикастланишлар олиш, ўлим ҳолатлари “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекэнерго”, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда пахтага дастлабки ишлов бериш корхоналари улушига тўғри келади (2.5-расм).



2.5-расм. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг мамлакат иқтисодиёти тармоқларидаги салмоғи (% ҳисобида).

⁵⁸Қадрлар масалалари бўйича маълумотнома журнали. 2007. 9-сон. 44-бет.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитлари бугунги кун талаби даражасида эмаслигини ходимларга ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун берилаётган имтиёзлар ва тўланаётган компенсациялар микдори ҳам кўрсатиб турибди (2.4-жадвал).

Мамлакат иқтисодиёти тармоқларида меҳнат шароитининг аҳолини ифода этадиган мазкур жадвалда келтирилган маъlumотлар ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимидаги ушбу муаммонинг ниҳоятда муҳим эканлигини тушуниш, бу муаммоларга доимий ва тизимли диққат-эътибор билан ёндашиш, энг муҳими эса уларни амалда ҳал этиш зарурлигидан далолат беради.

Юқорида келтирилган омиллар гуруҳлари ишлаб чиқариш муҳити негизини ташкил этади. Инсон организми ва атроф-муҳит нисбатига боғлиқ равишда қулай ва ноқулай меҳнат шароитлари шаклланиши мумкин.

Омиллар гуруҳлари ишлаб чиқаришда инсон организмига нафакат салбий таъсир кўрсатмасдан, аксинча ходимлар маънавий ва жисмоний ривожланиши, уларда меҳнат фаолиятига қизиқишни ошириш, меҳнатдан қониқиш ҳиссини кўтариш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берадиган бўлса, бундай шароитларни *қулай меҳнат шароитлари* деб ҳисоблаш мумкин.

Агар омиллар гуруҳлари ходимларда ўта зўриқиш, ўзини ёмон ҳис этиш, ҳатто касалланиш ҳолатига олиб келса, уларнинг ўз касбига муносабатига, ишдан қониқишига салбий таъсир кўрсатса, касб касалликлари, майиб бўлиш, ногиронликка, иш кучи кўнимсизлигига олиб келса, уларни *ноқулай меҳнат шароитлари* деб ҳисоблаш керак.

Қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича ишларни ташкил этиш мавжуд аҳволни объектив баҳолашдан бошланади. Бунда меҳнат шароитларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган алоҳида омилларни таҳлил этиш ва баҳолаш билан бир қаторда ишлаб чиқариш муҳитининг кўп томонлама таъсирини ягона интеграл кўрсаткич ёрдамида акс эттириш муҳимдир.

Ишлаб чиқариш барча омилларининг инсон иш қобилияти, соғлиғи ва ҳаётига жамланма таъсирининг микдор ва сифат баҳоси *меҳнат жараёнининг оғирлиги* кўрсаткичида ўз ифодасини топади. Меҳнат жараёнининг оғирлиги психофизиологик хавфли омиллар гуруҳига киради. М. Радкевичнинг ҳисоблашича, психофизиологик хавфли омиллар ишлаб

2.4-жадвал
2008 йилда Ўзбекистон Республикаси иктисодиёти тармоқларида нокулай меҳнат шaroитларида иш-
лаганлик учун имтиёزلардан ва компенсациялардан фойдаланаётган ходимлар сони (киши)

№	Кўрсаткичлар	Саноат		Транспорт		Алоқа		Қурилиш	
		Жами	Шу жумла- дан, аёллар	Жами	Шу жумла- дан, аёллар	Жами	Шу жумла- дан, аёллар	Жами	Шу жумла- дан, аёллар
1.	Қўшимча таътиللар белги- ланган	190262	44873	25712	3660	5887	2074	15519	1551
2.	Қисқартирилган иш куни	21272	4640	1670	294	1364	596	566	5
3.	Даволаш – профилактика озик-овқати	59518	11017	422	22	473	184	2322	193
4.	Бепул сут	91969	21777	6384	839	1449	61	2294	397
5.	Оширилган тариф ставкалар	26484	5912	1365	34	349	61	1415	17
6.	Меҳнат интенсивлиги учун устамаalar	29423	6184	6144	1563	1938	259	817	25
7.	Имтиёзли пенсия ҳуқуқи: - 1-руйхат бўйича - 2-руйхат бўйича - 3-руйхат бўйича Алоҳида меҳнат шaroитлари учун пенсиялар Қорхоналар томонидан тайинланадиган пенсиялар	2806 26164 54915 511	48 3529 10644 151	312 768 10256 27	79 109 535 12	- - 1411 250	- - 368 6	269 659 5955 163	2 7 368 2
8.	Ходимлар умумий сонига нисбатан % ҳисобида	42,1	11,2	23,0	3,4	19,7	7,1	22,9	1,3

чиқаришдаги шикастланиш сабабларидан бири бўлган жисмоний ва психологик зўриқишлардир. Жисмоний зўриқишлар меҳнатни оғирлаштиради, психологик зўриқишлар эса уни зарарли меҳнатга айлантиради⁵⁹.

Жисмоний зўриқишлар куйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- жисмоний иш ҳажми – иш куни давомида бирон-бир масофага ташиладиган юк оғирлиги (кг/м) оркали баҳоланади;

- стереотипли иш ҳаракатлари – иш куни давомида ҳар икки кўлга тўғри келадиган ҳаракат миқдорига қараб белгиланади;

- статик иш ҳажми – муайян вақт мобайнида ушлаб туриш керак бўлган юк оғирлиги (кг/с) билан ўлчанади;

- ишлаш ҳолати – эркин, ноқулай, фиксацияланган, мажбурий ҳолатларга таснифланиб, меҳнат жараёнида тана ёки унинг қисмлари ўзгаришига қараб белгиланади;

- тана эгилишлари – меҳнат жараёнида ходим танаси 30 даражадан ортиққа эгилганда ҳисобга олинади.

Рухий зўриқишлар ходимни толиқишига олиб келадиган меҳнатнинг тигизлиги оқибатидир. У куйидаги хусусиятларга эга:

- интеллектуал юкланишлар – топширикни бажаришнинг мураккаблиги даражаси билан баҳоланади;

- сенсорли юкланишлар – инсоннинг таҳлил этиши – эшитиши, кўриши, нутқ органларига тушадиган юкланишлардир;

- ҳиссиётли юкланишлар – ўз фаолияти натижалари учун жавобгарлик масъулияти даражасидир;

- доимий бир хил юкланишлар – ишлаб чиқаришнинг тақрорланувчи топширикларини бажари давомийлиги оркали аникланади;

- тартибли юкланишлар – иш тартиби (иш кунининг амалдаги давомийлиги, ишнинг сменалилиги, меҳнат жараёнидаги танаффуслар) билан боғлиқ юкланишлардир.

Меҳнат шароитлари таъсири остида инсон организмнинг учта асосий функционал ҳолати: нормал, чегара (нормал ва паталогия) ҳамда паталогия ҳолати шаклланади. Ҳар бир ҳолат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ходимнинг меҳнат фаолияти натижалари ва саломатлиги инсон организми уларнинг қай бири таъсири остида бўлишига боғлиқдир.

⁵⁹ Радкевич М. Меҳнатнинг оғирлигини баҳолаш (жисмоний зўриқишлар) // “Кадрлар бўйича маълумотнома”. 2008 йил. 9-сон. 27-бет.

Қайд этилган белгилар *меҳнат огирлигининг* физиологик кўрсаткичи ҳисобланади. Тиббий-физиологик таснифга кўра эса барча ишлар меҳнат огирлигининг олти категориясига бўлинади.

Муайян иш жойини паспортлаш ва аттестация қилишда бу ҳар бир кўрсаткич ҳисобга олинади. Амалга оширилган тадбирлар асосида меҳнат шароитларининг ўзгариши натижалари эса “интеграл коэффициент” асосида баҳоланади. Инсон учун меҳнат шароитларининг қулайлиги кенг кўламда – энг яхши, қулай шароитдан энг ёмон, хатарли шароитларгача бўлган даражада баҳоланади (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

Меҳнат огирлиги категориялари					
1	2	3	4	5	6
Энг мақбул меҳнат шароитлари	←			Хавфга якин	Хавфли меҳнат шароитлари

Ишлаб чиқаришда бажарилаётган иш психофизиологик мезонлар бўйича меҳнат огирлигининг биринчи даражасига тўғри келса, санитария-гигиена мезонлари бўйича ишлаб чиқариш муҳити белгиланган нормативларга мувофиқ бўлса, эстетик мезонлар бўйича замонавий талаблар ва тавсияларга жавоб берса, ижтимоий-психологик мезонлар бўйича ходимлар ўртасида техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлайдиган қулай муҳит яратилган бўлса, бундай шароитларни *энг мақбул меҳнат шароитлари* деб баҳолаш мумкин.

Шу муносабат билан иш жойида ходимга энг мақбул шароит нима учун керак деган савол туғилиши мумкин. Бу ортиқча эмасми? Йўқ. Ана шундай энг мақбул шароит инсон фаолиятининг барча соҳаларида бўлгани каби меҳнат шароитида ҳам бўлиши зарур. Энг мақбул шароит – турар жой, ижтимоий муассасалар ва ҳоказолардаги маиший қулайликлар бўлса, инсон томонидан жисмоний меҳнат амалга оширилаётган пайтда организм учун энг мақбул бўлган ҳаво ҳарорати, намлиги, шамол тезлиги, иссиқлик таъсири ва ҳоказолардир.

Ходим томонидан бажарилаётган иш психофизиологик ме-

зонлар бўйича меҳнат оғирлигининг олтинчи категориясига, санитария-гигиена мезонлари бўйича ишлаб чиқариш муҳити белгиланган нормалардан кескин фарк қилса, эстетик омиллардан фойдаланишга эътибор берилмаса, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилмаса, ходимларнинг меҳнат қобилятини йўқотиш ва соғлиғига зарар етказиш хатари доимий бўлган шароитларда ишласалар, бундай меҳнат шароитлари *хавфли меҳнат шароитлари* деб аталади.

Шундай қилиб, ҳар бир алоҳида ҳолда меҳнат шароитларини интеграл баҳолаш улардаги энг қулай ва хатарли элементларнинг амалдаги нисбатини белгилашга асосланган.

Биринчи категория – бу физиологик жиҳатдан энг мақбул шароитларда бажариладиган ишлардир. Бунда ақлий, жисмоний ва асаб-ҳиссий куч-қувват сарфлаш инсоннинг физиологик имкониятларига тўла мос бўлади. Амалда соғлом бўлган ходимлар учун бундай шароитлар улар организмларини янада чиниктириб, иш қобилятларини оширади. Иш куни охирига келиб уларда чарчаш деярли сезилмайди. Инсоннинг бутун меҳнат фаолияти давомида юқори иш қобиляти ва саломатлик сақлаб қолинади.

Иккинчи категория – бу қулай шароитларда бажариладиган ишдир. Ана шундай меҳнат фаолияти ҳам ходим психофизик функцияларида жиддий ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлмайди. Меҳнат жараёни тугагандан сўнг соғлом ходимларда ортикча чарчаш сезилмайди. Уларнинг иш қобиляти бузилмайди, бутун меҳнат фаолияти давомида соғликларида касб билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар юз бермайди.

Учинчи категория – бу жуда ҳам қулай бўлмаган шароитлардаги ҳамда ортикча мускул, психик ҳамда асаб-ҳиссий зўриқишларга сабаб бўладиган меҳнат жараёнларидир. Бунда амалда соғлом одамларда улар организмларининг чегара ҳолати учун хос бўлган белгилар пайдо бўлади, яъни айниқса иш охирига бориб ишга киришилган вақтга нисбатан физиологик функциялар кўрсаткичлари камаяди. Шунингдек, меҳнат жараёнида функционал кўрсаткичлар, энг аввало марказий асаб тизими функциялари ёмонлашади, кучни тиклаш даври узаяди. Бундай салбий ўзгаришларни бартараф этишнинг энг самарали воситаси оқилона меҳнат ва дам олиш тартибини ишлаб чиқишдир.

Тўртинчи категория – бу ноқулай шароитларда олиб борила-

диган ҳамда амалда соғлом кишилар организмида чуқур чегара (патология олдидан) ўзгаришларига сабаб бўладиган ишлардир. Бунда кўпгина физиологик кўрсаткичлар иш жараёнида ёмонлашади. Иш қобилияти ва меҳнат унумдорлиги динамикасида даврлар нисбати ҳам ўзгаради. Умумий касалланиш даражаси ортади, ишлаб чиқариш билан боғлиқ касаллик белгилари сезила бошлайди, ишлаб чиқаришда шикаст олиш миқдори ортади ҳамда майиб бўлиш оқибатлари оғирлашади. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсири даражаси юқори бўлса, касб касалликларига ҳам чалиниш мумкин. Талаб этиладиган иш қобилиятини фақат зўриқиш ҳисобига саклаб туриш мумкин.

Бешинчи категория – оғир меҳнат шароитларида бажариладиган ишлардир. Бунинг оқибатида меҳнат жараёни (смена, ҳафта) охирида амалда соғлом бўлган одамлар организми патологик ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Кўпгина ходимлар тўлақонли ҳордик чиқарганларидан сўнггина бундай салбий оқибатлардан ҳалос бўлишлари мумкин. Аммо турли сабабларга кўра организмдаги бундай ўзгаришлар касб касалликларига олиб қилиши мумкин. Шу сабабли бу категория учун ишлаб чиқариш билан боғлиқ касб касалликларининг юқори даражаси ҳосилдир. Айни пайтда ходимларда иш кўрсаткичлари сезиларли даражада ёмонлашади, иш қобилияти ҳамда меҳнат унумдорлиги ҳам пасаяди.

Олтинчи категория – алоҳида ноқулай шароитлардаги меҳнат жараёнларидир. Бу инсон организми паталогияси тез ривожланишига олиб келади. Натижада инсон ҳаёти учун муҳим органларда оғир оқибатларга олиб келадиган функционал ўзгаришлар рўй беради.

Меҳнат оғирлиги категориясини меҳнат шароитларини интеграл баҳолаш асосида, ишлаб чиқариш муҳитининг инсон организмга таъсири даражасини акс эттирадиган баллар ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунда мезонлар жадвалида ҳар бир элемент бир баллдан олти баллгача бўлган миқдор баҳосини олади. Интеграл кўрсаткични аниқлашда ходим организмида чегара ва паталогик ўзгаришларга сабаб бўладиган меҳнат шароитларининг биологик жиҳатдан муҳим элементлари ҳисобга олинади. Корхонада махсус ишлаб чиқилган “*Иш ўрнидаги меҳнат шароити харитаси*” ёрдамида ана шу энг муҳим эле-

ментлар аникланади ҳамда уларнинг инсонга таъсир қилиш вақтини ҳисобга олган ҳолда тегишли балл берилади:

$$I_T = [X_{опр} + (\sum_{i=1}^n X_i \frac{6 - X_{ом}}{(n-1) \cdot 6})] \cdot 10,$$

бу ерда I_m – иш жойида меҳнат оғирлигини интеграл балл орқали баҳолаш;

$X_{опр}$ – балл бўйича энг кўп миқдор баҳосини олган элемент;

$\sum_{i=1}^n X_i$ – биологик актив элементларнинг $X_{опр}$ баллини ҳисобга олмаган ҳолдаги миқдор баҳоси суммаси;

n – меҳнат шароитлари элементлари миқдори.

Меҳнат оғирлиги интеграл кўрсаткичининг бу мезони ёрдамида меҳнат шароитларининг инсон иш қобилиятига таъсири аникланади. Бунинг учун даставвал чарчаш даражаси (Y) аникланади:

$$Y = \frac{Im - 15,6}{0,64}$$

Бу ерда 15,6 ва 0,64 – регрессия коэффицентларидир.

Иш қобилияти чарчашнинг акси бўлган миқдордир:

$$R = 100 - Y.$$

Иш жойидаги меҳнат шароитларининг харитаси барча иш ўринларидаги меҳнат шароитларига ўхшаш иш жойлари учун тузиб чиқилади. У меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича ташкилий-техникавий, иктисодий, санитария-гигиена ва бошқа тадбирларни ишлаб чиқишнинг объектив асоси вазифасини ўтайди. Амалиёт материалларни тўплаш ва харитани тўлдиришда корхонанинг меҳнат ва иш хаки, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлимлари, саноат-санитария лабораторияси, тиббиёт-санитария қисми мутахассислари иштирок этиши муҳимлигидан далолат беради.

Меҳнат оғирлиги жиҳатидан биринчи ва иккинчи категорияга мос тушадиган меҳнат шароитлари корхонанинг айрим зарарли ёки хавфли участкаларида меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқишда намуна вазифасини ўташи керак. Меҳнат оғирлигини интеграл баҳолаш, шунингдек, ҳодимларга имтиёзлар ва компенсациялар бериш заруратини ҳамда меҳнат шароитлари яхшилانган ҳолда бу имтиёз ва компенсациялар беришни бекор қилишни аниклаш имконини беради.

Мехнат шароитларини яратиш бўйича тадбирлар иш жойларини аттестация қилиш асосида ишлаб чиқилган ҳамда янги корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш машина-ускуналарини лойиҳалаш босқичида жорий этилганда энг катта ижтимоий-иқтисодий самара беради. Бевосита ана шу ҳолда ишлаб чиқаришга физиология, психология, меҳнат гигиенаси ва эргономика соҳасидаги энг янги ютуқларни жорий этиш учун қулай имконият пайдо бўлади. Бироқ корхоналарни лойиҳалаш ва қуришда илм-фан ютуқлари канчалик ҳар тарафлама ҳисобга олинмасин, илмий тараққиёт меҳнат шароитларини янада яхшилаш учун янги-янги имкониятлар яратаверади.

Шунинг учун меҳнат шароитларини такомиллаштириш, ноқулай меҳнат шароити бўлган иш жойлари сонини қисқартириш ҳамда энг мақбул шароитларга эга иш жойлари сонини кўпайтиришга мунтазам интилиш керак. Бу меҳнат шароитларини муттасил инсонпарварлаштириш, яъни ҳар бир иш жойида техника, технология, меҳнат предметлари, атроф-муҳит имкон қадар меҳнат жараёнида инсон хавфсиз ва зарарсиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун, яъни хавфларни истисно қиладиган шароитни яратишдир.

Ҳозирги пайтда Халқаро Меҳнат Ташкилоти *меҳнат шароитларини инсонпарварлаштириши* ҳаракатини кенг авж олдирган. Бу иш кўп қиррали эканлиги 2.6-расмдан кўриниб турибди.

Меҳнат шароитлари тўрт йўналишни камраб олади:

1) *меҳнат жараёнлари ва технологияларни инсонпарварлаштириш*. Мазкур йўналишнинг моҳияти инсоннинг меҳнат мазмуни, қўлланилаётган усуллар ва фойдаланилаётган техникадан қониқиш ҳосил қилиши, персонал касб-малакасини оширишига қўмаклашиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда технологиялар ва ишлаб чиқаришда қўлланилаётган машина-ускуналарнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини бартараф этишдан иборат;

2) *ишлаб чиқариш (атроф-муҳит) шароитини соғломлаштириш*, яъни асосий санитария-гигиена кўрсаткичлари бўйича инсон учун қулай бўлган вазиятни таъминлаш;

3) *иш жойини ташқи безаш эстетикасини таъминлаш*. Меҳнат шароитлари эстетик омилларининг таъсири меҳнат шароитлари энг қулай бўлишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади;



2.6-расм. Меҳнат шaroитларини инсонпарварлаштириш.

4) *меҳнат муҳофазаси мотивацияси*, яъни ходимларда бажарилаётган ишга манфаатдорлик билан муносабатда бўлишни шакллантириш. Бунинг учун ходимлар меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян билимларга эга бўлишлари ҳамда уларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаш талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш пайтида меҳнат шaroитларини инсонпарварлаштириш муаммоси анча мураккаб ҳисобланади. Аммо бозор бу муаммоларни ҳал этишда турли механизмларга эга.

Биринчидан, иш кучининг баҳоси кескин ўзгариши керак. Ноқулай меҳнат шaroитларида бажарилаётган иш нормал меҳнат шaroитларида бажарилаётган ишга нисбатан анча юқори

баҳоланиши зарур. Аммо бу меҳнат жамоалари ва иш берувчилар, биринчи навбатда мулк эгаларига иқтисодий жиҳатдан кўп чиқимли эканлиги сабабли улар кўп меҳнат талаб этадиган техникани харид қилиш ҳамда бу техника ва ана шундай технологиялардан воз кечиб, меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш йўлларини кидира бошлайдилар.

Иккинчидан, одамлар ўз соғлиғига муносабатларини ўзгартирадилар, яъни улар ўз соғлиқлари ва ҳаётлари учун хатарли бўлган шароитларда ишлашга рози бўлмайдилар. Улар ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун компенсация олиш ўрнига малакаларини ошириб, ўзларининг жисмоний ва ижодий қобилиятларини мазмунлироқ ва меҳнатга юқорироқ ҳақ тўланадиган ишларга сарфлаш учун интиладиган бўладилар. Шу сабабли ноқулай меҳнат шароитларига эга иш жойларини тўлдириш тобора қийинлашиб боради, натижада меҳнат шароитини тубдан яхшиламасдан туриб ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш мумкин бўлмай қолади.

Учинчидан, бозор муносабатларига мос бўлган меҳнат шароитларини бошқаришнинг янги тизимини шакллантириш керак. У ижтимоий-меҳнат соҳаси барча субъектларини ҳуқуқий ва иқтисодий тартибга солиш механизмини кучайтиришга хизмат қилиши лозим.

Тўртинчидан, мулкчиликнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шакллари асосланган корхона (ташкилот)ларда меҳнат шароитларини яхшилашни рағбатлантирадиган тизимни ташкил этиш лозим.

Шундай қилиб меҳнат шароитларини инсонпарварлаштириш кенг маънода қулай меҳнат шароитларини яратишни англатади. Бугунги кунда кўпгина корхоналарда меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича таъсирчан чоралар қўрилиши талаб этилмоқда. Бунда амалдаги компенсация тўловлари ўрнига ижтимоий-технологик хусусиятга эга тадбирларга устуворлик бериш муҳим.

2.2. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашни мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш орқали прогнозли бошқариш

Хўжалик юритишнинг бозор усулларини қўллаш шароитларида бошқарувнинг режалаштириш ва прогнозлашдек энг муҳим

функцияларидан фойдаланиш ниҳоятда долзарбдир. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича тадбирларни мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шаклида режалаштириш мазкур соҳадаги муаммоларни комплекс ҳал этишда тобора катта роль ўйнамокда.

Мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш тизими куйидаги изчил босқичлардан иборат:

- мамлакат миқёсида давлат ҳокимияти органлари ўзлари-га “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда берилган ваколатларга мувофиқ меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича республика мақсадли ҳамда тармоқ мақсадли дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;

- Ўзбекистон Республикаси субъектларининг давлат ҳокимияти органлари мамлакат ҳамда ҳудудий мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этадилар;

- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича тадбирлар дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;

- корхона ва ташкилотлар даражасида ишлаб чиқариш шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Дастурларни ишлаб чиқишда меҳнат шароитининг аҳволини таҳлил қилиш, давлат назорат органлари таҳлилий ҳисобот материаллари, ҳокимият ижроия органларининг меҳнат масалалари бўйича ҳисоботлари, илмий тадқиқот ташкилотларининг илмий ишланмаларига таяниш керак.

Дастурлар таркиби куйидагича бўлиши мумкин:

- меҳнатни муҳофаза қилиш норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- меҳнатни муҳофаза қилишни ташкилий ва техникавий жиҳатдан таъминлаш;

- касб таълими, мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлашни кучайтириш;

- ходимларни шахсий ва жамоавий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- меҳнатни муҳофаза қилишнинг ахборот таъминотини кучайтириш.


Бошқарув қарорини дастур шаклида асослаш операцияларнинг умумий мантиқли изчиллигидан иборат қатор босқичлар вазибаларини амалга оширишни ёки бошқача қилиб айтганда қарор қабул қилишни ишлаб чиқиш алгоритминини кўзда тутлади. Бунда алгоритм тушунчаси ахборотни ўзгартириш жараёнини белгиловчи аниқ йўриқномадир (2.7-расм).

Қуйидаги расмдан кўриниб турганидек, бошқарув қарорини ишлаб чиқаришга сабаб бўлган босқич – кўриб чиқиладиган вақт доирасида бошқарув мақсадини шакллантиришдир (1-блок).

Бошқарув назариясида *мақсад* тушунчасига катта аҳамият берилди. Илмий адабиётларда “мақсад” тушунчаси мазмунини акс эттирадиган турлича, лекин маъно жиҳатдан бир-бирига яқин таърифлар мавжуд. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) амалга оширилиши мўлжалланаётган фаолиятнинг қутиладиган натижасига нисбатан қарор;

б) эришилиши керак бўлган бошқарув тизимининг исалаётган, имкони бўлган ва зарур ҳолати;



2.7-расм. Мехнат шартлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг эҳтимол тутиладиган ҳамда келажакдаги ҳолатини прогнослашни ишлаб чиқиш алгоритми.

в) келажакдаги фаолиятнинг энг мақбул натижаси;
г) корхона (ташкилот) эришишга интилаётган бошқарув объектининг ҳолати сифатида.

“Мақсад” тушунчаси меҳнатни муҳофаза қилишни бошқарув тизимига нисбатан қўлланиладиган бўлса, унинг амал этиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда ҳукукий аксини топган. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқарилиши фуқароларнинг хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш конституциявий ҳукукини амалга оширишга йўналтирилган.

Аммо “мақсад” тушунчасини бундай талкин этиш бу тушунчага бошқарув назарияси томонидан қўйиладиган талабларга жавоб бермайди. Мақсадлар бошқарувнинг аниқ бир жараёнида аниқ ва катъий белгилаб қўйилиши, ўлчана олинishi ҳамда ижро этиш муддатларига эга бўлиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг мақсади қонунчилик ва норматив-ҳукукий ҳужжатлар бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Бу ҳужжатлар шу тарзда ишлаб чиқилганки, уларни тўла-тўқис бажариш ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида ва у билан боғлиқ фаолиятда ҳаёти ва соғлиғини сақлаш талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратишни англатади. Мақсад тушунчаси ана шу тарзда талкин этилганда унга эришишни ўлчаш имконияти туғилади. Агар норматив-ҳукукий ҳужжатлар талаблари тўла-тўқис бажариладиган бўлса, меҳнат шароитларини белгиловчи кўрсаткичлар (зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида, оғир жисмоний меҳнат билан банд ходимларнинг салмоғи) худди ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликлари каби энг паст даража, яъни нолга интилади.

Мақсад хусусиятини белгиловчи микдор кўрсаткичларини жорий қилиш кўзланган мақсад – норматив-ҳукукий ҳужжатлар талаблари у ёки бу даражасини бажаришни таъминлашга эришишнинг муддати тўғрисидаги масалани қўйиш имконини беради. Меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш шаклида муайян бошқарув қарорини қабул қилишга нисбатан мақсадни қўйишда расмий статистика кўрсаткичларига таяниш керак. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза

килиш соҳасида мақсадни расмий ва жўн тасаввур этиш, унга эришиш самарадорлигини баҳолаш, универсал кўрсаткичлар йўқлигини назарда тутган ҳолда, масалан, мақсад сифатида ишлаб чиқаришда шикастланиш кўрсаткичларини камайтиришни кўрсатиш мумкин.

Бунда ҳар 1000 ходимга нисбатан ишлаб чиқаришда шикаст олганлар сони ($K_{\text{ч}}$), ҳар 1000 ходим ҳисобига ишлаб чиқаришда ўлимлар сони ($K_{\text{см}}$) кўрсаткичларидан фойдаланса бўлади. Ўзбекистон Республикасида ана шу кўрсаткичларни иктисодиёти ривожланган мамлакатлар кўрсаткичига тенглаштириш мақсадини қўйиш мумкин.

Бу кўрсаткичлардан бири $K_{\text{см}}$ бўйича 1993 йилда Германияда 0,080, 1994 йилда Францияда 0,056, 1995 йилда Финляндияда 0,026 га эришилди. 1996 йилги маълумотларга кўра эса Буюк Британияда бу кўрсаткич 0,010, Канадада 0,061 га тенг бўлди. Ҳолбуки, Россияда ана шу йилларда $K_{\text{см}}$ кўрсаткичи тегишли равишда 0,139; 0,133; 0,138 ва 0,154 га тенг бўлди. Яъни бу юқорида қайд этилган давлатлардагига караганда анча юқори. Меҳнат шароитларининг санитария-гигиена ҳолатини акс эттирадиган кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда мақсад сифатида ноқулай меҳнат шароитларида иш билан банд бўлганлар салмоғи кўрсаткичини жиддий равишда камайтириш вазифасини қўйиш мумкин. Мақсадни бундай белгилаш меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш бўйича давлат сиёсатига, хусусан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган иш жойлари сонини қисқартириш вазифасига мос келади. Бунинг учун иш жойлари меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилинади.


Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян миқдор кўрсаткичларига эришишнинг ўзи етарли эмас. Аммо бу кўрсаткичларни пасайтириш кўзланган мақсадга эришишни таъминлайдиган умумий йўналишни кўрсатиб беради.

Қарор қабул қилиш алгоритмида навбатдаги муҳим босқич прогностни ишлаб чиқишдир. Яъни бу муайян вақт даврида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг эҳтимол тутилган аҳволини баҳолашдир. Мазкур блок 2.8-расмда акс эттирилган ишларни амалга оширишни назарда тутди.

Кўриниб турибдики, прогнозлаш кейинчалик мамлакат

мақсадли дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлган бошқарув қарори қабул қилиниши учун асос сифатида намоён бўлмоқда.

Бунда ишни ахборот тўплашдан бошлаш лозим. Ахборот ҳажми ва таркиби бошқарув қарорини қабул қилиш даражаси билан боғлиқ. Бошқарув қарори мамлакат миқёсидаги субъект, минтақа миқёсида– минтақа субъекти даражасида, муниципал миқёсида – бошқарувнинг шаҳар ва туман органлари даражасида қабул қилиниши мумкин.



2.8-расм. **Мехнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг эҳтимолдаги вазиятини прогноزلашни ишлаб чиқиш алгоритми.**

Бу босқичларнинг ҳар бирида ахборот турлича шаклда ишлатилиши мумкин. Масалан, бошқарувнинг барча объектлари бўйича ўртача кўрсаткичлар ёки иктисодий фаолиятнинг алоҳида тармоқлари объектлари бўйича кўрсаткичлар кўриб чиқилиши мумкин. Аммо барча ҳолатларда ҳам ахборотнинг тўлиқ бўлиши расмий статистика ахбороти мавжудлиги, унинг даврийлиги, такқослана олиниши, шунингдек қўшимча ахборотни тўплаш, масалан, қараб чиқилаётган масала бўйича

сўровнома ўтказиш ёки эълон қилинган материалларни ўрганиш орқали қўшимча ахборот тўплаш имконияти билан чегараланган.

Статистика кўрсаткичлари меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни тўла-тўқис акс эттирадиган манба вази-фасини ўтай олмайди, лекин мавжуд статистика ахборотидан фойдаланиш зарурати сабабли бу ҳолда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатини прогнозлаш тўғрисида эмас, балки санитария-гигиена норматив талаблари бажарили-шининг даражаси ҳамда ноқулай меҳнат шароитларида ишлаш оқибатларини ифода этадиган кўрсаткичлар тўғрисида гап бо-риши мумкин. Бироқ лўнда бўлиши учун тадқиқотда анъана-вий “меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш” сўзла-ри ишлатилади.

Алгоритмга биноан навбатдаги босқич тўпланган ахборотни таҳлил этиш, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини белгилайдиган асосий омилларни аниқлашдан ибо-ратдир.

Умуман Ўзбекистон Республикасида ҳамда иқтисодийётнинг йирик тармоқларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа) меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни ях-шилаш бўйича мақсадли дастурни илмий жиҳатдан асослаш учун меҳнат шароитларини шакллантиришга таъсир этадиган барча омиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу, биринчи навбатда, жиддий равишда ўзгариши ҳамда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволига жиддий таъсир кўрсата олиши кийин бўлган табиий омиллар гуруҳига тааллуқлидир. Иқтисодийётнинг йирик тармоқларида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини прогноз-лаш учун ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва моддий-тех-ник омиллардан фойдаланиш керак. Улар ўзаро бир-бири би-лан боғлиқ. Бу ўзаро боғлиқлик бошқарув объекти – корхона (ташкилот)нинг тизимли хусусиятга эгаллиги билан белгилана-ди. Прогнозлаш мақсадларида меҳнат шароитлари аҳволини акс эттирадиган омиллар умумий тарзда 2.9-расмда кўрсатилган.

Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили улар орасидан келажақда прогнозга мувофиқ бу шароитларнинг ҳолатини амалда белги-лайдиганларни аниқлаш имконини беради. Масалан, мамлакат-

да ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларини, инвестиция фаоллигининг ортишини прогнозли баҳолаш ниҳоятда муҳимдир. Чунки улар асосида саноат тармоқларини техник жиҳатдан модернизациялаш асосида меҳнат шароитларини яхшилаш имконияти яратилади. Ёки амалдаги конунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий базани таҳлил этиш ҳамда келажакда унинг ўзгаришини прогнозлаш меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашнинг эҳтимол тутилган ҳолатларини прогнозлашни асослашга хизмат қилади.

2-блок бўйича ишланмаларни ниҳоясига етказиш меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ўзгаришининг эҳтимол тутилган прогноз вариантларини ишлаб чиқиш, уларни белгиланган (кутилаётган) бошқариш мақсадларига (3-блок) яқинлаштириш нуктаи назаридан баҳолаш ҳамда бошқарув қарори вариантларини танлаш (4-блок) ишларига киришиш имконини беради.



2.9-расм. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини белгиловчи омиллар.

Бошқарув қарори асоси сифатида вариантни танлаш юкорида кайд этилган алгоритмда энг муҳим ишдир. Лекин ҳар қандан прогнозли вариант фойдаланилаётган ахборот тўлалиги ва ишонарлилигига, барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг кечишига, шу жумладан уларнинг келажакдаги ҳолатига боғлиқ бўлади.

Агар прогнозлашга қарор қабул қилиш жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралса, бу ҳолда ишлаб чиқиладиган прогноз нафақат келажакдаги ҳолатни башорат қилиш, балки қабул қилинадиган қарор элементларини ҳам қамраб олади. Шу билан бир қаторда соф илмий башорат воқеалар ривожига таъсир кўрсатишни кўзламагани ҳолда ҳам, масалан, назарий қарашларни тасдиқлаш ёки рад этиш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Шу муносабат билан прогнозлашга башорат қилиш билан бир қаторда қарор қабул қилишни бевосита тайёрлаш унсурларини (келажакдаги вариантда қутиладиган ҳолатни баҳолаш, мақсадга эришишнинг эҳтимол тутилган йўлларини ишлаб чиқиш ва ҳоказолар) башорат қилишга қаратилган фаолият сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги қатор етакчи корхоналар меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини прогнозлаш ва режалаш ишларини муваффақиятли олиб бориш натижасида ишлаб чиқаришда меҳнат шароитларини яхшилаш соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Жумладан, *Навоий кон-металлургия комбинатида, хусусан унинг бўлинмаларидан бири – Марказий кон бошқармасида ана шундай ибратли тажриба тўпланган*. Бу ердаги меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг амалдаги тизими ўзининг юкори самарадорлигини тасдиқламоқда. Кейинги 30 йил мобайнида (1978-2008 йиллар) бу ерда ишлаб чиқаришда шикастланиш даражаси 3,7 баробарга камайди.

Бунга қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида эришилди.

– корхона барча бўғинларининг, шу жумладан улар ходимларининг ҳам бошқарув тизимида фаол иштирок этиши;

– хўжалик юритишнинг янги шароитларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро стандартларга эришишга интилиш;

– меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими шартлари ва талабларидан собитқадамлик билан фойдаланиш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг барча босқичларини, шу жумладан корхона ва унинг бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифалари, масъулияти, ваколатларини ҳужжат тарзида расмийлаштириш;

– корхона фаолиятининг технологик, молиявий, ташкилий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни умумий менежмент тизимига интеграция қилиш.

Марказий кон бошқармасида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимига давр талаби асосида ёндашишга қатор шарт-шароитлар мажбур қилди: бу – бозор иқтисодиёти шароитларида корхонани бошқаришнинг мураккаблашганлиги, янги техника ва технологик жараёнларни жорий этиш билан боғлиқ меҳнат шароитларининг янги хавфли ва зарарли омиллари пайдо бўлиши, жамоа шартномаларини тузишда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатига талабларнинг ортганлиги, меҳнат хавфсизлиги даражасига назорат қилувчи органлар талабларининг қучайганлиги ва ҳоказолардир.

Олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун Марказий кон бошқармасида *Интеграциялашган менежмент тизими* ишлаб чиқилди ва жорий этилди. У уч тизимни: *сифат менежменти, экология менежменти, саноат хавфсизлиги ва саломатлик менежменти*ни камраб олади. Мазкур тизим халқаро стандартлар – ИСО 9001:2000, ИСО 1401:20004 ва OHSAS 18001:1999 халқаро спецификацияси талабларига асосланади.

Интеграциялашган менежмент тизими Марказий кон бошқармаси фаолиятининг барча турлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча цикллари, белгиланган барча жараёнлар, энг аввало бозор талабини аниқлашдан бошлаб истеъмолчиларнинг амалдаги ва келгусида назарда тутилаётган эҳтиёжларини қондиришгача бўлган босқичларни камраб олади. У, шунингдек, Марказий кон бошқармаси тузилмалари, масъулият ва ваколатларни, ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини яхшилашга эришиш, корхона фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, ходимлар учун хавф-хатарни камайтириш ва соғлиқларини сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг саноат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсат ва мақсадларга мувофиқлиги билан боғлиқ жараёнлар, услубиётлар ва ресурсларни ҳам камраб олади.

Тизим кафолатли амал этиши учун катор ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Уларда турли даражадаги раҳбарларнинг Интеграциялашган менежмент тизими бўйича вазифалари, масъулияти ва ваколатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда машина-ускуналарини эксплуатация қилиш бўйича йўриқномалар, технологик хариталар, корхона бўлинмаларининг бирламчи ҳужжатлари (журналлар, баённомалар ва ҳоказолар), меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича турли ҳисоботлар ўз аксини топган.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган ва амал қилаётган бу тизим учта гуруҳни бирлаштиради:

1. *Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашни муттасил равишда такомиллаштириш:* саноат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсат, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, персонални меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиш ва уларнинг бу соҳадаги билимларини текширишни ташкил этиш, наряд тизими.

2. *Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш бўйича ишларни ташкил этиш:* меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни режалаштириш, хавфларни айнанлаштириш, касб хатарларини баҳолаш ва бошқариш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

3. *Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини баҳолаш:* меҳнатни муҳофаза қилишни ўлчаш ва мониторингини ўтказиш, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликларини таҳлил этиш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими амал этишини назорат қилиш.

Меҳнатни муҳофаза этишни бошқаришнинг бундай мантикий-циклли тизими куйидаги энг муҳим масалаларни ҳал этади:

– меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида корхона мақсадларини белгилаш;

– устувор вазифалар, уларни босқичма-босқич ҳал этиш навбатларини аниклаш;

– мақсадга эришиш, зарур ресурслар билан таъминлаш, персонал ва умуман корхонани самарали бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш.


Марказий кон бошқармасида меҳнатни муҳофаза қилишни

бошқариш тизими қандай амал этиши 2.10- ва 2.11-расмларда акс этган.

Марказий кон бошқармаси мутахассислари томонидан амалга оширилаётган МОТ-СУОТ-2001 тизими бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан ишларни режалаштириш тажрибаси диққатга сазовордир. Бу сифат, экология, саноат хавфсизлиги ва саломатлиги бўйича Интеграциялашган менежмент тизимининг таркибий қисми эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.



2.10-расм. **Меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш комплекс режаси тадбирларини ишлаб чиқиш.**



2.11-расм. Мехнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг таркибий тузилмаси.

Режалаштириш Марказий кон бошқармаси бўлинмаларида меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳолини баҳолаш ҳамда аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш, ажратиладиган ресурслар аҳамияти бўйича уларни бажариш тартибини, бажариш муддатлари ва ижрочиларини белгилашга асосланади. Айни пайтда режаланган тадбирларни ижрочиларга етказиш ҳамда тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам кўзда тутилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бир неча режали ишларни қамраб олади:

1. *Мехнат хавфсизлигини прогнозилашни меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ва меҳнатни муҳофаза қилиш лабораторияси амалга оширади.* Бунда улар ишлаб чиқаришда шикастланиш, касб касалликлари динамикаси, иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, меҳнатни муҳофаза қилиш аҳолини ҳамда махсус ҳодисаларни текшириш материалларини назорат қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режалаштирилаётган ишларнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигига асосланадилар. Прогнозлаш натижалари ҳар йили комбинат раҳбариятига саноат хавфсизлиги ва саломатлик менежменти тизими фаолиятининг натижалари тўғрисидаги ҳисобот билан бирга тақдим этилади.

2. *Истиқболли режалаштириш меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза этиш бўйича тадбирлар сифатида амалга оширилади.* У кон ишлари, капитал қурилиш, машина-ускуналар, биноларни таъмирлаш ва бошқа ишларни амалга ошириш режалари тузилаётганда мажбурий равишда бу режаларга киритилади. Бундан ташқари тадбирлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимда жамланади, у эса комбинат меҳнат жамоаси жамоавий шартномасига киритилади. Мазкур шартноманинг амал этиш муддати уч йил. Тадбирлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимга киритилишдан аввал меҳнат жамоаси ҳамда касаба уюшмаси йиғилишлари ва конференцияларида муҳокама этилиб, уларнинг аҳамиятли эканлиги, устуворлиги ва зарурлигига баҳо берилади.

3. *Жорий режалаштириш.* У “Марказий кон бошқармаси бўлинмаларида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг, ишлаб чиқаришда шикастланиш профилактикаси ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг комплекс режаси” сифатида амалга оширилади.

Комплекс режа келгуси йил учун бош муҳандис ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига тааллуқли катор бўлимлар бошлиқлари ва ходимларидан иборат комиссия томонидан тузилади. Бу режа корхона ҳар бир бўлинмаси касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилади.

Цех ва участкаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни режалаштириш ҳар ойда “Уч босқичли назорат журнали” шаклида олиб борилади. Марказий кон бошқармасида йиғма комплекс режа тузилиб, у комбинат касаба уюшмаси қўмитаси

раиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат техника инспектори билан келишилади.

Жорий режаларга тадбирларни амалга ошириш учун лойиҳа-конструкторлик ишланмалари, сарф-харажатлар, ресурслар, молия маблағлари, норматив-техника ва ҳуқуққа доир наشرлар, кўргазмалари ахборот воситалари, бошқа адабиётлар харид қилиш бўйича топшириқлар киритилади.

4. Тезкор режалар бахтсиз ҳодисаларни текшириш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳолини назорат қилиш материаллари бўйича тадбирлар сифатида ишлаб чиқилади. Уларда аниқланган ҳамда мавжуд камчиликларни дарҳол бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади. Тезкор тадбирлар режаси ижроси учун масъулият бажариш муддатлари белгиланган ҳолда бахтсиз ҳодиса рўй берган ёки текшириш ўтказилган бўлинма раҳбари зиммасига юкланади.

Навоий кон-металлургия комбинатида меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳар бир бўлинмада қуйидаги асосий қоидаларга амал этилади:

- меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш ходимлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш мақсади кўзланган катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир, шунинг учун бу соҳада белгиланган тадбирларнинг бажарилмаслиги давлат интизомини кўпол равишда бузиш деб баҳоланади;

- меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича ишлар режа асосида, тизимли олиб борилиши ҳамда шикастланишлар ва авариялар сонини камайтиришга қаратилган бўлиши керак;

- ушбу йўналишда биргина техника соҳасида эмас, шу билан бирга ижтимоий-психология, санитария, физиология ва фаннинг бошқа соҳаларидаги ютуқлардан фойдаланиш керак;

- тадбирлар профилактика йўналишига эга бўлиши керак, яъни ҳавфли ва зарарли вазиятлар пайдо бўлишининг, шунингдек ходимларнинг меҳнат жараёнида нотўғри хатти-ҳаракатларини олдини олишга қаратилган бўлиши керак;

- ҳар бир тадбир имкон даражасида энг самарали, ҳуқуқий жиҳатдан асосланган, бажариш учун реал, унинг муҳофаза чоралари ишончли бўлиши лозим.

Марказий кон бошқармасида меҳнатни муҳофаза қилиш

бўйича тадбирлар режасини амалга оширишга, шунингдек улар ижросининг турли босқичлардаги ва барча йўналишларидаги мониторингига алоҳида эътибор берилади. Булар тадбирларнинг намунавий чизмасига киритилган бўлиб, қуйидаги бўлимлардан иборат: меҳнатнинг умумий шароитлари; меҳнатнинг техникавий ва технологик, санитария-гигиена, санитария-маиший шароитлари; техника хавфсизлиги; ходимларни хавфли ва зарарли зоналардаги ишлардан озод қилиш; ходимларни хавфсиз меҳнат қилишга тайёрлаш; меҳнатни илмий ташкил этиш; ижтимоий ривожлантириш ва тиббий-профилактика, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимидан иборатдир.

Тадбирларнинг намунавий чизмаси Марказий кон бошқармаси бўлинмаларида улардаги ишлаб чиқаришнинг хусусияти, меҳнат жараёнларини механизациялаш даражаси, меҳнатни ташкил этиш шакллари ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ мазмун билан тўлдирилади.

2.3. Касб хавфини аниқлаш услубиёти ва бахтсиз ҳодисаларни ижтимоий суғурталаш

Ҳар қандай фаолият турли қутилмаган табиий офатлар оқибатида ёки инсонни ташқи ва ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чоралар қўрилмаганлиги ёхуд кимнингдир хато ҳатти-ҳаракати оқибатида пайдо бўладиган хавфлардан соқит қилаолмайди, яъни *касбий хавф – ишлаб чиқариш муҳити омиллари ва меҳнат жараёнининг ноқулай таъсири натижасида ходим соғлиғига зарар етиши ёки унинг ўлиши эҳтимоли мавжуд*.

Касбий хавф қуйидаги ҳолатларда пайдо бўлади:

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида ёки иш жойига транспортда бораётганда ва корхонадан қайтаётганда соғлиққа зарар етиши (майиб бўлиш, заҳарланишлар, қуёш уриши, қуйиш, электр токи уриши ва ҳоказолар) хатари;
- ишлаб чиқаришнинг заҳарли ва хавфли омиллари таъсири остида касб касалликларига чалиниш (шу сабабларга кўра ўтқир ва сурункали касалланиш) оқибатида вақтинчалик ёки доимий меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келадиган хавф;
- ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тўғизлиги оқибатида соғлиққа зарар келтира-

диган, ҳаёт давомийлигини қисқартириш хусусиятига эга яширин хавф.

Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаси ходимларни касб хавфларидан муҳофаза қилиш муаммосини ҳал этиш меҳнатни муҳофаза қилиш, тиббиёт, ижтимоий суғурта тизимларининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнат муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга қаратилган фаолиятларини мужассамлаштиришни талаб этади. Ушбу биргаликдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– *даволаш-профилактика*: касб касалликлари ноқулай омиллар таъсири пайдо бўлишини аниқлаш; тиббий-профилактика ва зарар кўрганларни даволаш; зарар кўрганларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш; алоҳида белгилаб қўйилган ходимлар гуруҳини доимий тиббий назорат остига олиш;

– *таҳлилий-профилактика*: юқори даражадаги касб хавфи мавжуд бўлган шароитларда ишлаётган ходимлар меҳнат шароитларини назорат қилиш; ишлатилаётган техника, машина-ускуналар, қўлланилаётган технологияларнинг санитария-гигиена нормативларига мувофиқлигини назорат қилиш; ходимларни касбий хавфлар даражаси ва унинг эҳтимолдаги ижтимоий оқибатларидан тўлиқ хабардор қилиш;

– *таҳлилий-статистика*: касб касалликлари ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалланишлар даражаси динамикаси сабаблари; ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг, улар оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси ва унинг оғирлигини; ногиронликни, ўлим ҳолатларини таҳлил этиш;

– *касбий хавфни баҳолаш ва уни камайтириш бўйича чоралар белгилаш*: ташкилий-техникавий, санитария-гигиена, улар етарли бўлмаса қисқартирилган иш куни. Қўшимча таътил ўрнатиш, иш стажини чегаралаш, муддатидан илгари пенсияга чиқариш;

– *ходимларни муҳофаза этиш бўйича чораларни шартнома асосида тартибга солиш*: касбий хавфлардан муҳофаза этиш тадбирларини жамoa шартномаларига киритиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимларни ишлаб чиқиш, меҳнат шартномалари(контрактлар)да меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходим ва иш берувчилар мажбуриятлари ва ҳуқуқларини аниқ-равшан расмийлаштириш;

– касб хавфларини суғурталаш ҳамда суғурта ҳодисаси рўй берганда ходимга етказилган зарарни белгиланган тартибда компенсация тўловини амалга ошириш;

– иш берувчиларни ходимларни касб хавфидан муҳофаза қилишлари учун иктисодий жиҳатдан рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун амал қилмоқда. Мазкур Қонун умумий ижтимоий суғурталаш бўйича қонун ҳужжатларининг таркибий қисми бўлиб, қуйидаги асосий қондаларни кўзда тутди.

– суғурта қилинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда иш берувчиларнинг касб хавфларини камайтиришдан иктисодий манфаатдорлигини ошириш;

– суғурта қилинганлар ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни суғурта бўйича барча зарур таъминотларни амалга ошириш, шу жумладан вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақа сифатида компенсация тўлаш йўли билан қоплаш;

– ҳар ойлик ва бир йўла суғурта тўловларини амалга ошириш;

– тиббий ёрдам, парвариш қилиш, санатория-курортларда даволаниш, протезлаш бўйича кўшимча сарф-харажатларни тўлаш, махсус транспорт воситалари билан таъминлаш, касбий қайта тайёрлаш;

– иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фондига меҳнат шартномаси (контракт) асосида меҳнат қилаётган ҳар бир ходим учун мажбурий суғурта тўловларини амалга ошириш;

– суғурталанган шахс (меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс, суғурталовчи (ходимни ёллаган жисмоний ва юридик шахс) ҳамда суғурта ажратувчи (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси)нинг ҳуқуқ ва масъулиятини аниқ белгилаб ва чегаралаб қўйиш);

– бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурталашни амалга ошириш учун маблағларни шакллантириш.

Мазкур Қонун икки асосий йўналишни кўзда тутди:

– биринчиси – ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб

касалликлари натижасида зарар кўрганларга етказилган зиёни давлат томонидан копланишини таъминлаш кафолати. Бунинг учун суғурта маблағлари манбалари белгилаб қўйилган. Улар:

- а) суғурталовчиларнинг суғурта бадаллари;
- б) олинадиган жарима ва тўланадиган пенялар;
- в) конунчиликда ман этилмаган бошқа тушумлар.

Бу ўринда суғурталовчи сифатида ходимни конунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ёллаган юридик ёки жисмоний шахс анъланади;

– иккинчи йўналиш – ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини профилактика қилиш. Ушбу мақсад меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларга суғурталашнинг мазкур тури бўйича ажратилаётган маблағлардан, шунингдек ҳўжалик юритувчи субъектларни иктисодий жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилган механизмдан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Суғурталовчи бу мақсадга ажратилаётган маблағлардан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин:

– суғурталанганларнинг айрим тоифалари: меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари раҳбарлари ва мутахассисларини, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўшма кўмиталар (комиссиялар) аъзоларини ва меҳнат жамоаси томонидан вакил қилинган шахсларни меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиш;

– ноқулай меҳнат шароитларида иш билан бандларни соғломлаштириш учун санатория ва курортларга юбориш, тиббий кўриклар ўтказишни ташкил этиш, шахсий ҳимоя воситаларини харид қилиш, иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиш, зарарли ишлаб чиқариш омилларини текширадиган асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва ҳоказолар учун.

Ходимларнинг соғлиғи кўп жиҳатдан меҳнат шароитларига боғлиқлиги сабабли давлат миқёсида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу ходимлар соғлиғига етказилган зарар бўйича чора кўришдан хавфлар сонини камайтириш ва улар пайдо бўлишининг олдини олиш жараёнларини бошқаришга ўтишга хизмат қилиши керак.

Ҳозир амалиётда кузатилаётган ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар профилактикасини фақат ишлаб чиқаришдаги

бахтсиз ҳодисаларни текшириш ҳамда бу ҳодисаларнинг аниқланган сабаблари асосида амалга оширишдан катъиян воз кечиш зарур. *Меҳнат жараёни ва ишлаб чиқариш муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш бўйича фаолиятнинг истиқболли йўналишларини аниқлаб олиш учун ана шу омилларнинг ходимларга таъсири оқибатидаги касб хавфларини бошқариш ва бу хавфларни баҳолаш тизимини яратиш вақти келди.* Мазкур тизимни шакллантириш ишлаб чиқариш, меҳнат жараёни омилларининг ҳолати, тиббий кўрсаткичлар, ходимлар соғлигига етказилган зарар (шу жумладан, аввалги касалланишларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ҳамда меҳнат қобилятини йўқотиш бўйича касб хавфларини комплекс баҳолаш механизми асосида амалга оширилиши керак.

Бунинг учун энг аввало хавфларга баҳо бериш лозим. *Хавфларни баҳолаш* дейилганда меҳнат жараёнида пайдо бўладиган хавфларни аниқлаш, туғдирилаётган хавф оқибатидаги хатарлар даражасини баҳолаш англанади. Хавфларни баҳолаш меҳнатни муҳофаза қилишда энг мақбул профилактика воситаси ҳисобланади. Баҳолашда аввал рўй берган бахтсиз ҳодисалар ва авариялар билан бир қаторда ҳали пайдо бўлмаган ва зарар етказмаган хавфлар ҳам кўриб чиқилади.

Касб хавфларини бошқариш хавфни баҳолаш, хавф тўғрисида меҳнат ҳукуки субъектларини хабардор қилиш, хавф кўрсаткичлари динамикасини назорат қилиш, шунингдек бу хавфларни камайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказишни кўзда тутди. Айни пайтда касб хавфлари ходим соғлигига зарар етказиш (соғлигини йўқотиши) ёки ўлиши эҳтимолини ҳам билдиришини назарда тутиш лозим. Шунинг учун бу эҳтимолни аниқлаб олиш талаб этилади.

Касб хавфларини баҳолаш ходимлар саломатлиги ҳолати кўрсаткичлари динамикасини уларнинг меҳнат шароитлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш ҳам демакдир. Хавф муайян ҳар бир ходим, мазкур иш жойида ёки технологик жараёнда иш билан банд ҳар бир гуруҳ, умуман корхона учун ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Касб хавфларини таҳлил этиш муайян корхона ходимларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва бошланғич босқичда кузатилаётган касб касалликларини аниқлаш имконини беради. Бундай хавфлар ихтисосликлар ва хизмат вазифала-

рининг алоҳида гуруҳлари учун, айникса, хавфли эканлигини ҳам аниқлаб олиш керак.

Шу таҳлиллар асосида корхона ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш учун талаб этиладиган врачлар ва мутахассислар рўйхати тузилиши мумкин. Ходимларнинг тиббий кўриги натижалари асосида хавф даражаларини аниқлаш корхонанинг касб хавфларини камайтириш учун профилактика тадбирларига мўлжалланган молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга бу ходимларга тиббий ва диспансер хизмати кўрсатиш ҳамда уларни санатория ва курортларда даволаш режаларини ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтайди.

Айрим корхоналарда касб хавфликлари менежменти учун талаб ортишига ноқулай меҳнат шароитлари мавжуд бўлган ҳолатларда ижтимоий-меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг реал зарурати сабаб бўлиши мумкин. Корхоналарда касб хавфларини баҳолаш қуйидаги имкониятларни беради:

- жамоа ва меҳнат шартномаларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси нормаларига мувофиқ равишда ходимлар саломатлигига зарар етказиш хавфини акс эттириш;

- жамоа музокаралари томонларига ноқулай ишлаб чиқариш омиллари оқибатида етказилган зарарни коплаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун мавжуд маълумотлардан хабардор этиш;

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалликлар, шунингдек муайян ходим иш жойидаги шароит оқибатида саломатлиги ёмонлашиши ҳолатлари ҳамда улар ишга қабул қилинаётганда ўтказилган тиббий кўриқлар маълумотлари масалалари бўйича иш берувчилар ва ходимлар масъулиятини белгилаш;

- ходимларнинг ноқулай ишлаб чиқариш омиллари оқибатида улар саломатлигига етказилган зарарни коплаш бўйича талабларини, ходимларнинг амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қилиш, талабларини суддан олдин ва суд тартибида амалга оширишни баҳолаш;

- ходимлар саломатлигининг аҳволи ва уларнинг келажакда ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда корхона кадрлар сиёсати бўйича асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Касб хавфи – халқаро қўламга эга муаммодир. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1977 йилдаги меҳнаткашларни ҳаво

ифлосланиши, иш жойида шовкин ва тебратиш оқибатида касб хавфларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги 148-Конвенцияси худди шундан далолат беради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эса 1994 йилда “Тиббиёт ҳамма учун” глобал стратегиясини қабул қилди. Унда ҳар бир инсонга соғлиғига зарар етмаган ҳолда меҳнат фаолияти билан фаол шуғулланиш имконияти берилиши зарурлиги уқтирилади.

Кўпгина тадқиқотчилар⁶⁰ ҳозирги пайтда мутлақ хавфсизликни таъминлашнинг имкони йўқ деган қондани илгари сурадилар. Шу муносабат билан жамиятда йўл қўйиш мумкин бўлган хавф концепцияси шаклланган.


Йўл қўйиш мумкин бўлган хавф — бу корхона, иқтисодиёт тармоқлари ёки давлат иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатмайдиган инсонларнинг ўлими, шикастланиши ва ногиронликка учрашининг қуйи даражасидир. У техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳусусиятларга эга бўлиб, хавфсизлик даражаси билан унга эришиш ўртасида муайян муросачиликни назарда тутди. Техника воситалари хавфсизлигини оширишнинг иқтисодий имкониятлари чегарасиз эмас. Жумладан, ишлаб чиқаришда техника тизимларининг хавфсизлигини ошириш учун ҳаддан ташқари кўп маблағ сарфлаб, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий соҳасига зарар етказиш (тиббий, профилактика хизмати кўрсатиш, махсус кийим-бош олиш ва ҳоказолар учун харажатларни қисқартириш) мумкин.

Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда ишлаб чиқаришдаги шикастланиш даражаси индексларини таққослама таҳлил этиш саноат ишлаб чиқаришининг ривожлантирилиши ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Шуни таъкидлаш керакки, 1995 йилдан 2007 йилгача мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ҳажми 8,7 % га ортгани ҳолда ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар даражаси 7,4-8,4 % чегарасида бўлди. Яъни ишлаб чиқаришда зарар кўрганлар умумий сони ҳамда шикастланиш тезлиги коэффициенти (Кч) камайиши тенденциясига қарамадан, 1995 йилдан

⁶⁰ К а к а у л и н С.П. Формирование экономических отношений в связи с несчастными случаями и профессиональными заболеваниями // Европейский кодекс социального обеспечения: материалы международного обучающего семинара. Иркутск: Ир ГТУ, 2003. С.74-91.

2007 йилгача шикастланиш даражаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига нисбатан ҳар йили ўсиш хусусиятига эга бўлди. 1995 йилда бу кўрсаткич 6,7 ни, 1996 йилда - 15,5, 1997 йилда - 13,7, 1998 йилда - 29,1, 1999 йилда - 27,5 ни ташкил этди. Фақат 2000 йилдан бошлаб юқорида қайд этилган индексларнинг бир-бирига яқинлашиш ижобий динамикаси кузатилади. Бу мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян даражада ижобий ўзгаришлардан далолат беради (2.12-расм).



2.12-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми билан ишлаб чиқаришдаги шикастланиш даражаси динамикаси (% ҳисобида, 1990 йил – 100,0%).

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган иш самарадорлигининг энг кўламли кўрсаткичи сифатида *шикастланиш тезлиги коэффициентининг* (ишлаб чиқаришда ҳар 10000 нафар иш билан бандлар ҳисобига зарар кўриб, бир иш куни ва ундан кўпроқ вақтда меҳнат қобилиятини йўқотганлар сони, ўлимга олиб келган шикастланишларни истисно этган ҳолда) хатар назарияси бўйича маълум формула асосида амалга оширилиши мумкин⁶¹.

Бу тушунчага мувофиқ хавф воқеалар эҳтимоллиги ва унинг оқибатлари йиғиндисидир:

⁶¹Тимофеева С. С. Безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие. Иркутск: ИрГТУ, 2001. С.277; Тимофеева С.С. Надежность технических систем и техногенный риск: Учебное пособие. Иркутск: ИрГТУ, 2003. С.290.

$$R=P \times Y$$

Бу ерда P – нохуш воқеа рўй бериши эҳтимоли, Y – воқеа оқибатида етказилган зарар миқдори. Мазкур прогнозда Y – ишлаб чиқаришда меҳнат қобилиятини бир кундан ва ундан кўпроқ вақтга йўқотиш билан боғлиқ шикастланиш.

Хавфнинг миқдор кўрсаткичи сифатида оқибатларнинг математик ифодасидан фойдаланилади:

$$R = \sum_{i=1} P_i Y_i = f(C(Y))P(Y)dy,$$

бу ерда, $C(Y)$ – одатда экспорт томонидан белгиланадиган, етказилган зарар (шикаст)нинг оқибатини ягона баҳолаш функцияси.

Бунда хавф воқеа ривожини нуктаи назаридан кўриб чиқилади. Бунда хавф тушунчасини: сценарий – эҳтимол – оқибат сифатида ифода этиш мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш соҳасида хавфни баҳолашда қуйидаги категориялардан фойдаланиш лозим:

– *прогнослаш* (нима бўлиши мумкин) – бу тадқиқот жараёни бўлиб, унинг орқали кўриб чиқилаётган ҳодисаларнинг хусусияти ва параметрлари, келажакдаги таъсирини аниқлаш мумкин;

– *каромат қилиш* (эҳтимол бўлиши мумкин) – бу мантиқий фикрлаш натижасида тизим, жараён ёки воқеанинг келажакда бўлиши мумкинлиги тўғрисида ишонарли хулоса чиқариш;


– *башорат қилиш* (албатта бўлади) – бу тизим, жараён ёки ҳодиса ривожланиши қонуниятларидан хабардор бўлишга асосланган ҳолда воқеликни олдиндан башорат қилиш;

– *режаслаштириш* (бўлиши керак) – муайян даврга мўлжалланган амалий тадбирлар рўйхатини тузиш.

Юқорида қайд этилган категорияларга тизимнинг бўлажак ҳолатини баҳолаш босқичлари сифатида қараш мумкин. Прогнозлашнинг асосий босқичлари 2.13-расмда ифодаланган.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг асосий вазифаси суғурта ҳодисалари бўйича қоралар кўришдан хавфларни бошқаришга ўтишдир. Бу ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини камайтириш, иш жойлари ва меҳнат шароити сифатини ошириш, олдини олиш мумкин бўл-

ган сабаблардан ўлимни камайтириш, ходимлар умр кўришини узайтириш ва соғлигини яхшилаш имконини беради.



2.13-расм. Хавфларни баҳолаш ва бошқариш босқичлари


Бу вазифаларни касб хавфларини бошқариш изчил тизими-ни яратиш орқали ҳал этиш мумкин. Бундай тизимни яратиш ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг ходимлар саломатлигига таъсирини камайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик, ижтимоий, тиббий ва санитария-гигиена тадбирлари комплексини амалга оширишни назарда тутди. Шу жумладан:

- ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларни ҳал этишга қаратилган ходимлар саломатлигига зарар етказадиган касб хавфларини аниқлаш, баҳолаш ва назорат қилиш тизимини яратиш. Бу тизим огоҳлантириш, профилактика ва компенсация тадбирларини камраб олиши керак;
- ходимлар саломатлигини сақлаш ҳамда меҳнат ресурсларининг иш қобилиятини сақлаб туриш мақсадида ижтимоий-меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий шерикчилик механизмларини ривожлантириш;

– ижтимоий шерикчилик томонларининг иқтисодий ва молиявий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ижтимоий, тиббий ва пенсия суғурта килиш тизимини ислоҳ этиш;

– аҳолининг турли гуруҳларини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларидан хабардор қилиш, уларга бу масалаларда маслаҳат бериш ва ўқитишнинг самарали тармоғини яратиш.

Касб хавфларини бошқариш тизимини яратиш ва у самарали амал этишини таъминлаш учун ҳамма манфаатдор томонлар функциялари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш керак бўлади (2.14-расм).



2.14-расм. Касб хавфларини бошқаришда вазифалар тақсими.

Касб хавфларини бошқариш иш жойларида ва умуман корхона бўйича меҳнат шартлари аҳолини кўрсатадиган

мезонларни даставвал ҳисоб-китоб қилишга асосланиши керак. Бунинг учун меҳнат шароитлари ва касб хавфларини таҳлил этишнинг турли усуллари ва мезонлари қўлланилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатининг мезонларидан бири-ишлаб чиқаришдаги шикастланишлардир.

Ишлаб чиқаришдаги шикастланишларни таҳлил этиш меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш воситаларидан биридир. Мазкур таҳлилларни амалга оширишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

– *статистика усули* – бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни умумлаштириш, таҳлил этиш ва шу асосда хулоса ва тавсиялар тайёрлашни кўзда тутати;

– *гуруҳли усул* – бахтсиз ҳодисалар хусусиятлари – ишлар турлари, ускуналар турдошлиги, иқлим шароити ва ҳоказоларни гуруҳлаштириш асосида таҳлил этиш;

– *монография усул* – энг мукамал ва самарали ҳисобланиб, корхонада аниқ бир иш бажарилаётганида юзага келиши мумкин бўлган техникавий, ташкилий-ижтимоий, психофизиологик, санитария-гигиена билан боғлиқ омилларнинг ўзаро таъсири аниқланади. Бу усул юз берган бахтсиз ҳодисанинг сабабларинигина эмас, шунингдек ходимга меҳнат жараёнида салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни ҳам аниқлаш имконини беради;

– *топография усул* – бахтсиз ҳодисалар сабабларини улар юз берган жойда корхона харитаси ёки меҳнат шароитлари хавфли бўлган қурилмаларнинг жойлашув схемаси асосида таҳлил этиш;

– *иқтисодий усул* – меҳнатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликлари оқибатида кўрилган зарарни аниқлаш⁶².

Меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволларининг мезонлари сифатида (K_v) – шикастланиш тезлиги кўрсаткичи;

(K_m) – шикастланиш оғирлиги кўрсаткичи;

(K_n) – меҳнат қобилятини йўқотиш кўрсаткичи;

(K_i) – инсон ҳалок бўлишига олиб келган бахтсиз ҳодисалар тезлиги кўрсаткичини келтириш мумкин.

⁶²Радкевич М. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш сабабларини таҳлил этиш // Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2009 йил, 2-сон. 22-25-бетлар.

K_q кўрсаткичи ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлган ҳар бир минг ходим ҳисобига муайян вақт давомида (одатда, бир йилда) рўй берган бахтсиз ҳодисаларни ифодалайди:

$$K_q = \frac{T1000}{C}.$$

K_T кўрсаткичи ҳар бир бахтсиз ҳодиса оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш ўртача давомийлигини ифода этади:

$$K_T = \frac{D}{T}.$$

K_n кўрсаткичи шикастланиш тезлиги ва оғирлигини комплекс равишда ифода этади:

$$K_n = K_q K_T \frac{D1000}{C}.$$

K_d кўрсаткичи ишлаб чиқаришда ҳар 1000 нафар ходим ҳисобига тўғри келадиган ҳалок бўлиш даражасини ифода этади:

$$K_d = \frac{N_d 1000}{C}.$$

Юқорида қайд этилган формулаларда T – шикастланган одамлар сони;

C – рўйхатдаги ўртача ходимлар сони;

D – барча бахтсиз ҳодисалар бўйича меҳнат қобилиятини йўқотиш кунлари умумий миқдори;

N_d – ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар оқибатидаги ўлимлар сони.

Шикастланиш ва меҳнат қобилиятини йўқотиш кўрсаткичларининг динамикаси корхонада меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишдаги ўзгаришлар тенденциясини ифода этади ва иш берувчилар ҳамда юқори бошқарув органлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда асос вазифасини ўтайди.

Касб хавфлари тоифаси ҳам ана шундай мезонлардан бири ҳисобланади, унинг ёрдамида тармоқ (тармоқ ичида) меҳнат шароитлари аҳоли аниқланади. Касб хавфлари тоифаси унинг интеграл кўрсаткичлари даражаси бўйича қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$I_n = (\sum_{\text{вв}} / \sum_{\text{фот}}) \cdot 100;$$

бу ерда I_n – иктисодиёт тармоги (тармоқ ичидаги) касб хавфларининг % да ифода этилган интеграл кўрсаткич;

$\Sigma_{\text{св}}$ – тармоқ (тармоқ ичида) жорий йилда зарарни коплаш учун сарф килинган тўловлар йиғиндиси;

$\Sigma_{\text{фот}}$ – иктисодиёт тармоги (тармоқ ичида) ижтимоий суғурта фондига бадал тўлаш учун асос бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди.

Шундай қилиб, бахтсиз ҳодисалардан ижтимоий суғурта қилишда касб хавфларини баҳолаш учун бахтсиз ҳодиса ёки касб касалланиши оқибатидаги барча моддий сарф-харажатлар, ижтимоий, тиббий ва касб реабилитацияси учун харажатлар, иш ҳақи миқдори, йўқотилган иш ҳақини коплаш учун тўловлар миқдори ва давомийлиги ҳисобга олинади.

Меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларини баҳолаш учун иш жойида йўл қўйилиши мумкин бўлган даража ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрациядан чекланиш ҳисоблаб чиқилади. Бу чекланиш коэффициентларини ифода этувчи кўрсаткичлар деб ҳам аталади:

$$a = \Phi_n / C_n \text{ ёки } a = C_n / \Phi_n$$

бу ерда a – ишлаб чиқариш омилларидан бирининг санитария нормативларига мувофиқлиги коэффициенти;

Φ_n – асбоблар ёрдамида ўлчанган кўрсаткичларнинг тегишли бирликдаги миқдори;

C_n – ана шу ўлчов бирликларидаги санитария нормативлари.

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан жуда оддий хулоса чиқариш мумкин. Агар амалдаги кўрсаткичлар санитария нормативлари даражасида бўлса, коэффициент 1,0 га тенг бўлади, демак бу ҳолда меҳнат шароитларини нормал деб ҳисоблаш мумкин. Агар санитария нормаси таҳлил этилаётган кўрсаткичлар, масалан шовкин, чангланиш даражаси йўл қўйиладиган энг юқори кўрсаткичда бўлса, у ҳолда касрнинг суратида бўлади. Агар у, масалан, иш жойи ёритилиши бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган даражанинг қуйи қисмида бўлса, касрнинг маҳражида бўлади.

Ана шу услубиёт асосида иш жойининг санитария-гигиена шароитлари бўйича ўртача санитария нормативларига мослигини қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$A = \sqrt[n]{a_1 \cdot a_2 \cdot a_3 \dots a_n}$$

бу ерда A – мосликнинг ўртача коэффициенти;

$a_1, a_2 \dots a_n$ – ишлаб чиқариш муҳитининг алоҳида омиллари бўйича коэффициентлар.

Меҳнат шароитларининг умумий хусусиятлари учун турли усуллардан, масалан, меҳнат шароитлари коэффициентини статистика кўрсаткичлари асосида аниқлашдан фойдаланиш мумкин.

1. Таҳлил этилаётган кўрсаткичлар умумий миқдорида санитария нормативларига мос бўлган санитария меҳнат шароитларининг улуши:

$$K_1 = \Phi_{п(н)} / \Phi_{п. общ};$$

бу ерда $\Phi_{п(н)}$ – санитария нормалари доирасида бўлган санитария-гигиена кўрсаткичлари миқдори;

$\Phi_{п. общ}$ – таҳлил этилаётган умумий кўрсаткичлар сони.

2. Нокулай меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш вақтидан фойдаланиш:

$$K_2 = T / T + П;$$

бу ерда T – таҳлил этилаётган даврда иш бажарилган умумий вақт (инсон-соат);

$П$ – шикастланиш, касалланиш оқибатида иш вақтининг йўқотилиши (инсон-соат).

3. Умумий иш ўринларига нисбатан хавфсиз меҳнат шароитларига эга иш ўринлари салмоғи:

$$K_3 = M_6 / M_{общ.}$$

бу ерда – M_6 кулай меҳнат шароитларига эга иш ўринларининг ўртача йиллик миқдори;

$M_{общ}$ – ўртача йиллик иш ўринларининг умумий миқдори.

4. Меҳнат шароитларининг умумлаштирувчи кўрсаткичи:

$$K_{у.т.} = \sqrt[3]{K_1 \cdot K_2 \cdot K_3}$$

бу ерда $K_{у.т.}$ – меҳнат шароитларининг коэффициенти.

Меҳнат жараёни амалга ошириладиган шароитлар хусусият-

ларидан бири, юкорида кайд этилганидек, меҳнатнинг оғирлиги, яъни ходим сарф этадиган жисмоний, аклий ва асаб-хиссий куч-қуввати ҳисобланади. Меҳнат оғирлигининг миқдор баҳоси инсон организмнинг функционал ҳолати(ишлаб чиқариш муҳитининг таъсир кўрсатиши оқибати)дир.

Меҳнат оғирлиги категорияси меҳнат шароитларини баллар ёрдамида интеграл баҳолаш асосида амалга оширилади. Бунда ҳар бир элемент мезонлар жадвали бўйича 1 дан 6 баллга миқдор баҳосини олади. Интеграл кўрсаткични аниқлашда иш билан банд ходим организмда рўй берадиган чегара ва патологик ўзгаришларга сабаб бўладиган меҳнат шароитларининг биологик жиҳатга эга элементлари ҳисобга олинади. Иш жойидаги меҳнат шароитлари харитасини тўлдириш натижа-сида олинган маълумотлар ёрдамида аҳамиятга эга элементлар аниқланади. Уларга бу элементларнинг вақтни ҳисобга олинган ҳолда таъсири асосида тегишли балл берилади:

$$I_m = \left[X_{\text{опр}} + \left(\sum_{i=1}^n X_i \cdot \frac{6 - X_{\text{опр}}}{(n-1) \times 6} \right) \right] \times 10;$$

бу ерда I_m – иш жойида меҳнат оғирлигининг балл асосида-ги интеграл баҳоси;

$X_{\text{опр}}$ – балл бўйича энг кўп миқдор баҳосини олган унсур;

$\sum_{i=1}^n X_i$ – балл бўйича $X_{\text{опр}}$ ни истисно этган ҳолда биологик фаол унсурлар миқдор баҳоларининг йиғиндиси;

n – меҳнат шароитлари унсурларининг сони;

10 – ҳисоб-китоблар қулай бўлиши учун киритилган рақам.

Меҳнат оғирлигини интеграл баҳолаш ёрдамида ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар бериш зарурати аниқланади.

Шундай қилиб, меҳнат шароитлари ҳолатини баҳолаш ва касб хавфларини аниқлаш турли услублардан фойдаланган ҳолда таҳлиллар ўтказиш ва ҳисоб-китоблар олиб боришни талаб этади. Мазкур барча ишларни иш ўринларини аттестациялаш пайтида амалга ошириш кўзда тутилади. Бунда ана шу аттестация натижаларига кўра корхона(ташкилот)да меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишлар сертификация қилинади. Бу ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари таъ-сирини камайтириш ҳамда ходимлар саломатлиги ва ҳаёти

учун касб хатарлари пайдо бўлишини камайтириш кафолати ҳисобланади.

Лекин бу чоралар амалга оширилишига қарамасдан, касб хавфлари сақланиб қоладиган бўлса, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг бошқа тизимлари кучга киритилади:

- “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун доирасида суғурталовчи (Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фонди) томонидан ҳар бир корхона(ташқилот)га иқтисодий тармоқлари (тармоқ тузилмалари) таснифига мувофиқ касб хатарликлари гуруҳлари асосида суғурта тарифига чегирмалар ёки устамалар ўрнатилади;

- корхона (иш берувчи) томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ижросини ифодоловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда ижро бажарилиши(бажарилмаслиги)ни баҳолаш тизими ишлаб чиқилади;

- жамоа шартномаларини амалга ошириш доирасида хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш учун масъул бўлган мутахассислар ва ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўзда тутилган тадбирларни тўла ва сифатли бажаришларини иқтисодий мотивациялаш тизими жорий этилади.

Суғурта тарифлари меҳнат фаолияти турлари бўйича мамлакат қонунида кўзда тутилган ҳолда касб хавфларига мувофиқ ҳар йили табақалаштирилади. Улар ишлаб чиқаришда шикастланиш, касб касалликларининг таркиб топган даражаси ҳамда суғурта қилишни таъминлаш учун сарф-харажатларни акс эттиради. Меҳнат фаолиятининг турлари касб хавфларидан келиб чиққан ҳолда 32 тоифадан қайси бирига тегишлилигини ҳисобга олган ҳолда корхона иш ҳақи фондининг 0,2 % дан 8,5 % гача миқдори тўланади. Мазкур механизмнинг рағбатлантирувчи роли шундан иборатки, бу маблағ миқдорининг 20,0 % гача бўлган қисмини иш берувчи меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар учун сарфлаш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари меҳнат шароитлари қулай ва ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар даражаси паст бўлса, корхоналар учун суғурта тўловларида 40,0 % гача чегирмалар ўрнатилиши мумкин. Агар суғурта бадали тўлаш кечиктирилса, суғурталанган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори яши-

рилса ёки камайтириб кўрсатилса, уларни рўйхатга олишдан бош тортилса, зарар кўрганларга тўловларни амалга ошириш кечиктирилса ёки бундан бўйин товланса, иш берувчи пеня ва жарималар тўлаш орқали жазоланади. Бунда суғурта тарифлари-га устамалар, пеня ва жарималар маҳсулот таннархига киритил-майди, балки олинган фойда ҳисобидан тўланади. Мазкур тизим иш берувчиларни касб хавфларини камайтиришга қаратилган чоралар кўришга рағбатлантиришга даъват этилган.

Жаҳон тажрибасида иш берувчиларни меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун рағбатлантириш соҳасида кат-та тажриба тўпланган. Жумладан, кўпгина АҚШ компаниялари давлат томонидан меҳнатни намунали йўлга қўйганлик учун рағбатлантириш тизимига асосланган муҳофаза дастурларида иштирок этадилар. Мазкур компанияларда шикастланишлар ва касалланишлар миқдори уларга турдош бўлган корхоналар-га қараганда 54,0 % га кам. Уларда, шунингдек, иш кунларини йўқотиш ҳам бошқаларга нисбатан 60,0-80,0 % кам. Муҳофаза қилиш дастурларининг ихтиёрий иштирокчилари ассоциацияси аъзолари компаниялар бунинг натижасида 1982 йилдан бери 1,0 млрд. АҚШ долларида кўпроқ маблағни тежашга муваффақ бўлганликларини ҳисоблаб чиққанлар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда бахт-сиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий ижтимоий суғурта қилиш бўйича ишларини ташкил этиш миллий шаклла-рининг умумжаҳон хусусияти шундан иборатки, улар тизимли равишда ўзаро боғлиқ ва ушбу ишларда асосий эътибор бахт-сиз ҳодисаларнинг профилактикаси ва олдини олишга, зарар кўрганларнинг соғлигини тиклашга қаратилади. Бу меҳнат қобилятини тургун йўқотиш натижасида пенсиялар ёки зарар кўрганнинг ўлими учун тўловларга харажатларни жиддий ра-вишда қисқартириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида эса амалдаги конунчиликда бахтсиз ҳодисага сабаб бўлган нарсаларни эмас, балки бунинг оқибатларини қайд этиш кўзда тутилган. Қонун ҳужжатларига касб хавфлари тоифаси тушунчаси киритилган бўлиб, улар иш-лаб чиқариш фаолиятининг аниқ хавфи оқибатида етказилган зарар билан боғлиқдир.

Мамлакатда ҳозирга қадар Ижтимоий сугурта фонди фао-лиятини тартибга солувчи конун ёки низом қабул қилинмаган.

Турли асосларга кўра суғурта тўлови бир йўла меҳнат пенсияси билан бирга бериладиган ҳолат сақланиб келинмоқда. Жумладан, ишлаб чиқаришда ногирон бўлганлар, шунингдек муддатидан илгари меҳнат пенсиясига чиқиш ҳуқуқига эга шахсларга бир йўла иккита суғурта тўловлари тайинланиши мумкин. Улардан бири ногиронлик бўйича пенсия ёки Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан муддатидан илгариги меҳнат пенсиясидир. Иккинчиси эса меҳнат қобилияти ёки касб касалланиши аниқланган ҳолда ижтимоий суғурталаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик суғурта тўловларини амалга оширишдир.

Ходимларнинг муайян корхонада ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий ижтимоий суғурталаш бўйича суғурта бадаллари миқдори мазкур корхонада ходимлар соғлигига таъсир қиладиган хавфли, зарарли ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олинмаган ҳолда белгиланади. Бунинг натижасида суғурта бадаллари, устамалар ва ҳоказолар миқдори чуқурт асосланмайди. Шу сабабли иш берувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашдан манфаатдорлигини таъминлаш мураккаблашади.

Қонунчилик бўйича ходим соғлигига кетган зарарни қоплаш соғлиқни йўқотиш (ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликлари) ҳужжат билан тасдиқланган ҳолдагина белгиланади. Натижада мажбурий ижтимоий суғурталашнинг амалдаги тизими ходимлар касб хавфларини ҳисобга олмасдан, “яширин хавфлар” деб номланувчи хавфларни суғурталашни таъминламайди. Амалга оширилган қатор тадқиқотлар маълумотлари эса бундай “яширин хавфлар” ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсири остида ходимлар саломатлигига етказилган барча касб хавфларининг 70,0 % дан ортиғини ташкил этишидан далолат беради.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалланишлари сонини камайтириш учун иш берувчиларни рағбатлантиришда мазкур ҳодисаларни ижтимоий суғурталашда мотивация механизмидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот ишида жамоа шартномалари ва битимларини амалга ошириш усулларини такомиллаштиришда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш учун масъул мутахассислар ва ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган

тадбирларни тўлиқ ва сифатли бажаришлари учун иктисодий мотивациялаш тизимини жорий этиш, фикримизча, амалиётда қўлланиш учун муайян кизикиш туғдиради.

Биз таклиф этаётган усул меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини комплекс баҳолашни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўзда тutilган ишлар(тадбирлар)ни бажариш учун рағбатлантиришни ташкил этишга асосланган.

Ҳозирги пайтда комплекс баҳолаш⁶³ қуйидаги мезонлар (ко-эффициентлар) асосида амалга оширилади:

1) $K_{сп} = R_{сп}/P_o$ – меҳнатни муҳофаза қилиш коидасига роя этилишининг коэффициенти хариталар бўйича ходимлар томонидан муайян иш жойида коидаларга роя этилиши даражаси бўйича аникланади.

Бу ерда $R_{сп}$ – коидаларга роя қилган ҳолда ишлаётган ходимлар сони, P_o – иш билан банд ходимларнинг умумий сони;

2) $K_{бо} = (K_{бо1} + K_{бо2} + \dots + K_{боn})/n$ – таҳлил этилаётган иш участкасида фойдаланилаётган машина-ускуналар хавфсизлиги коэффициенти, бунда n – иш участкасидаги машина-ускуналарнинг сони, $K_{боn} = T_{вm}/T_{om}$ – машина-ускуналар бирлиги хавфсизлигининг коэффициенти, $T_{вm}$ – мазкур машина-ускуналарга норматив-техникавий ҳужжатлар бўйича бажарилган тадбирлар сони;

3) $K_p = M_v/M_p$ – меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режаланган ишлар бажарилишининг коэффициенти, бунда M_v – меҳнат (ишлар) муҳофазаси бўйича бажарилган тадбирлар сони, M_o – бажариш зарур бўлган режаланган тадбирларнинг умумий сони.

Мазкур коэффициентлар бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш даражасининг умумлаштирилган коэффициенти ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{от} = (K_{сп} + K_{б} + K_p)/3.$$

Ҳар бир корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш даражаси бўйича интилиш керак бўлган даража 100,0 % (ёки 1,0)дир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволининг кўриб чиқилаётган даражасини тегишли равишда ҳар бир участка ёки цех ҳамда бевосита ходим учун ўрнатиш ва баҳолаш мумкин. Шу муно-

⁶³Ш и р ш к о в А. И. Менежмент охраны труда: Учебник. Ростов на-Дону: Феникс, 2000. С.384.

сабат билан биз жамоа шартнома асосида тартибга солиш доирасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг бажарилиши тўғрисида низом(ёки ҳуқуқий ҳужжат)ни ишлаб чиқиш ҳамда шу асосда ишларни бажаришда юқори кўрсаткичларга эришганлик учун мотивациялашни таклиф этамиз.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бажарилган ишлар учун рағбатлантириш тўловларининг миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун 2.8-жадвалдан фойдаланишни таклиф этамиз.

2.8-жадвал

Меҳнатни муҳофаза қилиш даражаси, умумлаштирилган коэффиценти (Кот) миқдорининг корхона ходимларига меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажарганликлари учун мотивация тўловларини амалга ошириш миқдори

Кот	1	0,9* дан 1 гача	0,8 * дан 0,9 гача	0,7* дан 0,8 гача	0,6* дан 0,7 гача	0,5* дан 0,6 гача	0,5 гача
Ходимларга мотивация тўловлари миқдорини камайтириш (-), ошириш (+) миқдори, %	+100	+50	+25	0	-25	-50	-100

Мазкур таснифлаш муаллиф томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни бажариш даражасини экспертли баҳолаш асосида ишлаб чиқилган. Бунда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг корхона (иш берувчи) томонидан бажарилишини кўрсатувчи мезонлар тизимини ишлаб чиқишда қўлланилган текшириш эмпирик материаллардан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бажарилиши(бажарилмаслиги)ни баҳолаш тизимидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш умумлаштирилган коэффиценти (Кот) миқдорининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажарганлик учун корхона ходимларига мотивация тўловларига нисбатан келтирилган кўрсаткичлар доимий миқдор (const) ҳисобланмайди. Ҳар бир корхона хусусиятидан, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш маданияти оширилганидан келиб чиққан ҳолда улар мунтазам равишда қайта кўриб чиқиши

(Кот кўрсаткич коэффиценти камайганда мотивация тўловлари миқдори камайтирилиши ва, аксинча) керак.

Суғурта килиш механизмини таҳлил этар эканмиз шуни таъкидлаш керакки, Ижтимоий сугурта фондида тўловлардан чегирмалар ва устамалар ҳар йили суғурта тарифларига чегирмалар ва устамалар ўрнатиш масалалари бўйича комиссия хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суғурта бадаллари доирасида белгиланади. Бунда суғурталовчининг даромад қисми доирасидан чиқиб кетмаслик учун чегирмаларни устамалар ўрнатишдан сўнг белгилаш таклиф этилади. Ижтимоий суғурта фонди бюджети ва ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликлари даражасини камайтиришга қаратилган профилактика тадбирларини ўтказишдан суғурталовчининг моддий манфаатдорлигини ошириш механизмини яратиш мақсадида “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий сугурта килиш тўғрисида”ги Қонунга меҳнатни муҳофаза қилиш, касб касалликларини профилактика қилиш, ишлаб чиқаришда шикастланишларни камайтириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида суғурта бадаллари миқдорининг 20,0 % гача қисмини зарар кўрганларни тиббий, ижтимоий ва касб реабилитациясига, суғурталовчи мулки бўлган санаторийлар, профилакторийлар ва тиббиёт муассасаларини молиялаштиришга рухсат берилган нормалар киритилган.

Мазкур тадбирларни молиялаштиришни амалга ошириш тартиби ҳар йили мамлакат ҳукумати томонидан белгилаб берилади. Бу тартибга мувофиқ суғурталовчи Ижтимоий суғурта фонди минтақавий бўлими қарори асосида зарар кўрганларни реабилитация қилиш тадбирларини, шунингдек ўз тасарруфидаги тиббиёт муассасалари ва санатория-профилакторийларда суғурталанганларнинг тиббий кўрикларини ўтказиш, профилактика-санатория даволашини амалга ошириш учун молиялаштиришни йўлга қўяди. Бунда ушбу мақсадларга йўналтирилаётган маблағлар суғурталовчи томонидан аввалги йилда тўланган суғурта бадаллари умумий миқдорининг 20,0 % дан кўп бўлиши мумкин эмас.

Суғурталовчи (иш берувчи) мазкур тадбирларни молиялаштиришни амалга ошириш учун фонднинг минтақавий бўлимидан рухсат олиши керак. Бунинг учун суғурталовчи фонднинг минтақавий бўлимига ариза билан бирга мазкур тадбирларни

молиялаштириш режасини ҳамда фонд томонидан кўрсатилган бошқа ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Молиялаштириш тўғрисидаги қарор фонд томонидан мазкур ариза берилгандан сўнг 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Тадбирларни молиялаштириш тўғрисида ижобий қарор қилишнинг асосий шarti суғурталовчилар томонидан суғурта тўловларини ўз вақтида амалга оширишлари ҳисобланади. Суғурталовчи томонидан жорий бадаллар ўз вақтида тўланмаган тақдирда ёки суғурта бадаллари бўйича қарздорлик юзага келган бўлса, фонд ушбу тадбирларни молиялаштиришни рад этувчи қарор қабул қилиш ҳукукига эга.

Суғурталовчи амалга оширилган барча сарф-харажатлар ҳисобини олиб бориши керак ва йилнинг ҳар кварталида фондга ҳисобот тақдим этиши лозим. Фонд юқорида қайд этилган тадбирларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб боради.

Шуни кўрсатиш лозимки, суғурталовчи томонидан фонд қарорисиз ҳамда ҳужжат билан тасдиқланмаган сарф-харажатлар суғурта бадалларини тўлаш ҳисобига киритилмайди. Лекин бу иш берувчи (суғурталовчи) ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликлари даражасини камайтириш билан боглик профилактика тадбирларига қўшимча маблағлар сарф қилмаслиги керак деган маънони бермайди. Ана шундай қўшимча харажатлар кейинчалик фонд томонидан ҳар йили белгиланадиган мазкур корхона суғурта тарифлари учун чегирмалар ва қўшимчалар миқдорида ўз ифодасини топиши мумкин.

Суғурталовчилар (иш берувчилар) томонидан мазкур имкониятдан фойдаланиш ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурталашга мўлжалланган маблағларнинг бир қисмини бевосита корхонада қолдириш ҳамда улардан суғурталаш ҳодисалари олдини олиш ва касб касалликлари профилактикаси мақсадларида фойдаланиш имконини беради.

“Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида” ги Қонунда кўзда тутилган ижтимоий суғурталашнинг янги турини жорий этиш суғурталанувчиларга суғурта бўйича барча зарур таъминотни тўла ҳажмда ошириш орқали уларни ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини ҳал этишга хизмат қилади. Қонунда кўзда тутилган қоидаларнинг иккинчи вазифаси – ишлаб чиқаришда

шикастланиш ва касб касалликларини камайтириш бўйича профилактика тадбирларини амалга оширишни таъминлаш ҳамда суғурталаш субъектлари (иш берувчилар)нинг касб хавфларини камайтиришдан манфаатдорликларини ошириш (яъни, уларни ўз корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланишга ҳамда иш жойларида хавфсиз шароит яратиш учун маблағлар ажратишга қизиқтириш) иктисодий механизмини яратишдир. Аммо Қонунда бу масалалар тўла-тўқис баён этилмаган.

Шунинг учун суғурталовчиларнинг суғурта тарифларига чегирмалар ва устамаларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби (услуги)ни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Агар иктисодиётнинг барча тармоқлари (тармоқдаги тузилмалар) корхоналари учун суғурта тарифлари бир хил миқдорда бўлса, улар алоҳида олинган корхонада (айниқса кўп тармоқли ишлаб чиқариш бирлашмаларида)ги касб хатарлари реал даражасига мувофиқ келмаслиги мумкин. Шу сабабли чегирма ва устамаларни оқилона ўрнатиш ҳар бир суғуртачи учун суғурта бадаллари миқдорини алоҳида белгилаш ана шу муайян корхонадаги касб хатарлари даражасига тўлароқ мувофиқ бўлишини таъминлайди. Зеро, суғурта тарифлари ҳамда уларга чегирма ва устамалар иш берувчиларнинг касб хатарлари даражасини камайтиришдан иктисодий манфаатдорлигини ошириш механизмида энг муҳим роль ўйнайди.

Баҳолаш натижалари бўйича аниқланган, касб хавфлари даражасини камайтириш (бартараф этиш) бўйича тадбирларни ўтказиш учун масъулиятнинг иш берувчи зиммасига юклатилиши иш берувчининг суғурта ҳолати рўй бериши эҳтимolini камайтиришга қаратилган чораларни молиялаштиришда иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Касб хавфларини баҳолаш зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини камайтиришга қаратилган харажатларни молиялаштиришда давлат билан иш берувчи ўзаро муносабатлари моделини шакллантириш имконини беради. Иш берувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашдан иктисодий манфаатдорлигини оширишда касб хавфлари ва уларнинг ижобий динамикасини баҳолашдан давлат буюртмаларини тақсимлашда, турли инвестиция дастурларини тасдиқлашда, корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари ишлаб чиқилиши, янги иш ўринлари яра-

тиш, ишлаб чиқариш объектлари қурилиши ва ҳоказоларда энг асосий мезон сифатида фойдаланилиши мумкин.

Статистика органлари касб хавфлари тўғрисида тўла ва ҳолис баҳога, уларнинг тўлиқ ҳисоб-китобига эга эмаслар. Чунки иш берувчилар томонидан бахтсиз ҳодисаларнинг кўпдан-кўп ҳолатлари яширилиши оқибатида касб хавфларининг назорат тизимини шакллантириш ва уни бошқариш жуда мураккабдир.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда давлат ва корхоналар даражасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талаб ва нормативларни ҳаётга самарали жалб этиш иш берувчилар билан ходимлар ўртасида мurosачиликка келиш шаклида таркиб топган. Ўзбекистонда эса иш берувчилар, умуман олганда эса ходимлар ҳам соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашдан етарли даражада манфаатдор эмаслар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва мажбурий ижтимоий суғурта қилишни ташкил этиш миллий шакллариининг умумжаҳон хусусияти шундан иборатки, улар тизимли жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ, асосий эътибор бахтсиз ҳодисалар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, зарар кўрганлар соғлиғини тиклаш(реабилитация қилиш)га қаратилган. Бу келгусида ходимлар меҳнат қобилиятларини турғун йўқотиши ёки ҳалок бўлиши оқибатида тўланиши зарур бўлган маблағларни тежаш имконини беради.

Жаҳондаги кўпгина давлатларда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини суғурта қилишнинг анъанавий тизимлари билан бир қаторда нодавлат суғурта ташкилотлари (корпоратив, хусусий ташкилотлар) имкониятларидан кенг фойдаланилади.

Мажбурий ижтимоий суғурталаш тизимида носуғурта принциплари сақланиб қолмоқда. Уларнинг хусусияти носуғурта шаклидаги тўловларни амалга ошириш ҳамда тўланаётган нафакаларнинг суғурта бадалларига боғлиқ эмаслигидадир. Шу билан бирга турли асослар асосида суғурта таъминотини меҳнат пенсияси билан бир йўла тўлаш шартлари ҳам сақланиб қолинмоқда.

Амалиёт корхоналар ўз ходимларини моддий жиҳатдан таъминлашда турлича сиёсат олиб бораётганликларидан далolat беради. Айрим корхоналарда ходимлар фақат иш ҳақи оладилар. Бошқа бир ҳўжалик юритувчи субъектлар тасарруфида ижтимо-

ий соҳа объектлари (тиббиёт-санитария қисмлари, ошхоналар, спорт иншоотлари ва ҳоказолар) бор, учинчи бир тоифаларда эса ходимларнинг даволаниши ва дам олиши учун йўлланмалари ҳамда кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақи қопланади.

Шу билан бирга ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун имтиёзлар ва компенсацияларнинг эскириб қолган тизими амал этмокда. Ҳолбуки, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда бундай турдаги компенсация тўловлари бекор қилинганига анча вақт бўлди. Бу давлатларда иш берувчилар ўз ходимлари соғлиқларини муҳофаза этишлари ҳамда энг қулай меҳнат шароитларини таъминлашлари шарт.

Юқорида қайд этилганлардан шакллантирилаётган касб хавфларини ижтимоий суғурта қилиш тизими самарадорлигини сифат жиҳатдан юқори даражага кўтариш имконини берадиган илмий, ташкилий ва амалий чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш вақти келганлиги аёнлашади. Ана шу чора-тадбирлар тизимини шакллантиришда мамлакатда таркиб топган аҳволни, шунингдек жаҳонда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб хавфларидан суғурта қилиш соҳасидаги жуда бой тажрибани ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу улкан ижтимоий, шунингдек иқтисодий самара келтириши шубҳасиздир.

Шу муносабат билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий суғурта қилиш соҳаларида ислохотларни амалга оширишда рўй берган бахтсиз ҳодисалар оқибатлари бўйича чора кўришдан ходим саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган хавфларни бошқаришга ўтиш заруратини алоҳида таъкидлаш лозим.

2.4. Ижтимоий шериклик механизми асосида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш

Меҳнат муносабатларини, шу жумладан меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни тартибга солиш амалиётида ижтимоий шериклик механизми кенг қўлланилади.

Ижтимоий шериклик – бу ходимлар (ходимлар вакиллари), иш берувчилар (иш берувчилар вакиллари), давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида меҳнат муносабатларини ҳамда бу муносабатлар билан

бевосита боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш масалалари бўйича ходимлар ва иш берувчилар манфаатларини мувофиқлаштиришни таъминлашга қаратилган ўзаро муносабатлар тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати ҳисобланади. Меҳнат Кодексининг 32-моддасига мувофиқ меҳнат муносабатларини тартибга солишни таъминлаш, жамоа шартномалари бўйича музокаралар олиб бориш, жамоа шартномаси қелишувининг лойиҳасини тайёрлаш, бу шартномаларни тузиш, шунингдек улар ижросини назорат қилишни ташкил этиш тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида тарафлар қарори бўйича тегишли ваколатларга эга бўлган вакиллардан иборат комиссия тузилади.

Меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солишнинг кўп даражали тизими давлат воситачилигида ҳозирги давр иқтисодий жараёнларининг асосий субъектлари – иш берувчилар ва ёлланма ходимларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш имконини беради. Мазкур субъектлар томонларининг вакиллик органлари ҳали зарур даражада шаклланмаган ўтиш даврида давлатнинг бундай воситачилиги объектив жиҳатдан зарурдир. Айниқса, бу кичик бизнесга хос бўлиб, мазкур соҳада тарафлар вакиллик органларининг шаклланиши бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришда ижтимоий шериклик тизимининг беш даражасини қамраб олади:

- Бош қелишувлари;
- тармок қелишувлари;
- ҳудудий (минтақавий қелишувлар);
- жамоа қелишувлари;
- меҳнат шартномаси.

Юқорида қайд этилган ҳар бир даража қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқнинг алоҳида манбаси эмас, балки манфаатдор тарафларнинг ўзаро қелишуви асосида қабул қилинадиган ҳужжатдир.

Бош қелишув – ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга

солишнинг умумий принципларини белгилайди ҳамда икки тарафлама ёки уч тарафлама асосда мамлакат миқёсида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан ҳам тузилади. Бош келишув ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб беради ҳамда меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳаларида, аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси, уни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикчилик тизимини ривожлантириш бўйича қонун ижодкорлиги юзасидан режаларни белгилайди.

Таркиб топган амалиётга кўра Бош келишув меҳнат ва аҳолининг иш билан бандлиги масалалари билан бир қаторда иқтисодий сиёсат, экологик хавфсизлик, ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта қилишни таъминлашнинг қатор жиҳатларига тегишли кенг қўламли масалаларни камраб олади.

Тармоқ (тармоқлараро) келишувлар - тармоқда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий принциплари бўйича томонлар нуқтаи назарларини мувофиқлаштириш, келишув иштирокчиларининг белгиланган режаларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги фаолиятларини аниқлаб беради. Тармоқ келишувлари тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳам тузилади.

Бундай келишувлар тузилишидан мақсад ўз хусусиятлари ҳамда меҳнатни ташкил қилиш усуллари бўйича тармоқ (тармоқлараро) ҳўжалик юритувчи субъектлари ходимлари меҳнат шароитларини айнанлаштиришдир.

Ҳудудий (минтақавий) келишувлар – минтақавий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан ишлаб чиқилади ҳамда тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида тарафларнинг таклифига кўра эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам тузилади.

Келишув тарафлари тузилаётган ҳужжат мазмуни ва таркибини белгилашда эркиндирлар. Аммо жамоа шартномасига нисбатан мазкур келишувларда норматив хусусиятга эга моддалар миқдори камлигидан келишув ҳуқуқий кучга эга эмас деган маъно чиқмайди. Шунинг учун келишувнинг барча моддалари тарафлар томонидан ихтиёрий равишда, ижтимоий шерикчилик асосий принципларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши ва молиявий таъминотга эга бўлиши зарур.

Ҳар қандай ҳолда ҳам келишув шартлари ходимлар аҳволини амалдаги қонунчиликда кўзда тутилганлигига нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас. Бундай қоидалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Жамоа келишувларида қуйидаги қоидалар кўзда тутилиши мумкин:

- меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари ва уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби;

- нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

- энг кам миқдори қонун ҳужжатларида назарда тутилаётган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар;

- ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга қўмаклашиш;

- экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соғлигини муҳофаза қилиш;

- ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар;

- давлат қорхоналарини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

- ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан 18 ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатида фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи қорхоналарга бериладиган имтиёзлар;

- ижтимоий шерикчилик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга қўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар.

Жамоа келишувларининг амал қилиш муддати тарафлар томонидан белгиланади ва у уч йилдан ошиб кетмаслиги лозим.

Барча поғонадаги жамоа келишувларининг бажарилиши бево-сита тарафлар ёки улар ваколат берган вакиллар, шунингдек Ўз-бекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органлари томонидан текшириб борилади.

Жамоа шартномаси – корхоналарда ижтимоий-иқтисодий ва касбга доир муносабатларни тартибга солувчи, ходимлар ва иш берувчилар (ёки улар ваколат берган вакиллар) томонидан тузиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Жамоа шартномаси унга нисбатан юқори даражадаги тармок (тармоқлараро), ҳудудий, минтақавий ва бош келишувлар норма-тив ҳужжатларига асосланади. Жамоа шартномаси юқорида қайд этилган даражаларда қабул қилинган норматив ҳужжатларда кўзда тутилган ҳуқуқий ҳимоя, ижтимоий кафолатлар, имтиёз ва компенсациялар даражасини камайтириши мумкин эмас, балки ҳар бир муайян корхонанинг молиявий-иқтисодий имкониятла-рини ҳисобга олган ҳолда имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шартлар белгиланиши мумкин.

Жамоа шартномасига иш берувчилар билан ходимларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги мажбуриятлари киритилиши мумкин:

- ҳар бир иш жойига нисбатан иш шароитлари коидалари. Улар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат хавфсизлигини, биринчи навбатда меҳнат ва дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга доир норма-тив талабларни камраб олиши лозим;

- ҳар бир ходимни унинг иш жойидаги иш шароитларига нор-матив талаблар, шунингдек бу шароитларнинг амалдаги ҳолати тўғрисида мунтазам хабардор қилиш мажбурияти;

- давлат, тармок стандартларига эга бўлмаган объектлар, ма-шина- ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартлари;

- суд ва бошқа озик-овқат бепул берилиши кўзда тутилади-ган ишлаб чиқаришлар, иш ва касб турлари рўйхати (жамоа шартномасига илова этилади);

- бепул сут бериш тартиби ўрнатилган иш жойларида ҳавонинг ифлосланишини бартарф этиш бўйича чоралар, меҳнат шароитларини санитария-гигиена нормативлари ва коидаларига тўлиқ мос келадиган ҳолга келтириш чоралари;

- қулай ва замонавий махсус кийим-бош, оёқ кийими ҳамда

бошқа шахсий ҳимоя воситалари, шунингдек шахсий гигиена буюмларини ўз вақтида бериш;

– иш шароитларининг ходимлар саломатлигига таъсири-ни аниклаш мақсадида уларнинг экспертизасини ўтказиш ва бошқалар.

Жамоа шартномаси, шунингдек ходимлар ва иш берувчилар-нинг иш ва дам олиш вақти, таътиллار давомийлиги; аёллар ва ёшлар (ўсмирлар) меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш; ихтиёрий ва мажбурий тиббий ва ижтимо-ий суғурталаш; экологик хавфсизлик ҳамда ишлаб чиқаришда ходимлар саломатлигини муҳофаза қилш масалалари бўйича ўзаро мажбуриятларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятлари-ни ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормативлар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътил-лар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатидан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда улар-нинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасала-рида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси корхонанинг бўлинма-ларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниши керак ҳамда уларда билдирилган фикр ва таклифлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) муҳокамасига қўйилади.

Меҳнат Кодексида, шунингдек жамоа шартномаси корхона қайта ташкил этилганда, мулк эгаси ўзгарганда ва корхонани тугатиш ишлари олиб борилаётган бутун муддат давомида ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилган.

Жамоа шартномасида меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар ҳам ўз ифодасини топади. Меҳнат Кодекси-нинг 88-моддасида меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгарти-ришнинг умумий тартиби қайд қилинган. Унга мувофиқ *меҳнат шартлари* деганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб

чиқариш омиллари *нинг* жамланмаси тушунилади. *Ижтимоий омилл*арга меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг муддати ва бошқа шартлар киради. Техника, санитария, гигиенага оид, ишлаб чиқариш-маиший ва бошқа шартлар *ишлаб чиқариш омиллари* деб ҳисобланади.


Меҳнат Кодексида иш берувчининг технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ҳамда бошқа шароитлар туфайли меҳнат шартларини ходим розилигисиз ўзгартириш ҳуқуқлари қайд этилган. Ўз навбатида ходим ҳам меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг XIII боби *“Меҳнатни муҳофаза қилиш”* деб номланади. Унда ходим меҳнат шартномасини тузишда меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор бўлиши ҳуқуқи кўрсатилган. Айни пайтда иш берувчи, айниқса меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни дастлабки марта ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиши шарт эканлиги қайд этилади. Иш берувчи ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўриқнома бериши ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаши ва уларнинг бу соҳадаги билимларини текишириб туриши шарт.

Бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат муносабатларини тартибга солишда ижтимоий шерикчилик механизмига қатъи эътибор берилганлигидан далолат бериб турибди (2.15-расм).

Бироқ ишлаб чиқаришдаги амалиётни таҳлил этиш, айниқса жамоа битимлари ва шартномалари тузилишини ўрганиш ҳали ижтимоий шерикчилик соҳасида жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Масалан, тармоқ тариф битимлари кўп жиҳатдан аввалги даврлар анъанасини акс эттиради. Хусусан, битимлар тузишда иш берувчилар вакиллари сифатида тармоқ вазирлик ва идора-



2.15-расм. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси бўйича ижтимоий шериклик механизми.

лари иштирок этадилар. Ҳозирги вақтда эса улар иш берувчиларнинг эмас, балки давлатнинг вакиллари ҳисобланадилар.

Кичик корхоналар ишлаб чиқариш хусусияти бўйича у ёки бу тармоққа тааллуқлилигига қарамасдан, бу иш берувчиларнинг тармоққа доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вакиллигини вазирлик ва идораларга, ёлланма ходимлариники эса тармоқ касаба уюшмаларига бериш тизими мавжуд эмас. Кичик бизнес тармоқ тариф битимларида умуман иштирок этмайди.

Ҳудудий битимлар ҳам кичик бизнеснинг уюшган иш берувчилар, ходимлар ва ижроия ҳокимият органлари ролини бажармайди. Бунинг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, иш берувчилар манфаатлари вакиллигини бажариши керак бўлган ташкилий тузилмалар ҳали шакллланмаган. Кичик корхоналарнинг ёлланма ходимлари ҳам ижтимоий шериклик тизимида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун уюшмаганлар.

Бу ташкилий масалалар ҳал этилмаганлиги сабабли кичик бизнесдаги ижтимоий шерикчилик ўз шаклланишининг дастлабки босқичида турибди.

Жамоа шартномалари тузишдаги жиддий нуксонлардан бири—уларда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида бўлим йўқлигидир. Буни кўп ҳолатларда оғир молиявий аҳволда бўлган корхоналарда биринчи ўринга ходимларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласининг қўйилиши, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун молиявий маблағлар етишмаслиги билан изоҳлашга ҳаракат қилинади.

Жамоа шартномалари мазмуни устидан назоратни кучайтириш мақсадида улар ижроия ҳокимият органларига рўйхатга олиш ва назорат қилиш учун юборилади. Маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг меҳнат бошқармалари маълумотларига кўра жамоа шартномалари тузадиган республикадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг сони улар умумий сонининг 80,0 % идан ортмайди. Амалга оширилган таҳлиллар меҳнат шартномаларининг анчагина қисми расмийлаштирилган учун тузилгани, уларда кўп ҳолатларда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Шу сабабли мазкур шартномалар рўйхатга олишга юборилгандан сўнг кўпинча қайта ишлаш учун қайтариб берилади. Жамоа шартномалари тузадиган ва тармоқ битимларида иштирок этадиган кичик корхоналар салмоғи эса жуда паст.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳукукий асосларига риоя этилиши ҳамда уларни такомиллаштиришда ижтимоий-меҳнат муносабатларининг вакиллари фаол иштирок этишлари керак. Улар фаолиятининг самарадорлиги бу вакиллар етуклиги ва малакасига боғлиқ. Аммо амалиётда бундай етуклик ва юқори малака хусусиятлари кўзга ташланмайди. Ижтимоий шерикларнинг жисмоний ва юридик шахслар сифатида тўлиқ шаклланмаганлиги ҳам жиддий камчиликлардан бири ҳисобланади.

Иктисодиёт соҳасидаги муаммолар (ишсизлик, молиявий бекарорлик, кичик бизнесни ривожлантиришдаги муаммолар) оқибатида меҳнат муносабатлари субъектлари ҳали тўлақонли шериклар сифатида таркиб топмаган. Кўпгина иш берувчилар фойда кетидан кувиб, ёлланма ходимлар меҳнат шароитлари ҳақида етарлича ғамхўрлик қилмайдилар. Шу билан бирга иш берувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга даъват қилинган тадбиркорлик тузилмаларининг уюшмалари шериклик вазифаларини ҳал этишда тегишли профессионализмга эга эмаслар.

Ёлланма ходимлар ҳам меҳнат муносабатларининг тўла ҳуқуқли субъектлари деб номланишларига ҳали эрта. Чунки улар ташкилий ва иктисодий жиҳатдан таркоқлар, ўзларини иш кучи эгалари сифатидаги ролларини тўлиқ англаб етганларича йўқ.

Бугунги кунда ижтимоий шерикчилик тизимида ёлланма ходимларнинг фаол ҳимоячилари бўлишга қасаба уюшмалари ҳам тўла тайёр эмаслар. Улар ўтиш даврида инкирозга тушиб қолганлар.

Давлат ҳам меҳнат муносабатларининг субъекти ролини бажаришда муайян муаммоларга дуч келмоқда. Чунки давлат бир томондан меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида жамият манфаатини ифода этиши керак, иккинчи томондан эса у ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиши сабабли иш берувчи сифатида майдонга чиқади.

Бозор иктисодиёти механизмлари меҳнат муносабатлари тизимини ўз-ўзидан тартибга солади деб ўйлаш ҳам ўзини оқламади. Бу, айниқса, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Шунинг учун мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этишда давлат томонидан янги усул ва йўللарни қўллаш талаб этилмоқда, чунки бевосита давлат меҳнат кишиларининг ижтимоий ва шахсий манфаатларини мувофиқлаштиради.

Ижтимоий шерикчилик самарадорлигини ошириш учун кенг қўламли ташкилий тадбирларни амалга ошириш керак. Мавжуд маълумотларга кўра йирик ва ўрта корхоналар ходимлари умумий сонининг факат 72,0 % жамоа шартномалари билан камраб олинган. Шу билан бирга ижтимоий меҳнат муносабатларини, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасини ҳам жамоа шартномалари йўли билан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси бўйича умуман атиги 5,0 % ни ташкил этади.

Кичик бизнес корхоналаридаги аҳвол эса янада ташвишлидир. Уларнинг аксарияти иқтисодийнинг норасмий секторига тааллуқли бўлиб, хўжалик юритувчи бу субъектларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича расмий қондалар амал қилмайди, жамоа шартномалари эса факат истисно тарикасида тузилади.

Жамоа шартномалари тузишга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

- корхоналарнинг беқарор молиявий аҳволи;
- кўпгина корхоналарда касаба уюшмалари ташкилотларининг йўқлиги;
- молиявий-иқтисодий инкироз шароитларида иш берувчиларнинг ўз зиммаларига меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича аниқ мажбуриятларни олишни истамасликлари;
- ходимларнинг ижтимоий фаолиятсизлиги.

Корхонадаги иқтисодий муаммолар жамоа шартномасининг “Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш” бўлими бўйича белгиланган мажбуриятлар тўла ҳажмда бажарилмаслигига олиб келмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маълумотларига кўра, кейинги йилларда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ишлаб чиқаришда банд ҳар бир ходим ҳисобига 10-15 минг сўм ажратилипти, холос. Бу жамоавий шартномаларда белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун мутлақо етарли эмас⁶⁴.

Ижтимоий мулоқот орқали меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш амалиётининг ҳадили Ўзбекистон Республикаси ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг бу механизминини ривожлантириш-

⁶⁴Жаҳонгирова Д. Хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини таъминлаш: касаба уюшмаларининг роли ва ижтимоий шериклар билан ҳамжиҳатлик // Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007 йил, 9-сон. 9-бет.

нинг энг дастлабки босқичида эканлигидан далолат беради. Тараккий этган давлатлар тажрибаси яққол кўрсатиб турганидек, ижтимоий шериклик меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида бошқарувнинг турли даражаларида икки тараф – иш берувчилар билан ходимлар манфаатларини мувофиқлаштириш механизмини яратиш имкониятига эга.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

3.1. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш миллий тизимининг ташкилий таркиби

Бозор иқтисодиёти шароитларида давлатнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги роли, энг аввало, тегишли қоидаларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Улар ижроси учун масъулият эса иш берувчилар зиммасида. Белгиланган қоидалар ҳалол, ҳолис ва тўла-тўқис бажарилиши ҳам бевосита иш берувчига боғлиқ. Турли идоралар эса бу қоидаларга аниқлик киритишлари ҳамда уларни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига жорий этишлари керак.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсати қонун йўли билан тартибга солишда намоён бўлади. Юқорида қайд этилганидек, бу ҳуқуқий пойдевор ҳали тўла шаклланиб бўлмаган. Яхши маълумки, унинг асослари собиқ Иттифок даврида яратилган эди. Мазкур йўналишда муайян илмий-техникавий, амалий ва ташкилий тажриба тўпланган, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг қонунчилик ва норматив базаси шакллантирилган. Ҳозирги пайтда ҳам уларнинг бир қисмидан фойдаланиб келинмоқда.

Шуни айтиш керакки, собиқ Иттифокда меҳнатни муҳофаза қилишнинг кенг қўламли тизими амал этарди. Мавжуд 150 тага яқин тармок вазирлик ва идораларнинг ҳар бирида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадиган бўлинмалар ташкил этилган эди. Улар томонидан ишлаб чиқиладиган норматив ҳужжатлар, йўриқномалар, кенг қўламли тадбирлар, муҳофаза воситалари вазирлик ва идораларга бўйсунадиган қорхоналарда бажарилиши шарт эди. Касаба уюшмалари бу тизимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар, улар бошқарув ва назорат қилиш функцияларига ҳам эга эдилар.

Аммо бу тизим мулкчиликнинг давлат шаклига асосланган, маъмурий-буйруқбозлик, ўта марказлаштириш ҳукмрон эди. Шу билан бир қаторда мазкур тизимда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида эътиборга молик фойдали жиҳатлар ҳам мавжуд эди.

Янги иқтисодий тизим, эркин бозор ва хусусий тадбиркорлик шароитларида маъмурий-буйруқбозлик усули иш бермайди. Шунинг учун аввалги тузумга хос бошқарув усуллари бекор қилинган. Бошқарувнинг вертикаль тизими ҳудудий-минтакавий тизим билан алмаштирилди, кўпгина вазирликлар тугатилди. Корхоналарга иқтисодий жиҳатдан тўлиқ мустақиллик берилди. Бу ижтимоий-меҳнат муносабатларини, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини барбод қилиш хавфини ҳам туғдирди. Аммо бунга йўл қўйиб бўлмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, **“Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик”**⁶⁵.

Шунинг учун меҳнатни муҳофаза қилишнинг янги тизимини яратишга киришилди. Энг аввало, бозор муносабатларига мос тушадиган янги қонунчилик ва норматив база шакллантира бошланди, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг янги тизимини яратишга киришилди. Шуни таъкидлаш керакки, бошқарувнинг вертикаль тизими ҳукумат, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек ҳозир мавжуд бўлган тармок органларида қисман сақланиб қолди. Аммо асосий эътибор функциялар, ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқарувнинг минтакавий ва маҳаллий органларига беришга қаратилди. Ҳозирги пайтда бевосита улар меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш тизимини бошқариш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнашга даъват қилинганлар. Уларга фаолияти турли соҳаларга тааллуқли корхоналардаги муаммоларни ҳал этиш йўллариини излашга тўғри келяпти. Ҳолбуки, авваллари вазирликлар мазкур масалалар билан ўз тармоқлари доирасида шуғулланар эдилар. Энг асосийси эса “меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш” тушунчаси сақланиб қолди. Унинг айрим умумий хусусиятлари мавжуд.

⁶⁵К а р и м о в И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 7-бет.

нинг фаолиятини собиткадамлик билан мувофиклаштиришни таъминлашга қаратилган.

Бу тизим касаба уюшмалари, иш берувчилар уюшмалари ҳамда меҳнат фаолияти учун хавфсиз шароитларни яратишга қаратилган вазифаларни ҳал этиш ваколатига эга бошқа ҳукумат органлари билан биргаликда иш олиб боришга асосланган.

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тизими ҳудудий ва тармоқ тизимларини ҳам камраб олади. Бу қуйи тизимлар ўз навбатида корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимига таъсир кўрсатади (3.1-расм).

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш барча органлар фаолияти негизига "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилган асосий принциплар қўйилган. Улар давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, қуйидагиларни назарда тутади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги;

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиклаштириб бориш;

- мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида катъи назар барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидаларни белгилаб қўйиш;

- меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш;

- корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш;

- меҳнатни муҳофаза қилишни маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;

- хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқарилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;

- фан-техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Ватанимиз ва чет эл илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш;

– ишловчиларни махсус кийим ва пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари, пархез овқатлар билан бепул таъминлаш;

– корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга қўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;

– ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ҳамда ҳисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалинишлар даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг мажбурийлиги;

– ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўлиққан ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш;

– касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш⁶⁶.

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тизими ходимларни меҳнат жараёнида ижтимоий муҳофаза этиш вазифасини бу тизимга хос бўлган функцияларни мамлакат, минтақа, тармоқ ва ишлаб чиқариш даражаларида амалга ошириш орқали ҳал этади. Бу функциялар рўйхати ва мазмуни 3.1-жадвалда ифода этилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат раҳбар органлари қуйидаги вазифа ва функцияларни бажариш билан шуғулланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги марказий бошқарув девонида 4 киши бевосита меҳнат муҳофазаси масалалари билан шуғулланади. Шу билан бир каторда вилоят, туман ва шаҳарлардаги меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини муҳофаза қилиш бошқарма ва бўлимлари штатида 150 нафарга яқин давлат меҳнат бўйича техника инспекторлари, меҳнат шароитлари бўйича 16 та эксперт мавжуд. Бундан ташқари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибида меҳнат бўйича ҳуқуқ

⁶⁶“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлари. Тошкент: Адолат, 2000. 88-89-бетлар.

Мехнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш функциялари

	Бошқарув функциялари	Мамлакат даражаси	Минтақа даражаси	Тармок даражаси	Ишлаб чиқариш даражаси
1	Конуний-хукукий ва норматив таъминот	Ўзбекистон Республикаси ҳудудда мажбурий бўлган қонун ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, меҳнат ҳавфсизлиги, меҳнат гигиенаси бўйича стандартлар, нормаларни ишлаб чиқиш	Мамлакат қонунчилигини ривожлантириш ва уларга қўшимча сифатида қонунчилик ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мазкур минтақа учун хос бўлган стандартлар, нормаларни ишлаб чиқиш	Тармок хусусиятларини ақс эттирадиган қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тармок стандартлари, норма ва талабларини ишлаб чиқиш	Қонунчилик ва норматив ҳужжатларда белгиланган қоидалар, стандартлар ва нормаларга риоя қилиш
2	Барча даражаларда ташкилий тузилмаларни асослаш ва амалга ошириш	Ташкилотлар (корхоналар, фирмалар), минтақавий бошқарув органлари, тармок тузилмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ташкилий тузилмаларни ишлаб чиқиш	Минтақа ташкилотлари бошқарув органларини шакллантириш туърисидagi қонуности ҳужжатларидаги республика нормаларига қўшимчалар киритган ҳолда қабул қилиш	Қорхоналар, фирмалар, тармоклар ташкилий тузилмалар бўйича республика нормаларини амалга ошириш, тармок нормаларини ишлаб чиқиш	Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ва ижрочиларини қоидада белгилаб қўйилганидан кейин чиққан ҳолда ташкил этиш
3	Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини кадрлар билан таъминлаш	Ташкилотлар, республика, минтақа тузилмалари меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари мутахассисларнинг сони ва касб таркиби бўйича нормативларни ишлаб чиқиш, минтақавий ва тармок органлари учун мутахассисларни тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш	Қорхоналар хизматлари кадрларини шакллантириш бўйича талбирларни амалга ошириш, минтақа қорхоналаридаги мутахассислар малакасини ошириш	Тармок хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташкилотлар хизматлари бўйича нормативларни ишлаб чиқиш, мазкур тармок мутахассисларини тайёрлаш ва малакаларини ошириш	Мутахассисларни тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш

4	Ҳамкорлик ва шерикликни таъминлаш	Давлат ташкилотларининг тадбиркорлар уюшмалари билан ижтимоий шериклик шакллари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш	Минтакавий тариф битимларида иштирок этиш, иш бериувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш	Тармок тариф битимлари, тармок комиссиялари, жамоа шартномалари ишлаб иштирок этиш	Корхоналар билан тузилган битимлар ижросини таъминлаш, шартномалар тузиш
5	Статистика ахбороти билан таъминлаш	Бирламчи ҳисоб услуби ва кўрсаткичларини, давлат статистика хисоботини, мониторинг мундарижасини ишлаб чиқиш	Ҳисоб ва ҳисобот йўриқномалари ва низомларини амалга ошириш, мониторингни ташкил этиш	Тармок хусусиятлари билан боғлиқ тақлифларни ишлаб чиқиш, корхонада мониторингнинг ташкил этиш	Юқори ва минтақа органларига ишонарли ахборотлар тақдим этиш
6	Иктисодий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш	Солиқ тизими, банк кредити, ижтимоий сугурталаш ва бошқа молия институтларидан фойдаланиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш	Минтақа корхоналарида иктисодий рағбатлантиришни амалга оширишга кўмаклашиш, молиявий ёрдам кўрсатиш	Тадбиркорлик тузилмаларини тармок хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иктисодий рағбатлантириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш	Қулай меҳнат шaroитларини яратиш учун муқофотлаш тизимини шакллантириш
7	Ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш	Қўшимча таътиллار бериш, кискартирилган иш кунида ишлаш, имтиёзли пенсия таъминоти ва ҳоказолар бериш бўйича қафолатлар	Имтиёз ва компенсациялар бериш, тадбиркорлар томонидан белгиланган тармоқ ишлаб имтиёзлар асосли эканлиги устулдан назоратни амалга ошириш	Имтиёз ва компенсациялар белгиланган тармоқ ишлаб чиқариши ва иктисодиклари доирасини аниқлашда иштирок этиш	Имтиёз ва компенсациялар бериш, ижтимоий ҳимоя қилиш қафолатларига риоя этиш
8	Илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш	Долзарб тадқиқотлар мавзуларини аниқлаш, илмий ишланмалар учун буюртмаларни шакллантириш	Илмий ишланмаларни жорий этиш механизмини, конференциялар, семинарлар ўтказишнинг ишлаб чиқиш	Тармок масалалари бўйича тадқиқотлар мавзуларини белгилаш, илмий анжуманлар ўтказиш	Тадқиқотчиларга илмий ишларни бажариш учун материаллар тақдим этиш ва ёрдам кўрсатиш

инспекцияси ҳам мавжуд бўлиб, улардаги ходимлар сони 146 кишини ташкил этади.

Вазирлик таркибида, шунингдек Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси ва Давлат меҳнат бўйича техника инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарларнинг меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқарма ва бўлимларида уларнинг бўлинмалари фаолият олиб боради. Бу муассасалар вазирликлар, идоралар, муассасалар, ташкилотлар, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимини ташкил этади. Бундан хавфли ишлаб чиқаришлар ва юқори хавфли объектлар истиснодир. Бу ишлаб чиқариш ва объектлар Саноат, қон ишлари ҳамда коммунал-маиший секторда ишларни хавфсиз олиб боришни назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси тасарруфидадир.

Меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини муҳофаза қилиш ҳар бир туман бўлимида давлат меҳнат бўйича техника инспектори фаолият олиб боради. У туманлардаги (одатда, ҳар бир инспекторга иккита туман бириктириб қўйилади) барча корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилишини назорат қилади. Аммо техника инспекторлари фаолиятида тармок хусусияти ҳисобга олинмайди. Бу эса муайян муаммоларни туғдиради. Умуман олганда битта техника инспекторига иш билан банд 35–40 минг нафар ходим тўғри келади.

Саноат, қон ишлари ва коммунал-маиший секторда ишларни хавфсиз олиб бориш устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекциясининг таркибий бўлинмалари тармок инспекцияларига эга. Улар қуйидагилар:

- кўмир, қон-руда ва норуда саноатида назоратни олиб бориш;
- нефть ва газ саноатида назоратни олиб бориш;
- кимё, металлургия ва нефть-газни қайта ишлаш саноатида назоратни олиб бориш;
- газ бўйича назоратни олиб бориш;
- қозонлар ҳамда кўтариш иншоотларида назоратни олиб бориш;
- геология-қидирув ишларида назоратни олиб бориш;

- атом бўйича назоратни олиб бориш;
- нефть маҳсулотларини ташиш ва сақлаш бўйича назоратни олиб бориш;
- хавфли юкларни ташиш шароитларини назорат қилиб бориш;
- конлар, минерал хом ашё ва геология-маркшейдер назоратини олиб бориш;
- донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси жараёнига риоя этилиши назоратини олиб бориш;
- электр станциялари, подстанциялари ва тармоқлари иши устидан назоратни олиб бориш;
- коммунал-маиший секторда назоратни олиб бориш инспекциялари.

Инспекциялар таркибининг миқдори хизмат кўрсатилаётган корхоналар сонига боғлиқ бўлиб, 3 дан 20 нафаргача ходимни ташкил этади. Инспекторларни ўқитиш ва малакасини ошириш “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш учун жавобгар ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган махсус курс ва семинарларда амалга оширилади.

Бундан ташқари давлат инспекцияси таркибида илмий-техникавий марказлар, лабораториялар ва ҳарбийлаштирилган тоғ-қутқарув қисмлари каби хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар (улар хизмат кўрсатиладиган корхоналар маблағларидан молиялаштирилади) мавжуд.

Объектларнинг хавфсиз ҳолати ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижроси устидан жорий назорат ҳар бир инспекция томонидан ўз фаолияти йўналиши бўйича амалга оширилади. Улар “Ўздавэнергоназорат” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат қўмитаси, “Давархитектурилиш” қўмитаси, шунингдек Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда уларнинг тармок бўлинмалари мутахассисларидир.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг иктисодий оқибатлари тўғрисидаги статистика маълумотларини тўплаш билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси танлаш тартибида шуғулланади. Расмий органлар

томонидан ишлаб чикаришдаги шикастланишлар, уларнинг сабаблари, бу шикастланишлар профилактикаси бўйича тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқишнинг доимий таҳлили олиб борилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат ижроия ҳокимияти органи сифатида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқий-норматив тартибга солиш функциясини амалга оширади. Сўнгги йилларда мазкур вазирлик томонидан катор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, хусусан қуйидагилар ишлаб чиқилган:

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқлараро қоидалар ва намунавий йўриқномалар;

- ишлаб чикаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш тартиби тўғрисидаги низом;

- ходимларга сертификациялашган шахсий ҳимоя воситаларини, даволаш-профилактика озик-овқатларни бепул бериш нарядлари ва нормалари;

- 18 ёшгача бўлган ходимлар томонидан оғир юкларни кўтариш ва ташиш бўйича чегара нормалари;

- ходимларнинг ишлаб чикаришдаги шикастланишлари ва касб касалликларига чалинишини қисқартириш бўйича профилактика тадбирлари рўйхати ҳамда бошқа ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий-норматив асосларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришнинг молиявий тизимини таъминлайди, корхона ва ташкилотлар даражасида меҳнат шароитларини яхшилашни рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий механизмни шакллантиради, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш комплекс дастурларини ресурслар билан таъминлайди.

Республика тармоқ бошқарув органлари, тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тармоқ ҳуқуқий ҳужжатлари, стандартлари, норма ва талабларини, тармоқда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган комплекс дастурлар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, тармоқ ишлаб чикариш персоналини хавфсиз иш усуллариға ўқитиш ва бошқа функцияларни амалга оширади.

Меҳнат шароитларининг аҳволини, шу жумладан зарарли ва захарли моддаларни ишлатиш устидан назорат Давлат санитария-эпидимиология назорати, “Саноатконтехназорат” агентлиги, айрим идоралар ва йирик саноат корхоналари марказлари томонидан амалга оширилади.

Атроф-муҳитга зарарли ва захарли моддалар чиқариб юборилиши устидан назорат бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўйсунадиган ва ҳисоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади. Атроф-муҳит аҳволи мониторингини “Бошгидромет” бўлинмалари олиб борадилар. Улар таркибида атроф-муҳит ифлослантирилишини кузатиш бўйича республика маркази, 10 та лаборатория, 4 та кузатиш гуруҳи ва 2 та кузатиш станцияси мавжуд.

Мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилишнинг илмий тадқиқот муаммолари билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш республика илмий маркази (аввалги Меҳнатни нормалаш ва муҳофаза қилиш маркази) доимий равишда шуғулланади. Бу муаммолар билан, шунингдек, вақти-вақти билан қатор тармок илмий тадқиқот ташкилотлари, лабораториялар, олий ўқув юртларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳаёт хавфсизлиги кафедралари шуғулланадилар.

Бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш республика илмий маркази фаолиятининг асосий йўналишлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммоларни тадқиқ этиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга қаратилган норматив базани ривожлантириш ва тақомиллаштириш, модулли ўқитиш материалларини яратиш, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек муҳандислик-техникавий, технологик ва ташкилий хусусиятга эга чоралар комплексини ишлаб чиқишдан иборатдир. Марказ таркибида техника хавфсизлиги, саноат вентиляцияси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шовқин ва вибрацияларга қарши курашиш, шахсий ҳимоя воситалари лабораториялари мавжуд бўлиб, улар зарур ўлчов ва назорат қилиш воситалари билан таъминланган.

Ўзбекистон Санитария, меҳнат санитарияси, меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти меҳнат гиги-

енаси, ҳаводаги зарарли моддаларни нормалаштириш, ҳавонинг ифлосланиши ва меҳнат шароитларини гигиеник баҳолаш, ҳаво ифлосланишининг инсонга таъсири, саноат токсикологияси, касб касалликларини ўрганиш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасининг санитария-эпидемиология хизматлари касб касалликлари камайтиришга қаратилган тиббий-профилактика тадбирлари ҳамда мониторинг масалалари билан шуғулланадилар.

Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида бўлиб, вазир ўринбосари – республика Бош давлат санитария врачига бўйсунди. Департамент таркибида санитария-гигиена, эпидемиология бўлимлари мавжуд. У республикадаги санитария-профилактика муассасалари, шунингдек санитария-гигиена йўналишидаги илмий тадқиқот муассасалари ва ўқув юртлари фаолиятига раҳбарлик қилади. Ишлаб чиқариш объектларида санитария назоратини давлат санитария-эпидемиология назоратининг врачлари олиб борадилар.

Ўзбекистонда давлат санитария-эпидемиология назоратининг республика, вилоят, шаҳар ва туман марказлари мавжуд. Меҳнат гигиенаси соҳасидаги давлат санитария-эпидемиология назорати мазкур тизимнинг таркибий қисми бўлиб, у ижроия ҳокимият органлари ва жамоа бирлашмалари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ишлаб чиқаришдаги зарарли, шу жумладан заҳарли моддалар мониторингини давлат санитария-эпидемиология назорати хизматлари амалга оширадилар. Улар, шунингдек, янги машина-ускуналар, кимёвий моддалар ва бошқа заҳарли моддаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда уларнинг ходимлар ва аҳолига зарарли таъсирини олдини олишга қаратилган профилактика ишларини амалга оширадилар.

Атроф табиий муҳит ахволи мониторингини Ўзбекистон Республикасининг Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлинмалари, шу жумладан, давлатлараро кузатиш тизими доирасида олиб борадилар. Бунда ҳаво ҳолати, ёғингарчиликларнинг кимёвий таркиби (текширишларда сульфатлар, хлоридлар, нитратлар, фторидлар ва бошқалар), ер ости сувларининг ифлосланиши (сувда нефть маҳсулотлари, феноллар, органик хлорлар, фосфорли органик пестицидлар, оғир металллар, фторлар

ва бошқаларнинг миқдори аниқланади) бўйича доимий назорат амалга оширилади.

“Ўзстандарт” агентлиги стандартлаштириш ва сертификациялаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди, миллий стандартларни тасдиқлайди ва улардан фойдаланиш назоратини амалга оширади. Шу билан бирга агентлик стандартларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш дастурларини ишлаб чиқади. У, шунингдек, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ республикада амал қиладиган меҳнат хавфсизлиги тизимининг ташкилий-услубий стандартларини қайта кўриб чиқиш ва уйғунлаштириш ишларини олиб боради.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўлинмалари кимё, токсикология ва эпидемиология хавфсизлиги бўйича таҳдид ва хатарларни баҳолаш билан шуғулланадилар.

Фавқулодда вазиятлар рўй беришининг олдини олишга хизматларни тайёрлаш билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шуғулланади. Вазирлик фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш билан шуғулланадиган мутахассислар малакасини ошириш бўйича махсус машғулотларни ташкил этади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга жалб этилган ноҳукумат ташкилотлари орасида кичик корхоналар сифатида фаолият олиб борадиган лабораториялар ҳамда мутахассислар уюшмаларини келтириш мумкин. Улар, асосан, иш жойларини аттестациядан ўтказиш, кўргазмали воситалар тайёрлаш ва уларни тарқатиш билан шуғулланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий суғурта қилиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантиришга қўмаклашади, ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам қўп томонлама асосда, шу жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти доирасида музокараларни ташкил этиш, ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам кўрсатади.

Шундай қилиб, меҳнатни муҳофаза қилишни унинг давлат бошқаруви тизимида бошқарув принциплари турли органлар ва минтақалар ўртасида бошқарув функцияларини тақсимлаш, бошқарув объектига таъсир кўрсатиш усулларида фойдаланиш

ва бошқарув қарорлари қабул қилишдан иборат принциплар асосида амалга оширилади (3.2-расм).

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётда сўнгги 18 йил мобайнида рўй берган туб ўзгаришлар меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тизимини тубдан қайта ташкил этишни талаб қилмоқда. Шу йиллар давомида меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришнинг тубдан янги тизими ташкил топди. Аммо ҳали ишлаб чиқаришда ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳал этилмаган муаммолар кўп.



3.2-расм. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими таркиби.

Бунинг асосий сабабларидан бири—бошқарувнинг барча даражаларида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими тўлиқ шаклланмаганлигидир. Бу бошқарувнинг иқтисодий механизмларини жорий этиш ҳамда ягона ахборот таъминоти тизимига ҳам тааллуқлидир. Бошқарув тизимида жуда муҳим ва зарур бўғинлар етишмайди ёки улар талаб этилган даражада самарали фаолият кўрсатмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини таҳлил этиш маҳсус талабларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат меҳнат инспекциялари шаклидаги давлат органларининг яхлит марказлаштирилган тизими таркиб топанидан далолат беради. Бироқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга амал этилишини назорат қилишдан ташқари бу соҳада бошқа функцияларни: ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил этиш, уни бошқа органларга етказиш, прогнозлаш, режалаштириш, рағбатлантириш ва бошқа ташкилий ишлар бўйича давлат функцияларини ҳам амалга ошириш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадиган минтақалардаги ижроия ҳокимият органлари билан мамлакат миқёсида ушбу масалаларни ҳал этишга даъват этилган республика ижроия ҳокимияти ўртасидаги “вертикал алоқа” амалда узилиб қолган вазиятини кузатиш мумкин. Бундан ташқари маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича функцияларини бериш масаласи аниқ-равшан ҳал этилмаган.

Ўнлаб йиллар давомида шаклланган меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг тармоқ тизими амалда парчаланиб кетди. Ҳолбуки, бу тизим меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича комплекс режаларни шакллантирар, тармоқ вазирликларининг санитария-соғломлаштириш тадбирлари асосида фаолият олиб борар, бошқарув алоқаларига ва ахборот оқимларига эга эди. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқнинг минтақадаги бўлимлари ва корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари билан яхлит тизим сифатида фаолият олиб борарди.

Янги иқтисодий шароитларда асосий ижтимоий субъектлар: иш берувчилар, ходимлар, касаба уюшмалари ва жамоат бирлашмаларининг ваколатлари, масъулиятлари, функцияларини

ҳукукий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш соҳасида ҳам жиддий муаммолар мавжуд.

Айрим манбаларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг амалдаги тизимидаги жиддий нуқсонларнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

– Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 155-сон Конвенцияси ва 164-сон Тавсиясида кўзда тутилган тартибда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги яхлит давлат сиёсати талаб даражасида ишлаб чиқилмаган. Давлат органлари, тадбиркорлар ва ходимлар вакилликлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги тегишли функция ва мажбуриятлари зарур ҳажмда белгилаб қўйилмаган (Халқаро Меҳнат Ташкилоти 155-сон Конвенциясининг 4,6,7,11-моддалари);

– меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳукукий база тўлатқис шаклланмаган;

– меҳнат шароитларини яхшилашнинг давлат прогнозлари ва дастурлари ишлаб чиқилмайди, тармоқлараро илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва молиялаштириш йўлга қўйилмаган, зарур ахборот тизими мавжуд эмас, ходимларни шахсий ва жамоа ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни назорат қилиш ва ўлчаш асбоблари воситаларини ишлаб чиқариш яхши ривожланмаган;

– меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикчилик асосида биргаликда қарорлар қабул қилиш ва улар ижросини таъминлаш институти шаклланмаган⁶⁷.

Бу камчилик ва нуқсонлар Россия Федерациясида меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволига тааллуқли бўлса ҳам, Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш салбий ҳолатларни кузатиш мумкин.

Россиялик тадқиқотчи А.П. Соловьёв Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида “иш берувчи – ходим” бўғинига, айниқса унинг меҳнат, ҳукукий ва иктисодий жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши кераклигини жуда тўғри кўрсатади⁶⁸. Бундай ҳукукий тартибга солишга қўпгина субъектлар: қонун чиқарувчи ҳокимият (мамлакат ва унинг субъектлари органлари), ижроия ҳокимият (мамлакат, минтақа ва маҳаллий

⁶⁷Социальная политика: Учебник / Под общ.ред.Волгина Н.А. М.: Экзамен, 2002. С. 339.

⁶⁸Соловьёв А. П. Государство и охрана труда: Система управления на рубеже веков. Проблемы. Решения. Прогнозы. М.: ВЦОТ, 2000. С.132.

ўз-ўзини бошқариш органлари), суд ҳокимияти, бошқарувнинг тармок органлари, давлат назорати органлари, жамоатчилик назорати органлари, таълим муассасалари, даволаш-профилактика, илмий тадқиқот, кредит-молия муассасалари ва ҳоказолар тааллуқлидир.

Ўзбекистонда меҳнат шaroитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш соҳасида қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилган ва жорий этилган, меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини тартибга солишда ваколатлар тақсимланган. Шу билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлиги нуқтаи назаридан мунтазам равишда янгилашни ва собитқадамлик билан такомиллаштиришни талаб этади.

Ҳозирги пайтда техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича амал қилиб турган кўпгина қоидалар янги ишлаб чиқариш муносабатларини ақс эттирмайди, улар қисман эскириб қолган. Шу билан бирга уларда бозор иқтисодиёти шарoитларида қорхона ва ташкилотлар ходимлари билан иш бeрувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўлиқ ҳисобга олинмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон Қарори билан вазирлик ва идораларга ҳўжалик юритувчи субъектлар учун, уларнинг мулкчиликнинг қайси шаклига тааллуқлилигидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 300 тага яқин қoидани қайта ишлаб чиқиш топширилган эди. Аммо 2008 йилга келиб бу қoидаларнинг атиги 40,0 % қайта кўриб чиқилди.

Ҳозирга қадар 1993-1996 йилларда тасдиқланган санитария, қурилиш норма ва қoидалари амал қилиб келмоқда. Кўпгина давлат стандартлари ва техник шартлар собик Иттифок даврида – 1973-1990 йилларда ишлаб чиқилган. Шу сабабли хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини (шовкин, тебратиш, ёритиш, электр магнит нуриланиши ва ҳоказолар) ўрганиш усуллари ва мақсадли текширишлар, бундай ўрганиш ва текширишларда қўлланиладиган техника воситалари, хавфли ва зарарли омиллар таъсирини олдини олиш ва улар сонини қисқартириш каби норма ва қoидалар бугунги кун шарoитлари ва талабларига тўлиқ жавоб бeрмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси ҳамда

тадбиркорларнинг бошқа бирлашмалари ҳозирги пайтда меҳнат шaroитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш, уларга қўшимчалар киритишда фаол иштирок этмайдилар. Уларнинг, шунингдек, тармоқлараро норматив ҳужжатлар, стандартлар, қоидалар ва бошқа ҳужжатларни бирламчи муҳокама этиш ҳамда манфаатдор томонлар билан келишишдаги роли ҳам сезилмайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари ҳозиргача тўла-тўқис ҳал этилмаган. Мамлакат қонунчилиги ва норматив ҳужжатларида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари қоидалари ўз аксини топган бўлса ҳам, бу халқаро ҳужжатларнинг қўпчилиги ҳозирга қадар ратификация қилинмаган.

Бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш республика илмий маркази, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти ҳамда бошқа муассасаларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг савияси бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Улар таркибида бўлган лабораториялар замонавий асбоб-ускуналар, ўлчаш ва назорат қилиш воситалари билан жиҳозланмаган. Илмий тадқиқот муассасаларининг ишлаб чиқариш базаси бундан 20 йил аввалги даражада сакланиб турибди.

Мамлакатда ишлаб чиқаришда шикастланиш, бунинг сабаблари таҳлили билан мунтазам шуғулланадиган, бахтсиз ҳодисалар профилактикаси бўйича дастурлар ва тадбирлар ишлаб чиқиш, заҳарли моддалар устидан назорат олиб бориш, заҳарланиш ҳолатларига доир статистика маълумотларини тўплаш билан шуғулланадиган жуда муҳим тузилмалар ҳозирга қадар ташкил этилмаган.

Янги иқтисодий шароитларда мулк шаклининг ўзгариши оқибатида ишлаб чиқаришда ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш муаммоси жуда мураккаблашиб кетди. Бу ходимларни бирламчи ва даврий тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтказишда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу мазкур муаммоларни ҳал этиш учун уларни молиялаштириш манбалари масаласи ҳал этилмаганлиги билан изоҳланади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва

Ўқитиш масалаларига ҳам етарлича эътибор берилмаяпти. Умумтаълим мактаблари ўқув дастурларида меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат гигиенаси ва хавфсизлиги билан боғлиқ махсус бўлимлар мавжуд эмас. Олий ва ўрта махсус таълим тизимида меҳнат муҳофазаси ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Фақат Тошкент техника университетида меҳнат муҳофазаси бўйича магистрлар тайёрланади. Ушбу ихтисослик бўйича бакалаврлар умуман тайёрланмайди. Тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлирида санитария-гигиена факультетлари мавжуд бўлиб, уларда меҳнат гигиенаси ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрланади. Аммо улар ўқишни тугаллагандан сўнг асосан давлат санитария-эпидимология нозорати тизимида ишлайдилар.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида техника ихтисосликларига доир таълим курсларига меҳнат хавфсизлиги бўйича кичик бўлимлар киритилган. Лекин меҳнат муҳофазаси бўйича ҳеч бўлмаса шу даражада ўқитишни ташкил этиш тадбиркорлар бирлашмалари эътиборидан четда қолган. Улар корхоналар ходимларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари мутахассисларини ўқитиш, малакасини ошириш масалалари билан умуман шуғулланмайдилар. Фақат йирик бирлашмалар ва корхоналардагина вақти-вақти билан меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадиган ходимлар малакасини ошириш курслари ташкил этилади. Уларда ҳам меҳнат муҳофазасига доир кўпгина муҳим масалалар ўқув дастурларига киритилмаган. Республикада ва минтакалардаги фақат айрим йирик саноат бирлашмаларида меҳнатни муҳофаза қилишнинг турли масалаларига доир семинар-кенгашлар, шахсий ҳимоя воситалари кўргазмалари, меҳнат хавфсизлиги кўриклари ва ойликлари вақти-вақти билан, аксарият ҳолатларда расмийлик учун ўтказилади.

Мамлакатда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга хизмат қиладиган янги усуллар ва илғор тажрибани, асбоб-ускуналар, ҳимоя воситалари ва ҳоказоларни намойиш этадиган музей ва кўргазмалар мавжуд эмас. Корхоналар техника хавфсизлиги хизматларига раҳбарлик қилиш ҳамда тармоқда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ягона сиёсатни ўтказишга даъват этилган мувофиқлаштирувчи ва услубий марказлардан ажралиб қолдилар. Бунинг оқибатида

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш, корхоналар мутахассислари, мансабдор шахслари ва раҳбарларини ўқитиш, малакасини ошириш, норматив ҳужжатлар, техника хавфсизлиги бўйича кўргазмалар куруллар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмай қолмоқда.

Бугунги кунда меҳнат техника инспекцияси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига бўйсунди. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳолини назорат қилиш ваки-вакти билан, ҳар бир тармоқ хусусиятини етарли даражада ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилади. Меҳнатни муҳофаза қилишга раҳбарлик қилиш учун эса давлат ва тармоқ даражаларида зарур тузилмалар ташкил этилмаган, бу масалада дастуриламал ҳужжат ва қондаларга амал қилинмайди.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш ташкилий тузилмасининг, ушбу соҳада қонун ижодкорлиги ва норматив-ҳуқуқий фаолиятнинг бугунги кунги аҳоли ва уларнинг таҳлили меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни янада такомиллаштириш ўта зарурлигидан далолат бермоқда. Шу мақсадда биз қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. Бошқарув органлари тизимида миллий даражада – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигида, ҳудудий даражада - вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимиятлари даражасида ижтимоий шериклар: касаба уюшмалари, иш берувчилар ва ходимлар вакилликлари иштирокида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашлар (комиссиялар) ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу тузилаётган битим ва шартномалар даражасини, демак жамиятдаги меҳнат муносабатлари тизимини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш имконини берган бўларди.

2. Иқтисодиётни бошқариш тизимининг ўзгариши билан, ҳўжалик бошқарувининг республика, вилоят ва туман органлари қайта ташкил этилиши натижасида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалий ишлар марказини катъий равишда минтакалар ва корхоналарга кўчириш керак. Амалиёт улар бу масъулиятни ҳали ўз зиммаларига олишга тайёр эмасликларини кўрсатди.

3. “Ўзстандарт” агентлиги давлатлараро стандартлаштириш тизими билан ҳамкорликда амал қилаётган стандартлар тизимини, шу жумладан меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизимини қайта кўриб чиқиш ва уйғунлаштириш ишлари юзасидан олиб

бораётган ишларини ҳамда уларни қўллашнинг таъсирчан тизimini ишлаб чиқишни тезлаштиришлари мақсадга мувофиқ.

4. Жамиятда давом этаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитларида “Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш нихоятда зарур. Бу барча даражаларда касаба уюшма ташкилотлари ролини ошириш, тармок ва идора органлари, шунингдек иш берувчиларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича масъулиятини кучайтиришга хизмат қилган бўлар эди.

5. Мамлакатда амал қилаётган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиқиш, уларнинг Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсияларига мувофиқлигини аниклаш, бу ҳужжатлардан миллий ҳусусиятлар ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиб, қонунчилик базасини такомиллаштириш йўналишидаги вазифаларни белгилаб олиш лозим.

6. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришда касаба уюшмаларига қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар берилиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ходимлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган қонунбузарликлар аниқланган тақдирда касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилардан аниқланган камчиликларни дарҳол бартараф этишни талаб этишга, шунингдек, давлат меҳнат инспекцияси узил-кесил қарор қабул қилгунга қадар бундай ишлаб чиқариш фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим.

7. Бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантираётган ҳокимиятнинг ижроия органлари меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаолиятларини профилактика тадбирларини тубдан яхшилашга йўналтиришлари талаб этилмоқда.

8. Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг ахволини назорат қилиш, иш берувчиларга меҳнат хавфсизлигига доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича талабчанликни ошириш билан бир қаторда республика ижроия ҳокимияти органлари касаба уюшмалари ташкилотлари, иш берувчилар вакилликлари билан биргаликда иш берувчиларнинг хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратишдан иқтисодий манфаатдорликларини ошириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини кўришлари

керак. Бу энг муҳим муаммони ҳал этишга иктисодиёт, молия, солиқ соҳаларидаги таникли олимлар ва малакали мутахассисларни ҳамда бошқарув органлари ходимларини жалб этиш лозим.

Бугунги кун шароитларида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- меҳнатни муҳофаза қилиш иктисодиёти бўйича илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш;

- зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида ишлаш учун компенсациялар тўлаш тизимини ислоҳ қилишга киришиш керак.

Бунда иш жараёнларидаги меҳнат шароитларини норматив талабларга мос ҳолга келтириш юзасидан тегишли чоралар кўрганлиги ёки кўрмаганлиги учун иш берувчини жавобгарлигини ошириш ёки пасайтириш кўзда тутилиши керак;

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қилиш тизимида профилактика ишлари ролини кучайтириш зарур. Бунинг учун суғурта тарифларини табақалаштириш, улар учун чегирма ва устамалар ўрнатиш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш чораларини амалга ошириш тадбирлари белгиланиши лозим.

9. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш республика илмий марказига қўшимча функциялар, ваколатлар ва ҳуқуқлар берилиши, уни илмий тадқиқот институтига айлантириш, бу институт ҳузурида эса меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича нуфузли ўқув маркази ташкил этиш, тармок, ҳудудий ва бошқа органлар томонидан тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий қонунчилик қоидаларига, халқаро конвенция ва тавсияларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан экспертизасини амалга оширадиган бўлим ташкил этиш лозим.

10. Манфаатдор томонларнинг биргаликдаги саяё-ҳаракатлари билан яқин истикболда Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш масаласини ўрганиб чиқиш лозим. Бу Миллий дастурда қуйидаги энг муҳим муаммолар ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир:

- меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини миллий ва минтақа даражасида такомиллаштириш, шунингдек

уни давлат бошқарувининг умумий тизими билан ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида тегишли норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

– Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги меҳнат техника ва ҳуқуқий инспекцияларини бирлаштириш йўли билан ягона меҳнат муҳофазаси бўйича инспекция ташкил этиш;

– “Янги ишга туширилаётган, реконструкция қилинаётган корхоналар ва ишлаб чиқариш воситаларини сертификациялаш тартиби”ни ишлаб чиқиш. Бу иншоотлар, машина-ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари лойиҳаларининг нормал меҳнат шароитларига мувофиқлиги, ходимлар саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар етказмаслиги нуктаи назаридан синчиклаб ўрганиш ва саралаш тизимини шакллантириш имконини берган бўларди;

– мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таълим тизимини шакллантириш, жумладан ахборот-услужият марказини ташкил этиш;

– Ҳукумат даражасида Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича идоралараро кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш, унга меҳнатни муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаб олиш, корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича турли ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифларини ишлаб чиқиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вилоят, туманлар даражасидаги ва корхоналардаги комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида вазирлик ва идоралар, қасаба уюшмалари ва иш берувчилар вакилликларини жалб этиш.

Бу масалаларни ҳал этиш меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни ягона раҳбарлик остида амалга ошириш, қўпдан-қўп тарқок инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштириш, меҳнат шароитлари, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларига чалиниш бўйича статистик ҳисоботлардан ишонарли ахборот олиш имконини беради.

Бу муаммоларни жуда тез ва осонлик билан ҳал этиш мураккаб, албатта. Аммо уларни ҳал этиш зарурати жуда аниқ-равшан. Шунинг учун меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза

килиш муаммоларига доир махсус, узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Мазкур йўналишда муайян тажрибалар мавжуд. Масалан, Россия Федерациясида меҳнатни муҳофаза қилишни тубдан ислоҳ қилишга киришилган. Бу мамлакатнинг Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш вазирлиги 2025 йилгача бўлган муддат учун “Хавфсиз меҳнат” – меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича дастур концепциясини ишлаб чиқди. Мазкур ҳужжатда Россияда 2011 йилдан бошлаб меҳнатни муҳофаза қилишни касб хатарларини баҳолаш асосида бошқариш тизимини жорий этиш режаланган⁶⁹.

“Хавфсиз меҳнат” дастури собиқ Иттифоқ давридан амал қилиб келаётган меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини алмаштиришни кўзлайди ва унга ҳукумат янги демография дастурининг таркиби сифатида қаралмоқда. Бу дастурнинг пировард мақсади мамлакат иктисодиёти тармоқлари ишлаб чиқаришларида нисбатан юқори бўлган ўлим, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалланишларини камайтиришга қаратилган. Чунки ҳозирги пайтда Россияда ишлаб чиқаришда ўлим ва шикастланиш даражаси Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардагига қараганда 4,5 баробар ортиқдир. Шу билан бирга мазкур дастурда иш жойлари ва меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш мўлжалланган.

Мазкур дастурни уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Унинг биринчи босқичи – 2008-2010 йилларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўлими, умумий ва ишлаб чиқаришда шикастланишларни камайтириш режаланган. Пировард натижада мамлакат иктисодиёт тармоқларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида Европа Иттифоқига аъзо давлатлар кўрсаткичларига тенглашиш мўлжалланмоқда. Чунончи:

- меҳнат шароитлари хавfli бўлган иш жойларини 3,5 % га;
- ишлаб чиқаришда ўлимга олиб келадиган шикастланиш коэффицентини 0,05-0,08 % га тенглаштириш вазифаси кўйилмоқда.

Дастур ижросига киришилган 2008 йилда Россиянинг Ахборот технологиялари ва алоқа вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилишнинг тармоқ тизимини ишлаб чиқишга киришди. Корхона ва ташкилотлар олдига эса меҳнатни муҳофаза қилишни

⁶⁹Ф о м и н А. Д. О реформировании охраны труда в России // М.Ж. Информсфера. 2008. №37.

бошқаришнинг ўз тизимларини яратиш вазифаси қўйилган. Мазкур тизим давлатлараро стандарт – “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимлари” ГОСТ 12.0.230-2007 га мувофиқ бўлиши кўзда тутилган. Мазкур давлатлараро стандарт нормалари Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ILO-OSH 2001 Guidelires on occupational safety and health management systems (Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимлари бўйича қўлланма) ҳужжати кўрсаткичлари билан бир хил.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимларига талаблар Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан умумэтироф этилган халқаро принципларга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Юқорида кўрсатилган стандартда қайд этилган амалий тавсиялар меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш масъулияти юкланган барча мутасаддилар томонидан бажарилиши кўзда тутилади. Лекин улар мавжуд миллий конунчилик нормалари, амалдаги қоидалар ёки тасдиқланган стандартларни алмаштиришга қаратилмаган.

Корхоналарда ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва улар соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича бевосита масъулият иш берувчилар зиммасига юкланган. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимларини қўллаш бу масъулиятли вазифаларни бажаришда қўл келади. Шу сабабли мазкур стандарт корхона ва ташкилотлар, ваколатли муассасалар учун меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси бўйича амалга оширилаётган фаолиятни муттасил такомиллаштириб боришда дастуриламал вазифасини ўтайди.

3.2. Минтакалар ва маҳаллий даражада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими

Ижтимоий-иктисодий муносабатларни эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган чоралар муносабати билан меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг давлат тизимида кўзда тутилган ваколатларни бочқичма-босқич минтакаларга бериш зарурати туғилмоқда. Бунинг учун минтакаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан ҳуқуқлари, функциялари ва жавобгарликларини кенгайтириш талаб этилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президен-

ти Ислом Каримов: “Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга ошмоқда”⁷⁰, – деб уқтирган.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларини қайта ташкил этиш асосида уларнинг кўплаб функциялари ҳокимиятнинг маҳаллий органларига берилди. Ўз ҳудудларида назорат ва текшириш ишларини олиб бориш, лицензия бериш, стандартларни белгилаш, ресурсларни жойлаштириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маданий меросни асраш, хизмат кўрсатишни ташкил этиш. Унинг сифати мониторингини олиб бориш ва бошқалар шулар жумласидандир.


Шу билан бир қаторда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Иқтисодий тадқиқотлар маркази нуктаи назарига кўра марказишлаштирилган бошқарув сиёсий қафолатларини таъминлаш учун ҳокимият тақсмоти принципига катъий риоя қилиш, жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатини кенгайтириш керак. Бу йўналишдаги иқтисодий қафолатлар бўйича марказий органларнинг қуйи бўғинлар кундалик фаолиятига арилишиш имкониятини чегаралаш учун маҳаллий даражада бозор механизмларини фаол жорий этиш таъминланиши лозим. Марказишлаштиришнинг яна бир ҳуқуқий қафолати – қонун устуворлиги принципига риоя қилишни таъминлаш, амалдаги қонунларни янгилаш ва унда давлат ҳокимияти марказий органларининг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида керакли ягона умумдавлат сиёсатини ўтказиш учун зарур бўлган ваколатларнигина қолдириш керак⁷¹.

Бугунги кунда минтакаларда Ўзбекистонда бошқарувнинг уч даражали тузилмаси амал этмоқда. Бу давлат ҳокимиятининг

⁷⁰Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 33-34-бетлар.

⁷¹Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 2005. www.undp.uz.

минтақа органлари, туман, шаҳар ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тузилмалари ҳамда корхона ва ташкилотлар бошқарувидан иборат (3.3-расм).



3.3-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг уч даражали тузилмаси.

Юқорида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқарув функциялари бўйича баён этилган қоидаларни минтакаларга нисбатан қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

1. *Меҳнатни муҳофаза қилишни қонунчилик-ҳуқуқий ва норматив жиҳатдан таъминлаш*: ҳар бир минтака иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат қонунчилигини ривожлантириш ва тўлдиришга қаратилган қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; меҳнат хавфсизлиги, меҳнат гигиенаси бўйича стандартлар, нормалар ва талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2. *Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимидаги ташкилий тузилмаларни асослаш ва уларни жорий этиш*: корхона, фирма, ташкилотларнинг бошқарув органларини шакллантириш тўғрисидаги қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, зарурат туғилса, бу масалалар бўйича мамлакатда жорий этилган қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш.

3. *Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини кадрлар билан таъминлаш*: корхоналардаги меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари кадрларини шакллантириш бўйича норматив-ҳуқуқий қоидаларни жорий этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш; меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, улар малакасини ошириш бўйича тадбирларни (курслар, семинарлар, йўриқномалар ва ҳоказолар) амалга ошириш.

4. *Ходимларни меҳнат жараёнида хавфсиз иш усуллари, техника хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидаларига ўқитиш*: иш берувчиларга ходимларга меҳнат муҳофазаси бўйича турли йўриқномалар беришда ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш; ходимларни техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя этишга ўқитиш бўйича қоидалар ва йўриқномаларга амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш.

5. *Меҳнат шароитларини яхшилаш комплекс дастурларини ишлаб чиқишни услубий таъминлаш (жорий режалаштириш)*: корхоналарга меҳнатни муҳофаза қилишни жорий режалаштиришни амалга оширишда ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш; мамлакатда қабул қилинган меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш комплекс дастурлари асосида ана шундай минтакавий дастурларни ишлаб чиқиш.

6. *Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш*: ҳудудий битимларни тузишда маҳаллий органларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришда, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий комиссиялар ишида иштирок этишларини таъминлаш; жамоа шартномаларида “Меҳнатни муҳофаза қилиш” бўлимини шакллантиришда тадбиркорлар ва ходимлар ваколатли вакилликларига услубий ёрдам кўрсатиш.

7. *Мамлакатда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволига доир статистика ахборотлари билан таъминлаш*: минтақада меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботларга доир йўриқномалар ва нозомларни амалга ошириш, бу соҳада мониторинг олиб бориш.

8. *Корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш вазифаларини ҳал этишда иқтисодий рағбатлантириш омилларидан фойдаланиш*: минтақа корхоналарида иқтисодий рағбатлантириш омилларини қўллашда кўмаклашиш, зарурат бўлган ҳолатларда уларга меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича кенг қўламли тадбирларни ишлаб чиқишлари ва жорий этишларида молиявий ёрдам кўрсатиш.

9. *Ноқулай меҳнат шароитларида иш билан банд ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва асослаш*: давлат томонидан кафолатланган компенсациялар берилишини таъминлаш; тадбиркорлар ташаббуслари бўйича имтиёзлар берилиши ва компенсациялар тўланиши асосланганлигини назорат қилиш.

10. *Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик, стандартлар, норма ва талаблар ижросини таъминлаш бўйича назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш*: корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик қондалари, стандартлар, нормалар ва талабларга риоя этилишини бевосита назорат қилиш.

11. *Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш*: минтақавий шароитларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқот режаларини ишлаб чиқиш, меҳнат шароитлари ва

меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича минтақавий илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш.

Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича функцияларнинг бу батафсил рўйхатини мазкур соҳадаги вазифалар ва муаммоларнинг нақадар мураккаб эканлигини тасаввур этиш мақсадида келтирдик. Бу вазифа ва муаммолар минтакалар ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларда нормал ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш билан шуғулланишга даъват этилган минтақа органлари томонидан ҳал этилиши керак.

Агар бунга тўлиқ амал этилганда хўжалик юритувчи субъектлардаги меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи ҳозир амалда кузатилаётганидан анча юқорирок даражада бўлиши керак эди. Афсуски, минтақа органлари тегишли ваколатларга эга бўлишларига қарамасдан, бу вазифа ва муаммоларни тўлиқ ҳал этиш чораларини кўрмаптилар, кўпгина ҳолатларда эса мазкур масалалар улар эътиборидан умуман четда қолади. Бунинг ўрнига меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш кўрсаткичлари ҳисоботларда, амалдаги аҳволни бўйаб кўрсатиш мақсадида акс этади.

“Фукароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи ўз аксини топмаган (ҳолбуки, конунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қайд этилади). Афтидан, бунга маҳаллий органлар бир-биридан тузилма (шаҳар ва қишлоқ турар жойлари), ҳудуди, аҳолисининг сони, таркиби, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ҳоказолар бўйича фарқланишлар сабаб бўлган. Қонун чиқарувчи органлар шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ваколатлар беришни лозим топмаган бўлишлари мумкин. Аммо бугунги кунда бевосита ана шу жойларда кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, тадбиркорлик, касаначилик, инфратузилмани ривожлантириш кенг кўламда олиб борилмоқда, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда ёлланма ходимлар меҳнатидан кенг фойдаланиляпти.

Шундай экан ана шу ходимлар учун муносиб меҳнат ша-

роитлари яратиш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш жуда ҳам муҳим. Ҳокимиятнинг маҳаллий органларига у ёки бу ваколатлар берилишининг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари (вакиллик ва ижроия) билан келишилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси субъектларининг қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланади. Фикримизча, бир қатор минтақаларда амал қилаётган меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг минтақаларга доир қоидаларида маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича функция, ваколат ва мажбуриятлари ўз ифодасини топиши лозим. Бунинг учун мазкур қонунчилик ҳужжатларида “Умумий қоидалар”, “Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари”, “Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари қафолатлари”, “Меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш”, “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини назорат қилиш”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик” моддалари киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга мамлакат қонунчилигининг минтакавий норматив ҳужжатлардан фаркланадиган нормаларига аниқлик киритиш муҳим. Фикримизча, минтакавий норматив ҳужжатлар қоидалари биргина иш берувчи билан меҳнат муносабатида бўлган ходимларга эмас, балки барча ходимларга тааллуқли бўлиши керак. Шундай қилинганда минтакавий норматив ҳужжатларнинг амал қилиш доираси шахсий хусусий тадбиркорларни (иш берувчилар – жисмоний шахслар) ҳам қамраб олади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси⁷² 1022-моддасига мувофиқ меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя этишлари ҳамда ўз меҳнат фаолиятлари билан фуқаролар (шу жумладан улар соғлиғига) ва юридик шахсларга зарар етказмасликлари ҳамда етказилган зарарни қоплашлари керак.

Бундай қоидалар шахсий тадбиркорлик соҳасида ёлланма меҳнатдан кенг фойдаланиладиган шаҳар ва қишлоқларда амал этиши ҳаётий заруратга айланган.

⁷² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. <http://www.lex.uz>.

Минтакавий норматив ҳужжатлар давлат ҳокимиятининг минтақа органларига меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат томонидан бошқарилиши айрим ваколатларини маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига беришни ҳам кўзда тутиши лозим.

Ҳукукий ҳужжатларга “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларининг ваколатлари” моддасини киритиш ниҳоятда муҳимдир. Бу моддада, фикримизча, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари ҳудудларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликларини олдини олиш чораларини кўрадилар деган қоида ўз аксини топиши лозим. Шунингдек, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари ҳудудларида меҳнатни муҳофаза қилишни маҳаллий даражада бошқарадилар деган қоида ҳам мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Унга ҳукукий ҳужжатнинг “Меҳнатни муҳофаза қилишни маҳаллий даражада бошқариш” моддасида кенгрок таъриф бериш мумкин.

Шу билан бир каторда, фикримизча, меҳнатни муҳофаза қилишни маҳаллий даражада бошқариш тўғрисидаги модда қуйидаги қоидаларни қамраб олиши керак:

– ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органи ҳудудида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш учун бу орган ўз таркибида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этади, мазкур соҳада тегишли тайёргарлик ва иш тажрибасига эга бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни тайинлайди;

– ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органи ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг аҳволини мунтазам таҳлил қилиб боради;

– ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича минтакавий ёки ҳудудий (маҳаллий) максалли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишга сарф-харажатлар миқдорини аниқлашда иштирок этади, бу маблағлардан фойдаланилишини назорат қилиб боради;

– ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналарда ўрнатилган тартибда бўлиш, улардан ўз ваколатига тааллуқли масалалар бўйича тегишли ҳужжатлар ва маълумотлар олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. У иш берувчилардан меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тегишли ҳужжатлар, у ёки бу камчиликларга йўл қўйган ходимлардан ёзма тушунтириш олиши, шунингдек иш берувчилардан ўрнатилган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномадан ўтмаганларни ишдан четлаштиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатилиши лозим.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш бўйича давлат ва маҳаллий органларнинг ўзаро муносабатларини *Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим* асосида йўлга қўйиш мумкин бўлади. Ана шу битимнинг асосий мақсади меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, мазкур соҳадаги қонунчиликни жорий этишда самарали ҳамкорлик қилиш, ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликларини камайтиришга қаратилган профилактика фаолиятини амалга оширишга йўналтирилади.

Ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари ваколатига, шунингдек, ўз таркибидаги меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари фаолияти билан боғлиқ норматив ҳужжатларни қабул қилиш, меҳнат шaroитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, ойликлар, қўрик-танловлар ўтказиш ва ҳоказолар киритилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бозор муносабатлари шaroитларида минтақа тузилмаларида ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш, мамлакат ва минтақа бошқарув органларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда туб жиҳатдан янги принципларга таяниш керак. Давлатнинг минтақавий сиёсати иқтисодиётни номарказлаштириш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг молиявий-ҳўжалик мустақиллигини мустаҳкамлаш, марказ билан республика субъектлари, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органи ўрталаридаги функцияларни қайта тақсимлашни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб борилиши керак.

Давлатнинг минтакавий сиёсати бош мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) Ўзбекистон Республикасининг барча минтакаларида улар ҳудудларида мамлакат Конституциясида белгиланган ҳуқуқларини амалга ошириш учун кенг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;

б) мамлакат барча фуқароларининг тенг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланиш кафолатига эга бўлиш.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш минтакаларда янги иқтисодий муносабатларни ўрнатиш учун қулай шарт-шароит яратиш; мулкчиликнинг турли шаклларига тааллуқли ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолият олиб боришларига қулайлик туғдирадиган шарт-шароитлар яратиш; минтакаларда ҳудудлар манфаатларини амалга ошириш учун шарт-шароитларни шакллантириш; ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларига фаол ёрдам кўрсатиш; мамлакат ягона иқтисодий ҳудудини шакллантириш, самарали ҳудудий бўлиниш ва ижтимоий меҳнат интеграцияси, бозор муносабатларини ривожлантириш, мамлакат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган минтакаларни ривожлантириш, зарур ҳолатларда минтакаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган тўлақонли минтакалараро инфра-тузилмани яратишни назарда тутди.

Ана шу мақсад ва қоидалардан келиб чиққан ҳолда меҳнатни муҳофаза қилишни минтақада бошқариш давлат сиёсати даражасида амалга оширилади. Мустақиллик йилларида мамлакатда бу йўналишда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимидаги энг муҳим янгиликлар қуйидагилардан иборат.

Бошқарувнинг маъмурий вертикалида туб ўзгаришлар содир бўлди. Авваллари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ижро этиш мажбур бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар таркибида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тузилмалари бўлган вазирлик ва идораларга юборилар эди. Бу ерда мазкур ҳужжатлар тармоқ хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишлангандан сўнг қуйи бўлинмалар: бош бошқармалар, трестлар ва корхоналарга жўнатиладди.

Ҳозирги пайтда аввалги маъмурий-бўйруқбозлик тизими ўрнига бошқарувнинг қонунчиликка асосланган бўғинлари

шаклланди: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – умуммиллий қонунлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари – минтакавий тузилмаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари – маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорлари – корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари. Бунинг натижасида бошқарувнинг куйи органларига улар ваколатлари доирасида мустақиллик берилди ҳамда ваколатлар тақсимланди.

Хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича масъулият иш берувчи зиммасига юкланганлиги бу соҳадаги энг асосий янгиликдир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 15-моддасига мувофиқ қуйидагилар иш берувчилар бўлиши мумкин:

1) корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида;

2) мулкдорнинг ўзи айна бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар;

3) 18 ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

Иш берувчи томонидан ўз мажбуриятларини бажариши уларнинг хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича барча харажатларни зиммаларига олишларини аңлатади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат норматив талаблари давлат томонидан ўрнатилади. Бунда иқтисодий имкониятлар ва уларни бажариш сарф-харажатлари эътиборга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг минтакавий органлари меҳнат муносабатларини тартибга солишда ҳам, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилган аниқ ваколатларга эга эмаслар. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш уларга бу йўналишда самарали фаолият олиб бориш, ўз минтакаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларига меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш масалаларини киритиш имконини беради. Шу билан бирга давлат ҳокимиятининг минтакавий органлари ўз ҳудудидаги ҳўжалик юритувчи субъектларда меҳнат хавфсизлигининг ҳолати учун жавобгар ҳам бўлишлари керак.

Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари функциялари ва ваколатларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Ўз-ўзини бошқариш мамлакатда шахс ва давлат манфаатлари билан бир каторда минтақа ҳудудидаги аҳоли ҳаёти ва турмушига дахлдор маҳаллий манфаатлар ҳам эътироф этилиши ва қафолатланишидан далолат беради. Ўз-ўзини бошқариш жойларда ҳокимият функцияларини бажариш, фукароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли, аҳолининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи сифатида намоён бўлади.

Ўз-ўзини бошқаришнинг мустақиллиги, биринчидан, давлат томонидан унга берилган ваколатлар доирасида амалга оширилишида ўз ифодасини топади.

Иккинчидан, агар ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари конун бузилиши ҳолатларига йўл қўйсалар, давлат бунга фақат аралашиш ҳуқуқига эга бўлиб қолмай, балки албатта аралашиши ҳам шарт. Давлатнинг ижроия ҳокимият органлари конунчилик бузилишининг барча ҳолатларига бефарқ бўлмасликлари, суд органлари эса бундай конунбузарликларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллашлари керак.

Учинчидан, давлат органлари ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари томонидан давлат уларга берган ваколатларга риоя этиш, давлат маблағларидан фойдаланиш ва бошқа масалалар бўйича бевосита назоратни амалга оширадилар.

Ўз-ўзини бошқаришда маҳаллий манфаатлар ҳисобга олиниши ва амалга оширилади, айти пайтда улар жойларда давлат сиёсатини ўтказадилар. Улар фаолиятидаги бу икки йўналиш мазкур ҳудуддаги аҳоли ҳаёти ва турмуши билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Ўз-ўзини бошқариш органлари маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этиш учун ўз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш комплекс дастурларини бажаришни ташкил этадилар. Шунингдек, улар иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги аҳволни акс эттирадиган статистика маълумотларини тўплашни ташкил этадилар. Бу ваколатлар ҳисобга олинган ҳолда маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари муносиб ўрин олиши, корхоналар ва ташкилотлар статистика ҳисоботларида эса

меҳнат шароитлари тўғрисидаги маълумотлар кайд килиниши муҳимдир.

Ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари функцияларига кўп масалалар кирази. Масалан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида бу меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар бўлган шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига доир билимларини текшириш бўйича комиссиялар ташкил этиш, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари сабабларини таҳлил этиш, шахсий ҳимоя воситаларига эҳтиёжни аниқлаш ва ҳоказолардир.

Ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларига мазкур функцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқлар ҳам берилиши керак. 3.2-жадвалда мамлакат, минтақа ва маҳаллий даражада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш бўйича ваколатлар рўйхати келтирилган. *Давлат ҳокимияти органларининг республика даражаси* учун меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг асосий йўналишларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажариш мажбур бўлган норматив талаблар: қоида, тартиб, принциплар, шартларни ўрнатиш ваколатлари берилган.

Минтақавий (вилоят) органлар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мутахассисларни ўқитишни ташкил этиш, меҳнат шароитлари экспертизаси, иш жойлари аттестацияси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этишни сертификациялашни ўтказиш, республика даражасида белгиланган давлат нормативларига аниқлик киритиш шаклларида давлат сиёсатини амалга ошириш ваколатларига эгалар.

Ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларининг ваколати ҳудудларида жойлашган корхона ва ташкилотлар билан амалий иш олиб боришдан иборат. Уларнинг бу йўналишдаги фаолиятида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ишини мувофиқлаштириш ва бу хизматларга услубий раҳбарлик қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни текшириш бўйича комиссия ишларини ташкил этиш, шахсий ҳимоя воситаларига бўлган эҳтиёж ҳисобини олиб бориш муҳим ўрин тутди.

**Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишни
бошқариш соҳасида бошқарув органлари ўртасида ваколат-
ларнинг тақсимланиши**

Давлат ҳокимияти республика органла- рининг ваколатлари	Минтака органлари- нинг ваколатлари	Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органла- рининг ваколатлари
Куйидагиларни белги- лаш ҳукуки берилган: - давлат сиёсатининг асо- сий йўналишларини; - меҳнат муносабатла- рини ва улар билан боғ- лиқ муносабатларни (шу жумладан ходимларнинг меҳнат фаолияти жараё- нида ҳаёти ва соғлигини саклашга қаратилган қо- далар, мезонлар, норма- тивларни аниқлаш) ҳу- кукий тартибга солиш асосларини; - меҳнат конунчилиги ва бошқа норматив- ҳукукий ҳужжатларга риоя этилишини дав- лат томонидан назорат қилишнинг принципла- ри ва буни амалга оши- риш тартибини; - ишлаб чиқаришда бах- тсиз ҳодисалар ва касб касаликларини текши- риш тартибини; - иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича ат- тестация қилиш тизими ва аттестация ўтказиш тартибини; - меҳнат шартномаси; тарафларнинг моддий жавобгарлиги, шу жум- ладан ишлаб чиқаришда ходим соғлиги ва ҳаётига етказилган зар- рарни қоплаш тартиби ва шартларини; - бошқалар;	- ўз ҳудудида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; - минтақа хусусиятлари- ни ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳукукий ҳужжат- ларни қабул қилиш; - меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қи- лишга қаратилган мак- садли давлат дастурла- рини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ишти- рок этиш; - меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қи- лишни яхшилаш бўйича ҳудудий мақсадли дастур- ларни ишлаб чиқиш, улар ижросини назорат қилиш; - минтақа бюджетни ҳисо- бидан меҳнатни муҳофаза қилиш учун харажатларни белгилаш; - меҳнатни муҳофаза қи- лиш бўйича мутахассис- ларни ўқитиш, меҳнат хавфсизлигини таъмин- лаш учун масъул бўлган шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабла- ри бўйича билимларини текшириш; - маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига меҳнатни муҳофаза қи- лишни бошқариш бўйича айрим ваколатларни бе- риш; - бошқалар;	Тегишли шаҳар, туман ҳудудида жойлашган қор- хоналардаги, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмат- лари ишини мувофик- лаштириш ва бу хизмат- ларга услубий раҳбарлик қилиш; - тегишли рухсатно- ма бўлган ҳолатларда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қи- лиш талабларига доир билимларини текшириш бўйича комиссиялар ишини ташкил этиш; - меҳнат шароитлари- нинг ахволи, ишлаб чи- қаришда бахтсиз ҳоди- салар ва касб касал- ликлари сабабларини таҳлил этиш; - шахсий ҳимоя восита- ларига эҳтиёж ҳисобини олиб бориш; - фаолиятнинг айрим турларини амалга оши- риш учун лицензия олишга даъвогарлар- нинг иш жойларидаги меҳнат шароитлари- ни ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишнинг амалдаги ахволини тек- шириш; - бошқалар;

Хўжалик юритувчи субъектлар даражасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларининг бугунги кундаги роли катта, келажақда эса янада ортади. Демак, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришда турли даражадаги органлар ваколатларини чегаралашга қаратилган конунчиликни такомиллаштириш вазифасини ҳал этиш вақти келди. Бунда Ўзбекистон Республикаси субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тўпланган тажрибани ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш функция ва ваколатлари кенгайтирилганлигини тўлиқ ҳисобга олиш керак. Энг муҳими эса меҳнатни муҳофаза қилишга доир конунчиликни “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ташкил этишнинг умумий принциплари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш лозим.

Амалдаги конунчиликка мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида айрим норматив-ҳуқуқий тартибга солиш, махсус руҳсат бериш ва назорат қилиш функцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган давлат ижроия ҳокимияти органлари мазкур соҳада улар томонидан қабул қилинадиган қарорларни бу масалаларни ҳал этиш ваколатига эга давлат ижроия ҳокимияти органлари билан келишиши, айти пайтда фаолиятини улар билан мувофиқлаштириши керак.

Мазкур коида давлат бошқаруви ташкил этишнинг принципларига у қадар мувофиқ эмас. Субъект бошқарув субъекти бўлиши учун у муайян давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлиши керак. Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, ходимлар ва уларнинг вакиллик органлари – қасаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда давлат ҳокимияти бирон-бир ваколатларга эга эмаслар. Бундан улар бошқарувнинг тўла ҳуқуқли субъектлари эмаслиги тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин.

Фикримизча, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш вазифаси зиммаларига юкланган бошқарув субъектлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда махсус ваколатга эга бўлган бошқа органлар бўлиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакат ижроия ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш Ўз-

бекистон Республикаси Ҳукумати томонидан амалга оширилади. Аммо Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида ҳам, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда ҳам мазкур соҳада ваколатлар чегараланмаган. Ушбу масалалар қонунчилик йўли билан мустақамлаб қўйилмаганлиги сабабли минтақавий органлар бошқарувнинг бошқа функциялари бўйича ваколатлар тўғрисида умумий қоидалар мавжуд бўлган турли норматив ҳужжатларга асосланиб иш олиб борадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, мамлакат субъектлари ижроия ҳокимият органлари, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, ходимлар, уларнинг вакиллик органлари – қасаба уюшмалари томонидан таъминланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 9-моддасида “Меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни қуйидагилар амалга оширади:

- 1) шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;
- 2) қасаба уюшмалари.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текширишни қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади”, деб қайд этилган.

Аммо, Меҳнат Кодексида Ўзбекистон Республикаси субъектлари ва ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бирор-бир ҳуқуқлари ва ваколатлари кўрсатилмаган. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5- моддасида қискагина қилиб “Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат

томонидан бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади”, деб кўрсатилган.

Юкорида қайд этилганлардан мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вертикаль тизим сакланиб қолаётганлиги маълум бўлади. Чунки амалдаги қонунчиликда минтақа бошқарув органлари бирон-бир ваколатга эга эканликлари кўрсатилмаган. Бу минтақа бошқарув органлари мамлакат қонунчилиги доирасида иш олиб боришларини, меҳнат соҳасидаги масалаларни ҳал этишда умумиллий қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган доирадан чиқмаслик учун жуда эҳтиёткорлик билан иш кўришлари зарурлигидан далолат беради.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян давлат ваколатлари берилганда улар давлат бошқарув тизимида ўз ўрнини эгаллаган бўлар эдилар. Аммо бу масалада уларга қайси органлар (мамлакат ёки минтақа) функцияларини бериш кераклиги ва бу функциялар нима учун берилиши лозимлиги, бундан бошқарув тизими нақадар такомиллашиши тўғрисида аниқ-равшан тасаввурлар йўқ.

Бундай ноаниқлик турли салбий ҳолатлар: давлат бошқарувидаги номуносивлик, функцияларни такрорлаш, бир бошқарув органининг бошқа орган ваколатига қирадиган масалаларга аралашиви кабилар рўй беришига олиб келиши мумкин. Бу меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришни ташкил этиш принципларига ёндашувга ҳам тааллуқлидир.

Мазкур масаланинг яна бир жиддий жиҳати бор. Яхши маълумки, субъектлар ўртасида функциялар оқилона тақсимланган ҳолдагина давлат бошқарувининг самарадорлиги таъминланиши мумкин. Шунинг учун текшириш-назорат қилиш функцияларига эга бўлган орган мавжуд бўлишининг ўзигина барча масалаларни ҳал этишда етарли эмас.

Меҳнатни муҳофаза этиш соҳасида давлат ижроия ҳокимияти органлари, мамлакат субъектлари ижроия ҳокимияти органлари ҳамда ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари текшириш-назорат қилишдан ташқари бошқа айрим функцияларни ҳам бажаришларини эътироф этиш керак. Бироқ турли даражадаги бу органлар ўртасида функцияларнинг тақсимланишида муносивлик кўзга ташланмайди. Аксинча, уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ваколатларини ўр-

ганиш бошқарувда яхлитлик етишмаслигидан далолат беради. Хусусан, давлат ижроия ҳокимиятининг қайси органи мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини ўташи, меҳнатни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган мамлакат субъектлари ижроия ҳокимияти органлари мустақиллигининг чегаралари қандайлиги, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари бу масалаларда бевосита қайси вазифаларни бажаришлари аниқ эмас.

Юқорида қайд этилганлардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин: *меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тизимига, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, давлат ижроия ҳокимияти органлари, уларнинг ҳудудий органлари, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадиган мамлакат субъектлари ижроия ҳокимияти органлари киритилиши лозим.* Бу йўналишдаги масалаларни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси “Саноатконтехназорат” агентлиги зиммасига юклатилиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тизимига меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадиган мамлакат субъекти ижроия ҳокимияти органлари, шунингдек ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари ҳам киритилиши мумкин. Аммо бунинг учун уларга қонун ҳужжатлари асосида тегишли давлат ваколатлари берилиши керак. Ҳуқуққа доир муносабатларнинг бошқа иштирокчилари – иш берувчилар, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар, қасаба уюшмаси ташкилотлари бошқарув жараёнида иштирок этишлари мумкин.

Фикримизча, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ушбу йўналишдаги ишларнинг аҳолини тубдан яхшилаш ҳамда фуқароларнинг ҳавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қилган бўлар эди.

Айни пайтда меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тизимининг қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилиши бу тизимни ташкил этиш ишининг дебочаси ҳисобланади. Мазкур масаланинг бошқа жиҳатлари – тизимни ташкил этиш принциплари, бу тизимни ташкил этувчи унсур-

лари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва бошқа масалалар ҳам жуда муҳимдир.

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тизими амал этишининг шундай механизмини ташкил этиш керакки, у “автомат тарзида” ишлаши, мазкур тизимга кирувчи органлар ўртасида функциялар оқилона тақсимланишини таъминлаши, фаолият жараёнида бир-бирларининг ишларини такрорлаш, бир органнинг бошқа орган ваколатига кирадиган ишларига аралашинини истисно этадиган ҳолда бўлиши керак.

Мазкур тизимни яратишда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида иш берувчилар, ходимлар, хўжалик юритувчи субъектлар, касаба уюшма ташкилотлари ролини ҳам аниқ белгилаб қўйиш жуда муҳимдир.

Меҳнатни муҳофаза қилишни минтакалар даражасида бошқариш тизимини таҳлил этиш республика даражасида ҳамда мамлакат субъектлари даражасидаги ижроия ҳокимият органларининг саъй-ҳаракатлари натижасида сўнгги йилларда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволи барқарорлаштирилганлигини кўрсатади. Аммо бу йўналишда ҳал этилмаган жиддий муаммолар кўп. Ҳозиргача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларининг даражаси юқориликча колмоқда. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши, ишлатилаётган техника ва қўлланилаётган технология ноқулай меҳнат шароитларини туғдираётганлиги, ишни ташкил этишдаги камчиликлар, техника хавфсизлиги устидан доимий назорат олиб борилмаслиги, иш берувчилар ва ишлаб чиқариш раҳбарлари масъулияти бўшашиб кетганлиги меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунинг учун ишлаб чиқаришда қулай меҳнат шароитларини яратишда давлат ижроия ҳокимиятининг минтака органлари ва ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари ролини ошириш керак. Бу ўринда “Минтакавий бошқарувнинг асосий мақсади муайян минтака ҳудудида истикомат қилувчи аҳоли ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини комплекс ривожлантириш асосида кондириш даражасини ошириш”⁷³ эканлигини ёдда тутиш керак. Бу меҳнатни муҳофаза қилишни минтака ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув даражасида амалга оширишга ҳам тааллуқлилигини

⁷³Абдурахманов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабаев Ш.Х. Региональная экономика и управление. Учебник. Ташкент, 2007. С.592.

таъкидлаш лозим. Айникса ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари, ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларидаги хўжалик юритувчи субъектларда меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича кенг кўламли амалий ишларни бажаришга қодирлар. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳамда бошқа манбалардан меҳнатни муҳофаза қилиш тadbирлари учун маблағ ажратилишини кўпайтириш, иш берувчиларнинг ўз корхоналарида хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашдан манфаатдорликларини оширишда уларнинг роли каттадир. Шу билан бирга биз минтака даражасида ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳудудларида:

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бирлашган хизматлар ташкил этиш;

- иш берувчиларга меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқий, ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича “Меҳнатни муҳофаза қилиш маркази”ни ташкил этишни тавсия этамиз.

3.3. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ишлаб чиқаришнинг барча таркибий тузилмаларини, ҳамма иш ўринларини камраб оластгина самарали бўлиши мумкин. Бу масалада кўп нарса биринчи навбатда иш берувчиларга боглик. Аммо уларнинг кўпчилиги ҳозирча ходимлар меҳнат шароитларини яхшилаш масалаларига етарлича аҳамият бермаяптилар.

Ҳолбуки, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида “Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбурийлар бажарилишини таъминлайди” деб белгилаб қўйилган.

“Корхоналар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни⁷⁴

⁷⁴ “Корхоналар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1991 йил 15 февралда қабул қилинган, 1993, 1994, 1995, 1996, 1997, 1998, 1999 йилларидаги қўшимча ва ўзгартиришлар билан) // Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, ижара, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунлари. Тошкент: Адолат, 2000. 20-бет.

27-моддасида ҳам “Корхона бу ерда ишловчи барча ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга мажбур бўлиб, уларнинг саломатлигига ва меҳнат қobiliятига етказиладиган зарар учун қонунларда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўлади” деб аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Мазкур талаб мулкчиликнинг барча шаклидаги қорхоналар учун тааллуқлидир. Жумладан, “Хусусий қорхона тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни⁷⁵ 20-моддасида ҳам “Хусусий қорхона ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаши, ижтимоий муҳофаза қилиш қораларини қўриши шарт, уларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар учун қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда жавобгардир” деб қўрсатилган.

Амалдаги бу ва бошқа қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда қорхона маъмурияти(мулк эгаси, иш берувчи)нинг ҳўжалик юритувчи субъектда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини 3.4-расмдагидек ифодалаш мумкин.




3.4-расм. Қорхона раҳбари(мулк эгаси, иш берувчи)нинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

⁷⁵“Хусусий қорхона тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2003 йил 11 декабрда қабул қилинган). <http://www.lex.uz>.

Аммо корхоналар раҳбар(мулк эгаси,иш берувчи)ларининг кўпчилиги меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз функцияларини бажаришга мутлако тайёр эмаслар, баъзан эса меҳнат қонунчилиги, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг энг оддий талабларини билмайдилар, билишни ҳам хоҳламайдилар. Шу сабабли кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда ходимларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқини амалга оширишда жиддий камчиликлар кўзга ташланади.

Буни қасаба уюшма ташкилотлари томонидан ўтказилган текширишлар яқунлари ҳам исботлаб турибди. Биргина 2006 йилда улар томонидан республикадаги 5500 та корхонада ўтказилган текширишлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 35 мингтадан кўпроқ қонун, қоида ва нормалар бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатди⁷⁶.


Бундай салбий ҳодисалар кўп жиҳатдан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида аниқ кадрлар сиёсати мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (3.5-расм) ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис (3.6-расм) фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган.



3.5-расм. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари фаолиятининг асосий йўналишлари.

⁷⁶ “Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2007 йил 7-сон. 6-7-бетлар.

Бироқ сўнгги йилларда кўпгина корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари таркиби кескин равишда қискартирилди ёки умуман тугатилди. Шу билан бирга мазкур хизматлар таркиби сонига доир аниқ нормативлар ҳам мавжуд эмас. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда “Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади)” деб кўрсатилган.



3.6-расм. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис фаолиятининг асосий йўналишлари.

Бу хизматлар ўз мақоми бўйича корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади. Мазкур хизматлар фақат корхона ўз фаолиятини тўхтатганда тугатилиши мумкин. Қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари корхонадаги ходимлар сони қанча бўлганида тузилиши аниқ белгилаб қўйилган, лекин унда бу хизматлар ходимлари корхона ходимлари умумий сони, уларнинг ҳудудий тарқоқлиги, машина-ускуналар билан таъминланиш даражаси, технологик жараёнларнинг мураккаблиги ва хавфлилигига қараб неча кишидан иборат бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилмаган.

Шу билан бирга мазкур хизматлар мутахассисларини, корхона мансабдор шахслари ва раҳбарларини ўқитиш, малакасини ошириш, норматив ҳужжатлар, услубий адабиётлар ва кўргазмали куроллар билан таъминлаш масалалари очиқ қолган. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати таркиби махсус тайёргарликка эга мутахассислардан иборат бўлиши белгилаб қўйилган бўлса ҳам кўпгина корхоналарда бу хизматларга меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларидан беҳабар бўлган малакасиз ходимларни ишга олиш тажрибаси кенг тарқалган. Уларнинг иш ҳақи ҳам, нисбатан кам эканлиги ҳисобга олинса, бу ходимлар фаолиятдан катта самара кутиб бўлмайди.

Мазкур қонунга мувофиқ ходимлар сони 50 нафардан кам бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан вакиллар шуғулланиши белгилаб қўйилган. Уларнинг макоми ва фаолиятига доир қоидаларда ҳам жиддий камчиликларга дуч келинади. Чунончи, бу вакиллар меҳнат жамоасининг йиғилишида сайланиши керак. Амалиётда эса вакиллар аксарият ҳолатларда иш берувчилар томонидан тайинланади. Вакиллар ўзларига юклатилган функциялар бажарилиши натижаларига қараб бирон-бир тарзда моддий ва маънавий рағбатлантирилмайдилар. Улар фақат ҳафтасига икки соат вақтларини иш ҳақи саклангани ҳолда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни текшириш ва назорат қилиш функцияларини бажаришга ажратишлари мумкин.

Ҳўжалик юритувчи субъектларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки мазкур масалалар билан шуғулланадиган мутахассис мавжуд бўлмаса, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизмат кўрсатадиган ташкилот билан шартнома тузиш керак. Одатда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис малакасига эга бўлган ёки олий техник маълумотли мутахассислар (иш стажидан қатъи назар) ёхуд камида 3 йил иш стажига ва ўрта техник маълумотга эга бўлганлар тайинланади. Бу лавозимга, шунингдек, бошқа вазифаларда камида 5 йил иш стажига эга бўлган ўрта техник маълумотга эга мутахассислар ҳам тайинланиши мумкин. Юқорида қайд этилган барча мутахассислар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус ўқитилиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати корхонанинг алоҳида

таркибий бўлинмаси сифатида тузилиши ва бевосита бош муҳандисга ёки корхона раҳбарига бўйсунити керак. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиснинг хизмат вазифаси кенг қўламлидир. У:

- ишлаб чиқариш технологияси, меҳнат конунчилиги, иктисодиёт, психология, меҳнат физиологияси соҳаларида билимга эга бўлиши;


- ишларни хавфсиз амалга ошириш ва хавфсиз ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлаш бўйича махсус адабиётлар ва норматив ҳужжатларни ўқиб-ўрганиши;

- мунтазам равишда (камида уч йилда бир марта) ўз малакасини ошириб бориши, семинарлар, кўргазмалар, лекциялар ва ҳоказоларда иштирок этиши керак.


Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолияти устидан назоратни иш берувчи (корхона раҳбари), юқори органнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, Ўзбекистон Республикаси субъектининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тегишли органи ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат текшируви ва назоратини олиб борадиган органлар амалга оширадилар.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялар ташкил этиш тавсия этилади. Уларнинг таркибига тенг ҳуқуқлилик асосида иш берувчилар ва касаба уюшмаси ташкилотларининг вакиллари кириши мумкин. Мазкур комиссия меҳнат фаолияти жараёнида ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган ташкилий-профилактика тизими фаолият кўратишини, шу жумладан ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, санитария-гигиена ва бошқа тадбирлар бажарилишини таъминлаш билан шуғулланади. 3.7-расмда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг бевосита иш берувчилар (хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари)га тааллуқли вазифа ва функциялари акс этган.

Ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида мажбуриятларга, аynи пайтда ҳуқуқ ва кафолатларга эгадирлар (3.8-расм). Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиши, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиши, ишларни бажариш усуллари бўйича таълим, меҳнат муҳофазаси талабларига доир йўриқнома олиши, билимлари текширилиши, мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтиши шарт.



**3.7-расм. Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифа-
лари ва функциялари.**



3.8-расм. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Шу билан бир қаторда ҳар бир ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– иш жойининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос бўлиши;

– меҳнат шароитлари соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган, эҳтимол тутилган хатарлар тўғрисида ахборот олиши;

– ҳаёти ва саломатлигига хавф туғиладиган бўлса, ишни бажаришдан бош тортиши;

– шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши;

– меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ҳокимият органлари, иш берувчи, касаба уюшмаси ташкилотларига мурожаат этиши ва бошқалар.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришда ходимларга зарарли ва хавфли

таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш омиллари бўлиши мумкин. Булар, хусусан:

- иш зонасидаги ҳаво ҳарорати ҳаддан зиёд баланд ёки пастлиги;

- иш зонасидаги ҳаво намлиги ҳаддан ташқари зиёдлиги ёки камлиги;

- иш зонасидаги ҳаво ҳаракати ҳаддан зиёд жадал ёки сустлиги;

- иш ўрнида шовқин даражаси жуда баландлиги;

- элект магнит нурланиши даражаси катталиги;

- табиий ёруғлик йўқлиги ёки етарли эмаслиги;

- иш зонаси етарли ёритилмаганлиги ва ҳоказолар⁷⁷.

Яъни бу ходим бевосита меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланадиган, узоқ вақт давомида меҳнат жараёни кечадиган ва меҳнат шароитлари омиллари таъсир кўрсатадиган иш ўрнига тааллуқлидир.

Демак, ходимга юкорида қайд этилган омиллар таъсири истисно этиладиган ёки уларнинг таъсир даражаси белгиланган нормативлардан ошмайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш зарур. Иш ўринлари, умуман олганда, меҳнат муҳофазасига доир қонунчиликда белгиланган норматив талаблардан келиб чиққан ҳолда меҳнат шароитлари хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлган ёки бўлмаган ҳолатда бўлиши мумкин.

Ходимга меҳнат фаолияти жараёнида таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини баҳолаш (аттестация қилиш) корхонада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиш – соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш, ходимларни меҳнат шароитлари билан таништириш, оғир ишларда банд бўлган ходимларга имтиёз ва компенсациялар беришни тасдиқлаш ёки бекор қилиш юзасидан иш жойларидаги меҳнат шароитларини таҳлил этиш тизимидир.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 155-сон Конвенциясида

⁷⁷ С и н я ш и н а Е. Ишлаб чиқариш мухитининг зарали ва хавфли омиллари // “Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2008 йил, 6-сон. 37-бет.

иш ўрни “ходим бўлиши керак бўлган ёки иш билан боғлиқ равишда бориши керак бўлган жойни иш берувчи бевосита ёки билвосита назорат қиладиган жой” деган таъриф берилган. Бизнинг фикримизча эса, *“Иш ўрни – ходим норматив-техникавий ҳужжатларда кўзда тутилган тартиб ва шароитларда иш бажарадиган жойдир”*.

Иш ўрни ишлаб чиқаришнинг моддий-техника воситалари жиҳозланган, ходим томонидан меҳнат фаолияти амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёнининг асосий бўғинидир. Меҳнат қуролларидан фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва таннари, шунингдек ишлаб чиқаришнинг умумий маданияти ва меҳнат хавфсизлиги меҳнат қандай ташкил этилишига боғлиқ. Иш ўринларини ташкил этишдан юқори унумли меҳнатни таъминлаш учун энг қулай шароит яратиш мақсади кўзланади. Шунинг учун меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ислоҳ этиш бевосита иш жойидан бошлаши керак.

Меҳнат шароитларини баҳолаш амалдаги даражани нормативдагига нисбатан қандай аҳволда эканлигини такқослаш асосида амалга оширилади. *Меҳнат шароитларини баҳолаш ҳамда белгиланган нормативларга мос бўлган соғлом ва хавфсиз шароитларни яратиш иш ўринларини аттестация қилишнинг асосий мақсади ҳисобланади.*

Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишнинг норматив асослари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёни оғирлиги ва тигизлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитлари гигиеник таснифи” 0112-01-сон Санитария қоидалари ва нормалари;
- Меҳнат хавфсизлиги тизими стандартлари (МХТС);
- Ўзбекистон Республикаси Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон Қарори билан тасдиқланган “Имтиёзли пенсия таъминоти ҳукукини берувчи ишлаб чиқаришлар, иш-

лар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2, 3-рўйхатлари⁷⁸.

”Иш ўринларини аттестация қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– ишлаб чиқариш муҳити омилларини, меҳнат жараёни оғирлиги ва тифизлигини комплекс текшириш, иш ўрнининг зарарли ва хавфли меҳнат шароитлари қайси тоифаси ва даражасига тааллуқлилигини асослаш;

– ходимларнинг ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқлари бор ёки йўқлигини тасдиқлаш;

– бугунги кун талабларига жавоб берадиган иш жойларини аниқлаш;

– ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ҳамда ишнинг алоҳида хусусиятига кўра ҳар йилги қўшимча таътил берилишини асослаш;

– ноқулай меҳнат шароитлари пайдо бўлиши омиллари ва сабабларини аниқлаш;

– меҳнат шароитларини соғломлаштириш, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликларининг профилактикаси бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш.

Иш жойларини аттестация қилиш бир неча асосий босқичлардан иборат бўлган жараёндир.

1-босқич. Иш жойларини аттестация қилиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш:

– барча иш жойлари рўйхатини тузиш;

– хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш;

– аттестация комиссияси таркибини шакллантириш;

– зарур бирламчи материалларни тўплаш.

2- босқич. Қуйидаги омилларни ўлчаш ва баҳолаш:

– ишлаб чиқариш муҳитининг зарарли ва хавфли омилларини;

– меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тифизлигини;

– иш жойларининг шикастланишдан хавфсизлигини;

– шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиқни.

3-босқич. Иш жойларини аттестация қилиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш:

⁷⁸ Радкевич М. Корхоналарда иш жойларини аттестациядан ўтказиш // “Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2009 йил, 6-сон. 25-бет.

– меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестация қилиш хариталарини;

– бўлинмалар бўйича ва умуман корхона бўйича йиғма ведомостларни;

– меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар режаси лойиҳасини;

– иш жойларини аттестация қилиш бўйича хулосалар лойиҳасини тайёрлаш.

Иш жойида меҳнат шароитларини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

– амалдаги санитария-гигиена шароитларининг норматив талабларга мувофиқлиги;

– ишлаб чиқариш жараёни, машина-ускуналар, иш ўрни ташкил этилишининг хавфсизлик стандартлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш нормативларига мувофиқлиги.

Ноқулай омилларнинг таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаш услуги тегишли норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилади. Зарарли омилларни баҳолашда меҳнат хавфсизлиги стандартлари, тармок стандартлари, санитария норма ва қоидалари, гигиена нормалари норматив асос вазифасини ўтайди.

Меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестация қилишни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан корхона ва ташкилотларда буйруқ чиқарилади. Унга мувофиқ аттестация комиссиялари тузилади, зарурат бўлса корхона таркибий бўлинмаларида ҳам комиссиялар тузилади. Аттестация комиссияларининг раислари, аъзолари ҳамда меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестация қилишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш, олиб бориш ва сақлаш учун масъул шахслар тайинланади. Шунингдек, меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестация қилиш муддатлари белгиланиб, жадваллар тузилади.

Аттестация жараёнида ишлаб чиқариш муҳитининг зарарли ва хавфли омилларини аниқлаш учун талаб этиладиган иш ҳажми аниқланади. Ишлаб чиқариш муҳитининг омиллари даражасини ўлчашга белгиланган тартибда лабораториялар жалб этилади. Ўлчаш метрология аттестациясидан ва давлат текширувидан ўтган асбоблар ёрдамида амалга оширилади.

Ахборотларни тўплашда баённомалардан фойдаланилади. Уларнинг шакли, у ёки бу омилни ўлчашни ўтказиш тартиби норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги маълумотлар асосида уларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси аниқланади. *Зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси - ходим бутун меҳнат фаолияти мuddатида белгиланган иш куни тартиби бўйича иш бажариш жараёнида шикастланиш, касалланиш ёки соғлиги ёмонлашишига олиб келмайдиган даражадир.*

Ҳар бир иш ўрни учун меҳнат шароити харитаси тузилади, сўнг йиғма ведомостда аттестациядан ўтказилаётган иш ўринлари ва улардаги шароит тўғрисидаги маълумотлар киритилади.


Аттестация комиссияси аттестация натижаларини таҳлил этиш асосида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар режасини тузади. Бунда корхона бўлинмалари ва айрим ходимлардан тушган таклифлар ҳам ҳисобга олинади. Мазкур режа аттестация қилиш раиси томонидан имзоланади ва касаб-а уюшмаси ташкилоти билан қелишилгандан сўнг иш берувчи (корхона раҳбари) томонидан тасдиқланади. Мазкур тадбирлар режаси жамоа шартномасига киритилади.

Иш жойларини аттестация қилиш жараёни 3.9-, 3.10-, 3.11-, 3.12-, 3.13-, 3.14-расмларда акс эттирилган.

Иш жойларини аттестация қилиш кўп меҳнат ва молия маблағлари талаб этадиган тадбирдир. Шунга қарамай, корхоналар улар ўтказилишини таъминлашлари керак. Ходимлар саломатлигини сақлаш, улар меҳнати хавфсизлигини таъминлаш учун харажатлар ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, касб касалликлари даражаси пасайиши ҳисобидан қопланади. Бу эса пировард натижада ҳам ходимлар меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳам ходимлар саломатлигига етказилган зарарни қоплаш учун сарфланадиган маблағни тежашга хизмат қилади.

Лекин кўпгина иш берувчилар иш ўринларини аттестация қилишни ташкил этишга етарлича аҳамият бермайдилар. Мавжуд маълумотларга кўра мамлакатда ҳар йили фақат 100 мингга яқин иш ўринлари аттестация қилинади. Бу аттестация қилиниши керак бўлган иш ўринларининг 40,0 фоиздан ҳам камроғини ташкил этади.


Иш берувчилар бугунги кунда ҳам иш жойларини аттестация қилмасдан касб хавфларини қамайтиришга қаратилган ишларни режали ва тизимли олиб боришнинг имконияти йўқлиги тушуниб етмаганлар. Иш жойлари аттестация қилинмаслиги




3.9-расм. Иш жойларини аттестация қилишга тайёрлаш.

оқибатида зарарли ва хавфли меҳнат шартнонларида иш билан банд бўлган ходимларга амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳамда жамоа шартномалари ва битимларида белгиланган қўшимча имтиёзлар ва компенсациялар берилмайди.


Аттестацияни ўтказиш жараёнида бир катор омилларни ҳисобга олиш керак. Корхона раҳбари (мулк эгаси, иш берувчи) томонидан қасаба уюшмаси ташкилоти билан келишган ҳолда тасдиқлаган аттестацияни ўтказиш муддатлари ҳар тарафлама мақбул, яъни жуда ҳам кўп вақтни олмаслиги ёки, аксинча жуда қисқа муддатга мўлжалланмаслиги лозим. Бу тадбир




3.10-расм. Иш жойидаги меҳнат шароитларини гигиеник баҳолаш.




3.11-расм. Иш ўринлари шикастланишдан хавфсиз эканлигини баҳолаш.



3.12-расм. Ходимларнинг шахсий химоя воситалари билан таъминланишларини баҳолаш.



3.13-расм. Иш ўринларида меҳнат шaroитларининг амалдаги аҳволини баҳолаш.



3.14-расм. Иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестацияси натижаларини расмийлаштириш.

шошма-шошарлик билан амалга оширилса, аттестация турли босқичларида расмийлаштиришга йўл қўйилиб, мазкур ишнинг самарадорлиги пасаяди.

Аттестация ўтказиш муддатларининг ҳаддан ташқари чўзилиб кетиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолда аттестацияга киришилиш ва уни ниҳоясига етказиш, аттестация комиссияси тавсиялари асосида маъмурият томонидан қарор қабул қилиш ораликларида катта узилишларга йўл қўйилади. Айни пайтда аттестация натижаларининг ошқоралигини таъминлаш, уларни жамоаларда ва техника кенгашларида таъсирчан муҳокама қилишда муаммолар юзага чиқади. Пировард натижада аттестациянинг самарадорлиги пасаяди. Аттестацияни ниҳоясига етказиш ва унга яқун яшаш муддатларининг чўзилиб кетиши, шунингдек аттестация комиссияси тавсияларини,

ходимлар томонидан аттестация жараёнларида билдирилган таклифларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқирилишини кечиктириб юборишга олиб келади.

Иш жойларини аттестация қилиш муддатлари бўйича тузилган жадвал маълумотлари мазкур тадбирга киритилишидан бир ой аввал корхонанинг таркибий тузилмаларига етказилиши керак. Бу жадвални тузишда аттестациядан ўтказиладиган иш ўринларининг умумий миқдори, ташкил этилган аттестация комиссияси аъзоларининг сони, шунингдек ҳар бир иш ўрнини аттестация қилиш учун талаб этиладиган вақт ҳисобга олиниши лозим. Иш жойларини ҳолис ва малакали аттестация қилиш, иш натижаларини муҳокама қилиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш аттестация комиссияси фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланад.

Ҳар бир аттестация комиссияси ўз иш режасига эга бўлиши керак. У расмийлаштирилган ҳолда тузилмасдан, балки режада меҳнат жамоасида аттестация ўтказишнинг мақсадлари ва уни ўтказиш тартиби бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, аттестация жараёнида аттестация комиссияси ҳар бир аъзосининг вазифаси аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

Режада аттестацияга яқун яшаш ҳамда бу яқун натижалари асосида меҳнатни ташкил этишдаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Иш жойларини аттестация қилишни режали ўтказиш бу тадбир усулларини такомиллаштириш, аттестацияни ташкил этиш учун масъулиятни ошириш ҳамда ишда расмийлаштирилган йўл қўймаслик мақсадларига хизмат қилади.

Аттестация комиссияси аъзолари томонидан мазкур тадбир мақсадлари ва тартиби тўғрисида йўриқнома кенгашларида тушунтириш ишлари олиб бориш жараёнида аттестация ўтказиш давомида иш ўринларининг ҳолатига қўйиладиган талабларга риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилиши даркор.

Ишлаб чиқаришдаги машина-ускуналар алмаштирилса ёки технологик жараён ўзгартирилса, жамоа ҳимоя воситалари таъмирланса, шунингдек меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси талабига кўра иш ўринлари қайта аттестация қилиниши керак.

Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация

қилиш услубларига ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари кўрсаткичларини ўлчаш, меҳнат жараёни оғирлиги ва тигизлигини аниқлаш, иш жойларининг шикаст етказиш хавфини баҳолаш киради. Бу ишларни корхонанинг лабораториялари амалга оширади. Шундай лабораториялар мавжуд бўлмаса, бу ишга давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, мазкур ишларни ўтказиш ҳуқуқи берилган лабораториялар жалб этилади.

Аттестацияни ўтказишда *“Меҳнат шароитларини ишлаб чиқариш муҳитининг зарарли ва хавфли омиллари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тигизлиги кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ва таснифлашнинг гигиеник мезонлари”* асосий ҳужжат ҳисобланади. Унда шовкин, тебраниш, чангланиш, атроф-муҳитнинг ноқулайлиги, нурланиш, шунингдек меҳнатнинг оғирлиги ва бир хиллиги, меҳнат шароитлари тоифалари кўрсаткичлари келтирилади. Бу кўрсаткичлар иш жараёнида, яъни соз бўлган жамоа ва шахсий ҳимоя воситалари билан технологик қоидаларга асосан ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш пайтида ўлчаш асосида бажарилади.

Ҳар бир иш жойи (ёки бажарилаётган иш ҳамда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бир хил бўлган гуруҳлари) учун иш жойининг меҳнат шароитлари бўйича аттестация харитаси тузилади. Ишлаб чиқаришдаги омилларнинг ўлчовлари аттестация харитасига илова сифатида алоҳида варақларда махсус шакл бўйича расмийлаштирилади.

Иш ўринларининг шикастланишдан хавфсизлигини баҳолашнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш машина-ускуналари;
- мосламалар ва асбоб-ускуналар;
- ўқитиш ва йўриқнома бериш воситалари билан таъминланганлик.

Ҳар бир иш ўрни бўйича назорат объекти – ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги, уларнинг нормативларга мувофиқлиги ҳисобланади. Шахсий ҳимоя воситаларининг самарадорлиги нормативларга мувофиқлик сертификатлари билан тасдиқланиши зарур. Ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши алоҳида баённомада расмийлаштирилади.

Ҳар бир иш ўрнини таҳлил қилиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

– *норматив талабларга мувофиқ бўлган (аттестация қилинган) иш ўринлари* бўйича – ўзгартиш киритмасдан фойдаланишни давом эттириш;

– *такомиллаштириш талаб этиладиган иш ўринлари* бўйича – меҳнат шароитларини яхшилаш, оғир ва қўл меҳнатини қисқартириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

– *иш ўринларини такомиллаштириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган иш ўринлари* бўйича – бу иш ўринларини тугатиладиган иш ўринлари гуруҳига киритиш;

– *тугатиш зарур деб топилган иш ўринлари* бўйича – уларни тугатиш, мазкур иш ўринларида бажариладиган ишларни норматив талабларга мувофиқ бўлган бошқа иш ўринларида бажариш. Бу ҳолда машина-ускуналарни созлаш ёки уларни бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларига бериш, мазкур иш ўринларида банд бўлган ходимларнинг малакасини ошириш ва ишга жойлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилади. Айни пайтда тугатилётган иш ўринларини норматив талабларга жавоб берадиган ҳолга келтириш ишлари бажарилиши мумкин.

Иш ўринларида меҳнат шароитлари ва техника хавфсизлигини яхшилашга қаратилган тадбирлар қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

– энг макбул ҳаво ҳарорати ва ёритиш режимини яратиш;

– шовкин, тебраниш, чангланиш, ортикча намлик, газ бўлиши, турли нурланишлар манбаларини бартараф этиш, ихоталаш;

– ноқулай ишлаб чиқариш муҳити таъсиридан шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларини жорий қилиш;

– қўл меҳнати, оғир жисмоний меҳнат ва бир хил меҳнат талаб қиладиган жараёнларни қисқартириш, уларни макбул ҳолатга келтириш;

– оқилона меҳнат ва дам олиш тартибини, иш қобилиятини тиклашнинг самарали усулларини жорий этиш;

– хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш.

Иш ўринлари аттестациясининг натижалари корхонага ишларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги сертификатни бериш учун асос бўлади. Бу ҳужжат корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар давлат томонидан белгиланган

талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди. Сертификациялашнинг уч тоифаси мавжуд:

– биринчи – агар барча иш ўринларининг камида 90,0% аттестация қилинган, қолган иш ўринларида эса ташкилий-техникавий тадбирлар ўтказиш мўлжалланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилган бўлса. Бунда ана шу тадбирлар сертификат берилгандан сўнг узоғи билан 6 ой ичида бажарилиши таъминланиши лозим;

– иккинчи – агар барча иш ўринларининг камида 75,0% аттестация қилинган, қолган иш ўринларида эса ташкилий-техникавий тадбирлар ўтказиш мўлжалланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилган бўлса. Бунда ана шу тадбирлар сертификат берилгандан сўнг узоғи билан бир йил ичида бажарилиши таъминланиши лозим;

– учинчи – агар барча иш ўринларининг камида 50,0% аттестация қилинган, қолган иш ўринларида эса ташкилий-техникавий тадбирлар ўтказиш мўлжалланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилган бўлса. Бунда ана шу тадбирлар сертификат берилгандан сўнг узоғи билан икки йил ичида бажарилиши таъминланиши лозим.

Сертификатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига, шунингдек уларнинг тоифасига корхонада меҳнат шароитлари ва меҳнат хавфсизлигининг ўзига хос умумлаштирувчи мезон сифатида қаралиши мумкин.

Аммо, фикримизча, иш ўринларини аттестация қилишнинг ҳозир амалда бўлган услуби ва амалиёти жиддий камчиликларга эга.

Биринчидан, ҳақиқатан ҳам иш ўринларини аттестация қилишни хоҳловчи кўпгина корхоналарда ишлаб чиқаришнинг зарарли ва хавfli омилларини ўлчаш учун ҳақ тўлаш муаммоси жиддий тўсқинлик қилмоқда. Натижада иш берувчи олдида юзлаб минг сўм маблағ сарф этиб, кўзда тутилган барча ўлчовларни амалга ошириш ёки бу маблағларни бошқа максадларга сарфлаш муаммоси қўндаланг бўлади. Қанча кўп омиллар ўлчаниши талаб этилса, шунча кўп молиявий маблағ сарфланади. Шунинг учун унча катта бўлмаган корхоналар раҳбарлари, айниқса молиявий муаммоларга дуч келган бўлсалар, ё бу ўлчашларни чала-чулпа ўтказадилар ёки умуман ўтказмайдилар. Оқибатда иш ўринлари аттестацияси ҳолис бўлмайди.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш муҳитининг айрим кимёвий ва физик омиллари ўлчовини ўтказиш заруратини ҳамиша ҳам асослаб бўлмайди, чунки иш берувчининг қатъий фикрига кўра иш ўринларида бундай омиллар таъсири умуман сезилмайди.

Учинчидан, аттестация ўтказиш услубиёти тегишли тармоқ коидалари (услубий тавсиялар) ёки шу каби ҳужжатлар ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтай олмайди. Чунки аввал бошдан иш жойларини аттестация қилишда баҳолаш усуллари тармоқ (ҳудудий) хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш ёки ана шу мақсадларда гигиеник баҳолаш мезонларини қискартириш кўзда тутилмайди.

Шунинг учун бунга асос бўладиган услубиёт куйидагиларни талаб этади:

- истисносиз барча иш ўринлари аттестация қилиниши керак. Лекин бу барча тармоқлар учун ҳам мақбул эмас;

- меҳнат шароитлари ва хусусиятларини гигиеник баҳолаш ҳамиша лаборатория усулида амалга оширилиши керак. Бироқ бунинг техник жиҳатдан ҳамиша ҳам имконияти йўқ;

- аттестация хариталарида гигиена мезонларида кўзда тутилган барча кўрсаткичлар тўла-тўқис ҳисобга олиниши керак.

Юқорида қайд этилган талаблар иш берувчини амалда аттестация услубиётини ишлаб чиқариш шарт-шароитларига мослаштириш имкониятидан маҳрум этади. Бу эса ҳақиқатан ҳам ходимлар соғлиғи ва хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш омилларини аниқлашга тўсқинлик қилади.

Тўртинчидан, юқорида қайд этилган мезонлар жуда катта ҳажмдаги ахборотни муҳассамлаштирган. Уларни, ҳатто махсус маълумотга эга бўлган мутахассис ҳам тўлиқ эгаллаб олиши қийин. Меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тизимлиги барча омиллари мезонларини истисносиз ҳисобга олиш зарурати катта шубҳа туғдиради. Масалан, субъектив ҳисобланган омиллар: бир хилдаги иш ҳаракати, ходим танасининг ҳолати, ақлий босим, сенсор ва ҳиссиёт босимини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқми? Шунинг учун иктисодиёт тармоқлари ривожланишининг ҳозирги босқичида техник жиҳатдан амалга ошириш имкони бўлган, ходимга таъсир кўрсатаётган омилларни, уларни бартараф этиш ёки таъсирини камайтириш мезонларини баҳолаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация

килиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини таҳлил этиш куйидаги хулоса чиқариш имконини беради. Корхоналарга бугунги кунда таркиб топган шароитларда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фонди тарифига чегирма ва устама сифатида ўрнатилган асосий мезонлар – ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликлари даражасига таъсир кўрсатадиган омилларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баҳолайдиган услубиёт зарур. Яъни давлат норматив талабларига мувофик бўлмаган меҳнат шароитлари суғурта қилиш ҳолига олиб келадиган ёки ходим учун ижтимоий жиҳатдан муҳим оқибатларга, масалан имтиёз ва компенсация ҳуқуқи пайдо бўлишига олиб келадиган меҳнат шароитлари баҳолашни керак.

Гигиена омилларини ўлчаш учун талаб этиладиган молиявий харажатлар ҳам ҳаддан ташқари катта бўлмаслиги лозим. Бу хизматлар учун нарх-наво давлат томонидан тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир. Аттестация жараёнида аниқланган мезонлар ва тўпланган ахборот махсус тайёргарликдан ўтган меҳнат гигиенаси врачлари ва экспертларигагина эмас, балки корхона мутахассисларига ҳам тушунарли бўлиши лозим. Бу иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишга янгича услубий ёндашувларни талаб этади. Бунда асосий масала – аттестацияда ҳолисликка эришиш, расмийлаштирилиши бартараф этишдир. Энг асосийси эса иш ўринларининг аттестацияси молиявий сарф-харажатлар ҳамда ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликларига таъсир даражаси нуктан назаридан самарали бўлиши лозим. Бундай ёндашув иш берувчиларни ходим учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш принципига тўла мос тушади.

Фикримизча, иш ўринларини аттестация қилиш тўғрисидаги низомига қуйидаги ўзгаришларни киритиш керак:

– *иш ўринлари аттестацияси ҳар беш йилда эмас, балки ҳар уч йилда ўтказилиши мақсадга мувофиқ*, чунки фан-техника ютуқлари натижасида ишлаб чиқаришдаги техника ва технологиядаги ўзгаришлар жуда тезлашиб кетган, бу эса меҳнат шароитларига катта таъсир кўрсатади;

– *аттестацияни ўтказишда албатта халқаро стандартлар (ИСО) талаблари ҳисобга олинishi керак*.

Иш жойларининг аттестацияси меҳнатни муҳофаза

килишнинг муҳим таркибий қисми – меҳнатни муҳофаза қилиш тизими билан узвий боғлиқдир. Маълумки, бу тизимга асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалланишлари даражасини амалда камайтириш;

- амалдаги ҳуқуқий ва техникавий норматив ҳужжатлар талабларига ишлаб чиқариш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

- ишлаб чиқариш фаолияти барча зарур меҳнат, моддий, молиявий ресурслар билан таъминланиши зарур;

- меҳнат шароитлари устидан доимий назорат ўрнатиш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини ҳисобга олиш ва таҳлил этиш.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда иқтисодий соҳада халқаро алоқаларнинг кенгайиши, жаҳон бозорига интеграциялаш жараёнининг тезлашаётганлиги меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ташкилий усулларини такомиллаштиришга қизиқишни кучайтирмоқда. Бунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида тараккий этган давлатлар тажрибасидан мамлакатдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда ижодий қўллаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Шу муносабат билан мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида замонавий тизимлар - ИСО 90001:2000 (сифат менежменти тизими), ИСО 14001:1996 (атроф-муҳит менежменти тизими) ва OHSAS 18001:1999 (меҳнатни муҳофаза қилиш ва касб касалликларини олдини олиш соҳасидаги менежмент тизими) талабларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш чора-тадбирлари кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлигининг корхонада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини яратиш тўғрисидаги қарори асосида ГОСТ Р 12.0.006-2002 “ССБТ. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришга умумий талаблар” ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бунинг натижасида мамлакатимиз корхоналарида ўз тизимларининг OHSAS 18001:1999 талабларига мувофиқлигини сертификациялаш, демак халқаро бозордаги рақобат курашида айрим устуворликка эга бўлиш имконияти пайдо бўлди.

Шу билан бир каторда, афсуски, Ўзбекистонда меҳнатни

муҳофаза қилишни бошқариш тизимини сертификациялаш тизими ҳозирча амал этмаётганлигини кўрсатиш лозим. Бу ишни ҳозир чет эл сертификациялаш фирмалари амалга оширмоқдалар. Аммо сўнги вақтда бу йўналишда ижобий ўзгаришларни амалга ошириш ҳаракатлари пайдо бўлди.

OHSAS 18001:1999 халқаро стандартини ишлаб чиқиш учун Буюк Британиянинг BS 8800-95 “Персонал соғлиғи ва хавфсизлигини муҳофаза қилишни бошқариш тизимлари бўйича қўлланма” асос бўлган.

Юқорида қайд этилган барча стандартларни бир-бири билан таққослаш имконияти мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда корхонада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг тизимости унсур сифатида корхонани бошқариш (менежмент) ягона интеграциялашган тизими бошқа тизимости элементлари билан бирлаштирилиши мумкин.

Стандарт умумтехникавий хусусиятга эга бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими элементларига бўлган талабларни ўрнатади. Стандарт талаблари корхоналарнинг (уларнинг иқтисодийётнинг қайси тармоқларига тааллуқлилигидан қатъи назар) барча турлари учун қўлланилса бўлади. Стандартнинг асосий мақсади корхонага меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш, уни ишга қобилиятли ҳолатда саклаб туришда ёрдам кўрсатишдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ИСО 90001:2000 бошқарув тизимида “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимидан фойдаланиш бўйича қўлланма” асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида корхона бошқаруви ва бўлимлари, шунингдек уларда ишлайдиган мансабдор шахслар ўртасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро ҳамкорликни оқилона ташкил этиш мазкур ҳужжатнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Юқорида Навоий кон-металлургия комбинатида бу тизимдан самарали фойдаланишда эришилаётган муваффақиятлар қайд қилинган.

Корхонада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими бошқарувнинг қуйидаги асосий функция ва усуллари амалга оширилиши таъминлашга қаратилган:

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни режалаштириш;
- меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини назорат қилиш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ҳисобга олиш ва таҳлил этиш;

– меҳнатни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга қаратилган ишларни рағбатлантириш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш.

Ҳар бир корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни режалаштириш куйидаги йўллар билан амалга оширилади:

– меҳнат шароитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш комплекс режалари ҳамда санитария-соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқариш маданиятини ошириш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

– меҳнат шароитларини яхшилаш ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга йўналтирилган рационализаторлик ишларни режасини ишлаб чиқиш.

Меҳнатни муҳофаза қилишни муҳофаза қилиш тизимида корхона ичида назоратни самарали ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун корхонада ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаётган ҳамда бу соҳада назоратни амалга ошираётган мансабдор шахслар, муҳандис-техник ходимларнинг хизмат вазифалари аниқ белгилаб қўйилиши керак. Шу билан бир каторда корхонада амалдаги техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси коидалари ҳамда меҳнат қонунчилиги, норматив-техникавий ҳужжатлар (хизмат йўриқномалари, техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар, технологик нормативлар ва ҳоказолар) талабларига жавоб берадиган меҳнат хавфсизлиги тизими амал қилиши лозим.

Ишлаб чиқариш фаолияти барча йўналишларида иш услубларини такомиллаштириш ва сифатини оширишнинг энг муҳим воситаси эришилган натижаларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли усуллари самарали қўллаш, шу билан бир каторда ишда камчилик ва нуқсонларга йўл қўяётган айрим ходимларга нисбатан интизомий ва маъмурий жазо чораларини оқилона қўллашдир.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти меҳнатни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга қаратилган ишларни

рағбатлантириш учун, одатда, улар ихтиёрида бўлган моддий рағбатлантириш фондларидан ҳамда моддий рағбатлантириш барча турларидан фойдаланилади. Корхонада шу мақсадда маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти томонидан амалдаги меҳнат қонунчилиги қоидаларини ҳисобга олган ҳолда мукофотлаш шартлари ишлаб чиқилиши керак. Уларда мукофотнинг умумий миқдори ёки мукофотланиш даражаси ҳамда рағбатлантиришнинг молиявий манбалари кўрсатилиши даркор. Ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни мукофотлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

- цехда авариясиз ва ишлаб чиқариш носозликларисиз ишлаш учун;
- техника хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига риоя этиш учун;
- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этишнинг комплекс кўрсаткичлари учун.

Бошқарувнинг ҳар бир тизимида бўлгани каби меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида ҳам барча ишлар аниқ мувофиқлаштирилган ва тартибга солинган бўлиши даркор. Корхона маъмурий-техник персонали амалий фаолияти корхона раҳбари ва жамоатчилик бирлашмалари томонидан тўлиқ мувофиқлаштирилиб туриши лозим.

Ўзбекистон Республикасида бир неча йилдан буён меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Бу тизимни ишлаб чиқишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Республика илмий маркази ҳамда ушбу тадқиқот муаллифи иштирок этмоқда. Мамлакат корхоналарида жорий этилаётган бу тизим ўзига хос хусусиятларга эга.

Навоий вилоятидаги “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда мамлакатдаги қатор бошқа корхоналар иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳридаги Республикалараро касаба уюшмалари курслари меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини яратдилар ва бу тизимни жорий этиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқдилар. У қуйидаги бўлимлардан иборат:

- умумий қоидалар;
- ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликла-

рининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ташкил этиш;

- маъмурий-бошқарув персонали ва муҳандис-техник ходимларнинг техника хавфсизлиги қоидалари, меҳнат хавфсизлиги стандартларига риоя этиш бўйича мажбуриятлари;

- техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича ишларнинг асосий кўрсаткичлари;

- меҳнат хавфсизлиги қоидалари, норма ва стандартларига риоя этиш бўйича ишлар натижаларини баҳолаш;

- меҳнат шароитлари ва меҳнат хавфсизлигининг аҳволини назорат қилишни ташкил этиш бўйича назорат хизматлари ва мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари;

- ходимларни хавфсиз иш усулларига ўқитишни ва уларга йўриқнома беришни ташкил этиш;

- хавфсизлик талабларини бузувчилар билан ишлашни ташкил этиш;

- ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлашда юқори кўрсаткичга эришганликлари учун мукофотлаш;

- мансабдор шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг ягона тизими қоидаларини ёки стандартларини бузганликлари учун жавобгарлиги.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни баҳолаш учун қабул қилинадиган кўрсаткичлар ишлаб чиқариш хусуси-тига боғлиқ равишда белгиланади.

Бу тизимга риоя этишни таъминлашга қаратилган ишларнинг ташкилий шакллари корхона ҳар бир ходими билан ҳар бир иш ўрнида хавфсиз меҳнат шароитини яратишнинг муҳимлиги тўғрисида доимий тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат. Бунда ҳар бир ходим томонидан барча ишлар ва технологик жараёнларни хавфсиз бажаришни таъминлайдиган хизмат вазифалари ва белгиланган қоидаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда муҳандис-техник ходимлар ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи йўриқчилар томонидан барча ходимларнинг ўз хизмат вазифалари, машина-ускуналарни ишлатиш, қурилма ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳамда таъмирлаш ишларини бажаришда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини доимий назорат қилиб боришни йўлга қўйиш талаб этилади.

Иш хавфсизлиги талаблари бузилишига олиб келадиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш ҳам жуда муҳим.

Техника хавфсизлиги соҳасидаги ишларнинг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар киритилиши мақсадга мувофиқдир:

- меҳнат жамоаларининг аварияларсиз ва ишлаб чиқариш носозликларисиз ҳамда ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларисиз ишлаш даври;

- машина-ускуналарини таъмирлаш билан боғлиқ ишларни амалга оширишда белгиланган қоидаларга риоя этилиши;


- меҳнат шароитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш комплекс тадбирлари режалари ҳамда санитария-соғломлаштириш тадбирларининг бажарилиши;

- мансабдор шахслар томонидан меҳнат шароитларини яхшилаш ва профилактика тадбирларини ўтказиш бўйича вазифаларни бажаришлари.

Шу билан бирга корхонада техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган профилактика ишлари ҳисоботлари ҳам тузилиши керак. Бу ҳисоботларда ишлаб чиқариш бўлинмаси (цех, участка) бошлиғининг ўтказилган профилактика ишлари тўғрисидаги ҳисоботи, корхона ишлаб чиқариш бўлимининг рўй берган авариялар, носозликлар тўғрисидаги ҳисоботи, юқорида қайд этилган масалалар бўйича бошқа бўлимларнинг ҳам ҳисоботлари, саноат-санитария лабораториясининг ишлаб чиқаришдаги санитария-гигиена шароитларининг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи мужассамлантирилиши керак.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари албатта ҳисобга олинishi ва шундан келиб чиққан ҳолда корхона ишлаб чиқаришининг асосий бўлинмаларида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш чора-тадбирлари кўрилиши керак. Мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бири “Муборакнефтгаз”да худди шундай йўл тутилади. Бу ерда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш ўзаро узвий боғлиқ мақсад, функция ва вазифалардан иборат (3.15-расм).

“Муборакнефтгаз” ўз ишлаб чиқариш технолгиясига кўра ёнгин хавфи юқори бўлган объект ҳисобланади. Корхонадаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги хизматининг асосий вазифаси кечаю кундуз, бутун йил давомида, бетўхтов



3.15-расм. “Муборакнефтваз” меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги хизматининг функция ва вазифалари.

газ, нефть ва конденсанти казиб олиш, саклаш ҳамда асосий истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлашдан иборат.

Корхона персонали 4200 нафар ишчи-хизматчидан иборат. Унинг таркибида 7 та йирик газ-нефть кони, 2 та эстакада, кўплаб бошқа инфратузилма объектлари мавжуд. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги хизмати эса жойлардаги 23 нафар муҳандис-техник ҳамда марказий идорадаги бўлимда хизмат қиладиган 3 нафар мутахассисдан иборат. Корхонанинг ҳар 170 нафар ходимиغا меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлимининг 1 та муҳандиси тўғри келади. Бу мутахассислар томонидан корхона ходимларининг меҳнат шaroитларини яхшилаш ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар профилактикаси юзасидан собитқадамлик билан иш олиб борилмоқда.


2007 йилдан буён “Муборакнефтьгаз”да ОН SAS 18001:1999 халқаро стандарти тизими ва шахсий ҳимоя воситаларига корпоратив стандартни жорий қилиш бўйича ходимларни ўқитиш амалга оширилмоқда. “Муборакнефтьгаз”нинг меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабининг Чирчик аттестация маркази, Фавкуллда ишлар вазирлигининг Қарши маркази, Тошкент Стандартлаш, метрология, сертификация илмий тадқиқот институти, темир йўлларда хизмат кўрсатиш курслари, сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича курслар, Тошкент фуқаролар ҳимояси ва фавкуллда вазиятлар институти, Тошкент тиббиёт академияси, ТАСИС ўқув маркази, Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳузуридаги малака ошириш марказида ташкил этилган.

“Муборакнефтьгаз”да конларда меҳнат қиладиган ходимларни ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган.

Бу ерда ҳар йили меҳнат шaroитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, хусусан сут, бошқа озик-овқат маҳсулотлари, адабиётлар, шахсий ҳимоя воситалари, тиббий аптечкалар харид қилиш ҳамда санитария-маиший буюмларни таъмирлаш учун 300 млн.дан 2 млрд.сўмгача сарф-харажат қилинмоқда (3.16-расм).

Корхонада ҳар йили 400 нафардан кўпроқ ходим хавфсиз меҳнат қилишга ўқитилади ва уларнинг малакалари оширила-

ди. Умуман олганда бу ерда кейинги 8 йил мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш учун сарф-харажатлар 14 барабарга ортди.



3.16-расм. “Муборакнефтваз”да мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун сарф-харажатлар динамикаси.

“Муборакнефтваз”да ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлигига алоҳида эътибор берилди. Бугунги кунда бу ерда 10 та ўт ўчириш қисмлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг таркибида 30 та ўт ўчириш машиналари ва 500 нафарга яқин тайёргарликдан ўтган ўт ўчирувчилар мавжуд.

Корхона ишчи ва хизматчиларининг масъулиятини ошириш ҳамда ёнғинни олдини олиш талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида маъмурият буйруғи билан “Ёнғин-техника комиссияси” ташкил этилган. У белгиланган жадвалга мувофиқ йилнинг ҳар бир чорагида корхона объектларида ёнғиндан сақланиш қоидаларига риоя этилишини текширувдан ўтказди. Бундан ташқари участкаларда ҳам кўнгилли ўт ўчириш гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар ёнғинни олдини олиш бўйича 12 соатлик дастур асосида ўқитилади. Айни пайтда ўт ўчирувчилар билан ҳам амалий машғулотлар ташкил этилади. Ҳар йили 15 ноябрдан 15 декабргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

“Муборакнефтваз” каби корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда мамлакатдаги хўжалик юритувчи субъектларда бу соҳадаги ишларнинг аҳволини тўла қониқарли деб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти тадбиркорликни ривожлантириш, сарф-харажатларни камайтириш, даромадларни ошириш учун қатта имкониятлар яратди. Аммо шу билан бирга меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини таъминлаш масалалари иккинчи ўринга тушиб қолди. Ташкил этилган акциядорлик жамиятлари, кичик бизнес субъектлари, хусусий корхоналар аксарият ҳолатларда ишчан, ташаббускор ташкилотчилар томонидан бошқарилмоқда. Аммо уларнинг кўпчилиги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида етарлича билим ва малакага эга эмаслар.

Ҳозирга қадар ходимларни меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш бўйича самарали чораларни кўриш, ходимларни эса меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига қатъий риоя этишга рағбатлантирадиган самарали ташкилий, иқтисодий, норматив-ҳуқуқий механизмлар яратилмаган.

Амалда меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси билан боғлиқ барча муаммолар корхонада пайдо бўлар экан, демак корхонанинг ўзи томонидан амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилиши керак деган фикр устуворлик қилади. Таҷриба эса кўпгина корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг мажбурий равишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўрнатилган тартибда ўқитиш ҳамда уларнинг бу соҳадаги билимларини текшириш йўлга қўйилмаган;

- иш берувчи томонидан касаба уюшмаси ташкилоти фикрини ҳисобга олган ҳолда ходимлар учун касблар ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан йўриқномалар ишлаб чиқилмаган ва жорий этилмаган;

- ходимларга берилган шахсий ҳимоя воситаларининг сифати паст, сертификатга эга эмас ва ўз хусусиятига кўра ҳимоялашни таъминлай олмайди. Қатор корхоналарда эса умуман ходимлар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаган;

– иш берувчилар томонидан ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларининг техник ҳолати ҳамда уларни хавфсиз эксплуатация қилиниши устидан текшириш ва назорат ўрнатилган тартибда амалга оширилмайди;

– меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги давлат норматив талабларига, айниқса истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини хавфсиз эксплуатация қилиш, юклаш-ортиш ишларини амалга ошириш, автомобиль транспорти ва машина-ускуналардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари кўпдан-кўп бузилиши ҳолатлари учрайди.

Иш берувчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти, улар ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини белгилаш ҳам ҳал этилмай келанаётган муаммолардан биридир. Бунда ҳамма айбни факт иш берувчиларга тўнкаш ҳам инсофдан эмас. Масалан, хавфли ва зарарли шароитларда ишлаганлар учун имтиёзлар ва компенсациялар бериш тизими мукамал эмаслиги сабабли иш берувчилар ходимларни замонавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ўрнига уларга арзимаган устама тўлаш билан чегараланадилар. Ходимлар эса зарарли шароитларда меҳнат қилганлиги учун устамалар ва қўшимча таътил оладилар, пенсияга муддатидан илгари имтиёзли равишда чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар, меҳнат шароитларини яхшилашдан эса бевосита зарур даражада манфаатдор эмаслар. Бир қарашда бу ҳолат ҳаммани қониктиради. Амалда эса ходим ўз соғлигини хавф остига қўйиб зарар кўради.

Мамлакатдаги иш берувчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари сарф-харажатларини олган фойдалари ҳисобидан молиялаштиришлари белгиланган. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар қонунчилигида эса бундай сарфлар ишлаб чиқариш харажатларига киритилиб, маҳсулот таннархи ҳисобидан қопланади. Бу мамлакатларда меҳнатни муҳофаза қилишга бирон-бир қўшимча ижтимоий тадбир сифатида эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган бошқарув тизимининг таркибий қисми деб қарашади. Шу сабабли Европада механик шикастланиш муаммолари XX асрнинг 70-йилларидаёқ ҳал этиб бўлинди. 80- ва 90-йилларда эса психологик зўриқиш ва ишлаб чиқариш стрессини олдини олиш билан шуғуллана бошланди. Ҳозирги пайтда мазкур мам-

лакатларда бу соҳадаги энг муҳим йўналишлардан бири меҳнат жамоасидаги муҳитни яхшилаш, ходим ижтимоий фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Мазкур соҳага йўналтирилаётган барча маблағлар салмокли иктисодий фойда келтирадиган ишлаб чиқаришга, инсон капиталига инвестициялар сифатида баҳоланади.

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқаришни тубдан яхшилаш учун қуйидаги ўзгартиришларни амалга оширишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаш керак:

– меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар сиёсатининг ишончли тизимини яратиш лозим. Барча корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш (тиклаш), тармоқ, техникавий-ташкилий ва фаолиятнинг бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бу хизматлар таркиби микдорини аниқ белгилаб қўйиш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар мақомини ошириш, улар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, вакилларнинг корхонада қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича ўз функция ва вазифаларини муваффақиятли бажаришларидан моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари, шунингдек иш берувчилар ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига алоқадор бошқа шахсларни ўқитиш, малакасини ошириш бутун тизимини тартибга солиш;


– комиссиялар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик бирлашмалари фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш, улар ишини фаоллаштириш, шартнома ва битимларини тузишни тартибга солиш ҳамда уларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича барча келишувларга қатъий риоя этилишини таъминлаш;

– ходимларнинг техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишлари, тиббий кўрикдан ўтишлари, меҳнат муҳофазаси ҳамда бахтсиз ҳодисаларни ижтимоий суғурта қилиш бўйича ҳукукий билимларни эгаллашдан манфаатдорликларини ошириш чораларини кўриш.

3.4. Кичик бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг хусусиятлари

Мамлакатда кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётганлиги яхши маълум. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов: “2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади”⁷⁹, – деб таъкидлади.

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг роли ва аҳамияти инобатга олинган ҳолда уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ-равшан чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 2001 йилдан 2009 йилгача деярли 730 маротабага ортди ва 1251,0 млрд.сўмни ташкил этди (3.17-расм).



■ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредитлар миқдори

3.17-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредитлар динамикаси (млрд.сўм ҳисобида).

Бу соҳада хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини камайтиришга алоҳида аҳамият берилади. Кичик бизнесда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови

⁷⁹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 46-бет.

шаклидаги соддалаштирилган соликка тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик тўлови ставкалари 2008 йилда 10,0 % дан 8,0 % га, 2009 йилдан бошлаб эса 7,0 % гача пасайтирилди.

Мамлакатда сўнгги олти йил давомида фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йили 400 мингтани ташкил этди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2007 йилдаги 45,5 % дан 2008 йилда 48,2 % га кўтарилди.

2008 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 3302,1 млрд. сўм микдорида саноат маҳсулотлари (мамлакат жами саноат маҳсулотининг 13,9 %) ишлаб чиқарилди, 1248,9 млрд. сўмлик кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97,8%) етиштирилди.

Мазкур соҳада мамлакат асосий капиталига инвестицияларнинг 1883,4 млрд. сўми (жами инвестицияларнинг 22,2%) ўзлаштирилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан 2034,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (барча қурилиш ишлари ҳажмининг 58,5 %) бажарилди.


Кичик бизнес субъектларининг маҳсулот экспортидаги улушлари ҳам ортиб бормокда. 2008 йилда улар томонидан 1421,5 млн. АҚШ доллари микдорида маҳсулот экспорт (умумий экспорт ҳажмининг 12,3%) килинди. Бу 2007 йилга нисбатан 6,0% кўп.

Кичик бизнес субъектлари ҳиссасига мамлакат юк айланмаси умумий ҳажмининг 73,0 %, жами йўловчилар ташишнинг 84,4 % тўғри келмокда.

2008 йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари томонидан 5929,2 млрд. сўмлик чакана товар айланмаси таъминланди. Бу ялпи чакана товар айланмасининг 47,2 % га тенгдир. Мазкур соҳа 2008 йилда аҳолига 2195,1 млрд. сўмлик пуллик хизмат кўрсатди. Бу мамлакат бўйича аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажмининг 49,1% ни ташкил этади⁸⁰ (3.18-расм).

Ҳозирги вақтда республика иктисодиётида иш билан банд бўлган барча аҳолининг 8024,1 минг нафари ёки 72,7 % кичик бизнес субъектларида меҳнат қилмокда. Шу жумладан, 5859,8 минг киши шахсий секторда, 2164,3 минг киши эса кичик корхона ва микрофирмаларда иш билан банд (3.19-расм).

⁸⁰ Статистическое обозрение Узбекистана. 2008. www.stat.uz.



3.18-расм. Кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи саноат ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш ишлари, экспорт ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмидаги улуши (% ҳисобида)⁸¹.



3.19-расм. Кичик бизнес соҳасида иш билан бандлар сонининг ўсиш динамикаси⁸².

Мамлакатда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инкирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесга солиқ ва кредит имтиёзлари бериш билан бир қаторда улар учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳам кўзда тутилган. Янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс

⁸¹ Статистическое обозрение Узбекистана. 2008. www.stat.uz.

⁸² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

базаси икки баробарга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий корхоналарга берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узок муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Молиявий маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан уч йил муддатга, микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми беш йил муддатга солиқдан озод этилди.

Тадбиркорлик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашуви кескин қискартирилди – текширишлар сонини камида яна 30,0 % га камайтириш белгилаб қўйилди.

Бу имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг янада жадал ривожланиши учун катта имкониятлар яратмоқда. Бу масалада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-112-сон Қарори⁸³ алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжатда тадбиркорлик субъектлари учун яна бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилган.

Кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга бу қадар катта эътибор уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулот, экспорт ҳажмини ошириш, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, айниқса аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдаги ҳал қилувчи роли билан изоҳланади.

Шу билан бирга хўжалик юритишнинг бу субъектларида меҳнатни ташкил этиш, айниқса меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишда жиддий муаммолар мавжуд. Умуман олганда иш берувчилар иш кучи нормал такрор ҳосил этилиши учун ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратишдан объектив жиҳатдан манфаатдорлар. Лекин амалиётда тадбир-

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-112-сон Қарори// “Халқ сўзи”. 2009 йил 19 май.

корлар томонидан имкон борича катта фойда олишга интилиш меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларининг эътибордан четда қолишига сабаб бўлмоқда.

Кичик ва хусусий корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартномалари ижросини таъминлаш, иш вақти ва дам олиш тартибига доир амалдаги қонунчилик бузилиши ҳолатлари, айниқса кўп учрайди. Амалга оширилаётган текширишлар бундай қонунбузарликлар хусусий корхоналарда давлат ташкилотларидагига нисбатан сезиларли даражада кўп рўй беришидан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ходимни ишга қабул қилишни расмийлаштиришдан бошлаб меҳнат қонунчилиги қоидалари бузилишига йўл қўйилади. Жумладан, иш берувчи кўп ҳолатларда ёлланма ходим билан меҳнат шартномасини ёзма равишда имзоламайди. Шу билан бирга бу соҳада меҳнат муносабатларига доир бирламчи ҳужжатлар ҳам ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмайди. Хусусан, аксарият ҳолатларда ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, таътил бериш, иш вақтини ҳисобга олиш бўйича тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлмайди.

Амалиётда иш берувчининг ёлланма ходимни асоссиз равишда ишдан бўшатиш, улар билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш, касаллик пайтларида тегишли тўловларни амалга ошириш, иш ва дам олиш тартиби амалдаги қонунчиликка зид бўлиши, ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун белгиланган имтиёз ва компенсациялардан маҳрум қилиш, тариф ставкасини оширмаган ҳолда иш вақтидан қўшимча вақтда меҳнат фаолиятига жалб қилиш каби қонунбузарликлар кўп учрайди.

Шу билан бирга аёллар ва 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун меҳнат қонунчилигида белгиланган имтиёзларга риоя этилмайди. Чунончи, улар учун қискартирилган иш кунини белгиланмайди, тунги вақтда, байрам кунлари, иш вақтидан қўшимча вақтда ишлаганлик учун устамалар тўланмайди. Улар таъқиқланган ишларга ҳам жалб этилаверади.

Қасаба уюшмалари томонидан ўтказилган текширишлар мамлакатнинг фақат саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқларидаги ҳўжалик юритувчи субъектларида 151,0 минг нафардан кўпроқ одам санитария-гигиена талабларига жавоб

бермайдиган шароитларда ишлаштини кўрсатди. Уларнинг 33,4 минг нафари аёллардир⁸⁴.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 241-моддасига биноан 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиги ва ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланган. Меҳнат шароити ноқулай бўлган бундай ишлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда 2001 йил 30 майдаги 7- ва 1-сон қарорлари билан тасдиқланган⁸⁵.

3.3-жадвал

16 дан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар учун юкларни кўтариш ва ташишнинг нормалари⁸⁶

Юк ташиш тури	Йўл қўйилиши мумкин бўлган юк оғирлиги, кг.		Юк кўтариш ва ташиш шартлари
	Ўсмирлар	Қизлар	
Қўлда	13 гача	7 гача	-
Бир ғилдиракли замбилғалтакда	39	Қизларга рухсат берилмайди	Факат тахта йўлаклар устида
Икки ғилдиракли арава	94	Қизларга рухсат берилмайди	Текис пол устида
	47	Қизларга рухсат берилмайди	Нотекис ер ва тўшма устида
Уч ва тўрт ғилдиракли арава	67	52	Текис пол устида
Вагонетка	405	224	Факат рельслар устида

Мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъи назар барча корхоналарда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария бош врачлари томонидан 1996 йил 19 мартда 0052-96-сон билан тасдиқланган “Қўлда юкларни кўтариш ва

⁸⁴ “Қадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2007 йил, 9-сон. 8-бет.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 9 июнда 1040-сон билан рўйхатга олинган // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари бюллетени. 2001 йил 11-сон.

⁸⁶ “Қадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2009 йил, 4-сон. 12-бет.

ташишда ўсмирлар учун йўл қўйиш мумкин бўлган энг катта оғирликларнинг санитария нормалари”га амал этилиши керак.

Ҳозирги пайтда кўпгина кичик корхоналарда эскириб кетган техника, бугунги кун талабига жавоб бермайдиган технологиялардан фойдаланаётганлиги ходимларга меҳнат жараёнида шикаст етказиш хавфини кучайтирмоқда. Кичик бизнес субъектларида техника хавфсизлигининг аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Ходимлар кўп ҳолатларда махсус кийим-бош, пойабзал, ишлаб чиқаришнинг хавфли омилларидан ҳимоя воситалари билан таъминланмайдилар. Хўжалик юритишнинг бу субъектларида хавони тозалаш, иш ўринларида ортикча чанг, газ, шовкин, тебраниш бўлишига қарши ҳам тегишли чоралар кўрилмайди. Шунинг учун кичик корхоналарда ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ҳолатлари давлат корхоналаридагига нисбатан икки баравар кўплигига ажабланмаса бўлади.

Шу билан бир қаторда кичик бизнес субъектларида тиббиёт шахобчалари ташкил этилмаган. Ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилмайди, айниқса даволаш-профилактика чоралари амалга оширилмайди.

Кўпгина кичик корхоналарда иш вақти қонунда кўзда тутилган давомийликда белгиланмаган. Шунингдек, амалдаги қонунчилик асосида ходимларга қўшимча таътил бериш, уларни муддатидан илгари пенсияга чиқариш тартиби жорий этилмаган.

Кичик бизнес соҳасида ходимларни касб хавфларидан ҳимоя қилишни шартномалар орқали тартибга солиш чоралари ҳам тўлиқ қўлланилмайди. Жумладан, меҳнат шартномалари(контрактлари)га ходим билан иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари киритилмайди. Шунингдек, касб хавфларини суғурта қилишни ҳамда ходимга етказилган зарарни коплашни расмийлаштириш йўлга қўйилмаган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ишлаб чиқаришдаги шикастланиш даражасининг юқорилиги ҳамда ноқулай меҳнат шароитлари қуйидагилар сабабли рўй бермоқда:

– корхоналар раҳбарлари (мулк эгалари, иш берувчилар) томонидан меҳнат тўғрисидаги, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини

билмаслик ва бу конун ҳужжатлари коидаларига риоя этмаслик;

— кичик корхоналар молиявий аҳволининг коникарсизлиги;

— бу соҳада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг амал этмаслиги, хусусан меҳнат шароитлари мунтазам равишда текшириб ва назорат қилиб борилмаслиги.

Умуман олганда кичик бизнес субъектларининг иш берувчилари ва хусусий тадбиркорлар “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг: “Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт” деб кўрсатилган талабларини бажариш учун ўз масъулиятларини тўлиқ ҳис этмайдилар.

Айни пайтда ҳўжалик юритувчи субъектларда бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкил этиш ва бажариш билан боғлиқ ходимлар, раҳбарлар, мутахассисларнинг, муассасалар, ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари жамоалари, шунингдек вазирлик ва идоралар, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ишлаб чиқариш бирлашмалари, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, холдингларнинг ишлар хавфсиз олиб борилишини текшириш, техник назоратни амалга ошириш билан шуғулланадиган шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир билимларини текширишнинг мажбурий тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси билан қилишилган ҳолда тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни ва билимлар текширилишини ташкил этиш тўғрисида намунавий низом”⁸⁷да белгилаб қўйилган.

Иш берувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш масалалари бўйича ўқув марказлари ва курсларида ўз малакаларини ошириш учун бирон-бир ташаббус кўрсатмайдилар. Ҳолбуки, ҳўжалик юритувчи бу субъектларда иш ўринлари электр, ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиенанинг аҳволи энг оддий норматив талабларга жавоб

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 августда 272-сон билан рўйхатга олинган.

бермайди. Бунинг устига мазкур иш жойларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар ҳам ишларни хавфсиз олиб бориш коидалари тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Шу сабабли соҳада ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалланишлари юқоридир.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур ҳолат бошқа мамлакатларга, жумладан тараққий этган давлатларга ҳам хосдир. Масалан, АҚШ ва Японияда ўтказилган тадқиқотлар кичик корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат беради:

- ишлаб чиқаришдаги жами шикастланишларнинг 80,0-90,0 фоизи кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келади;

- миллий қонунчиликда кичик бизнесга тааллуқли масалаларга етарлича эътибор берилмайди;

- иш берувчиларнинг ишлаб чиқаришдаги шикастланишлари билан боғлиқ харажатларни камайтиришга интилиш сезилмайди;

- кичик корхоналарда ишлаб чиқариш хавфи йирик корхоналарга нисбатан анча юқори;

- хўжалик юритувчи бу субъектларда ижтимоий-иқтисодий меҳнат шароитлари талабга жавоб бермайди.

Россия Федерациясида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Бу ердаги кичик корхоналарда ҳар 1000 нафар ходим ҳисобига бир иш кунига меҳнат қобилятини йўқотишга олиб келган шикастланишлар 4,5 ни ташкил этган. Ҳолбуки, мамлакат барча корхоналари бўйича бу ўртача кўрсаткич 3,9 га тенг. Айни пайтда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ўлимга олиб келган ҳолатлар ҳар 1000 нафар ходим ҳисобига иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўртача 0,131 ни ташкил этган бўлса, кичик корхоналарда бу деярли уч баробар кўп – 0,377га тенгдир.

Энг ачинарлиси, кичик корхоналарда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ана шундай аҳволга қарамадан, мамлакат корхоналарида ҳар бир ходим ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилиш учун 1994,0 рубль ажратилгани ҳолда кичик корхоналарда бу кўрсаткич 672,0 рублни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, кичик корхоналарда ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичлардан 30,0 % га юқори бўлгани ҳолда меҳнатни муҳофаза

килиш учун иктисодиётнинг барча тармоқларидаги ўртача кўрсаткичдан уч баробар кам маблағ ажратилмоқда⁸⁸.

Россия Федерациясининг Татаристон Республикасида кичик бизнес соҳасида меҳнат шароитлари масалаларига доир ўтказилган сўровнома натижалари ҳам диққатга молиқдир. Респондентларга ишлаб чиқаришда “Сизни нима кониктирмайди?”, деган саволга куйидаги жавоблар олинган (респондентлар умумий сонига нисбатан %):

- ишлаб чиқариш бинолари меҳнатни муҳофаза қилиш таълабларига жавоб бермаслиги – 2,3 %;
- иш ўринлари умуман биноларда ташкил этилмаганлиги – 5,0 %;
- иш ўринларининг ёмон ёритилиши – 15,0 %;
- иш ўринларида чанг даражаси юқорилиги – 10,0 %;
- ишлаб чиқаришда замонавий машина-ускуналар ўрнатилмаганлиги – 23,0 %;
- иш ўринларида шовкин даражасининг юқорилиги – 18,0 %;
- хоналар шамоллатиб турилмаслиги – 10,0 %.

Бундан ташқари респондентларнинг айримлари сўровнома саволларига қўшимча равишда ишлаб чиқариш бинолари киш пайтида истилмаслиги, дам олиш хоналари йўқлиги, маиший шароитлар талабга жавоб бермаслиги ва ҳоказоларни кўрсатганлар⁸⁹.

Ўзбекистон Республикасида ҳам амалга оширилган тадқиқотлар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги кўпгина муаммолар кичик бизнес субъектларининг молиявий муаммолари билан боғлиқлигини кўрсатди. Иш берувчилар ўз ҳисобларидан тиббий кўрикларни ўтказиш, махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари харид қилишларига тўғри келади. Иш ўринларида санитария-гигиена ҳолатини ўлчаш учун шартнома асосида саноат-санитария лабораторияларини жалб этиш ҳам жуда қимматга тушмоқда. Масалан, бир иш ўрнини аттестация қилиш иш берувчига 60,0-70,0 минг сўмга тушмоқда. Иш берувчи эса биринчи навбатда ходим меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлаш масаласини ҳал этишга интилади. Бу турли қонунбузарликларга ҳам олиб келмоқда.

⁸⁸ Румянцев А. Б. Создание безопасных условий труда в малом бизнесе. М., 2006. С.56-58.

⁸⁹ Габдрахманов Ф. И. Формирование системы управления охраной труда в малом бизнесе // Журнал “Справочник специалиста по охране труда”. 2004. №3. С.7-13.

2008 йилнинг биринчи ярмида Бухоро вилоятида 395 та текшириш ўтказилган. Натижада 340 та маълумотнома расмийлаштириб, уларда меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа масалаларга доир амалдаги қонунчиликнинг 1100 та бузилиш ҳолатлари аниқланган. Текширишлар якунлари бўйича 4 та алоҳида ишлаб чиқариш бўлини ва 41 та машина-ускуна тўхтатилган. Иш ўрнида меҳнатни муҳофаза қилишга ўқитилмаган ва йўриқнома олмаган 69 нафар ходим ишдан четлатилган.

Кечаю кундуз ишлайдиган савдо шахобчаларида ўтказилган текширишларда иш вақти давомийлиги ҳисобга олинмаслиги аниқланган. Уларда, шунингдек, иш вақтини ҳисобга олиш табелида иш вақтидан қўшимча вақтда ишлаш ҳам қайд қилинмайди. Бу эса иш вақтидан қўшимча вақтда ишлаганлик учун қонунчиликда белгиланган имтиёз ва компенсациялардан фойдаланиш имконини бермайди.

Ходимларга ҳар йиллик меҳнат таътиллари берилмаслиги ёки тўла ҳажмда берилмаслиги, бунинг устига таътил учун тўла миқдорда ҳақ тўланмаслик ҳолатлари ҳам аниқланган. Умуман олганда бундай қонунбузарликлар кичик бизнес субъектларида энг кўп учрайдиган камчиликлардир. Ходимга 3-4 йиллаб таътил берилмаслик ҳолатларига дуч келинади.

Кичик бизнес субъектлари учун меҳнат тартиб-қоидалари ишлаб чиқилмаганлиги ва тасдиқланмаганлиги ҳам ҳосдир. Бунинг оқибатида ходимларга нисбатан интизомий чора кўрилмайди. Меҳнат интизомини бузган ходимларга фақат битта – ишдан бўшатиш чораси кўрилади. Ишдан бўшатиш ҳам кўп ҳолатларда амалдаги қонунчиликка зид равишда амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида текшириш-назорат фаолиятини амалга оширадиган органлар ва улардаги ходимлар кам сонли эканлиги сабабли уларнинг мамлакатдаги барча кичик корхоналарни камраб олишга қурблари етмайди. Бунинг устига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида ягона эксперт-таҳлил ахборот тизимининг мавжуд эмаслиги ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликлари сабабларини кўп омиллилик усулида таҳлил этиш имкониятини бермайди. Натижада мазкур субъектлардаги иш билан банд ходимлар саломатлигининг аҳволини ҳолис баҳолаш, тегишли профилактика ишларини амалга ошириш имкониятлари чегараланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳозирги меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг қониқарсиз аҳволи шундайлигича сақланиб қолиши мумкин эмас. Барча корхоналарда, улар мулкчиликнинг қайси шаклига тааллуқлилигидан қатъи назар, ходимларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши керак.

Давлат меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида барча тадбиркорлик тузилмаларига амалий ёрдам кўрсатиши лозим. Лекин бу ёрдам биринчи навбатда кичик бизнесга кўрсатилиши керак. Чунки йирик корхоналар муаммоларни ўз кучлари билан ҳал этиш имкониятига эгалар. Бевосита кичик бизнес унинг манфаатларини изчил химоя қиладиган кучли ва мустақил давлат бўлишидан ҳаммадан кўп манфаатдордир. Давлат тадбиркорга ёрдам кўрсатиши мумкин ва зарур. Бунинг натижасида жамият, мулк эгаси, давлатнинг ўзи ютади. Агар давлат бу ишдан четда турса ёки тадбиркорлик ташаббусини бўғса, ҳамма юткизади⁹⁰.

Кичик корхоналарда меҳнат ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунчилик талабларига қатъий риоя этиш учун иқтисодий имкониятларнинг мавжуд бўлиши, яъни меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунчилик талабларини бажариш имкониятларини берадиган механизмларнинг мавжуд бўлиши лозим.

Алоҳида хавфли ва (ёки) зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд бўлган (масалан, юқори юкланиш остида ишлайдиган машина-ускуналар, фойдаланиладиган хавфли, заҳарли кимёвий моддалар, ёнувчан ёки портловчи моддалар) ишлаб чиқаришларда меҳнат ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар бажарилиши шарт, акс ҳолда кичик корхона ўз фаолиятини тўхтатиши керак. Ана шундай хавфли ва зарарли омиллар мавжуд бўлмаган кичик корхоналарда (улар эса бундай хўжалик юритувчи субъектларнинг аксариятини ташкил этади) меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш даражасини нормативларга мувофиқ бўлишини таъминлашга тўсқинлик қилаётган сабаблар таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилиши лозим.

Кичик корхоналарда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи уларнинг иқтисодий аҳволига

⁹⁰Абдуллаев У., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник. Ташкент: Иқтисод-молия, 2008. С.172.

хамда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг самарадорлигига боғлиқ. Мазкур тадқиқотда умумиктисодий муаммолар ва инвестиция сиёсатини таҳлил этиш кўзда тутилмаган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, бу омилларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга таъсири жуда катта. Агар ишлаб чиқаришда эски техника ва технологиядан фойдаланилаётган бўлса, ҳеч бир ташкилий тадбир билан уларнинг меҳнат шароитларига салбий таъсирини бартараф этиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликлари даражасини сезиларли даражада камайтириш учун корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш талаб этилади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов: **“Жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илғор ва юксак технология билан жиҳозланган корхоналар ташкил этмасдан туриб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламасдан туриб иқтисодиётнинг келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас”**⁹¹, – деб кўрсатган.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларнинг тажрибаси ана шундай тадбирларни амалга оширилиши юксак самара келтиришидан далолат беради. Масалан, Японияда қайта ишлаш саноатида техник жиҳатдан қайта қуроллантириш интенсив амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг ўлимга олиб келиш миқдори 4 баравардан ҳам кўпроққа, Буюк Британия ва Германияда – 2, Италия ва Францияда – 1,5 мартага камайди⁹².

Шунинг учун кичик бизнес субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини тубдан ҳал этиш улар иқтисодий самарадорлигини ошириш, инвестиция жараёнларини ривожлантириш, меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси талабларига жавоб берадиган техникани лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган сиёсатни амалга оширишга боғлиқ. Фик-

⁹¹Каримов И. А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 24-бет.

⁹²Вовк А., Решетников В. Смертельный урожай на сельской ниве. Анализ. Травматизм. В агропромышленном комплексе // Журнал “Охрана труда и социальное страхование”. 1997. № 9. С.16

римизча, ҳозирги пайтда кичик бизнес субъектлари хусусиятини ҳисобга олган ҳолда уларда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини амалга оширишга хизмат қиладиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқариш, айниқса, муҳимдир.

Кичик корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари функцияларини таъминлаш ҳам долзарб муаммо ҳисобланади. Ана шундай хизматларни кичик корхоналарда ташкил этиш зарурати мавжуд экан, уларни ташкил этиш ва фаолиятларини йўлга қўйишнинг энг мақбул йўллари излаб топиш керак. Масалан, кичик корхоналар штатида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини киритиш ҳам, меҳнатни муҳофаза қилиш вазифасини корхона ходимларидан бири зиммасига юклаб, уни тайёрлаш (ўқитиш) ҳам, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисни меҳнат битимида асосан, шу жумладан турдош корхоналар гуруҳига хизмат кўрсатиш принципи асосида жалб этиш ҳам мумкин.

Бу йўллардан қайси бири танланишидан қатъи назар кичик бизнес субъекти иш берувчиси (мулк эгаси) меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида билимга эга бўлиши, айниқса меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш санитариясига доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан яхши хабардор бўлиши керак. Иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги барча тадбирларни амалга ошириш жойлардаги ижроия ҳокимият органлари таркибида бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар мутахассисларининг услубий раҳбарлиги остида амалга оширилиши керак. Кичик бизнес субъектлари иш берувчиларига бевосита ҳудудий даражада таъсир кўрсатиш имкониятлари катта. Шунинг учун ана шу даражада уларга меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни ташкил этишда ҳам амалий ёрдам кўрсатиш керак.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликларини олдини олиш учун барча имкониятларни ишга солиш талаб этилади. Жумладан, улар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқув курсларини ташкил этишда жойлардаги мавжуд таълим муассасаларидан ҳамда маслаҳат ва сервис марказларидан фойдаланиш мумкин. Бу ўқишларни имтиёзли, баъзан эса бепул ташкил этиш ҳам мумкин.

Кичик бизнес субъектларига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалий ёрдам кўрсатишда турли имтиёзларни жорий қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, кичик корхоналар иш берувчилари ва хусусий тадбиркорларга ходимлар учун махсус кийим-бош, пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари харид қилишда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан имтиёзлар бериш мумкин.

Кичик корхоналарда ҳўжалик юритишнинг йирик субъектларига нисбатан иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча мажбуриятларини тўла-тўқис бажариш имкониятлари чекланган. Шу сабабли меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар ижросини ягона тартибда таъминлаш принципига тўлиқ риоя этиш кийин. Эҳтимол, ана шу белгиланган талаблар тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш учун кичик бизнес субъектлари иш берувчиларига муайян муддат белгилаш, кўзда тутилган тадбирларни босқичма-босқич бажаришга рухсат бериш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Шу маънода Финляндияда амалга оширилган тадқиқотлар диққатга сазовор. Бу мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилишга доир мавжуд қонунчилик ва норматив ҳужжатлардан қайси бирлари кичик корхоналар учун энг рентабелли, қайси бирлари эса рентабелсиз эканлиги аниқлаб чиқилди (3.4-жадвал).

Кичик бизнес соҳасида меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш бутун тизимини тубдан қайта ташкил этиш ҳаётий заруратга айланганлиги шак-шубҳасиздир. Бу йўналишда айниқса маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига ташкилий-услубий раҳбарлигини ҳамда уларнинг текшириш-назорат функцияларини кучайтириш талаб этилмоқда.

Фикримизча, кичик бизнес соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш аҳолини тубдан яхшилашда бу ҳўжалик юритувчи субъектлар иш берувчилари онгига ишлаб чиқаришда ходимлар шикастланишлари ва касб касалликларига чалинишлари билан боғлиқ ҳаражатлар учун ортиқча маблағ сарфлашдан кўра иш ўринларида меҳнат шароитларини яхшилаш ва технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш арзонга тушишини сингдириш катта аҳамиятга эга. Иш берувчи, ҳатто, бир ходимнинг майиб бўлиши ва касалланиши оқибатида иш қобилятини йўқотиши персонал миқдори кўп сонли бўлган корхоналарда-

гига нисбатан анча катта зарар келтиришини англаб етиши керак.

3.4-жадвал

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг корхона учун рентабеллигини ҳисобга олган ҳолдаги таснифи

Нима рентабелли ?	Нима рентабелли эмас?
Корхона фаолияти учун жуда муҳим: - тозалик ва тартиб; - ишлаб чиқариш биноларидаги ўтиш жойлари; - ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хом ашё ва материалларни иш ўринларига олиб келиш; - ахборот бериш тизими фаолиятини яхшилаш; - жамоада ишчанлик муҳитини яхшилаш	Фаолиятнинг бошқа турларидан узилган ҳолда амалга ошириладиган техникавий ўзгартиришлар; - машина ва ускуналарнинг хавфсизлиги; - кимёвий муаммолар ва чангланиш даражаси; - мавжуд шовқин даражаси
Жамоа фикрини ҳисобга олиш ва ходимларнинг корхонани бошқаришда иштирок этиши	Йўриқчи ёки тадбиркорнинг ҳукмронлиги
Ходимнинг ўз саломатлиги ва хавфсизлиги учун масъулияти	Меҳнатни муҳофаза қилишни қонунда белгилаб қўйилган тарзда ташкил этиш ва васийлик
Муаммоларни таҳлил этиш ва улар сабабларини излаш	Қонунчилик ва стандартлар талабларига асосланган техникавий қарорлар талаблари
Эргономика: - эргономикани режалаштириш ва харид қилишга жалб этиш	Эргономика: - меҳнат жараёнини ҳисобга олмасдан алоҳида иш ўринларидаги ўзгартиришлар
Тиббий хизмат кўрсатиш: - корхона тиббиёт шаҳобчасининг шикастланишни профилактика қилиш ва реабилитацияга қаратилган фаол иши	Тиббий хизмат кўрсатиш: - корхона тиббиёт пунктининг қонунга кўр-кўрона иш тутиши; - бутун диққат-эътиборни тиббий парваршишга қаратиш

Бундан ташқари ижтимоий шерикчилик воситалари (музокаралар ўтказиш, жамоа шартномалари ва тариф битимлари тузиш) ролини янада кучайтириш керак. Чунки улар меҳнат муносабатлари барча субъектлари – ходим, иш берувчи ва давлат манфаатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Кичик бизнес корхоналарида жамоа шартномаларини тузиш иктисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан иш берувчига ҳам, ходимга ҳам фойдалидир. Иш берувчи жамоа шартномаси муд-

дати давомида ходимларнинг меҳнат шароитларини ва меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган сарф-харажатлар миқдоридан хабардор бўлади, корхонада ижтимоий барқарорликни таъминлайди, ходим эса, ўз навбатида, иш қобилияти ва соғлигини сақлайди.

Сўнгги вақтларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикчиликни жамоа шартномаси орқали тартибга солиш жараёни қуйидаги икки сабабга қўра оксамокда.

Биринчидан, кўпгина ходимлар меҳнат шароитлари талабга жавоб бермаслигига жиддий эътибор бермайдилар, ўзларининг хавфсиз меҳнат шароитларида меҳнат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилмайдилар.

Иккинчидан, давлат ўзининг ижроия ҳокимияти органлари тимсолида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш учун етарли даражада қатъият ва фаоллик кўрсатмайди. Кўпинча бунини ижтимоий шерикчилик - қасаба уюшмалари вазифаси деб изоҳлашга ҳаракат қилишади. Аммо кичик бизнес соҳасида қасаба уюшмаси ҳаракати амалда мавжуд эмас.

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тузилган 100 га яқин жамоа шартномаларинини ўрганиш уларнинг ҳар бештасидан биттасида қуйидаги муҳим масалалар эътибордан четда қолганлигини кўрсатди:

– айрим ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш асослари ва тартиби;

– меҳнат низолари комиссиясини тузиш;

– меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари, иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш кечиктирилганлиги учун жавобгарлик;

– ходимнинг соғлигига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафаканинг миқдори;

– тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати;

– ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш шартлари;

– иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш;

– ходимнинг илтимосига қўра унга тўлиқсиз иш қилиш белгиланиши ва ҳоказолар⁹³.

⁹³И с а е в М. Жамоа шартномаларини тузиш ва бажарилишини назорат қилиш ишларидаги хатолар // “Қадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2007 йил 10-сон. 35-бет.

Кўриниб турибдики, жамоа шартномалари тузишда эътибордан четда қолаётган масалаларнинг кўпчилиги меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга тааллуқли.

Юзага келган вазиятдан чиқиш учун кичик бизнес соҳасида иш билан банд бўлган ходимлар жамоа шартномаларини тузиш ва улар ижросини назорат қилишни амалга ошириш учун востачи ташкилотлар хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Иш берувчи ёки ходим жамоа шартномаси тартиб-қоидаларини бажаришдан бўйин товлаган ҳолатларда эса маъмурий чоралар механизми қўлланиши керак.

Кичик бизнес соҳасида, айниқса, кичик фирмаларда меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим функцияларини бажариш учун ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш имконияти бор. Улар минтакавий меҳнатни муҳофаза қилиш марказлари, сервис хизмати кўрсатиш фирмалари, ўқув марказлари ёки хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари бўлиши мумкин. Улар қуйидаги хизматларни кўрсатиши мумкин:

- раҳбарларга маслаҳатлар бериш;
- ҳужжатларни расмийлаштириш;
- иш ўринлари аттестациясини ўтказиш;
- ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўқитиш ва уларнинг бу соҳадаги билимларини текшириш;
- бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини текшириш;
- адабиётлар, кўргазмаларни куруллар билан таъминлаш ва ҳоказолар;

Россия Федерациясининг катор минтакаларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида сервис хизмати тизимини ривожлантириш бўйича ижобий тажриба тўпланган. Мамлакатнинг катор минтакаларида улар хизматидан минглаб кичик бизнес субъектлари фойдаланмоқдалар⁹⁴.

Агар 1996 йилда Россия Федерациясининг 13 субъектида 13 та меҳнатни муҳофаза қилиш минтакавий марказлари фаолият олиб борган бўлса, 2004 йилга келиб мамлакатнинг 71 субъектида ана шундай 90 та марказ ташкил этилган эди⁹⁵.

⁹⁴С в е ш н и к о в Н. В. Повышение внимания к охране труда в малом бизнесе. Опыт Самарской области // Журнал “Справочник специалиста по охране труда”. 2004. №4. С.25-28.

⁹⁵Г а б д и р а х м а н о в Ф. И. Формирование системы управления охраны труда в малом бизнесе. Пробный шаг к решению проблемы // Журнал “Справочник специалиста по охране труда”. 2004. №3. С.7-12.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам бу ижобий тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатда кичик бизнесни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилаётган ҳозирги шароитда бу хўжалик юритувчи субъектларда ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш жуда муҳим. Албатта, бу каби марказларда юкори даражада хизмат кўрсата оладиган малакали мутахассислар ишлашлари, кўрсатилаётган хизмат эса кичик бизнес субъектларига қимматга тушмаслиги керак.

3.5. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози шароитида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инкирози барча давлатлар иктисодиёти ривожланиши суръатлари, аҳолининг иш билан бандлиги, демак уларнинг турмуш даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу хўжалик юритиш субъектларида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишда ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқарганлиги табиий.

“Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси, – деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инкирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат”⁹⁶.

Жаҳонда XIX асрдан буён кўп иктисодий инкирозлар рўй берган. Иктисодчи олимлар уларнинг келиб чиқиш сабаблари, моҳиятини чуқур таҳлил қилиб чиққанлар. Шундай бўлсада бугунги кундаги жаҳон молиявий-иктисодий инкирози ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга. Бу, биринчи навбатда, жаҳон иктисодиёти XXI аср бошига келиб нихоятда глобаллашуви билан изоҳланади.

Аввалги даврларда амал қилиб келган бозор иктисодиёти тартиб-қоидалари ўзгармоқда, глобаллашув жараёнлари миллий чегараларни эътиборга олмаган ҳолда узлуксиз кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Трансмиллий компания ва фирмалар, молия-банк, фонд биржалари глобал бозорларни вужудга кел-

⁹⁶К а р и м о в И. А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргарф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009 4-бет.

тирди. Шунинг натижасида капитал ва иш кучи оками ниҳоятда жадаллашди, нисбатан арзон импорт биргина тараққий этган давлатларнинггина эмас, шу билан бирга ривожланаётган мамлакатлар бозорларини ҳам эгаллай бошлади.

Иқтисодий интеграция бозорлардаги рақобатни ниҳоятда кескинлаштириб юборди. Глобаллашув капитал ва товарлар ҳаракати йўлидаги тўсиқларни олиб ташлади, иш кучи миграциясини жиддий равишда ўстирди, халқаро савдо қўламларини бениҳоя ортирди.

Замонавий ахборот технологиялари молия бозорлари интеграциялашуви жараёнларини жадаллаштирди. Бу янги – электрон бозорлар, шу жумладан электрон молия бозорларини пайдо қилди.

Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисодий, молиявий, товарлар, меҳнат бозорларини интеграциялаш, инвестиция кириштишни кенгайтириш, энг замонавий технологияларни тез жорий этиш имкониятлари билан бир қаторда улар учун муайян салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Жаҳон бозорлари у ёқда турсин, ўз ички бозорларида ҳам тараққий этган давлатларнинг илғор технологиялари, капитали билан рақобат қилишга қодир бўлмаган ривожланаётган давлатлар пештахталарини чет элларда ишлаб чиқарилган, нисбатан арзон молларга бўшатиб беришга мажбур бўлмоқдалар. Бу эса миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлидаги асосий ғовга айланмоқда.

Турли молия ташкилотларининг ҳар қандай йўл билан фойда олишни кўпайтириш мақсадида оқибати пухта ҳисобга олинмаган молия сиёсати банк тизимида ликвидлик, яъни тўлов қобилиятининг заифлашишига олиб келиб, глобал молиявий-иқтисодий инқирозга сабаб бўлди. Бу дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг самарали компанияларни ҳам банкротлик даражасига яқинлаштириб қўйди. Жуда кўп мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиши жиддий ижтимоий муаммолар – ишсизлик, иш ҳақи даражасининг пасайиши каби салбий оқибатларни келтириб чиқарди⁹⁷.

Глобал инқироз молия-иқтисод соҳасида, инсон фаолиятининг барча томонлари – ишлаб чиқариш-иқтисодий соҳаларигина эмас, балки психика ва физиология, одамларнинг ўзаро муносабатларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро Меҳнат

⁹⁷Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инқироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. Тошкент: Фан ва технология, 2009. 3-4-бетлар.

Ташкилотининг Бош директори Х.Самовия шу муносабат билан: “Биз молиявий инкироз канча муддат давом этиши ва у нечоғлик жиддий бўлишини билмаймиз. Лекин биз таъсирчан чоралар кўрмасак, инкироз одамлар ҳаёти ва меҳнат шароитига жуда кучли, глобал ва тизимли таъсир кўрсатишини, уларнинг умид ва орзуларини саробга чиқаришини аниқ биламиз”⁹⁸, – деб кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасида ўз вақтида *жаҳон молиявий-иктисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури* (3.20-расм) ишлаб чиқилди ва бу собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда илмий асосланган, пухта ўйланган, изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислохотларнинг “Ўзбек модели”, шу жумладан глобал инкироз оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар давлат ва жамоат арбоблари, иктисодчи олимлар, сиёсатшунослар томонидан юксак баҳоланди.



3.20-расм. Ўзбекистонда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури⁹⁹.

⁹⁸Управление охраной труда (нормы МОТ) // Журнал “Справочник по охране труда”. 2009. №2.

⁹⁹К а р и м о в И. А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 32-35-бетлар.

Ўзбекистоннинг Инкирозга қарши чоралар дастури қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

1. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни жорий этиш. Бу, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг асосий тармоклари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тааллуқли.

2. Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш, экспортни рағбатлантириш. Шу мақсадда:

- корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун уларга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70,0 % дан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (қўшимча қиймат солиғини истисно этган ҳолда) озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта қўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан воз кечиш, шунингдек бошқа имтиёз ва преференциялар бериш чора-тадбирлари белгиланган. Умуман, экспортга йўналтирилган корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминлаш мақсадидан тижорат банклари устав фондларини ва кредит ресурсларини қўпайтириш учун 491,0 млрд. сўм ажратилди.

3. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш. Бунда иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларида маҳсулот таннархини камида 20,0 % га тушириш чора-тадбирларини амалга ошириш режаланган. Шу билан бирга қатъий тежамкорлик тизимида барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш механизми ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаш ҳам талаб этилади.

4. Электр энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камаййтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш.

5. Ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида бу йўналишдаги лойиҳаларни 3-4 баробар кўпайтириш мўлжалланган.

Инкирозга қарши чоралар дастурида мамлакат иқтисодиётининг реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони¹⁰⁰да мамлакат иқтисодиёти реал сектори соҳасида жаҳон молия-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилди:

– энг аввало, иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни татбиқ этиш;

– ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш;

– иқтисод қилишнинг каттик тартибини жорий этиш, жумладан технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камаййтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайитириш;

¹⁰⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

– техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро стандартларини татбиқ этиш;

– мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюктураси тез ўзгариб бораётган шароитда экспорт механизмларини такомиллаштириш.

Мамлакатда маҳсулотни экспорт қилишга ихтисослашган корхоналар қарзларини, шу жумладан уларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қарзларини қайта тузилмалаш ҳамда жарималари ва пеняларини ҳисобдан чиқариш кўзда тутилган. Хусусан, қиймати 500,0 минг АҚШ долларидан ошадиган даражада ишлаб чиқаришни технологик қайта жиҳозлашни амалга ошириш бўйича инвестиция лойиҳаларини бажарадиган экспортчи корхоналар ўз қарзларини қайта тузилмалашлари мумкин. Бунинг учун уларнинг маҳсулот, ишлар ёки хизматлар таннархини камида 20,0 % пасайтириш бўйича асосланган молиявий лойиҳалари бўлиши керак.

Мамлакатнинг экспортчи корхоналари глобал инкироз шароитларида чет эл бозорларида ўз ўринларини, демакки экспорт салоҳиятини сақлаб қолишлари жаҳон бозори конъюктурасининг муттасил ўзгариб туришига нақадар ҳозиржавоб бўлишларига боглиқ. Шунинг учун Инкирозга қарши чоралар дастурида корхоналарга ўз маҳсулотларини жаҳондаги жорий нархларда, айрим ҳолатларда эса конъюктурага қараб таннархга тенг ёки таннархдан паст нархларда экспорт қилишлари мумкинлиги кўзда тутилган.

Шу билан бир каторда хўжалик юритувчи субъектларнинг амортизацион ажратмалар борасидаги мустақилликлари анча кенгайтирилди. Эндиликда улар Молия вазирлиги билан келишган ҳолда амортизацион маблағлар ўтказишни олти ойгача муддатга тўхтатиб тура оладилар.

Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакат иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилиш бўйича дастурлар ҳам ишлаб чиқилган. Уларга мувофиқ республикадаги 360 та корхонани, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокида 103 та корхонани модернизация қилиш чора-тадбирлари белгиланган (3.5-жадвал). Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 2 млрд. 833,12 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун 775,15 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар киритиш мўлжалланган. Яъни режаланган лойиҳаларни амалга оширишда чет эл инвестицияларининг салмоғи 38,2 % ни ташкил этади.

3.5-жадвал

Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилиш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган дастурлар

Модернизациялаш дастурлари	Лойиҳалар сони		Лойиҳалар қиймати (млн. АҚШ доллари)		Хорижий инвестициялар салмоғи, %
	жами	Хорижий инвестициялар иштирокида	жами	Хорижий инвестициялар миқдори	
Енгил саноатни модернизациялаш дастури	66	61	466,9	452,45	96,9
Пахта тозалаш саноатини модернизациялаш дастури	41	-	125,4	-	-
Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни модернизациялаш дастури	36	7	343,06	160,12	46,7
Озиқ-овқат ва ёғ-мой саноатини модернизациялаш дастури	63	10	32,14	2,03	6,3
“Ўзмедкомбинат” корхонасини модернизациялаш дастури	9	-	49,04	-	-
Кимё саноатини модернизациялаш дастури	30	10	209,67	108,88	51,9

Навоий кон- металлургия комбинатини модернизаци- ялаш дастури	24	1	892,1	33	37,0
Олмалик кон- металлургия комбинатини модернизаци- ялаш дастури	13	-	405,3	-	-
Фармацевтика саноатини модернизаци- ялаш дастури	39	5	26,47	5,1	19,3
Автомобиль саноати кор- хоналарини 2008-2009 йилларда мо- дернизация- лаш дастури	26	9	255,06	13,57	5,3
Қишлоқ хў- жалиги маши- насозлигини модернизаци- ялаш дастури	13	-	27,98	-	-
Жами	360	103	2833,12	775,15	38,2

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози салбий таъсирини юмшатишда меҳнатни, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг роли катта. Чунки барча соҳаларда катъий тежамкорлик чора-тадбирлари кўрилатганлиги меҳнат шароитлари хафсизлигини таъминлашга йўналтирилган сарф-харажатлар қисқартирилишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга инкироз шароитларида ишсизлар сони ортиши, корхона ва ташкилотларда ходимларга талаб камайиши туфайли меҳнат қонунчилиги қоидалари, шунингдек ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларни ижтимоий суғурталаш ҳуқуқлари бузилиши мумкинлиги эҳтимоллари ортади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан (Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан меҳнатни муҳофаза қилиш учун алоҳида қайд билан ажратиладиган маблағлар), шунингдек

мулк шаклидан қатъи назар жамоа бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Хўжалик юригувчи субъектларда, уларнинг мулкчиликнинг қайси шаклларига мансублигидан қатъи назар, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Бугунги глобал инқироз шароитларида меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидаларига риоя этилиши жуда муҳимдир. Жумладан, ходимлар бундай ишлаб чиқаришларда махсус кийим, пойфазл ва бошқа шахсий ҳимоя, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озик-овқат маҳсулотлари парҳез овқат билан бепул таъминланиши керак.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарорида кўзда тутилган корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан ҳам оқилона фойдаланиш қатта аҳамиятга эга. Маълумки, бу жамғарма маблағлари корхона, ташкилот ва муассасаларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган фойдаси (даромади), юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Мазкур жамғарма маблағлари қатъий равишда корхонада:

- меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқишга;

- иш ўринларини меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ жиҳозлашга;

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини олиб боришга;

- меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, хавфсиз ва самарали меҳнат қилиш шароитларини яратиш, ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (ўқитиш, малакасини оширишга);

- ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларини олдини олишга;

- меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилишни тарғиб қилиш воситалари билан таъминлашга;

– меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни рағбатлантиришга сарфланиши белгилаб қўйилган.

Бугунги шароитда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида асосий диққат-эътибор кўп моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари талаб этмайдиган тадбирларга қаратилиши муҳим. Энг аввало, иш берувчилар ходимларнинг саломатлигини сақлашга эътиборни кучайтиришлари талаб этилади.

Бугунги кунда ишни йўқотиш хатари ходимларни касб касалликларига дучор қилиши мумкин бўлган хавфли шароитларда меҳнат қилишга ҳам рози бўлишга мажбур қилиши мумкин. Бу муаммолар меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштириш қискартирилганлиги муносабати билан янада ўткирлашади. Лекин иш берувчилар инкироз шароитларида бозорларда рақобатбардош бўлиш биринчи галда меҳнат салоҳияти юкори, соғлом меҳнат ресурсларига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишлари керак.


Бу ҳаммага равшан ҳақиқат бўлишига қарамасдан, кўп ҳолатларда иш берувчилар меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга оширишга иккинчи даражали масала сифатида қарайдилар. Улар бунинг оқибатида ўз бизнесида катта йўқотишларга дуч келишлари мумкинлигини ҳам ҳисобга олмайдилар. Шунинг учун иш берувчилар ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни ўқитиш, улар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш чора-тадбирлари кўрилиши керак. Ушбу ўқув дастурларига меҳнат муҳофазаси бўйича амалдаги конунчилик ва меъёрий ҳужжатлар билан бир каторда меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш ва ушбу тадбирлар иқтисодий самарадорлигини ошириш масалаларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Глобал инкирозни ҳисобга олган ҳолда меҳнат муҳофазаси соҳасида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади (3.21-расм):

– меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича турли тадбирларни амалга ошириш учун сарфланаётган маблағ мақсадга мувофиқлиги чуқур таҳлил этилиши керак. Бунда меҳнат шароитларини яхшилашга жиддий таъсир кўрсатмаётган сарф-харажатларни қискартириш, уларни зарурроқ мақсадларга йўналтириш чора-тадбирларини кўриш;

– иш берувчиларга мамлакат ижтимоий суғурта фондидан ажратилаётган маблағларнинг муайян қисмини бевосита кўзланган мақсадга сарфлаш ҳуқуқини бериш лозим. Яъни, бу маблағ меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнат ҳафсизлигини ошириш, шу жумладан махсус кийим-бош ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари харид қилишга сарфланиши керак;

– корхоналарга меҳнат муҳофазаси мақсадлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларнинг бу йўналишдаги солиқ юқини камайтириш, бошқа имтиёзлар бериш ҳам муҳимдир.



3.21-расм. Глобал инқироз шароитларида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг асосий йўналишлари.

“Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бирорта янги қурилган ёки реконструкция қилинган корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибдаги ҳавфсизлик сертификатига эга бўлмаса, фойдаланишга топширилиши мумкин эмас. Шунинг учун янги корхоналарни қуриш ва реконструкция қилишни лойиҳалаш босқичидаёқ меҳнат муҳофазаси талаблари аниқ ҳисобга ошлинишига эришилиши лозим. Бу қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини қонун талаблари асосида амалга оширишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги шароитларда иш берувчилар иш жойларини меҳнат шароитлари талабларига жавоб бериши бўйича аттестациядан ўтказишга алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади. Амалиёт шу пайтгача қатор корхоналарда иш ўринларининг атиги 15,0-20,0 % и меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб беришини кўрсатмоқда. Бошқа иш жойлари эса учинчи тоифага тааллуқлидир. Кўпгина иш берувчилар бундай аҳвол билан муроа қилиб келадилар, ҳатто иш шароитлари меҳнат муҳофазаси талабларига мувофиқлиги тўғрисида сертификат олишга даъвогарлик қиладилар.

Амалда эса иш жойларини аттестациядан ўтказиш тизими норматив талабларга жавоб берадиган иш жойлари сонини кўпайтириш мақсадига йўналтирилиши керак. Ушбу ишнинг амалга оширилиши устидан назоратни меҳнат шароитларини давлат экспертизасидан ўтказиш органлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир. Умуман, иш берувчи меҳнат шароитининг меҳнат муҳофазаси талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги сертификатни олиш учун иш жойларининг камида 80,0 % меҳнат шароитлари бўйича биринчи ва иккинчи тоифаларга мос бўлган тақдирдагина даъвогарлик қилишлари мумкинлиги мезони ўрнатилиши керак.

Шу билан бирга мамлакат корхоналарида меҳнат шароитларини объектив баҳолаш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши бўйича умумдавлат мониторингини ўтказиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиши лозим. Ана шу мониторинг натижасида мавжуд барча иш ўринларининг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш даражасининг ягона маълумотлар базаси(рўйхати)ни тузиш ҳам талаб этилади. Шу билан бирга мамлакат ҳудудларида ва умуман мамлакат бўйича касб касалликларига чалиниш, ишлаб чиқариш жароҳатлари тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш вақти ҳам келди.

Бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ходимлар зарур меҳнат шароитларида ишлашларини таъминлашга хизмат қилиши билан бирга меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини ҳам беради.

IV БОБ. МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИ- НИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪМИНОТИ ВА УНИНГ ИЖТИ- МОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

4.1. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга харажатларни молиялаштириш

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг иқтисодий услублари меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда, шунингдек зарарли ва(ёки) оғир меҳнат шароитида ишлаганлик учун компенсация тўловларига пул маблағлари сарф этилишини назарда тутати. Бозор муносабатлари ривожлантирилиши билан иш берувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича фаолиятларини рағбатлантириш иқтисодий усулларининг роли ортиб боради. Лекин ана шу усулларни қўллашда шуни назарда тутиш керакки, тадбиркорлик фаолияти фойда олишга қаратилган. Шунинг учун рағбатлантириш усуллари тадбиркорнинг иқтисодий манфаатларига зид келмаслиги керак.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари сарф-харажатларни бошқаришни ҳам кўзда тутати. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча тадбирлар, шу жумладан зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун компенсация тўловларига харажатларни ҳам қатъий назорат остига олиш талаб этилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида сарф-харажатларни бошқариш деганда бу харажатларни ҳисобга олиш, таҳлил этиш, режалаштириш ва назорат қилиш жараёни тушунилади. Бунинг натижасида меҳнат шароитларини яхшилашнинг иқтисодий жаҳатдан энг асосланган ва мақбул вариантини танлашга қаратилган бошқарув қарори ишлаб чиқилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида сарф-харажатларни бошқариш бўйича ҳал этиладиган энг муҳим вазифалар:

- сарф-харажатларни таҳлил этиш ва назорат қилиш;
- меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича аниқ натижаларга эришиш нуктаи назаридан сарф-харажатлар самарадорлигини баҳолаш.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар – тегишли қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида амал

қилувчи, инсоннинг меҳнат қилиш жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишига қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ва воситалари тизимидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш” XIII боби моддалари ҳамда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга ошириш мақсадларида режаланади ва амалга оширилади.

Иш берувчилар, касаба уюшмалари ҳамда бошқа ваколатли органларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жамоа шартномаларига киритишда ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида намунавий Низом” (вазирликнинг 1996 йил 29 июндаги буйруғи) тасдиқланган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар режасини тузишда ахборот манбалари сифатида иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишнинг қуйидаги натижаларидан фойдаланилади:

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текшириш бўйича актлар;

- давлат текшириш ва назорат қилиш органлари ўтказган текширишларнинг материаллари;

- меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси органларининг тақдимномалари ва хулосалари;

- иқтисодий фаолиятнинг тегишли соҳасида бошқариш функцияларини амалга ошираётган республика ижроия ҳокимияти органларининг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳолини текширишлари натижалари;

- корхона(ташкilot)да чиқарилган буйрук ва фармойишлар;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия (кўмита) материаллари;

- касаба уюшма ташкилотлари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг таклифлари;

- ходимларнинг таклифлари.

Корхона ва ташкилотлар, ташкилий тузилиши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича

жорий хусусиятга эга тадбирлар учун харажатларни белгиланган нормативлар доирасида солиқ базасини камайтирадиган харажатлар таркибида ҳисобга оладилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар нормативларда белгилангандан ортиқча жорий харажатлар солиқ базасини камайтирмайди ва корхона (ташкilot) фойдаси ҳисобидан тўланади.

Ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни меҳназациялаш, автоматлаштириш ва ҳоказолар билан боғлиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар, одатда, кўп мақсадли хусусиятга эга капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилади. Капитал харажатлар асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини оширади. Узоқ муддатли (инвестиция) ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга капитал харажатлар амортизация орқали солиққа тортиш мақсадларида ҳисобга олинади.

Харажатларнинг асосий тури – ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини суғурта қилишдир. Бу Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий суғурта фонди зиммасига юкланган. У қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- суғурта қилувчиларни ижтимоий муҳофаза этишни ҳамда суғурталовчиларнинг касб хавфларини камайитиришдан иктисодий манфаатдорлигини таъминлаш;

- суғурта қилинган шахс меҳнат шартномаси бўйича ўз мажбуриятини бажариши пайтида ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш;

- ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликларини қисқартириш бўйича профилактика тадбирларини таъминлаш.

Бугунги кунда мажбурий суғурта қилиш бозор иктисодиёти тамойили асосида аҳолининг айрим қатламлари, шу жумладан ишлаб чиқаришда банд ходимлар учун ҳам ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикасида 2007-2010 йилларда суғурта қилиш бозорини ислоҳ этиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланган эди. Бу дастурга мувофиқ мамлакатда суғурта қилишнинг ижтимоий йўналтирилган тизимини ташкил этиш кўзда тутилган.

2009 йил 17 апрелда “Иш берувчининг фуқаролик жавобгар-

лигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни¹⁰¹ кучга кирди. Бу мамлакатда суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастурида кўзда тутилган иккинчи мажбурий суғурта қилиш турининг жорий этилишидир. Мазкур қонуннинг асосий мақсади иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ходимларни ишлаб чиқаришда майиб бўлиш, касб касаллигига чалиниш ёки меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган саломатлигига зарар етказилганлигини суғурта қилишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимга етказилган зарарни қоплаш кўрсатилган. Жумладан, Меҳнат Кодексининг 189-моддасида ходимнинг соғлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиқнинг бошқача шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шартлиги белгилаб қўйилган. Мазкур ҳужжатнинг 192-моддасида эса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган ҳолатларда иш берувчи томонидан етказилган зарар тўланиши шартлиги қайд этилади. Бу қоидалардан ходимга унинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи жавобгар эканлиги яққол кўриниб турибди.

Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади¹⁰².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон Қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлиқнинг бошқа хил шикастланиши туфайли зарарни тўлаш

¹⁰¹ “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-210-сон (2009 йил 16 апрель) Қонуни. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

¹⁰² Е ф и м о в а Н. Ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги // “Қадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2007 йил 7-сон. 29-бет.

қоидалари”да ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар учун иш берувчининг айбдорлиги ёки жавобгарлигига қуйидагилар исботловчи далил бўла олади:

- бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси;
- бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар тўғрисида далолатнома;
- суд қарори;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, соғлиққа етказилган зарар сабабларини, назоратни амалга оширувчи давлат меҳнат техник инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахслар(органлар)нинг ҳулосаси;
- касб касаллиги тўғрисида тиббий ҳулоса;
- айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор;
- қасаба уюшмаси қўмитаси ёки қорхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарори.

Меҳнат Кодексининг 190-моддасида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбға оид қобилятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек белгиланган ҳолатларда эса бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафаканинг миқдори жабрланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафаканинг миқдори эса марҳумнинг 6 йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас (194- модда).

Жабрланувчига етказилган зарар қуйидаги манбалардан тўланиши белгилаб қўйилган:

- бюджет ташкилотлари ва муассасаларида – қонун ҳужжаларига мувофиқ давлат бюджети маблағларидан;
- бошқа иш берувчилар томонидан – уларнинг ўз маблағларидан.

Аммо иш берувчи ҳамиша ҳам ходимнинг соғлиғига шикаст

етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бериладиган нафакани тўлашга қурби етмаслиги ёхуд ана шундай харажатлар иш берувчи фаолиятига жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам “Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунда барча иш берувчиларга ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта муҳофазаси тақдим этиш кўзда тутилади. Бу ўринда:

Суғурта ҳодисаси – иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фукаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган фактдир.

Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектлари – иш берувчи, иш берувчининг фукарлик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурталовчи, аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчидир (4.1-расм).

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи – ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланади.


Жабрланувчи – ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим ҳисобланади.

Наф олувчи – ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдир¹⁰³.

Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш жараёнини шартли равишда икки босқичга бў-

¹⁰³ “Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (3-модда).

лиш мумкин. Унинг биринчи босқичи мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилгандан бошлаб суғурта ҳодисаси рўй бергунча ёки мажбурий суғурта қилиш шартномаси муддати тугагунча давом этади. Иккинчи босқич мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси рўй берган вақтдан бошланади.




4.1-расм. Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектлари.

Биринчи босқичда суғурта қилиш муносабатларида фақат мазкур суғуртани амалга оширадиган суғурталовчи ва иш берувчи иштирок этади. Ушбу босқичда мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланади ҳамда мазкур шартнома бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) тўланади. Шартномага мувофиқ суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини шартлашилган иш ҳақи (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади.

Қонунда иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бир йил муддатга тузилиши, агар иш берувчининг фаолияти бир йилдан кам бўлган муддатда амалга ошириладиган бўлса, мазкур фаолиятни амалга оширадиган муддат учун тузилиши белгилаб қўйилган.

Юкорида қайд этилганидек, иккинчи босқич иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига мувофик суғурта ходисаси рўй берган вақтдан бошлади. Бу босқичда мажбурий суғурта қилиш бўйича ўзаро муносабатлар субъектлари каторига жабрланувчи, аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ва наф олувчи қўшилади.



4.2-расм. Иш берувчининг фукаролик жавобгарлиги бўйича мажбурий суғурта субъектларининг ўзаро муносабатлари.

Иш берувчининг фукаролик жавобгарлиги бўйича мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони:

– жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбға оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофик белгиланадиган ҳар ойлик тўлови ёки касб касаллиги аниқлангунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлови;

– мархумнинг ўртача ойлик иш хаки миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлови;

– қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

– ходим вафот этган тақдирда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган миқдорда дафн этиш харажатлари;

– иш берувчининг қўшимча харажатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, энг аввало, ходимлар ҳаёти ва соғлиғини сақлашдир. Афсуски, бугунги кунда меҳнат хавфсизлиги таъминланмаётганлиги, иш ўринларининг қоникарсиз аҳволда эканлиги оқибатида ишлаб чиқаришда шикастланиш, касб касалликларига чалиниш, ҳалок бўлиш ҳолатлари юқори даражада сақланиб турибди. Халқаро Меҳнат Ташкилоти маълумотларига кўра ҳар йили жаҳонда ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликлари оқибатида 2,2 млн. одам ҳалок бўлмоқда¹⁰⁴.

Европа Иттифоқи статистика маҳкамаси маълумотларига кўра эса бу минтақавий ҳамжамиятга аъзо мамлакатларда ҳар 100 минг нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқаришда 5372 та касб касалликларига чалиниш ҳолатлари рўй бермоқда¹⁰⁵. Меҳнатни муҳофаза қилиш нисбатан яхши йўлга қўйилган Буюк Британияда ҳам бу кўрсаткич 4750 га тенг¹⁰⁶. Ҳар йили жаҳонда 120 млн. нафарга яқин ходим ишлаб чиқаришда шикастланиди, уларнинг 50 млн. нафари эса ҳалок бўлади. Россия Федерациясида ҳар йили ишлаб чиқаришда 150 мингдан кўпроқ одам шикаст олади, 5 мингга яқини эса ҳалок бўлади. Ҳар йили Россияда 100 минг нафарга яқин ногиронлар аниқланади, уларнинг тўртдан бири – 25 мингга яқини меҳнат бўйича ногиронлардир¹⁰⁷.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти

¹⁰⁴Журнал “Охрана труда и социальное страхование”. 2006. №12.

¹⁰⁵www.evrostat.com.

¹⁰⁶Беляр Ю. А., Хлопков В. В. Охрана труда в организации: практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. С.6.

¹⁰⁷Ширшков А. И. Менеджмент охраны труда: Учебник. Ростов на-Дону: Феникс, 2001. С.3.

мотларига кўра ўлимга олиб келадиган ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар коэффициенти ҳар 1000 нафар ходим ҳисобига 0,44 ни ташкил этади. Бу АҚШ ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардаги ана шундай кўрсаткичлардан 5-6 баробар юқоридир.

Мамлакатда меҳнат фаолияти оқибатида касб касалликларидан вафот этиш ҳолатлари рўйхатга олинмайди. Халқаро Меҳнат Ташкилоти экспертларининг ҳисоблаб чиқишларича, ишлаб чиқаришда касб касалликларига чалиниш ва унинг оқибатида вафот этиш 1:20 нисбатига тенг, яъни ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса оқибатида рўйхатга олинган ҳар бир вафот этиш ҳолига ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ яна 20 та вафот этиш ҳолатлари тўғри келади. Агар ана шу услубиёт қўлланиладиган бўлса, мамлакатда ишлаб чиқариш билан боғлиқ сабабларга кўра 2006 йилда 2520 киши (126х20) вафот этган.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти экспертларининг ҳисоблаб чиқишларича, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликларидан иктисодий йўқотишлар жаҳон ялпи маҳсулоти ҳажмининг 4,0 % ини ташкил этади. Бу жаҳон ялпи маҳсулоти ҳажмининг ҳар йиллик ўсиши миқдорига тенгдир. Ривожланаётган мамлакатларда эса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатидаги йўқотиш ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 10,0 % ига тенг.

Бирок меҳнатни муҳофаза қилишдаги камчиликлар оқибати фақат иктисодий йўқотишларгагина олиб келмайди. Ана шу муаммонинг ижтимоий оқибатлари янада аянчлидир.

Нокулай меҳнат шароитлари сабабли ходим меҳнат жараёнида кучли зўриқишга дучор бўлади. Бунинг оқибатида ходимда умуман меҳнат фаолиятига салбий муносабат шакллана бошлайди. Нокулай меҳнат шароитлари ходимнинг иш қобиляти, демак меҳнат унумдорлигига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Зарарли ва хавфли меҳнат шароитлари иш вақтининг кўплай йўқотилишига ҳам сабаб бўлади. Ана шундай шароитларда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қўшимча танаффуслар бериш, дам олишга кўпроқ вақт ажратиш заруратини туғдиради. Шу сабабли меҳнат конунчилигида зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи сақлангани ҳолда уларга қисқартирилган иш куни белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга меҳнат жараёнида майиб бўлиш ва касалланиш ходимларга қўшимча таътиллار бериш заруратини ҳам туғдиради.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда ҳар бир ходим томонидан йил давомида ишлаб чиқаришда касалликка чалиниш билан боглиқ иш вақтининг йўқотилиши 7,9 иш кунига тўғри келади. Россия Федерациясида бу кўрсаткич 10 иш кунига етади. Агар бу мамлакатда иктисодиёт соҳасида 72,5 млн. киши бандлиги ҳисобга олинадиган бўлса, иш вақтининг умумий йўқотилиши 725 млн. иш кунини ташкил этишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас¹⁰⁸.

Ноқулай меҳнат шароитлари кўп ҳолатларда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга, шунингдек кадрлар қўнимсизлиги ортишига олиб келади. Бу ҳам пировард натижада иш вақти йўқотилиши ортиши ва меҳнат унумдорлиги пасайишидан далолат беради. Хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси оширилиши, қўшимча таътилларга, касалланиш учун ҳақ тўланиши, мажбурий ижтимоий суғурта учун тўловлар ва ҳоказолар ҳам иктисодий йўқотишлардир.

Бундан ташқари меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилмаганлик учун жарималар тўлаш, авария оқибатларини бартараф этиш, судлар томонидан жабрланувчиларга етказилган маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги қарорлар ижроси юзасидан тўловларни амалга ошириш ҳам қўшимча харажатлар қилишга мажбур этади. Буларнинг ҳаммаси эса маҳсулот таннархи ортишига, фойда камайишига ва ишлаб чиқариш рентабеллиги пасайишига олиб келади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти бу жиддий салбий оқибатларни ҳисобга олган ҳолда 2003 йилда *“Меҳнатни муҳофаза қилиш глобал стратегияси”* алоҳида ҳужжатини қабул қилди. Унинг моҳияти миллий даражада меҳнатни муҳофаза қилишни, бевосита техника хавфсизлигини бошқаришни такомиллаштириш йўли билан ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш(қискартириш)га қаратилган профилактика тадбирларини жорий этишга қўмаклашишдир.

¹⁰⁸П а ш и н Н. П. Анализ трудовых потерь, связанных с условиями труда и социальное страхование // Журнал “Охрана труда и социальное страхование”. 2007. №1. С.12.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти мазкур ташкилотга аъзо мамлакатларга меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий дастурларни ишлаб чиқишни тавсия этган. Бу дастурлар қуйдагиларни камраб олиши мумкин:

- энг олий даражада эътироф этилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича миллий сиёсат;

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммолар, вазифалар, уларни бажариш муддатлари ва ижро учун масъуллар, тегишли молиялаштириш манбалари ва бошқалар аниқ белгилаб қўйилган миллий стратегияни ишлаб чиқиш;

- миллий режа ёки ҳаракат дастурларини қабул қилиш, улар, шунингдек, тармоқ ва минтақавий бўлимлардан иборат бўлиши мумкин.


Мазкур масалаларни ҳал этиш жуда катта саъй-ҳаракат, янада кўпроқ моддий ва молиявий ресурсларни талаб этади. Масалан, Европа Иттифоқи экспертларининг ҳисоблаб чиқишларида, бу минтақавий ҳамжамиятга аъзо 15 мамлакатда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сабабли тўланган компенсациялар миқдори йилига 55,0 млрд. евродан кўпроқни ташкил этмоқда. Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра эса ишлаб чиқаришда ўлим, шикастланишлар, касб касалликлари, хавфли ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаш билан боғлиқ иқтисодий йўқотишлар 1 трлн. рублга яқинни ёки мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 4,0% ини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам кейинги йиллар мобайнида меҳнат муҳофазаси мақсадлари учун сарф-харажатлар муттасил ортиб бормоқда (4.3-расм).

Ҳар бир корхонада ҳам меҳнат шароитларининг аҳволи ва уларнинг иш билан банд ходимларга таъсири даражасига қараб муайян сарф-харажатлар қилинади. Уларни уч гуруҳга таснифлаш мумкин:

1. Меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш, техника хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни жорий этиш учун сарф-харажатлар.

2. Ноқулай меҳнат шароитларини олдини олиш ҳамда уларнинг ходимларга етказган зарарини қоплаш билан боғлиқ харажатлар.



4.3-расм. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига сарф-харажатлар динамикаси.

3. Ноқулай меҳнат шaroитлари оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар (4.4-расм).



4.4-расм. Мехнат шaroитларини яхшилаш учун сарф-харажатлар таркиби.

Корхонада ана шу мақсадларга сарфланаётган харажатлар таркиби ва миқдорининг таҳлили кўп ҳолатларда жорий сарф-харажатлар жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбирлар учун белгиланган харажатлар миқдоридан деярли икки баробар кўп бўлишини кўрсатади. Бунинг асосий сабаби жамоа шартномаларида асосан ноқулай меҳнат шaroитлари манбаларини бартараф этиш тадбирлари белгиланганидир.

Бундан ташқари айрим корхоналарда катта миқдордаги маблағлар ишлаб чиқаришга санитария-гигиена соҳасидаги энг сўнгги фан ва техника ютуқларини жорий қилишга эмас, балки ишлаб чиқариш объектлари, технологик жиҳозлар ва машина-ускуналарини лойиҳалаш пайтида йўл қўйилган камчилик ва нуксонларни бартараф этишга сарф қилинади.

Молиялаштиришдаги яна бир жиддий камчилик - меҳнат шaroитларини яхшилаш учун сарф-харажатлар миқдорининг кўп ҳолатларда иш ўринларини аттестация қилиш, комиссиялар текширишлари натижалари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари таклифларидан келиб чиқадиган эҳтиёжга қараб эмас, балки аввалги йиллардаги даражада белгиланишидир.

Меҳнат шaroитларини яхшилаш учун харажатлар таркибида ноқулай меҳнат шaroитларида ишлаганлик ва бунинг оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун харажатлар жами харажатларнинг 75,0 % ини ташкил этади. Ҳолбуки, меҳнат шaroитларини яхшилаш учун харажатлар эса мазкур мақсадга сарфланадиган барча маблағларнинг атиги 25,0 % ига тенгдир.

Меҳнат шaroитлари учун компенсация турлари конун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Лекин бу тўловларни амалга ошириш 1970-1990 йилларда ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширилади. Уларнинг жуда эскириб кетганлиги ва тўлиқ ҳажмда қўллаш имконияти йўқлиги шубҳасиздир. Масалан, қўшимча таътил ва қискартирилган иш кунида ишлаш ҳуқуқини берадиган зарарли меҳнат шaroитлари бўлган ишлаб чиқаришлар, цехлар, касб ва хизмат вазифалари рўйхати 1974 йилда тасдиқланган. Ўтган 35 йил давомида иқтисодиёт тармоқларидаги касб ва хизмат вазифалари тубдан ўзгариб кетди. Бу рўйхатга киритилган кўпгина касб ва хизмат вазифалари умуман йўқ. Аксинча, пайдо бўлган янги касб ва хизмат вазифалари эса рўйхатга киритилмаганлиги сабабли за-

рарли меҳнат шароитларида иш билан банд бўлганлар белгиланган имтиёзлардан фойдалана олмайдилар¹⁰⁹.

Имтиёзли пенсия таъминотида ҳам камчиликлар мавжуд. Алоҳида (зарарли ва хавфли) меҳнат шароитлари билан боғлиқ муддатидан илгари (имтиёзли) пенсия тайинланишининг ҳозирга қадар амал қилиб келаётган тизими ишлаб чиқаришдаги ноқулай меҳнат шароитлари оқибатида меҳнат қобилятини йўқотганлик учун компенсациянинг энг оммавий шакли ҳисобланади. Амалдаги пенсия қонунчилигига мувофиқ муддатидан илгари пенсия таъминланадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар ва хизмат вазифаларига доир 20 тадан кўпроқ турли рўйхатлар амал қилиб келмоқда. Ана шу тоифага кирувчи ҳодимларнинг умумий сони саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида иш билан банд бўлганлар умумий сонининг 25,0 % ни ташкил этади. Имтиёзли пенсия олувчиларнинг 66,7 % саноатда, 16,3 % транспортда, 8,6 % қурилишда ва 8,0 % га яқини ноишлаб чиқариш тармоқлари (соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш) га тааллуқлидир.

Ваҳоланки, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти меҳнат жараёнида асосий саъй-ҳаракатлар “ҳодим ҳаёти, соғлиғини сақлаш, ҳаёт кўриш даврини узайтириш, бўлажак авлодлар соғлиғини сақлашга қаратиш” зарурлигини уқтиради. Бунга меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш учун фан-техника ютуқлари асосида ташкилий-техникавий тадбирлар комплексини изчил амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Амал қилаётган имтиёзли пенсиялар тизими камчиликларидан яна бири шундан иборатки, у корхона даражасида иш кучини такрор ҳосил қилиш учун сарф-ҳаражатларни ҳолис баҳолаш имконини бермайди. Шу билан бир қаторда бу тизим иш берувчининг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга – автоматлаштириш, масофадан туриб бошқариш каби технологик жараёнларни жорий этиш, зарарли моддаларни қўлланмасликка рағбатлантирмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнат жараёнида ҳодимга етказилган зарар учун иш берувчининг иқтисодий жавобгарлиги принципи амал қилади. Аммо ҳозир амал қилаётган имтиёз-

¹⁰⁹Г л у х о в В. А. Обеспечение безопасности труда // Журнал “Справочник специалиста по охране труда”. 2008. №11.

ли пенсия таъминоти тизими давлат манфаатлари ва барча пенсионерлар манфаатларига зарар етказиш ҳисобига иш берувчининг иктисодий масъулиятсизлигини рағбатлантирмоқда. Чунки улар имтиёзли пенсияга чиқиш билан боғлиқ харажатларни коплашда иштирок этмайдилар. Шу билан бирга иш берувчилардан ишлаб чиқариш муҳитининг ахволи, ходимларнинг меҳнат қобилияти тўғрисида ҳолис ахборот тақдим этиш талаб этилмайди. Бу эса ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш жараёнига тўсқинлик қилмоқда.

Юқоридагилардан амалдаги имтиёзли пенсия таъминоти тизими иш кучидан ноқулай меҳнат шароитларида фойдаланиш амалиётини сақлаб қолишга хизмат қилаётганлиги тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин. Бу давлат даражасида самарали ҳал этилишини кутаётган энг жиддий муаммолардан биридир.

Бугунги кунда мантиқан бир-бирига зид ҳолат юзага келган. Мамлакатда ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун кенг камровли компенсациялар ва имтиёзлар тизими шакллантирилган. Аммо бу тизим иш берувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга қизиқтиришга хизмат қилмаяпти. Чунки имтиёзлар бериш қонунда мустаҳкамлаб қўйилган, улар иш берувчидан ортикча куч-ғайрат ва маблағ талаб этмайди.

Шунинг учун яқин истиқболда ҳал этилиши талаб этилаётган энг муҳим вазифа – мамлакатда иш берувчиларни меҳнат шароитларини яхшилаш ва ходимлар саломатлигини сақлашга рағбатлантирадиган меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини яратишдир. Бу тизим айна пайтда ходимни техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этган ҳолда ўз соғлигини сақлашдан иктисодий манфаатдор бўлишига ҳам хизмат қилиши керак.

Мазкур тақлиф этилаётган тизимни жорий этиш ишлаб чиқаришда ҳозир яширин ҳолдаги хавфларни аниқлаш, иш берувчининг ходимларга яратилган меҳнат шароитларининг ахволи учун иктисодий масъулиятини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат ресурслари иш қобилиятини сақлашга қаратилган, иктисодий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорлари қабул қилиш, меҳнат муносабатлари субъектларининг меҳнат муҳофазаси учун масъулиятини оқилона тақсимлаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш бўйича

суғурта тарифларини белгилаш тизимини макбуллаштириш, хавфли ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун компенсация бериш тизимини ҳамда меҳнат шароитларининг давлат экспертизасини ўтказишни такомиллаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш қонунда белгиланган тартибда республика бюджети, маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Корхоналар эса меҳнатни муҳофаза қилиш учун меҳнат шартномасида белгиланган миқдорда маблағ ажратишлари керак. Агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, бу маблағ миқдори иш берувчи билан қасаба уюшмаси ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади. Корхоналар ҳўжалик, тижорат, ташки иқтисодий фаолиятдан, шунингдек бошқа манбалардан олган фойдалари (даромадлари) ҳисобидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича марказлаштирилган фондлар ташкил этишлари мумкин. Бунда корхона фойдасидан меҳнатни муҳофаза қилиш фондига йўналтирилаётган маблағ солиққа тортилмайди.

Корхона меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бажарилмаганлиги учун ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича тўловларни амалга оширадilar. Бу тарифлар корхонадаги меҳнат шароити, унинг хавфлилиги, зарарлилиги ва оғирлигига қараб вақти-вақти билан қайта қўриб чиқилади.

4.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини услубий баҳолаш

Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган тадбирлар иқтисодий самарадорлиги бўйича турли нуқтаи назарлар мавжуд. Бу қарашларнинг айримларида инсон саломатлигини баҳолашда иқтисодий кўрсаткичларни асос қилиб олиш нотўғри эканлиги уқтирилади. Ана шу гоё тарафдорлари бу масалада фақат ижтимоий самара тўғрисида гап бориши мумкин, инсон саломатлиги учун қанча маблағ талаб этилса, шунча сарф қилиш керак деб ҳисоблайдилар.

Тараккий этган давлатларда ҳозирги пайтда “Иш берувчи

меҳнат хавфсизлиги учун сарфланаётган харажатларини тежаш даражасида бой эмас” деган фикр устувор. Бу иш берувчиларни бахтсиз ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ бевосита харажатлар эмас, балки компания ва фирма нуфузига етказиладиган зарар кўпроқ ташвишга солади деган нуктаи назарга асосланади. Табиийки, ушбу мамлакатлардаги иш берувчиларни ҳам фойда олиш қизиқтиради, албатта. Лекин улар фойда олишни меҳнат шароитларини яхшилаш ҳисобига кўпайтириш мумкин деган қарашга эгалар.

Агар бу нуктаи назар қабул қилинадиган бўлса, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳисобига эришиладиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Чунки ушбу мақсадлар учун сарф-харажатлар ходимлар саломатлигини саклаш, улар иш қобилиятини ошириш, меҳнат жараёнида уларга энг қулай шарт-шароитларни яратиб беришга йўналтирилган.

Албатта, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг асосийси – меҳнат кишиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ижтимоий самарага эришишдир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Иллом Каримов ҳам **“Энг муҳими, инсон аниқ мақсад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, у энг юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади”**¹¹⁰, деб алоҳида уқтирган.

Ҳақиқатан ҳам ижтимоий мақсад меҳнат самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касалланиш камаяди. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши билан бир қаторда иш берувчиларнинг хавфли меҳнат шароитида ишлаганлиги учун ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар тўлашга сарф-харажатлари камаяди. Яъни иқтисодий самарадорлик ижтимоий самара билан узвий боғлиқдир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашнинг асосий мақсади энг кам моддий, меҳнат, молиявий ресурслар сарф қилингани ҳолда энг кўп ижтимоий самара олишдир. Бундан меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш натижасида икки тараф-

¹¹⁰Қ а р и м о в И. А. Мамлакатимиз таракқиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг провард мақсадидир. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 20-бет.

лама – ҳам ижтимоӣ, ҳам иқтисодӣ самара олинади, деган хулоса чиқариш мумкин. Шунинг учун меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ иқтисодӣ чиқимларни фақат бундай харажатларни тежаш ходимларнинг ижтимоӣ аҳволини ёмонлаштиришга олиб келмайдиган ҳолатлардагина ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Фан ва амалиёт томонидан ишлаб чиқариш муҳитининг ҳолати ҳамда унинг ходим саломатлигига таъсирини сифат ва миқдор жиҳатидан баҳолашнинг турли усул ва мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда улар бошқарув фаолиятида қўлланилиб келинмоқда. Шу муносабат билан мазкур усул ва мезонларнинг энг муҳимларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Меҳнат шароитларини ходимнинг меҳнат жараёнидаги иш қобилияти ва зўриқиши динамикаси кўрсаткичлари бўйича баҳолаш. Мазкур услуб Меҳнат илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда меҳнат шароитининг аҳволини таҳлил этишда фойдаланишга тавсия этилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, ходим иш қобилиятининг ҳолати ва унинг ўзгаришини марказий асаб тизими ўзгаришига қараб баҳолаш мумкин. Чунки марказий асаб тизими инсоннинг меҳнат жараёнидаги собитқадамлик фаолиятини амалга оширишда интеграл функция вазифасини бажаради.

Мазкур усул ходимларни зўриқиш даражаси бўйича уларни уч гуруҳга ажратиш имконини беради:

– *кичик зўриқиш* – унча катта бўлмаган жисмоний ва асаб-психологик босимлар;

– *мўътадил зўриқиш* – буни меҳнат ва дам олишни оқилона қўшиб олиб бориш орқали бартараф этиш мумкин;

– *қучли зўриқиш* – инсон организми учун хавфли бўлган ҳаддан ташқари зўриқишдир.

2. Меҳнат шароитларини омиллар таҳлили асосида таснифлаш. Мазкур усул меҳнат шароитлари омилларининг белгиланган стандарт ва нормативларга мувофиқлиги, бу омилларнинг хавfli ва зарарли таъсирини ҳисобга олган ҳолда баҳолашга асосланган. Бунда катор кўрсаткичлар асосида оғир ишларнинг олти гуруҳи аниқланади. Уларга энг қулай шароитлардан тортиб, энг ноқулай, фавқулодда шароитларгача бўлган меҳнат шароитларининг олти гуруҳи мос бўлади. Ана шу усулдан иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишда, ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун компенсация

ҳукукини беришда қўллаш керак. Мазкур усул ҳам Меҳнат илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган.

3. *Касб хатарларини ноқулай меҳнат шароитларининг ҳодимга салбий таъсири оқибатлари бўйича баҳолаш.* Мазкур усул меҳнат қобилияти йўқотилиши давомийлиги ва оғирлигини (вактинчалик ва турғун), касб касалликларига чалиниш, шунингдек ўлим кўрсаткичларини ҳисобга олишга асосланган. Бунда касб хавфларини таҳлил этиш ва баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган расмий статистика ҳисоб-ҳисобот ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ишлаб чикаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини баҳолаш усули ишлаб чикаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш тизимида касб хавфларини баҳолашда, шунингдек меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда қўлланилади.

Мазкур йўналишдаги муаммоларни ҳал этишда илмий тадқиқот, конструкторлик, лойиҳа ташкилотлари муҳим роль ўйнашлари керак. Улар меҳнат фаолияти билан боғлиқ лойиҳа ва ҳужжатлар ишлаб чиқилаётган пайтдаёқ фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш билан бирга меҳнат шароитлари нормативлари ва талаблари ҳисобга олинishiга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Умуман олганда санитария нормативларини ишлаб чиқиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланган ва улар муттасил такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу нормативларни ишлаб чиқиш учун кенг қўламли ишлар: тажриба ўтказишлар, клиника-статистика тадқиқотлари, иқтисодий ҳисоб-китоблар ва бошқа ишлар амалга оширилади. Шу сабабли, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган санитария нормативлари замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради. Улар кўпгина чет эл мамлакатларида қабул қилинган ана шундай санитария нормалари ва талабларидан меҳнат шароитларига қўйилган талабларнинг катъийлиги билан фарқланади. Масалан, мамлакатимизда ва АҚШда қабул қилинган санитария нормативларининг таккослама таҳлили 212 та кимёвий моддаларнинг 40,0 % бўйича АҚШда бу моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрацияси мамлакатимиздагига қараганда 10 барабар ва ундан ҳам кўпроқ эканлигини,

15,0% да эса бу 50 баравар ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этишини кўрсатди.

Шу билан бирга лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари ишлаб чиқариш объектлари, машина-ускуналар ва технологик жараёнларни лойиҳалаш жараёнида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни кўзда тутишга етарли даражада аҳамият бермайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, лойиҳалар қийматини оширмасликка интилиш бўлса, иккинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги нормативлар ва талаблар умуман ҳисобга олинмаслигидир.

Шу сабабли кўпгина лойиҳалар экспертизасининг натижалари лойиҳа-техникавий ҳужжатларда машина-ускуналарни эргономика нуктаи назаридан оқилона жойлаштириш, ходимнинг жисмоний ва психологик зўриқиши кўрсаткичлари ҳисобга олинмаганлигидан далолат беради.

Ўз вақтида иқтисодий самарадорликни баҳолаш усуллари-ни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар фаол олиб борилган эди. Меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг асосий иқтисодий коидалари *“Меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубиети”*нинг *“Меҳнат шароитлари”* бобида кўрсатиб берилган¹¹¹.

Меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

а) *меҳнат унумдорлигининг ортиши*. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфининг камайиши, ходимлар сонининг нисбатан камайиши, ишлаб чиқариш ҳажми ортиши, иш вақтини тежаш каби кўрсаткичлар орқали аниқланади;

б) *йиллик иқтисодий самара (харажатларни тежаш)*. Бу маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сарф этилган маблағ бирлигига олинган фойданинг ортиши, бир йўла қилинган харажатлар копланишининг муддати орқали аниқланади.

Меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлардан иқтисодий самара олишнинг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

1. Меҳнат унумдорлигини қуйидагилар ҳисобига ошириш:

– ходимнинг иш қобилиятини ноқулай меҳнат шароитлари

¹¹¹Методика определения экономической эффективности мероприятий по НОТ. Изд.3-е, доп. и перераб. М.: Экономика, 1978. С.140.

оқибатидаги зўриқишини камайтириш ҳисобига ошириш, иш кунни давомида бўш туриб қолиш вақтини қискартириш ёки тўла бартараф этиш;

- маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнатни ноқулай меҳнат шaroитлари оқибатидаги унумсиз меҳнат сарфини бартараф этиш ҳисобига камайтириш;

- иш вақти фонди самарадорлигини ноқулай меҳнат шaroитлари оқибатидаги шикастланишлар, касалланишлар сабабли вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизликни камайтириш ҳисобига кўпайтириш;

- машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

2. Ноқулай меҳнат шaroитлари билан боглиқ йўқотишларни қуйидагилар ҳисобига камайтириш натижасида тежамкорликка эришиш:

- ноқулай меҳнат шaroитларида ишлаганлик учун имтиёз ва компенсацияларга харажатларни тежаш;

- ноқулай меҳнат шaroитлари сабабли иш кучи қўнимсизлигидан келтирилаётган зарарни камайтириш;

- ноқулай меҳнат шaroитлари сабабли сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш ҳисобига харажатларни камайтириш.

Тежашнинг барча турларини ҳисоблаб чиқиш учун меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича тадбирлар жорий этилгунга қадар ҳамда жорий этилгандан сўнг кўрсаткичларни баҳолаш имконини берадиган формулалар ишлаб чиқилган. Меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича тадбирлар иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилганлиги, улар эълон қилинганлиги ва кенг муҳокамадан ўтганлигига қарамадан, корхоналар амалий фаолиятида бундай ҳисоб-китоблар амалга оширилмай келинмоқда. Бунинг қатор сабаблари бор:

биринчидан, меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шaroитлари даражаси давлат норматив талабларига жавоб бермайдиган корхоналарда бу шaroитларни яхшилаш тадбирлари мазкур тадбирлар самарадорлигини дастлаб ҳисоб-китоб қилмасдан амалга оширилиши керак;

иккинчидан, услубий тавсияларда турли тадбирлар орасидан иқтисодий жиҳатдан энг самарадорини танлаб олиш кўзда тутилади. Амалиётда эса, одатда, бундай танлаш амалга оширилмайди;

учинчидан, кенг кўламли бўлган тадбирларни жорий харажатлар ҳисобига амалга ошириш хўжалик фаолияти кўрсаткичларига умуман сезиларли таъсир кўрсатмайди ёки жуда кам таъсир кўрсатади.

Аксарият ҳолатларда катта меҳнат талаб қиладиган бундай ҳисоб-китобларни олиб бориш амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки амалга оширилган тадбирларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга таъсирини аниқлаш жуда мураккабдир. Бунинг учун махсус тадқиқотлар ва ўлчовлар олиб борилиши талаб этилади. Бундан ташқари профилактика хусусиятига эга тадбирлар дарҳол ва аниқ намоён бўладиган самара бермайди – уларнинг натижаси муайян муддат ўтгандан сўнг сезила бошланади.

Сўнгги вақтларда меҳнат шароитларини баҳолашда иктисодий ёндашувга эътибор сезиларли даражада ортди. Мазкур мавзуга доир эълон қилинган катор илмий ишларда меҳнат шароитларининг корхона иктисодиётига таъсири таҳлил этилган, бу таъсирнинг иктисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари таклиф этилган. Аммо бу услубларнинг аксарияти муаммонинг ижтимоий моҳиятини четда қолдириб, иктисодий жиҳатларинигина ҳисобга олади. Иктисодий самарадорлик харажатларни – нокулай меҳнат шароитлари, қисқартирилган иш куни, қўшимча таътиллار учун устамалар ва бошқа устамалар микдори, бу устамалар тўланадиган ходимлар сонини камайтиришни кўзлайди.

Мазкур услубларда иктисодий самара меҳнат унумдорлиги қанчага ошиши, иш вақти йўқотиши қанчага камайиши, маҳсулот таннархи қанчага арзонлашиши тартибида аниқланади. Буларнинг ҳаммаси меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланиш учун катта аҳамиятга эга, албатта. Бундай ёндашув *“иктисодиёт”* атамасига тааллуқли кўпгина тушунчалардан бирига мувофиқдир. Яъни: *“Иктисодиёт - инсонлар томонидан камёб ёки чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиш тўғрисидаги фандир”*. Демак, иктисодиёт фани бир томондан, ресурслар камёблиги, чегараланганлиги, иккинчи томондан, ана шундай шароитда инсонлар эҳтиёжини қондириш билан боглик зиддиятни бартаф этиш билан шуғулланади.

Юкоридаги таъриф меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида

қўлланиладиган бўлса, уни *ходимлар саломатлиги ва меҳнат қobiliятини ортиқча моддий ва молиявий маблағлар сарфламаган ҳолда сақлаш* маъноси келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, маблағ сарфланар экан тежамкорликни ҳам ҳисобга олиш керак. Аммо яна бир қарра такрорлашга тўғри келади: *тежамкорлик одамлар саломатлиги ва ҳаёти ҳисобига бўлмаслиги керак*.

Шу билан бирга меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг иқтисодий самараси билвосита хусусиятга эга. Чунки бу самара ходимлар учун қулай меҳнат шароити яратилгандан сўнг намоён бўлади. Ижтимоий самара эса меҳнат жараёнини амалга ошираётган ходимга қулайлик яратишга бевосита алоқадордир. Шунинг учун биз *ижтимоий самара иқтисодий самарадорлик билан узвий боглиқ* деб таъкидлаймиз. Мамлакатимизда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ меҳнат шароитларини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлиги ижтимоий мақсадларга бўйсундирилган, у ижтимоий мақсадларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Демак, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш лозим. Мазкур йўналишда А.И. Ширшков муҳим тадқиқотларни амалга оширган¹¹². Бу муаллиф ана шу тадқиқотлар бошқа бир манбага¹¹³ асосланганлигини кўрсатган.

Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича тадбирларни жорий этишнинг ижтимоий самарасини баҳолаш учун қуйидаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

1. Гигиена норматив талабларига мувофиқ бўлмаган иш ўринлари сонини кискартириш:

$$\Delta K_{\text{сг}} = \text{Эсгм} / \text{Чрм},$$

бу ерда Эсгм – барча кўрсаткичлар бўйича меҳнатнинг гигиеник шароитларини яхшилашнинг ижтимоий самараси (тад-

¹¹²Ш и р ш к о в А. И. Менеджмент охраны труда: Учебник. Ростов на Дону: Феникс, 2001.

¹¹³ Методические рекомендации по комплексной оценке социально-экономической эффективности мероприятий по улучшению условий и охраны труда. М.: ВЦНИИОТ ВЦСПС, 1985.

бирлар жорий этилгандан сўнг гигиеник талабларга жавоб берадиган қанча иш ўринлари кўпайганлигини билдиради); Чрм – умумий иш ўринлари сони.

2. Гигиеник нормативларга мувофик бўлмаган шароитларда меҳнат қилаётган ходимлар сонини қисқартириш:

$$\Delta\text{Чсг}=\text{Эсгр}/\text{Чр},$$

бу ерда Эсгр – барча кўрсаткичлар бўйича меҳнатнинг гигиеник шароитларини яхшилашнинг ижтимоий самараси (у тадбирлар жорий этилгандан сўнг гигиеник талабларга жавоб берадиган қанча ходимлар сони кўпайганлигини билдиради). Чр – ходимларнинг умумий сони.

3. Стандартлар ва норматив – техникавий талабларга мувофик ҳолга келтирилган машина-ускуналар, механизмлар ва ишлаб чиқариш бинолари сонининг кўпайтирилиши:

$$\Delta\text{Кмп}=\text{Эмп}/\text{Чмп},$$

бу ерда Эмп – норматив талабларга мувофик ҳолга келтирилган машина-ускуналар, механизмлар, ишлаб чиқариш биноларининг сони ва салмоғи кўпайтирилишидан кўрилган ижтимоий самара. Чмп – машина-ускуналар, механизмлар, биноларнинг умумий сони.

4. Ишлаб чиқаришдаги шикастланишни камайтириш:

$$\Delta\text{Кч}=\text{Эч}/\text{Чр}; \quad \Delta\text{Кт}=\text{Эт}/\text{Нт},$$

бу ерда $\Delta\text{Кч}$ – шикастланиш сонини камайтириш; $\Delta\text{Кт}$ – шикастланиш оғирлигини камайтириш; Эч, Эт – шикастланиш сони ва оғирлигини ўзгартиришдан кўрилган ижтимоий самара (у мазкур тадбирлар жорий этилишидан аввал бўлган аҳвол ва жорий этилгандан кейинги ҳолат ўртасидаги фарк сифатида ҳисоблаб чиқилади); Нт – ҳисобот йилидаги шикастланишлар сони.

5. Касалланишни камайтириш:

$$\Delta\text{Ксз}=\text{Эз}/\text{Чр}; \quad \Delta\text{Ктз}=\text{Этз}/\text{Нсз},$$

бу ерда $\Delta\text{Ксз}$ – ноқулай меҳнат шароитлари сабабли вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган касалланишлар сонини камайтириш; $\Delta\text{Ктз}$ – касалланиш давомийли-

гини камайтириш; Эз, Этз – касалланиш ҳолатлари сони ва давомийлигини камайтиришдан кўрилган ижтимоий самара. Нсз – ҳисобот даврида касалланишлар сони.

6. Шикастланиш ёки касалланиш оқибатида ногирон бўлиш ҳолатлари сонини камайтириш:

$$\Delta\text{Чи}=\text{Эи}/\text{Чр},$$

Бу ерда $\Delta\text{Чи}$ – ногирон бўлган шахслар сони; Эи – ногиронликни камайтириш ҳисобига кўрилган ижтимоий самара (тадбирлар жорий бўлгунга қадар ҳамда жорий этилгандан сўнг ногирон бўлган ходимлар сони ўртасидаги фарқ орқали аниқланади).

7. Нокулай меҳнат шароити сабабли кадрлар қўнимсизлигини камайтириш:

$$\Delta\text{Ктек}=\text{Этек}/\text{Чр},$$

бу ерда Этек – ногулай меҳнат шароитлари оқибатида ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшаш ҳолатларини камайтириш ҳисобига кўрилган ижтимоий самара.

8. Кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ҳисобига ҳар бир ходим ҳисобига иш вақтини тежаш:

$$\Delta\text{Крт}=\text{Эсэк}/\text{Чр},$$

бу ерда Эсэк – кадрлар қўнимсизлиги оқибатидаги иш вақти йўқотилишини қисқартириш ҳисобига кўрилган ижтимоий-иқтисодий самара.

Моддий ишлаб чиқариш соҳалари корхоналари учун меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашнинг ижтимоий натижалари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича иқтисодий жиҳатдан баҳоланади.

1. Нокулай меҳнат шароитлари оқибатидаги шикастланиш, касалланиш, кадрлар қўнимсизлиги билан боғлиқ ижтимоий йўқотишларни камайтириш ҳисобига норматив соф маҳсулот ҳажмининг ўсиши:

$$\Delta_1^M = \sum_{M=1}^N \Delta B_{\text{м}} \text{НЧП}_M$$

бу ерда $\Delta B_{\text{м}}$ – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши; НЧП_M – соф маҳсулот нормативи.

$$\Delta B_M = (D_1 - D_2) V_P,$$

бу ерда D_1, D_2 — тадбирлар ўтказилгунган қадар ва ўтказилгандан сўнг ноқулай меҳнат шароитлари оқибатида шикстланиш, касалланиш ва кадрлар қўнимсизлиги сабабли йўқотилган умумий иш кунлари; V_P — ҳар бир ходимнинг ўртача меҳнат унумдорлиги, P — натурал бирликлар.

2. Ишлаб чиқаришдаги ноқулай меҳнат шароитлари оқибатида шикастланиш, касалланиш ва кадрлар қўнимсизлиги оқибатида меҳнат фаолиятини тўхтатган ходимларни алмаштириш билан боғлиқ бўлган янги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни тежаш ҳисобига маҳсулот таннархининг арзонлаштирилиши ва фойданинг ортиши:

$$\mathcal{E}_2^M = \mathcal{C}_{пп} Q_{пп} + \mathcal{C}_0 Q_0,$$

бу ерда $\mathcal{C}_{пп}$ — шикастланиш ва касалланиш сабабли меҳнат фаолиятини тўхтатган ходимлар ўрнида ишлайдиганларни қайта тайёрлаш талаб этилган шахслар сонининг камайиши; $Q_{пп}$ — ходимларни малакасини ошириш учун тармок бўйича ўртача сарф-харажатлар; $\mathcal{C}_0$ — меҳнат фаолиятини тўхтатганлар ўрнига қабул қилинадиган ва ўқитилиши керак бўлган шахслар сонининг камайиши; Q_0 — янги қабул қилинган ходимни ўқитиш учун тармок бўйича ўртача сарф-харажатлар.

3. Меҳнат шароитлари яхшиланиши натижасида меҳнат унумдорлиги ортиши билан боғлиқ равишда норматив соф маҳсулотнинг кўпайиши:

$$\mathcal{E}_3^M = \sum_{M=1}^H \Delta B_M^P H \mathcal{C} \Pi_M$$

бу ерда ΔB_M^P — меҳнат шароитлари яхшиланиши натижасида меҳнат унумдорлиги ортиши билан боғлиқ равишда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши.

$$\Delta B_M^P = \mathcal{C}_{ср} V \Delta \Pi,$$

бу ерда $\mathcal{C}_{ср}$ — ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони; V — брак чегириб ташланган ҳолда йил давомида ишлаб чиқилган маҳсулот; $\Delta \Pi$ — меҳнат шароитларини яхшилаш ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ортиши.

Иктисодиёт ҳамиша сарфланган маблағ миқдори билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун иктисодий самарадорлик кўрсаткичларига қуйидагилар ҳам тааллуқлидир:

- авариялар, ёнгин чиқишлари, шикастланиш ва касалланиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;

- меҳнат шароитларини яхшилаш натижасида меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобига олинган фойда;


- ноқулай меҳнат шароитлари билан боғлиқ кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ҳисобига харажатларни камайтириш;

- машина-ускуналардан фойдаланиш жараёнида жамоавий ҳимоя воситалари сифатида ишлатиладиган хом ашё, материаллар, электр энергиясини тежаш;

- зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ходимларга имтиёз ва компенсациялар бериш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ва ҳоказолар.

Мамлакатда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш катта ижтимоий самара бериши билан бир каторда иктисодий самарадорликни ҳам таъминлайди. Бу ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги ва ташаббускорлиги, меҳнат унумдорлиги ортишини таъминлайди, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, касб касалликлари ҳамда ноқулай меҳнат шароитлари сабабли кадрлар қўнимсизлигини камайтириш билан боғлиқ, шунингдек имтиёз ва компенсациялар харажатларини қискартириш имконини беради (4.5-расм).

Экспертларнинг ҳисоблаб чиқишларига кўра меҳнат шароитларини яхшилашга йўналтирилаётган тадбирлар меҳнат унумдорлигини 6,0-25,0 % га ва ундан ҳам кўпроққа ошириш имконини беради. Масалан, иш ўринларини қуёш орқали ёритиш меҳнат унумдорлигини 10,0 % га, оқилонга сунъий ёритиш – 6,0-13,0 % га оширади. Бунда айрим ишлаб чиқаришларда брак маҳсулот ишлаб чиқариш 25,0 % га камаяди. Иш ўринларини тўғри ташкил этиш меҳнат унумдорлигини 25,0 %, мусикадан тўғри фойдаланиш 12,0-14,0 %, хоналар тўғри бўялиши 25 % га кўпайтиради.



4.5-расм. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлардан ижтимоий ва иқтисодий самаранинг шаклланиши.

Аксинча, йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан ортикча бўлган шовқин меҳнат унумдорлигини 20,0% га, ҳароратнинг юқорилиги иш қобилиятини 40,0 % аг камайтиришга сабаб бўлади.

Ходимларнинг шикастланиш ва касалланиш оқибатидаги вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги ҳам катта йўқотишларга

олиб келиши ҳисоблаб чиқилган. Улар ишлаб чиқаришдаги умумий иш вақти йўқотилишининг 60,0-80,0% гача қисмини ташкил этади.

Ноқулай меҳнат шароитлари ходимларни ўз ихтиёрлари бўйича ишдан бўшашларига олиб келади. Социологик тадқиқотлар натижалари кадрларнинг бундай қўнимсизлиги саноатда ўртача 20,0 % га, қурилишда эса 25,0 % га етишини кўрсатди.

Зарарли меҳнат шароитларида ишлагани учун ходимларга бериладиган имтиёзлар ва компенсация тўловларини камайтириш меҳнатни муҳофаза қилишга сарфланаётган маблағларни тежашнинг энг муҳим моддасидир. Амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган бу имтиёз ва компенсациялар турлари ана шундан яққол далолат беради.

Ноқулай меҳнат шароитида ишлагани учун:

- тариф ставкалари ва хизмат маошлари 4,0-24,0% га оширилади;

- иш куни 6 соат қилиб белгиланади;

- 6-36 кунгача қўшимча таътил берилади;

- пенсияга чиқиш ёши 5 ва 10 йилга камайтирилади;

- аёллар ва ўсмирларга алоҳида имтиёзлар берилади;

- бепул сут ва озик-овқат берилади;

- ходимлар шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминланади.

Меҳнат шароитларини яхшилаш ижтимоий таъминот фонди ҳисобидан сарф-харажатларни ҳам қуйидагилар ҳисобига камайтириш имконини беради:

- касалланиш даври учун ҳақ тўлаш;

- касалахоналар ва санатория-курортларда даволаниш учун харажатлар;

- биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда бериладиган дори-дармонлар;

- жабрланувчиларга ёки уларнинг оилаларига бир йўла нафақа бериш, бепул протез қилиш, дафн этиш харажатлари ва ҳоказолар.

Энг асосий иқтисодий самара эса корхона барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашдир. Ходимларга қулай меҳнат шароити яратилган бўлса, қуйидаги чикимларга барҳам бериш ёки уларни жиддий равишда камайтириш мумкин:

- ходимлар меҳнат қобилиятини йўқотганликлари сабабли машина-ускуналарнинг бекор туриб қолиши;
- брак маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиши;
- меҳнат унумдорлигининг ортиши;
- ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун ходимларга турли тўловларни камайитириш.

Шунинг учун корхоналарда меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Иш берувчи учун бу маҳсулот таннархини арзонлаштириш, қўшимча фойда олиш, мажбурий ижтимоий суғурта қилиш тўловлари харажатларини камайитириш бўлса, энг асосийси - ходимлар саломатлиги ва меҳнат қобилиятини сақлаш, иш кучи самарали такрор ҳосил қилинишига эришишдир.

4.3. Иш берувчиларни хавфсиз меҳнат шароитлари яратиши учун иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш

Амалдаги қонунчиликда ходимларга норматив талабларга мос иш ўринларини яратиш масъулияти тўла-тўқис иш берувчи зиммасига юклатилган. Бу, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Жиноят Кодекси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунбузарликлар учун иш берувчи ва мансабдор шахслар интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Интизомий жавобгарлик дейилганда айбдор шахсга огоҳлантириш, хайфсан бериш ҳамда уни ишдан бўшатиш тушунилади. *Маъмурий жавобгарлик* айбдор шахсга энг кам иш ҳақининг 50-100 баробари миқдорида жарима солишни кўзда тутди. *Жиноий жавобгарлик*да айбдор шахс бир йил муддатгача озодликдан маҳрум этилиши, ана шу муддатга меҳнат-тузатиш ишларига жалб этилиши, энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача бўлган миқдорда жарима тўлаши ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ёки касб касалликларига чалиниш натижасида етказилган моддий зарар *моддий жавобгарлик*ни келтириб чиқаради. Бу моддий зарар айбдор шахс-

лардан сугурта килиш органлари томонидан муайян миқдорда пул ундириб олиш тарзида амалга оширилади.

Бу чораларнинг ҳаммаси меҳнатни муҳофаза қилиш самарали тизимини ташкил этиш учун зарур бўлсада, мажбурий-жазоловчи хусусиятга эга. Иш берувчи иш ўрнида ҳамиша ҳам хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш имкониятига эга эмас ёки бундай шароитларни мустакил яратишни хоҳламайди. Шу сабабли тегишли органлар томонидан улар устидан қўшимча назорат талаб этилади. Мазкур органлар ҳар бир иш ўрнидаги аҳвол тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиши учун барча ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Улар иш берувчи(муайян ҳолатларда махсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи)ни ўз мажбуриятларини бажаришга мажбур этиш учун тегишли чоралар қўришлари талаб этилади. Аксарият ҳолатларда бу маъмурий жарима белгилаш чораси билан чегараланади.

Бироқ ана шундай мажбурий чоралар каторида иктисодий жиҳатдан *рағбатлантирувчи чоралар* ҳам бўлиши шарт. Рағбатлантирувчи чоралар иш берувчини ўз хўжалик субъектида хавфсиз меҳнат тизимини ташкил этишдан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг аксарияти рағбатлантирувчи омилларнинг аҳамияти катта эканлигига эътиборни қаратадилар. Ҳақиқатан ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходим саломатлигини таъминлашнинг бутун тизими жазолаш мақсадларига эмас, балки ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга йўналтирилган бўлиши зарур. Жазо эса мавжуд тизим нотўғри ишлаётганини кўрсатади¹¹⁴.

Меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш, сарф-харажатларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан корхона раҳбарлари ва иш берувчиларни иктисодий жиҳатдан рағбатлантиришга боғлиқ. Иш берувчини меҳнат шароитларини яхшилаш учун маблағ ажратишга мажбурлаш эмас, балки рағбатлантириш муҳим. Лекин бу мақсадларга маблағ ажратишнинг ўзи етарли эмас. Шу билан бирга иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаол иш олиб бориши, мазкур тизимни такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши керак.

¹¹⁴ Р о и к В. Д. Управление условиями и охраной труда: Учебное пособие. М.: РАГС, 2004. С.144.

Н.К. Кульбовская, А.П. Соловьев фикрича, ишлаб чикаришда бахтсиз ҳодисалардан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш тизимини жорий қилишга қўшимча равишда иктисодий рағбат омилларидан оқилона фойдаланиш керак¹¹⁵. Бу омиллар ташкилий-ҳуқуқий усуллар билан биргаликда иш берувчиларни меҳнат шароитларини тубдан яхшилашга қизиқтириши керак.

Бозор иктисодиёти шароитида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш учун иктисодий рағбатлантириш омилларини шакллантиришга ҳам янгича ёндашувлар талаб этилади. Бугунги кунда иктисодий рағбатлантириш масаласи талбиркор манфаатларини ифода этишга қаратилиши керак. Шундагина иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни яхшилаш унга иктисодий фойда келтиришини билган ҳолда бу йўналишда фаол иш олиб боради. Буни жўнгина қилиб айтганда, иш берувчи ўзи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига сарф қилган харажатлари у оладиган фойдадан кам бўлиши зарур.

Корхоналарга меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги конунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш манфаатли бўлиши даркор. Аммо иш берувчилар, корхоналар раҳбарлари оддий ҳақиқат ҳисобланган бу масалага қуйидаги сабабларга кўра зарур даражада аҳамият бермаяптилар:

- бахтсиз ҳодисалар статистикаси таҳлил этилмайди;
- бахтсиз ҳодисаларга сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилинмайди;
- факат кўрилган моддий зарар (бино, иншоотлар, машина-ускуналар, асбоб-ускуналар ва ҳоказоларга етказилган зарар) ҳисобга олинади;
- билвосита харажатлар ва бой берилган фойда ҳисобга олинмайди;
- бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ харажатлар ҳўжалик юритувчи субъектнинг бошқа кўрсаткичлари билан таккосланмайди.

Бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ харажатлар корхонага қимматга тушади. Агар ишлаб чикаришда хавфсизлик таъмин-

¹¹⁵ Кульбовская Н. К., Соловьев А. П. Научно-экономическое обеспечение охраны труда. // М. Ж. Охрана труда и социальное страхование. 2000. №2. С.11.

ланса, уларни жиддий равиша кискартириш ёки умуман бундай харажатларга йўл қўймаслик мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса бевосита ва билвосита харажатларга олиб келади.

Бевосита харажатларга қуйидагилар киради:

– жабрланувчининг бахтсиз ҳодиса рўй берган кундаги иш ҳақи;

– бахтсиз ҳодиса сабабларини текшириш бўйича комиссия аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш;

– жарималар тўлаш билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар.

Билвосита харажатлар қуйидагилардан иборат:

– персонал иш вақтининг йўқотилиши;

– машина-ускуналар, асбоб-ускуналар, хом ашё, тайёр маҳсулотга етказилган зарар, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши;

– ҳодиса рўй берган жойда хавфсизликни таъминлаш учун харажатлар;

– бахтсиз ҳодиса муносабати билан ўз меҳнат фаолиятини тўхтатган бошқа ходимларнинг иш вақти;

– бой берилган фойда;

– ижтимоий суғурта қилиш фонди суғурта тарифи (бадал) микдорининг қўпайтирилиши ва ҳоказолар.

Шуни таъкидлаш керакки, билвосита харажатлар бевосита харажатларга қараганда анча қўп. Иш берувчи буни ҳамиша ёдда тутиши зарур.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлатнинг ўрни нимадан иборат?

Айрим мутахассислар бу масалада Ғарб мамлакатлари амалиётига амал этиш тарафдорларидир. Маълумки, бу давлатларда иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро келишув қарор топган. Шунинг учун, юкоридаги ғоя тарафдорларининг ҳисоблашларича, меҳнатни муҳофаза қилиш фақат давлат зиммасида бўлса иш берувчилар, умуман олганда ходимларнинг ўзлари ҳам хавфсиз меҳнат шароитларини яратибдан бирор манфаатдорлик сезмайдилар¹¹⁶.

Бироқ бу фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Биргина Россия Федерациясида эмас, Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳозирча

¹¹⁶ Ф е д и н В. В. Доклад к Всероссийскому съезду специалистов по охране труда. 22 апреля 2008 г.

меҳнатни муҳофаза қилишни Европа стандартлари бўйича йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд эмас. Бунинг учун вақт талаб этилади. Давлат ижтимоий-меҳнат муносабатлариди, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам фаол иштирокчи бўлиб қолиши керак. Айни пайтда иш берувчиларнинг ходимларга меҳнат жараёнида қулай шароит яратиб бериш учун масъулияти ва ролини муттасил ошириб бориш лозим.

Биз Ю.Г.Сорокиннинг “Меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи ва шароитлари бевосита мамлакат иқтисодиётига боғлиқ. Хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтилгандан сўнг фойда хўжалик фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Яъни корхона фойда олиш мақсадини кўзлайди. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш учун асосий фондларга капитал қўйилмалар маҳсулот таннарни ортишига сабаб бўлади. Ишлаб чиқариш жараёни катнашчилари ҳамиша иқтисодий наф(иш берувчи – фойда, ходим меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, шу жумладан, зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун устама)га устуворлик берадиган ҳолатда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш ҳал этиш мураккаб бўлган вазифага айланади”¹¹⁷, деган фикрига қўшиламиз.

Давлат меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенасига жавоб берадиган шароитларда ишлаш конституциявий ҳуқуқининг кафолати эканлиги иқтисодий рағбатлантириш усуллари шакллантиришнинг энг муҳим услубий воситаси ҳисобланади. Бу давлат ўз қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органлари тимсолида кафолатланган конституциявий ҳуқуққа риоя этилиши учун тартибга солишнинг турли: ҳуқуқий, маъмурий, молиявий-иқтисодий шаклларида фойдаланиши лозимлигини англатади.

Ҳозирги вақтда иқтисодчи олимлар бозор иқтисодиёти механизмлари билан давлатнинг тартибга солиш механизми ўртасидаги зиддият масалалари бўйича қизғин баҳс-мунозаралар давом этмоқда¹¹⁸. Бозор иқтисодиёти тўла эркинликни хоҳлаши

¹¹⁷ С о р о к и н Ю. Г. Состояние и условия охраны труда в РФ // М.Ж. Аналитический вестник Совета Федерации. 2003. №15. С.208.

¹¹⁸ К у л ь б о в с к а я Н. К., Л ы с е н к о в К. Е. Роль государства в управлении охраной труда// М.Ж. Справочник специалиста по охране труда. 2009. №1. С. 14.

табиийдир. Давлат эса жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда бу эркинликни муайян чегарада саклаб туришга интилади. Мазкур зиддият меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам кўзга ташланади. Мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида меҳнат шароитлари ҳозирча талаб даражасида эмаслиги, жумладан, шу билан ҳам изоҳланади.

Бундай зиддият амалиётда учрайди, ҳатто конунчиликда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда хавфсиз меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасида эканлиги белгилаб қўйилган. Давлат бу билан хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини иш берувчи зиммасига юклаган. Иш берувчи эса ўз тадбиркорлик мақсади – фойда олишни кўзлайди.

Юқорида қайд этилган мамлакат конун ҳужжатларида иш берувчига қулай меҳнат шароитларини таъминлаш вазифаси юклатилган 20 тадан кўпроқ моддани учратасиз. Лекин уларда бунинг иқтисодий жиҳатдан таъминлаш имконияти кўрсатилмаган. Шу сабабли иш берувчида ҳам ўз ишлаб чиқаришининг самарадорлиги(фойда келтириши)ни таъминлаш билан меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига маблағ ажратиш ўртасидаги зиддият юзага чиқади. Яъни амалдаги конунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишни молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари очик қолган.

Шундай экан, доимо фойдани кўзлайдиган бозор механизми кила олмайдиган ишни давлат бажариши керак. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида “корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга қўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш” қайд этилади.

Афсуски, амалиётда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг бу йўналиши эътибордан четда қолмоқда. Давлат иш берувчининг зарарли меҳнат шароитларини бартараф этиш асосида меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш имконини берадиган янги ишлаб чиқариш ва иш ўринларини ташкил этиш учун олинган фойда ҳисобидан киритилган инвестицияларни солиқдан озод қилиши мумкин эди. Шунингдек,

фақат нормалаштирилган тадбирларга эмас, шунингдек жамоа шартномасида белгиланган барча тадбирларни амалга ошириш учун сарф қилинган харажатларни ҳам солиққа тортиш базасидан чиқариб ташлаш мумкин эди. Шу билан бирга ноқулай меҳнат шароитлари мавжуд бўлган иш ўринларини йўқотиш учун бюджетдан молия маблағларини мақсадли йўналтириш вазифасини ҳал этиш ҳам долзарбдир.

Фикримизча, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун капитал қўйилмалар талаб қилинадиган кичик бизнес субъектларида иш берувчиларга молиявий ёрдам сифатида субсидиялар ва кредитлар ажратиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда, масалан Германияда кичик корхоналарга меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари учун маблағлар мақсадли равишда сугурта компаниялари ҳисобидан ажратилади. Ўзбекистон Республикасида Ижтимоий суғурта фондининг бюджетида ана шундай маблағларни ажратиш кўзда тутилмаган.

Давлат ижтимоий манфаат ифодачиси сифатида бугунги кунда соғлиқни сақлаш, таълим, маданиятни ривожлантиришга нақадар катта эътибор бераётганидек, ишлаб чиқаришда қулай меҳнат шароитларини таъминлаш соҳасида ҳам фаол сиёсат олиб бориши лозим деб ҳисоблаймиз. Умуман олганда қулай меҳнат шароитларини яратиш учун харажатлар жамият нуқтаи назаридан йўқотиш ҳисобланмайди.

Тўғри, Ўзбекистон Республикасида биринчи навбатда ҳал этишни талаб этаётган жуда муҳим ижтимоий эҳтиёжлар кўп. Табиийки, уларга бюджетдан тегишли равишда маблағ ажратибли келинмоқда. Аммо ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш иш берувчилар вазифаси деб ҳисобланиб, бу мақсадларга давлат томонидан муайян миқдорда маблағ ажратишни режалаштирмаслик ҳам тўғри эмас. Бу ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижобий ўзгаришларни анча вақт кутишга тўғри келади.

Давлатнинг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга самарали таъсири бевосита молиялаштиришни амалга ошириш билан бир қаторда таъсир кўрсатишининг бивосита воситаларидан фойдаланишда ҳам ақс этиши лозим. Давлат бу йўл билан иш берувчиларни кўзланган мақсадга эришишга рағбатлантиради.

Шу муносабат билан ҳам мамлакат, ҳам минтака даражасида иш берувчиларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришга хизмат қиладиган қуйидаги норматив ҳужжатларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига капитал қуйилмалар тарзидаги харажатларни солиққа тортиш базасидан чиқариш шаклидаги бевосита имтиёзларни жорий этиш;

- кичик бизнес субъектларининг имтиёз берилган фаолиятлари турларига иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган предмет ва воситалар ишлаб чиқаришни киритиш;

- кичик бизнес субъектларига меҳнатни муҳофаза қилиш даражасини оширишга мўлжалланган машина-ускуналарни лизинг тарзида олиш бўйича имтиёзлар бериш – қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш;

- қўшимча қийматга солиқ солиш тизимида моддий ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлайдиган машина-ускуналарга ҳам имтиёзлар берилишини кўзда тутиш.

Иш берувчининг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашдан иқтисодий самарадорлигига ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда суғурта тарифларига устамалар ва чегирмалар белгилаш тизимини жорий этиш, агар бу кўрсаткичлар ортиб борса, ижтимоий суғурта қилиш фондига тўловлар ўз-ўзидан 4,0 % гача кўпайиши керак. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса шундан иборатки, иш берувчи биргина ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни камайтиришдангина эмас, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига маблағлар ажратишдан ҳам манфаатдор бўлиши керак. Бу Ижтимоий суғурта фондига тўланадиган суғурта бадалларига чегирмалар белгилаш тарзида амалга оширилиши мумкин.

А.П.Соловьевнинг фикрича, бундай йўл тутиш учун биринчи навбатда интеграл кўрсаткичлар масаласига аниқлик киритиш талаб этади. Уларни шакллантириш учун кўпроқ ҳисобот кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқаришда рўй берган умумий бахтсиз ҳодисалар, шунингдек бундай бахтсиз

ходисаларнинг аёллар, ёшлар ўртасида рўй бериши, уларнинг оғирлиги, шикастланишлар ва касб касалликлари оқибатидаги вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш давомийлиги, раҳбарлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун масъул шахсларнинг тайёргарлик даражаси ва ҳоказолар шулар жумласидандир¹¹⁹.

Ана шундай билвосита кўрсаткичлар сифатида эса сугурта бадалларининг ўз вақтида ва тўла тўланиши, республика меҳнат инспекциясининг тақдимномалари ижроси, асосий фондларни янгиланиш ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилиши каби маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Чунки ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг кўпчилиги, шу жумладан ўлимга сабаб бўладиган бахтсиз ҳодисалар машина-ускуналарнинг носозлиги, уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли рўй беради.

Ижтимоий суғурта фондида тўловлар ишлаб чиқаришдаги суғурта ҳодисаси рўй бериши миқдори қанчалигига қарамадан, бир хил миқдорда амалга оширилади. Агар тўловлар даражаси ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар даражаси билан бевосита боғлиқ бўлса, мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисидаги қонун тўла қуч билан ишлай бошлади деб айтса бўлади. Бевосита шундай бўлса, суғурталовчилар меҳнатни муҳофаза қилишни таъминловчи шароитларни яратиш, янги хавфсиз технологияларни жорий этишдан манфаатдор бўладилар.

Бугунги кунда мамлакатда қабул қилинаётган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар мўлжалли бўлиши, яъни кўзда тутилган ҳар бир шахс ва қорхона манфаатларига аниқ қаратилганлиги ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Шундай экан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам манзиллик принципи асосида амал этиши, ҳар бир аниқ қорхонада меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларнинг амалдаги аҳволига таяниши лозим. Чунки бир тармокнинг ичида ҳам қорхоналар меҳнат шароитлари, ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг аҳволи бўйича бири-биридан жиддий фарқ қилади. Аммо суғурта тарифи уларнинг ҳаммаси учун бир хил қилиб белгиланган.

Суғурта тўловлари миқдorigа қонунда кўзда тутилган 40,0 % чегирма ёки устамалар қорхоналарга ўз маблағларидан жуда самарали фойдаланиш имконини берадиган таъсирчан иқтисодий

¹¹⁹С о л о в ь с в А. П. Государство и охрана труда. М.: ВЦОПТ, 2000. С. 84.

механизмдир. Бунда меҳнатни муҳофаза қилишга капитал қўйилмалар узок муддатга мўлжалланганлиги ва пировард натижада суғурта бўйича тўловлар миқдори камайиши ҳисобига қопланишни назарда тутати.

Шу сабабли иш берувчи (суғурталовчи) эндиликда кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, ходимлар меҳнат қобилиятини йўқотишлари билан боғлиқ харажатлар унга қанчага тушаётганлигини ҳисоблашга мажбур бўлади. Мазкур масалани ҳал этишда ҳам суғурта қилишнинг ушбу тизимини бошқариш бўйича халқаро тажрибадан кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу тажрибага кўра иш берувчилар билан ходимлар (касаба уюшмалари тимсолида), шунингдек давлат (турли органлари тимсолида) ва Ижтимоий суғурта фонди биргаликда, ижтимоий шерикчилик асосида суғурта бадалларини тўплаш ва сарфлашнинг энг самарали йўллари топишга ҳаракат қиладилар.

Ғарбнинг тараккий этган мамлакатларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда иктисодий воситалардан фойдаланиш давлат сиёсатининг асосий принципларини амалга оширишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Бу воситалар қуйидагилардан иборат:

- суғурта тарифининг корхонадаги хавфсизлик даражасига боғлиқлиги;

- меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси талабларига риоя этмаслик учун жарималар солиш тизими;

- меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига йўналтирилаётган маблағларни солиқдан озод қилиш;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун иш берувчилар ҳисобидан юқори даражадаги тўловларни амалга ошириш.

Иктисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг хусусияти шундан иборатки, давлат меҳнат шароитларини нормалаштиради ва назорат қилади, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи учун бутун масъулият эса иш берувчи зиммасига юклатилган. Айни пайтда технологиялар, машина ва ускуналар, механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситалари техник синовларини ўтказиш, материал ва хом ашёларнинг инсон учун хавфсиз эканлигини аниқлашда нодавлат ташкилотларининг кенг иштирок этиши таъминланади.

Шу билан бир каторда давлат ва давлатлараро даражада меҳнатни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоралари кўрилади. Бу дастурларга бахтсиз ҳодисалар, ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари, касб хавфларини баҳолаш, ифлосланишларни назорат қилиш, касб касалликларига чалиниш ҳолатларини аниқлаш ва ҳоказолар қиритилади.

Иш берувчиларни меҳнат шароитларини яхшилаш учун рағбатлантириш соҳасидаги энг муҳим муаммолардан бири – ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун имтиёз ва компенсацияларни белгилаш тизимидир. Меҳнат инспекцияларининг статистик маълумотлари ва ахборотларини таҳлил этиш натижалари зарарли ёки хавфли меҳнат шароитлари учун компенсациялар белгиланган ходимлар сонининг нисбатан кўпайиб бориши корхоналарда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш тизимли ишини у ёки бу компенсациялар, кўп ҳолатларда таътилга қўшимча кунлар қўшиб бериш билан алмаштириш оқибатида рўй бераётганлигидан далолат бермоқда. Ходимларга компенсация тўловлари йилдан-йилга ортиб бораётганлиги меҳнат шароитлари жиддий равишда ўзгармаётганлиги, шунингдек иш берувчилар томонидан ходимларга уларнинг зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида иш билан машғул эканликлари ёки машғул эмасликларидан қатъи назар компенсациялар бераётганликларини кўрсатади. Ана шу хулосани компенсациянинг ҳеч бўлмаганда битта тури белгиланган ходимларнинг сони (умумий ходимлар сонининг 40,0 % идан кўпроғи) амалда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларида иш билан бандларнинг сонидан кўпдир.

Халқаро Меҳнат Ташкилотлари экспертларининг фикрича, Ўзбекистон Республикасида таркиб топган компенсациялар тизими иш жойларида меҳнат хавфсизлигини яхшилаш йўлидаги жиддий муаммолардан биридир. Ходимлар ҳам ўзларига берилаётган имтиёзлар бекор қилиниши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамиша ҳам меҳнат шароитлари яхшиланишини истамаётганликларини кўпгина иш берувчилар ҳамда илмий тадқиқотлар натижалари тасдиқлаб турибди.

Бундай аҳволни яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фонди билан иш берувчилар ўртасида бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурта қилиш учун ажратилаётган

маблағларни тақсимлаш, шунингдек, корхоналарнинг суғурта бадаллари масаласидаги ўзаро муносабатларига ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иш берувчи бугунги кунда меҳнат хавфсизлигини ошириш ҳамда оғир, зарарли ва хавфли меҳнат шaroитларида ишлаганлик учун қўшимча компенсациялар беришга қўшимча маблағ ажратишдан манфаатдор эмас. Чунки ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш тизими, уни мазкур вазифалар учун масъулиятдан ҳалос этди. Маълумки, ишлаб чиқариш ҳатрларининг суғурталовчиси сифатида давлат Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фонди тимсолида бажаради.

Корхоналарнинг мазкур фонд бюджетига суғурта бадаллари ишлаб чиқариш хавфлари тоифаларига қараб аниқланади. Бу тоифалар корхонада меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш даражаси ва меҳнат шaroитларининг аҳволига қараб эмас, балки ҳўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодиётнинг қайси тармоғига тааллуқлилигига қараб белгиланади. Ривожланган мамлакатлар, масалан, Германияда касб хавфлари тоифаси жуда кўп. Бу эса суғурта тарифларига табақалаштирилган ҳолда ёндашиш имконини беради. Корхона учун умумий тармок тарифига қараганда унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган тариф манфаатлироқдир. Бу ходимни меҳнат шaroитини яхшилашдан иқтисодий манфаатдорлигини оширадиган муҳим восита ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликлари профилактикаси мақсадларига махсус ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш тартибини ҳам қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, фикримизча, иш берувчига ажратилаётган маблағнинг 20,0 % ини бевосита қўзланган мақсадга, яъни меҳнат шaroитларини яхшилаш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини бажаришга, шу жумладан қўшимча қийим-бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари харид қилишга ишлатиш ҳуқуқини бериш лозим. Бу маблағ қўшимча солиққа тортилмаслиги ҳам керак.

Айни пайтда иш берувчи зарарли ва хавфли меҳнат шaroитларида иш билан банд ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестация қилишни амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ

ўз ҳисобидан амалга ошириши керак. Зарарли ва хавfli меҳнат шароитларида иш билан банд ходимларни санатория ва курортларда даволаниш учун йўлланмалар ҳам худди шу тартибда харид қилиниши керак. Чунки иш ўринларида бундай шароит саклаб қолинаётганлигида иш берувчининг айби катта. Фикримизча, бундай ёндашув ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликлари хавфини камайтиришга қаратилган профилактик тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур йўналишда, фикримизча, қуйидаги чораларни ҳам тавсия этиш мумкин:

- банк муассасалари томонидан корхоналар, тадбиркорлик тузилмаларига қулай меҳнат шароитлари яратишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ва субсидиялар беришни йўлга қўйиш;

- корхоналар томонидан меҳнат шароитларини яхшилаш учун фойдадан ажратилаётган маблағни соликка тортиладиган фойда умумий миқдоридан чегириш;

- жамоавий ва шахсий ҳимоя воситалари, меҳнат шароитларини яхшилаш учун бевосита қўлланиладиган машина-ускуналар ва материалларни импорт қилишда солиқ божлари тўлашда имтиёзлар бериш;

- ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун бериладиган имтиёз ва компенсацияларнинг иктисодий асосланганлигини таъминлаш. Чунки компенсациялар бериш меҳнат хавфсизлигини оширишга хизмат қилмайди. Ходим компенсация олар экан, зарарли меҳнат шароитларида ишлашдан манфаатдор бўлади.

Шу билан бир каторда бозор иктисоди шароитларида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, бажарилган иш, кўрсатилган хизматдан олинган даромадлар корхона хўжалик фаолиятининг натижаси эканлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Бу даромадлар ишлаб чиқариш учун харажатларни, шу жумладан иш кучи учун харажатларни коплаш манбаи ҳисобланади. Хўжалик фаолиятининг натижаси ва пировард мақсади сифатида эса соф фойда намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича олиб борилаётган фаолиятни иктисодий рағбатлантириш ана шу тадбирлар корхона хўжалик фаолиятининг пировард натижасига қанчалик таъсир этишига боғлиқ деган хулоса чиқариш мумкин.

Юқорида кайд этилганлардан корхоналарда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш учун иқтисодий манфаатдорликни таъминлашда қуйидагиларга амал этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- суғурта тарифи миқдорини корхонадаги хавфсизлик даражасига боғлиқ бўлишини таъминлаш;

- меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси талабларига риоя этилмаганлик учун жарималар миқдорини энг кам иш ҳақи миқдорига эмас, балки мамлакат бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ўртача даражасига қараб белгилаш. Жарима миқдори давлатга етказилган иқтисодий зарарга мос бўлиши керак. Бу зарар эса ходимнинг меҳнат фаолияти натижасида олинадиган даромад, давлатнинг ана шу даромаддан солиқ сифатида оладиган даромади йўқотилиши сифатида аниқланиши лозим;

- меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш тадбирларига йўналтирилаётган маблағларни солиқдан озод қилиш;

- иш берувчилар томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари оқибатида етказилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар миқдорини ошириш.

Мамлакат иқтисодиёти тармоқларида энг қулай меҳнат шароитларини яратиш ҳал қилувчи даражада иқтисодий омилларга боғлиқлиги шубҳасиздир. Шунинг учун меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида иш берувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бу соҳадаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг энг самарали йўлидир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида мамлакат тараққиёт йўлини танлаш, чуқур ва кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш марказига инсон, унинг манфаатлари қўйилди.”**Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун**” деган эзгу тамойилни **тўлиқ амалга ошириш**, – деб таъкидлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, – **биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади**”¹²⁰. Инсон учун муносиб меҳнат шароити яратиш ана шундай энг муҳим тамойиллардан ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг энг муҳим муаммоларини тадқиқ этиш бизга қуйидаги хулосалар чиқариш имконини берди.

Иш кучидан самарали фойдаланиш муаммолари каби меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ҳамиша фаннинг турли тармоқлари тадқиқотчилари диққат марказида бўлиб келган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш илмий жиҳатдан фаннинг кўп тармоқлари билан узвий боғлиқ. У техника, тиббиёт, ҳуқуқшунослик, социология, иктисодиёт ва бошқа фанлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида меҳнатни муҳофаза қилиш иктисодий фанлар нуқтаи назаридан ўрганилди.

Бу нуқтаи назар меҳнатни муҳофаза қилиш фани меҳнат тўғрисидаги фанлар тизимига кирадиган меҳнатнинг иктисодий назарияси, демография, меҳнат социологияси, меҳнат психологияси, меҳнат физиологияси, меҳнат гигиенаси, меҳнатни ташкил этиш, меҳнат ҳуқуқи каби кўплаб фанлардан биридир. Меҳнат эса, ўз навбатида, иктисодий категория ҳисобланади.

Тадқиқотимизда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзгаришлар тенденцияси, шунингдек режали-маъмурий иктисодиётдан бозор иктисодиётига ўтиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши шароитларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича конунчиликнинг шакллантирилиши кўриб чиқилди ва умумлаштирилди. Бундай ёндашув меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш муаммоларини тадқиқ этишнинг кенг қўламлиги ва назарий йўналишини белгилаб берди.

Тадқиқотда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза

¹²⁰Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 46-бет.

қилишнинг аҳволи ўзaro алоқада бўлган ҳамда уларнинг муштарак таъсири энг юкори самара берадиган бир қатор омиллар натижасида таркиб топади деган нуқтаи назарга таянилади. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатининг ўзгаришига омилларнинг бир қисми давлат ижроия ҳокимиятининг меҳнат органлари томонидан бошқарилиши, иктисодиётни ривожлантиришни тартибга солувчи, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатувчи иктисодиётнинг аҳволи, саноат тармоқларининг таркиби, ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг аҳволи қонунчилик ташки муҳит омиллари ҳисобланиб, давлат ва минтақавий ижроия ҳокимият ваколатлари ташқарида эканлиги жиддий аҳамиятга эга. Бирок, бу мазкур омилларга таъсир кўрсатиш имконияти йўқлиги уларни меҳнат шароитларини яхшилаш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш йўллари изла-маслик керак деган маънони келтириб чиқармайди.

Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни шакллантириш назарий муаммоларини таҳлил этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Шу сабабли меҳнат ҳуқуқининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормативлар трансформацияси махсус кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иктисодий янгиланишлар меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликда ҳавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасига юкланганида, давлат эса ходимларга уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат норматив талабларига мос бўлган шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳимоя қилинишини қафолатлашида ўз аксини топган. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий ижтимоий суғурта қилиш жорий этилган.

Тадқиқотда давлатнинг меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришдаги роли биргина қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгилаб қўйиши, уларни текшириш ва назорат қилишдан иборат бўлибгина қолмай, шу билан бир қаторда давлат фуқароларнинг меҳнат ҳавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси шароитларида меҳнат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини қафолатлаш соҳасидаги ўз мажбуриятларини фаол амалга оширишга ҳам қаратилган бўлиши кераклиги асос-

ланди. Шу мақсадда давлат меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш дастурларини бевосита молиялаштиришда иштирок этиши мумкин, шунингдек, масалан, солиққа тортиш сиёсати орқали таъсир кўрсатишнинг фискал воситаларидан фойдалана олади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси иш берувчи зиммасига хавфсиз меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аммо иш берувчи бозор иқтисодиёти қонунларига бўйсунган ҳолда ўз тадбиркорлик фаолияти мақсади – фойда олишни кўзлаган ҳолда иш олиб боради. Шундай қилиб, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришда ҳўжалик юритишнинг бозор механизмлари ва давлатнинг ташкилотчилик роли ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ана шундай ўзаро фаолият тадбиркорлик фаолиятининг мақсади билан муносиб меҳнат шароитини таъминлашни ҳам кўзлайдиган жамиятнинг ижтимоий мақсадлари ўртасида зиддиятни вужудга келтиради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси субъектларининг давлат ижрия ҳокимияти органлари ҳамда ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларининг ваколатларига доир қонунчилиқни такомиллаштириш жараёни давом этмокда. Аммо мазкур ваколатларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг тизими муносиб ўрнини топмаган, чунки у меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади.

Мазкур тадқиқотда ўз-ўзини бошқариш органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишдаги роли махсус таҳлил этилган. Шу муносабат билан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимида меҳнатни муҳофаза қилишни ва иш билан бандликни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари шаклланиши ваколатларидаги қарама-қаршилиқларни акс эттиради дейилган, фикримизча, жуда муҳим умумлашма хулоса чиқарилган. Чунки Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал этиши мажбурий бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив талаблар давлат даражасида ўрнатилади, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари зиммасига эса давлат норматив талаблари бажарилишини қорхоналарда ташкил этиш ва бу ишга услубий раҳбарлик қилиш ваколати юклатилган. Ҳолбуки, бунда давлат норматив талабларини бажариш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасига юклатилган.

Бозор муносабатларига ўтилиши, мамлакат хўжалик юритувчи субъектларининг халқаро бозорга чиқиши меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини халқаро стандартларни ҳисобга олиш асосида ислоҳ этиш вазифасини қўймоқда. Компаниялар, акциядорлик жамиятлари, корхоналарда саноат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг мавжуд эмаслиги мамлакатдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини чекламоқда, хорижий инвесторларнинг сарфлаётган ўз маблағлари сақланиши ва хавфсизлиги кафолатлари йўқлиги учун миллий иқтисодиётга инвестициялар киритишга уларда зарур даражада қизиқиш уйғотмаяпти.

Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилишининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш ва баҳолаш юзасидан услубий тавсиялар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича асосий кўрсаткичларни тизимли ҳолга келтириш ҳамда иқтисодиётнинг ҳозирги шароитларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш механизмига аниқлик киритиш имконини беради. Мазкур тавсиялар амалиётда муваффақиятли синаб кўрилди.

Тадқиқ этилган илмий мавзу бўйича ишларни давом эттириш меҳнатни муҳофаза қилишни минтакавий бошқаришнинг истиқболдаги ривожлантирилиши масалаларини чуқур тадқиқ этиш билан боғлиқ. Бу масалага комплекс ёндашиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Фикримизча, мазкур иш олдида қўйган илмий ва амалий мақсадларга эришилди.

Шундай қилиб, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни янада такомиллаштириш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришнинг истиқболлари мавжуд. Мамлакатда амал этаётган ҳуқуқий тизим умуман олганда самарали ҳуқуқий воситалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош директори Хуан Сомавиянинг таъкидлашича, “Касалликлар ва шикастланишлар меҳнат фаолиятининг муқаррар ҳамроҳи эмас, камбағаллик эса ходимлар хавфсизлиги ва саломатлигига эътиборсизликни оқлай олмайди... Муносиб иш – бу хавфсиз ишдир. Хавфсиз

иш эса ўз моҳияти бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш ва иктисодий ўсишнинг ижодий омилидир”.¹²¹

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ҳамда касб хавфларини бошқариш принципларига асосланган меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг асосий мақсади ҳам “муносиб иш” учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Аввалги ўн йилликлар давомида таркиб топган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тизимидан касб хавфларини бошқариш тизимига ўтишни соф маъмурий усуллар билан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун меҳнат жараёни барча қатнашчиларининг меҳнат хавфсизлиги масалаларига муносабатларини тубдан ўзгартириш, ходимларни шикаст олмасдан ва авариясиз ишлашга мотивация қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, ҳар иш жойида касб хавфларини аниқлаш ва баҳолашнинг замонавий усул ва услубларини ишлаб чиқиш, бу хавфлардан ҳимояланиш чораларини белгилаш зарур. Бунинг учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани ўзгартиришга тизимли ёндашиш талаб этилади. Айнан шу жараён меҳнат муносабати барча қатнашчиларининг сабот билан иш олиб боришини тақозо этади. Бу иш қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, унинг уддасидан чиқиш керак, чунки ходимларнинг ҳаёти ва саломатлиги, меҳнат қобиляти ва фаровонлиги бевосита ана шунга боғлиқдир.

Монографияда амалга оширилган таҳлиллар, чиқарилган ҳулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, амалиётда уни муваффақиятли қўллашга кўмаклашиши мумкин. Тадқиқот натижалари хўжалик юритувчи субъектларнинг амалий фаолиятида, илмий тадқиқот ишлар ҳамда меҳнат ҳуқуқи бўйича дарс беришда фойдаланилиши мумкин.

Мазкур ишда тадқиқотга яқун чиқарилган, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқот предметини ифода этадиган масалалар бўйича асосий ҳулосалар баён этилган. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг таркибий тузилмалари ва тадқиқот мавзусига доир бошқа масалалар бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

¹²¹Управлении охраны труда (Нормы о методы) //Журнал “Справочник по охране труда”. 2009 №2. С.2.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. <http://www.lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. <http://www.lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. <http://www.lex.uz>.
5. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.[http //: www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. “Давлат санитария назорати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.[http //: www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.[http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz).
9. “Қорхоналар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.[http //: www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. [http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz).
11. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.[http //: www.lex.uz](http://www.lex.uz)
12. “Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz).
13. “Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.[http //: www.lex.uz](http://www.lex.uz)
14. “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz).

15. “Хусусий корхона тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. [http //: www.lex.uz](http://www.lex.uz)

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-2810-сон Фармони. www.lex.uz.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш тўғрисида”ги Фармони. [http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. [http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz).

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқубузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида” ги Фармони. [http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz).

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони. [http://: www. Lex.uz](http://www.Lex.uz).

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони. [http://: www.lex.uz](http://www.lex.uz).

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-616-сон қарори. www.lex.uz.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-112-сон Қарори // Халқ сўзи. 2009 йил 19 май.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994

йил 7 ноябрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тўғрисида”ги Қарори. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 286-сон Қарори. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июлдаги “Ишлаб чиқаришда ходимларнинг бахтсиз ҳодисалари ва бошқа жароҳатларини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли зарарни тўлаш қоидалари тўғрисида”даги 60-сон Қарори. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2007 йил 6 апрелдаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 95-сон қарори. www.lex.uz

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

30. К а р и м о в И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

31. К а р и м о в И. А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // Халқ сўзи. 2006 йил 11 февраль.

32. К а р и м о в И. А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир // Халқ сўзи. 2006 йил 8 декабрь.

33. К а р и м о в И. А. Демократик ҳукукий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

34. К а р и м о в И. А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир // Халқ сўзи. 2007 йил 13 февраль.

35. К а р и м о в И. А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

36. К а р и м о в И. А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

37. К а р и м о в И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

38. К а р и м о в И. А. Асосий мақсадимиз - юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катъият билан давом эттиришдир // Халқ сўзи. 2007 йил 8 декабрь.

39. К а р и м о в И. А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

40. К а р и м о в И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.

41. К а р и м о в И. А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир // Халқ сўзи. 2008 йил 6 декабрь.

42. К а р и м о в И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // Халқ сўзи. 2009 йил 14 февраль.

43. К а р и м о в И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

44. Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар. // Халқ сўзи. 2009 йил 2 сентябрь.

III. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари

45. “Қирк соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги 1935 йилги 47-Конвенция // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.-150 б.

46. “Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 1936 йилги 52-Конвенция // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.-150 б.

47. “Меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 1947 йилги 81-Конвенция // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.-87 б.

48. “Қорхона даражасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги 1952 йилги 94-Тавсия // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.-128 б.

49. “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 1957 йилги 105-Конвенция // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.-55 б.

50. “Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида”ги 1971 йилги 135-Конвенция // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.-174 б.

51. “Уч томонлама маслаҳатлашувлар (халқаро меҳнат стандартлари) тўғрисида”ги 1958 йилги 144-Конвенция // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.-115 б.

52. “Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида”ги 1981 йилдаги 154-Конвенция ва 163-Тавсия // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.-174 б.;125 б.

IV. Адабиётлар

53. Абдуллаев А. М., Абдурахманов О.К., Зокирова Н.К. Прогнозирование и моделирование национальной экономики: Учебник. Ташкент: Фан ва технология, 2007. С.458.

54. Абдулкосимов Х. П. Иктисодий хавфсизлик. -Тошкент: Akademiya, 2006.-221 б.

55. Абдулкосимов Х. П. Ўзбекистонда иктисодий ислохотлар. -Тошкент: Академия, 2008. -132 б.

56. Абдулкосимов Х. П. ва бошқалар. Ўзбекистонда иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иктисодиётни эркинлаштириш йўллари. -Тошкент: ТДТУ, 2001. – 111 б.

57. Абдурахманов К. Х. Теоретические основы менеджмента персонала. М.: Изд-во РЭА им. Г.В. Плеханова. 2000.

58. Абдурахманов О. К. Управление охраной труда в условиях рыночной экономики. М., 2008. С.122.

59. Абдурахманов О. К. Формирование комплексной системы управления охраной труда и её эффективность в Республике Узбекистан. М., 2009. С.252.

60. Абдурахманов О.К., Рахимова Д.Н., Зокирова Н.К. Образовательный маркетинг и рынок труда. М., 2005.

61. Абдурахманов К. Х., Абдуллаев А. М., Дадабаев Ш. Х. Региональная экономика и управление. Ташкент: Фан ва технология, 2007. С.234.

62. Абдурахмонов Қ. Х., Имомов В. А. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. –Тошкент: Академия, 2008. – 84 б.

63. Абдурахмонов Қ. Х. ва бошқалар. “Меҳнатни муҳофаза қилиш” фанидан Маърузалар матни. -Тошкент: ТДИУ, 2001. -114 б.

64. Абдурахмонов Қ. Х. Меҳнат иктисодиёти. Дарслик. -Тошкент: “МЕННАТ”, 2009.– 512 б.

65. Абдурахмонов Қ. Х., Холмуинов Ш. Р., Зокирова Н. Қ. Персонални бошқариш: Дарслик. -Тошкент: “O’qituvchi” НМИУ, 2008. – 656 б.

66. Абдурахмонов К. Х., Шарифулина Т. А. Экономика и социология труда. Учебное пособие. М.: Изд-во РЭА им В.Г.Плеханова, 2002. С.63.

67. Абдурахмонов Қ. Х. Жаҳон моливиий инкирози ва

унинг Ўзбекистон меҳнат бозорига таъсири // “Биржа-эксперт” журнали. 2009 . 4-сон. 6-б.

68. А б р а м о в Н. Управление охраной труда в условиях административной реформы // Человек и труд. 2005. №3. С. 86-88.

69. А б р а м о в Н. Р. Развитие регионального правового регулирования охраны труда в Чувашской Республике // Справочник специалиста по охране труда. 2002. №1. С. 15-24.

70. А б р а м о в Н. Р. Руководство по охране труда на малых предприятиях. М.: Безопасность труда и жизни, 2003. - 52 с.

71. А б у А л и И б н С и н о. Тиб конунлари. Т., 1994.-304 б.

72. А й х и н г е р А., Ш л ы к о в В., Я к и ш П. Особенности разработки национальных стандартов, гармонизированных с международными и европейскими // Охрана труда и социальное страхование. 2004. №10. С. 3-8.

73. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-жилд. Хайрат ул-аброр. –Тошкент: Фан, 1991. -364 б.

74. Амир Темур тузуклари. –Тошкент: Навруз, 1996.-344 б.

75. А н д р е е в С. В. Охрана труда от «А» до «Я». Практическое пособие. Вып. 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С.49.

76. А р т ы к о в а Д. А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. Тошкент: Фан, 2005. С. 138.

77. Аттестация рабочих мест с последующей сертификацией работ по охране труда // Справочник специалиста по охране труда. 2007. №9.

78. Б а р а н о в Н. И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин. ОЛС Комплект, 2002.

79. Б а р а н о в с к и й И. Г. За профессиональный риск ответственен работодатель // Охрана труда и социальное страхование. 2003. №11. С.14-16.

80. Б а у м о л ь У. Чего не знал Альфред Маршалл: вклад XX столетия в экономическую теорию // Вопросы экономики. 1999. №12.

81. Б е л я р о в Ю. А., Х л о п к о в В. В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. -176 с.

82. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Тошкент: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2001.-268-269-б.

83. Буюк сиймолар, алломалар. Тошкент: А.Қодирий номидаги халк мероси нашриёти. 1995. – 39 б.

84. В л а д и м и р о в а Л. П. Прогнозирование и планирование в условиях рынка: Учеб. пособие. М., 2005.

85. В о л г и н Н. А., Гриценко Н.Н., Шарков Ф.И. Социальное государство: Учебник. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2004. - 416 с.

86. Г а б д и р а х м а н о в Ф. Международные стандарты в практику // Охрана труда и социальное страхование. 2008. №7.

87. Г а б д и р а х м а н о в Ф., Кульбовская Н. Экономические методы в управлении охраны труда. Казань: Издательский центр «Арт – кафе», 2004.

88. Г е н к и н Б. М. Экономика и социология труда: Учебник. М: Норма, 2006. С. 448.

89. Г л у х о в В. А. Объективная оценка // Охрана труда и социальное страхование. 2007. №7.

90. Г л у х о в В. А. Обязанности государства и работодателей // Справочник специалиста по охране труда. 2008. №11.

91. Г о р л о в А. Г. Охрана труда в муниципальных образованиях // Справочник специалиста по охране труда. 2002. №4. С.12-15.

92. Г о р ю н о в Н. В. Социальное партнерство: работодатель – государственная служба занятости – система кадрового обеспечения // Спрос и предложение на рынке труда и рынки образовательных услуг в регионах России: Сборник докладов. Петрозаводск, 2004. С.50-57.

93. Государственное регулирование рыночной экономики. М.:Экономическая литература, 2002.

94. Г у л я м о в С. С., Семенов Б.Д. Основы современного менеджмента. Учебное пособие. Тошкент: ТашГЭУ. 1997.

95. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати (ўқув қўлланма). –Тошкент: Академия, 2007. -150 б.

96. Дадабаев К. Возмещение вреда, причиненного здоровью работника // Справочник по кадровым вопросам. 2008. № 5.

97. Д е г т я р ь Л. Процесс трансформации и положение женщин // Вопросы экономики. 2000. №3.

98. Д ж а р м Г х а й. Достойный труд: понятие и показатели // Международный обзор труда. 2003.Т. 142. № 1-2. С.3.

99. Д ж а х а н г и р о в а Д. Обеспечение безопасных условий труда: роль профсоюзов и взаимодействия с социальными партнерами // Справочник по кадровым вопросам. 2007. №9.

100. Д р у к е р П. Задачи менеджмента в XXI веке / Пер. с англ. М.: Изд. дом «Вильямс», 2000.-272 с.
101. Европейский Кодекс социального обеспечения. 16.VI. 1964 г.
102. Е в с и к о в Ю. Создаем безопасные условия труда // Охрана труда и социальное страхование. 2007. №7.
103. Е л и н А. Условия труда и производительность // Охрана труда и социальное страхование. 2008. №5.
104. Е р м а т о в Г., И с а м у х а м е д о в Е. Мехнатни мухофаза килиш. Дарслик. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002.-384 б.
105. Е ф и м о в а Н. Ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги // “Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2007 йил. 7-сон. 29-б.
106. Е ф р и м о в О. С. Служба охраны труда в организации. Практическое пособие. М.: Альфа-Пресс, 2009. -152 с.
107. Ж у р а в л е в П. В., О д е г о в Ю. Г., В о л г и н Н. А. Управление человеческими ресурсами: опыт индустриально развитых стран. М., 2002.
108. З а й н у т д и н о в Ш. и др. Основы менеджмента. –Ташкент: Ўқитувчи, 1996.
109. З а й ц е в а Л. Кто отвечает за охрану труда в России. О правовых аспектах деятельности органов местного самоуправления в области охраны труда на современном этапе // Охрана труда и социальное страхование. 2004. №9. С.3-9.
110. З б ы ш к о Б. Г. Пути совершенствования страхования от несчастных случаев на производстве и профессиональных заболеваний // Справочник специалиста по охране труда. 2003. №11. С.36-46.
111. З б ы ш к о Б. Г. Регулирование социально трудовых отношений в сфере охраны труда - Конструктивный социальный диалог // Справочник специалиста по охране труда. 2007. №5.
112. Здоровья для всех: основная цель нового тысячелетия для Узбекистана. Доклад о человеческом развитии. 2006. ПРООН в Узбекистане . Ташкент, 2006, С.135.
113. З о к и р о в а Н. К. Внутрифирменное управление персоналом: Учебное пособие. М.:РЭА, 2004. С.141.
114. З о к и р о в а Н. К. Социально-трудовые отношения: международный и национальный аспекты. Ташкент: Фан, 2008. С.95.
115. З о к и р о в а Н., А б д у р а х м о н о в О. Инкироз:

окибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. –Тошкент: Фан ва технология, 2009.

116. Зубкова А. Социально-экономические проблемы охраны труда // Охрана труда и социальное страхование. 2005. №2. С.29-34.

117. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза: Ўзбекистон – 2005. Тошкент: Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2006. 44-45, 75-б.

118. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Тошкент: Адолат, 2004. -149 б.

119. Иоханнесбургский меморандум. Справедливость в хрупком мире. Меморандум ко Всемирному саммиту по устойчивому развитию. Вып. 1, Берлин, 2002. - 90 с.

120. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш // Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. -240 б.

121. И с а е в М. Жамоа шартномаларини тузиш ва бажарилишини назорат қилиш ишларидаги хатолар // “Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журнали. 2007 йил 10-сон. 35-б.

122. К а к а у л и н С.П., Л о г и н о в А.А. Методика оценки социально-экономической эффективности и ожидаемых результатов от реализации мероприятий по охране труда // Восточно-Сибирский вестник труда «Планирование и оценка мероприятий по охране труда». Специальный выпуск. Изд-во НОУ ВСУЦО-ТиП, 2003. С.36-55.

123. К а р н а у х Н.Н. Современный взгляд на систему управления // Справочник специалиста по охране труда. 2007. №4.

124. К а р н а у х Н.Н. Элементы системы управления охраной труда и промышленной безопасностью // Справочник специалиста по охране труда. 2008. №7.

125. К е й н с Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. с англ. Петрозаводск, 1993. - 307 с.

126. К о з ь я к о в А.Ф., Симакова Е.Н. Управление безопасностью жизнедеятельности //Приложение к журналу «Безопасность жизнедеятельности». 2003. №8. С.2-16.

127. К о к а р е в И.А. Управление персоналом в рамках концепции человеческого капитала. М., 2006. С.66.

128. Комплексное Управление промышленной безопасности, охраной труда и защитой окружающей среды // Справочник специалиста по охране труда. 2007. № 9.

129. Конвенции и рекомендации, принятые Международной конференцией труда. Женева: МБТ, 1991. Т. 1-2.

130. К о с т и н Л.А. Проблемы экономики труда (избранное). М: АТиСО, 2005. Т. 1-2.

131. К о т л и р Ф. Маркетинг. Менеджмент. /Пер. с англ. под ред. Волковой Л.А., Каптуревского Ю.Н. СПб.: Питер, 2003.- 752 с.

132. К о т л я р А.Э. О повышении эффективности занятости // Человек и труд. 1996. №1.

133. К у з н е ц о в Е. Евросоюз: в фокусе внимания - охрана труда // Человек и труд. 2004. №12. С.80-83.

134. К у л ь б о в с к а я Н.К. Каждому свое. О порядке наделения полномочиями по охране труда органов местного самоуправления // Охрана труда и социальное страхование. 2004. №2. С.3-7.

135. К у л ь б о в с к а я Н.К. Экономика охраны труда: трудный путь становления //Аналитический вестник. Аналитическое управление аппарата Совета Федерального собрания Российской Федерации. 2003. № 14 (208).С. 104-117.

136. К у л ь б о в с к а я Н. К., М а к у ш и н В. Г. Система компенсаций, предоставляемых работникам, занятым во вредных условиях труда: подходы к реформированию // Человек и труд, 2002. № 11. С. 86-88.

137. К у л ь б о в с к а я Н. К., С о л о в ь е в А. П. Научно-экономическое обеспечение охраны труда // Охрана труда и социальное страхование, 2000. № 2, С. 2-11.

138. К у л ь б о в с к а я Н. К., С т е п а н о в а Л. Л. Термины и понятия, применяемые при управлении охраной труда // Охрана труда и социальное страхование. 2003. №8, С. 22-26.

139. М а з е и н С. А. Связь профессиональных рисков с профзаболеваниями и менеджментом организации //Справочник специалиста по охране труда. 2007. № 8.

140. М а к у ш и н В.Ч. Совершенствование условий труда на промышленных предприятиях (социально-экономические проблемы). М.: Экономика, 1981.

141. М а р у с е в А. Компьютер в системе управления охра-

ной труда // Охрана труда и социальное страхование. 2001. №5, С. 11-15.

142. М а р ш а л л А. Принципы экономической науки. М., 1993.

143. Махалий иктисодиёт ва менежмент. С.С. Ғуломов тахрири остида. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 347 б.

144. Международная организация труда: конвенции, документы, материалы: Справочное пособие. М.: Дело и сервис, 2007.

145. Мескон М. Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. 3-е издание/ Пер. с англ. М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2008. 672 с.

146. Методика оценки условий труда и аттестации рабочих мест по условиям труда. Зарегистрировано Министерством юстиции РУз № 247 от 28.05.1996 г.

147. М и ш и н А. Улучшать и совершенствовать //Охрана труда и социальное страхование, 2007. № 6.

148. М и х а й л о в Ю. М. Корпоративная ситема охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа-пресс, 2009. С.7-11.

149. М у м л а д з е Р. Г. Экономика труда. М.: КНОРУС, 2007. 328 с.

150. М у х а м е т к у л о в а Л. Не жалеть средств на охрану труда //Охрана труда и социальное страхование. 2007. № 12.

151. М я с н и к о в А. Авось на сегодня не пронесет // Охрана труда и социальное страхование. 2004. № 8. С. 36-37.

152. Общие условия для стимулирования создания рабочих мест на малых и средних предприятиях. Женева, 1997.

153. Организация обучения по охране труда отдельных категорий застрахованных /Методические рекомендации для федеральных органов исполнительной власти, органов исполнительной власти субъектов Российской Федерации в области охраны труда и обучающих организаций /Под общей редакцией к.т.н. Сорокина Ю.Г., руководителя Департамента условий и охраны труда Минтруда России. М.: ГУ «Всероссийский центр охраны труда», 2004. - 170 с.

154. О с т о п е н к о Ю. М. Экономика труда: Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2007. -272 с.

155. Охрана труда. 8-е изд., доп. М.: ИНФРА, 2002.
156. Охрана труда. Учебно-практическое пособие. М.: Дело и Сервис, 2004.
157. Охрана труда: Нормативные документы (по состоянию на 01.01.2002 г.) /Сост. и общ. ред. Алексюка Н.Г. Томск: ООО «Альфаком», 2002. -555 с.
158. П а в л ю ч е н к о В. Г. Социальное страхование: Учебное пособие. М.: Торговая корпорация «Дашков и К», 2007.
159. П а р ш и н И.Н. Охрана труда в муниципальных образованиях // Справочник специалиста по охране труда. 2002. №3. С. 13-15.
160. П а ш и н Н.П. Рабочее место в промышленном процессе // Справочник специалиста по охране труда. 2008 №3.
161. П е т р о в В.А. Обеспечение функционирования системы управления охраной труда // Справочник специалиста по охране труда. 2002. №6. С. 7-13 с.
162. П о д д у б н а я Л. Благие намерения подкрепляются делами // Справочник специалиста по охране труда. 2006 №11.
163. П о п о в С.А. Экономико-статистические методы моделирования. М., 1999.
164. Порядок проведения аттестации рабочих мест при использовании труда инвалидов на производстве. Зарегистрировано Министерством юстиции РУз № 839 от 18.11.1999 г.
165. Преображенский В.Б. Концептуальные аспекты совершенствования системы управления охраной труда // Справочник специалиста по охране труда. 2007. №7.
166. П р о в о д н и к о в а Е.А., Л е б е д е в а Н.В. Управление профессиональным риском // Справочник специалиста по охране труда. 2007. №8.
167. Р а д к е в и ч М. Мехнатнинг оғирлигини баҳолаш (жисмоний зўриқишлар) // “Кадрлар бўйича маълумотнома” журна-ли. 2008 йил. 9-сон. 27-б.
168. Р а д к е в и ч М. Обучение охраны труда // Справочник специалиста по охране труда. 2009. №1.
169. Р а д к е в и ч М. Корхоналарда иш жойларини аттестациядан ўтказиш // “Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома” журна-ли. 2009 йил, 6-сон. 25-б.

170. Раздорожный А.А. Охрана труда и производственная безопасность. М.: Экзамен, 2007.

171. Рахимова Д., Абдурахмонов О.Қ. Меҳнат бозорини тартибга солишда таълим тизимининг роли. – Тошкент: «Akademiyа», 2005.

172. Рахимова Д., Абдурахманов О.К., Зокирова Н.К. Образовательный маркетинг и рынок труда. М., 2005.-172 с.

173. Рикардо Д. Начало политической экономии. Соч. М., 1955.

174. Роиқ В. Д. Аспекти управления условиями и охраной труда // Охрана труда и социальное страхование. 2005. №4. С.74-78

175. Роиқ В.Д. Профессиональный риск: оценка и управление. М.: Анкил, 2004.

176. Роиқ В.Д. Управление условиями и охраны труда: Учебное пособие. М.: РАГС, 2004.

177. Российская энциклопедия по охране труда: В 3 т. 2-е изд. и доп. М.: Изд-во НЦ ЭНАС, 2006.

178. Руденко Г.Г., Муртазаев Б.Ч. Формирование рынков труда: Учеб. пособие / Под ред. Одегова Ю.Г. М., 2004.

179. Сазанская Л.А. Реализация полномочий по государственному управлению охраной труда на муниципальном уровне // Справочник специалиста по охране труда. 2008 № 5.

180. Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнерство в сфере образования. М.: КД «Труд», 2006. - 240 с.

181. Синяшина Е. Аттестация рабочих по условиям труда // Справочник по кадровым вопросам. 2008 № 3.

182. Синяшина Е. Ишлаб чиқариш мухитининг зарали ва хавфли омиллари // Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2008 йил, 6-сон. -37 б.

183. Система управления охраной труда в организации: Метод. пособие /разр. Тимановская Г.Г. Изд-во «Вента-2», 2002. - 80 с.

184. Слесингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 1996.-336 с.

185. Современная экономика труда: Монография /Под ред. Кулинова В.В. М.: ЗАО Финстатинформ, 2001.-660 с.

186. С о л о в ь е в А. Управление охраной труда и административная реформа // Охрана труда и социальное страхование. 2004 № 6. С. 3-6 .

187. С о л о в ь е в А.П. Государство и охрана труда: система управления на рубеже веков. Проблемы. Решения, Прогнозы. М.: ВЦОТ, 2000. -132 с.

188. Содружество Независимых Государств. М.: Статкомитет СНГ, 2005. С.143.

189. Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. Ташкент: Госкомстат Узбекистана, 2005.

190. Справочник специалиста по охране труда: Сб. нормативных документов. Екатеринбург, 2001. - 248 с.

191. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2006. Ташкент: Госкомстат Узбекистана, 2007.С.134-139.

192. С у п я н В. Сфера труда в США: новые тенденции и вызовы XXI в // Проблемы теории и практики управления. 2001. № 3. С 96-101 .

193. Т а л а л а е в А.А., К о с а ч е в В.Е., П р о н и н А.А. Система управления охраной труда в электросетевой компании // Справочник специалиста по охране труда. 2007. № 11.

194. Т а ю р с к а я Е. Как улучшить положение с трудоустройством // Человек и труд. 2004. №4.

195. Темур тузуклари. –Тошкент: Шарк, 2005. -78 б.

196. Т у д о с А. Охрана труда в коротких штанишках //Охрана труда и социальное страхование. 2004. № 10. С. 3-7.

197. Т у р с у н о в Ш.Х. Социально-экономическое развитие региона в условиях рыночной экономики// Материалы международной научной конференции «Двадцатые Международные Плехановские чтения:“Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях». М., 2007.

198. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики / Колл. авт.: Алимов О.А., Бедринцев А.К., Расулев А.Ф. и др. / Под ред. Хикматова А.Х. Ташкент: Ўзбекистон, 2001.

199. У м у р з а к о в Б.Х. Методологические основы исследования проблем пенсионного обеспечения в системе социальной защиты населения// Общественные науки Узбекистана. 2004. №2-3. С.27-32.

200. У м у р з о к о в Б.Х., Р а х и м о в Н.Х. Меҳнат муносабатлари ва менежмент. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

201. Ф а й н б у р г Г.З. Охрана труда на рубеже третьего тысячелетия // Охрана труда и социальное страхование. 2001. № 4.С 31-33 .

202. Ф а р о б и й . Фозил кишилар шахри. – Тошкент, 1990. -223 б.

203. Ф е д и н В. На основе оценки профессиональных рисков // Охрана труда и социальное страхование. 2008. № 8.

204. Ф л о р о в О.П. О проекте программы «Снижение смертности, травматизма и профессиональных заболеваний на производстве в Российской Федерации на 2007-2009 годы» // Справочник специалиста по охране труда. 2007. № 3.

205. Ф о м и н А.Д. Руководство по охране труда. М: Апрохим-Пресс, 2003. -224 с.

206. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008. 26-178- б.

207. Х о д и е в Б.Ю. и др. Менеджмент информационных систем. Ташкент: Фан, 2007. -300 с.

208. Ч е п е л ь С.В., Ш и б а р ш о в а Л.И., Ф а т т а х о в а Ж.А. Макроэкономика: ситуационные примеры экономического развития Республики Узбекистан: Учебное пособие. М.:Российская экономическая академия им. Г.В.Плеханова, 2007. С. 25.

209. Ш е в ч е н к о С.И. Социальное партнерство в основе управления охраной труда // Справочник специалиста по охране труда. 2008. № 4.

210. Ш и р ш к о в А.И. Менеджмент охраны труда: Учебник. Ростов-на-Дону: Феникс, 2001.-384 с.

211. Ш о д м о н о в Ш.Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. – Тошкент: Молия, 2002.-416 б.

212. Экономика охраны труда/ Под общей ред.проф., д.т.н. Петросянца Э.В. М.: НИИ проблем охраны труда, 2001. - 110 с.

213. Экономика труда (социально-трудовые отношения) / Под ред. Волгина Н.А., Одегова Ю.Г. М.: Экзамен, 2008.

214. Экономика труда. /Под ред. Горилова Н.А. СПб.: Питер, 2007. -208 с.

215. Экономика труда: Учебник / Под ред. Кокина Ю.П., Шлендера П.Э. М.: Магистр, 2008.

216. Экономическая теория. Учебник. / Под научн. ред. акад. Абдурахманова К.Х и др. Ташкент: Шарк. 1999.

217. Энциклопедия по безопасности и гигиене труда: в 4-х томах / Ред. кол.: Починок А. и др. М.: Министерство труда и социального развития РФ, 2001.

218. Эргашев Ф., Рахимова Д. ва бошқалар. Иннацион менежмент. Тошкент: Akademiya, 2005. -239 с.

219. Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. М.: Изд. МГУ, 1996. -133 с.

220. Юнусов Б.Х. и др. Руководство по охране труда на предприятиях. Изд-во «Фаргона», 2004.

221. Юсуф Хосхожиб. Кутудғу билиг, Тошкент, 1990.-158 б.

222. Ўзбекистон аёллари ва эркаклари. Статистик тўплам. www.genderstat.uz.

223. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. -631б.

224. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлари тўплами. Тошкент: Адолат, 2000. 87-100 б.

225. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўқув қўлланма. -Тошкент: “Шарк”, 2002.-368 б.

226. Atkinzon, Anthony, and Micklewright, John. “Unemployment compensation and Labor Market Transitions: A Critical Review” *Journal of Economic Literature* 29 (December 1991): 1679-1727.

227. Edvinsson L., Malone M. Intellectual capital. Realizing your company's true value by finding its hidden roots. - N.Y, Harper business, a Division of Harper-Collins publishers, 1997.

228. Green K. Nontraditional education: alternative ways to earn your credentials // *Occupational outlook quarterly*. - Wash., 1996. - Vol.40, № 2. - P.23-35.

229. Hedlund G. The intensity and extensity of knowledge and the multinational corporation as a nearly recomposable system

(NRS) // Management intern, rev. - Wiesbaden, 1999. - Vol.39, ML-P.5-54.

230. Friedman M. The Role of Monetary Policy // Amer. Econ. Rev. 1968. Vol. 58. March, P. 8.

231. Karger Howard Jacob, Stoesz David. American Social Welfare Policy: A Pluralist Approach. Longman. 1994.

232. Johnson S., McMillan J., Woodruff Ch. Job creation in the private sector: Poland, Romania, Russia, Slovakia and Ukraine compared. - Moscow: RECEP, 1998.

233. Mendenhall M. On the need for paradigmatic integration in international human resource management // Management intern, rev. - Wiesbaden, 1999 - Vol.39 № 3 - P.65-87.

234. Morgan R., Stencmand D. US university research contributions to industry // Science a. Publ. Policy. - Guildford, 2001. - Vol.28, № 2, - P.113-121.

235. Pavitt K. Why European Union funding of academic research should be increased: a radical proposal // Science a. Publ. Policy. - Guildford, 2000. - Vol.27, № 6. - P.455-460.

236. Stewart T. Intellectual capital. The new wealth of organizations. - New York; London; Doubleday/Currency, 1997.

V. Интернет сайтлар

237. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.

238. www.mintrud.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.

239. www.mineconomi.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг сайти.

240. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг сайти.

241. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмтасининг сайти.

242. www.cer.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тадқиқотлар маркази сайти.

243. www.undp.uz – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколат-хонаси сайти.

244. www.evrostat.com – Европа Иттифоқи статистика маҳкамасининг сайти.

245. [http /:www.le\[.uz](http://www.le[.uz) – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатлари сайти.

246. [www.safework.ru/ILO/28 aprabout.shtm](http://www.safework.ru/ILO/28%20about.shtm) – Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Хавфсиз меҳнат учун” дастури сайти.

247. [www.org. safework](http://www.org.safework) – сайт Санкт-Петербургского центра охраны труда, промышленной безопасности и социального партнерства.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	6
1.1. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида ижтимоий-меҳнат муносабатлари	6
1.2. “Меҳнат муҳофазаси” ва “меҳнат шароитлари” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уларнинг амалиётда қўлланиши генезиси	31
1.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ва унинг халқаро стандартларга мувофиқлиги	52
II БОБ. МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ САЛБIIЙ ОҚИБАТЛАРИДАН ИЖТИМОIIЙ СУҒУРТАЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	73
2.1. Ноқулай меҳнат шароитларининг ижтимоий-иқти- содий оқибатлари ва уларни яхшилаш бўйича чоралар	73
2.2. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашни мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш орқали прогнозли бошқариш	96
2.3. Касб хавфини аниқлаш услубиёти ва бахтсиз ходисаларни ижтимоий суғурталаш	111
2.4. Ижтимоий шериклик механизми асосида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш	136
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ.....	148
3.1. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш миллий тизимининг ташкилий таркиби	148
3.2. Минтақалар ва маҳаллий даражада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими	172
3.3. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш	191

3.4. Кичик бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш хусусиятлари	227
3.5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш	245

IV БОБ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪМИНОТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ 257

4.1. Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга харажатларни молиялаштириш	257
4.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини услубий баҳолаш ..	273
4.3. Иш берувчиларни хавфсиз меҳнат шароитлари яратиши учун иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш	287

ХУЛОСА	301
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	306

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий Маркази Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: *М.Содиқова*
Техмуҳаррир: *Н.Қодиров*

Нашриёт раками: 3-168. Босишга рухсат этилди: 08.01.2010й.

Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Офсет қоғози.

Ҳисоб-нашриёт т. 16,0. Шартли босма т. 20,5.

6-буюртма. 160 нусхада.

Келишилган нархда

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 100170,
Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

“КО‘НИ NUR” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, Машинасозлар мавзеси, 4-уй.